

ДАВРНИ  
БЕЛГИЛАБ БЕРГАН  
ИНСОН

Мурод Шарифхўжаев  
Фахри Раҳимов

**МУРОД ШАРИФХЎЖАЕВ  
ФАХРИ РАҲИМОВ**

# **ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ИНСОН**

*Мустақил Ўзбекистоннинг  
илмий-публицистик қиёфаси*

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2004**


32C  
1126

66, 3  
111 259

Ушбу китобда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Мурод Шарифхўжаев ва юридик фанлари доктори Фаҳри Раҳимовнинг кейинги йилларда Россиянинг «Труд» газетасида чоп этилган мақолалари жамланган.

Мақолаларда Ўзбекистондаги миллий тикланиш, давлатчиликнинг юксалиш жараёнлари чуқур таҳлил қилинади, назарий ва амалий умумлашмалар орқали жамиятнинг демократик ривожланиш йўли тўғрисида хулосалар чиқарилади, давлат бошлиғининг сиёсий сиймосига чизгилар берилади.

Нашр учун маъсул — *Х. Султонов*  
Маъсул муҳаррир — *А. Тошхўжаев*  
Тузувчи — *В. Бирюков*



© Книжный дом газеты «Труд», 2004.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2004.



**SamISI**  
Inv № 437150

*Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, мамлакатимизга, эртага ўрнимизга келадиган авлодларга улкан имконият ва истиқболлар эшигини очадиган ҳаётга қадам қўйдик. Албатта, ҳаммамиз яхши тушунардики, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш осон эмас эди ва бу ҳақиқатни йиллар ўтгани сайин тобора кўпроқ ва аниқ англамоқдамиз.*

*Энг муҳими, бугун ана шу мақсад-муддаоларга — мустақил давлат, эркин жамият ва фаровон ҳаёт қуриш, содда қилиб айтганда, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш учун интилиш кенг жамоатчилигимиз, халқимизнинг онгу тафаккури, амалий ҳаракатларида тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда...*

*Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади, керак бўлса, ўзининг мустақил овозига эга бўлди...*

*Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистонда ислохотлар муқаррар тус олди. Энди уларни ортга қайтариб бўлмайди.*

*XXI аср — шиддаткор тезликлар асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр.*

**Ислоҳ КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Россия билан ўз муносабатларини миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, прагматик асосда қурмоқда. Бунда биз Ўзбекистон томонидан Россия билан муносабатларни ривожлантиришга ҳақиқий ҳозирлик ва манфаатдорликни кўрмоқдамизки, бу ҳолат амалий қадамларимиз орқали ўз ижросини топмоқда. Биз Ўзбекистоннинг бундай даъватига нафақат тайёрмиз, балки уни қўллаб-қувватлаш ниятидамиз. Чунки биз ўзаро муносабатларимизни турли соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдормиз.*

*Ўзбекистон Президенти билан ўртамизда жуда яхши шахсий муносабатлар шаклланмоқда. Ўзбекистоннинг Россияда катта манфаатлари бор. Биз бу манфаатларни тан оламиз ва ҳурмат қиламиз. Бизнинг муносабатларимиз ана шу асосда ва шунингдек, ички ишларимизга мутлақо аралашмаслик асосида давлатлараро даражада барпо этилмоқда.*

**Владимир ПУТИН**

*Ўзбекистон Республикаси*  
*мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланади*

## МУАЛЛИФЛАРДАН

Бу йил Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 13 йиллигини нишонлайди. Республика тарихан қисқа фурсатда юз йилларга тенг йўлни босиб ўтди. Истиқлол йилларида инсонпарвар ҳуқуқий демократик дунёвий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустақам конституциявий-ҳуқуқий асоси яратилди, мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси Ислом Каримовнинг яхлит сиёсий, ҳуқуқий, ғоявий таълимоти асосида давлатнинг ривожланиш стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилди.

«Труд» газетасида чоп этилган, бугун китоб ҳолида эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақолаларда Ўзбекистоннинг ўз буюк келажаги сари босиб ўтган тарихий йўли таҳлил этилган, мамлакатдаги дунёвий давлат, фуқаролик жамияти қуришга доир ижобий ва ибратли тажрибаларни назарий ва амалий жиҳатдан умумлаштиришга ҳаракат қилинган, мустақил Ўзбекистоннинг публицистик қиёфаси яратилиб, Президент Ислом Каримовнинг сиёсий портретига чизгилар берилган.

Китобда шаклланиб келаётган истиқлол мафқурасининг назарий масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Миллий мафқурани шакллантириш бўйича муайян ғоялар тизими ва уларни ҳаётга жорий этиш тамойиллари ёритилди.

Мақолаларнинг бир қисми жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш муаммоларига, хусусан, давлат ва жамият қурилиши ва шунингдек, суд-ҳуқуқ тизими ислохотларини чуқурлаштириш масалаларига бағишланган.

Мамлакатнинг мустақиллик йўлидан ривожланиб, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш борасидаги ҳаракатларини ўрганишга қаратилган ижодий жараён келгусида яна давом этади.

# ЯНГИТДАН ТИКЛАНГАН МАМЛАКАТ

*(Сўзбоши ўрнида)*

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўн икки йиллигини нишонлади. Қадимий ривоятларга кўра, ҳар ўн икки йил бутун бир давр — мучал бўлиб, у инсонлар учун яхлит бир ҳаёт тизими, ақлий-жисмоний ва маънавий-ахлоқий камолотнинг бетакрор мезони ҳисобланади. Энг муҳими — кейинги сифат босқичи, интеллектуал ҳамда маданий такомилликнинг пойдевори саналади. Кейинги мучал-туркумларнинг тақдири ана шу дастлабки ўн икки йилнинг маъно-мазмун жиҳатидан қандай бўлишига боғлиқ. Ҳаёт, вақт қонунияти, диалектикаси шундай.

Ўтган, ҳозирги ва келаси замонлардан иборат вақт ўлчовлари, уларнинг фалсафий ворисийлиги ўзаро уйғундир. Агар давлат ва жамиятга нисбатан ҳам шундай уйғунлик сақланса, улар ривожланади, гуллаб-яшнайдди. Аксинча бўлса, унда таназзул ва инқироз юз бериши муқаррар.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йили шуни кўрсатдики, халқ буюк келажак ҳақидаги орзусини биринчи кундан оқ асраб-авайлади. Бу орзу давлатнинг тараққиёт стратегиясини белгилаб берди. Ва бу стратегия Ўзбек моделининг кўпчиликлари яхши таниш бўлган беш тамойилида намоён бўлди. Ана шу тамойилларнинг ташаббускори ва миллий тараққиёт стратегиясини кашф этган шахс — мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва биринчи раҳбари бўлди. У мамлакат ва миллатнинг тиклаш жараёнига раҳбарлик қилди. Халқнинг шарафли ўтмиши жаҳон

цивилизацияси тарихида ёрқин из қолдирган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк даҳолар номи билан боғлиқ. Агар биз ўз илдизларимизни яхши билсак, ҳозирги замонда йўл танлашимиз, барча катта-кичик юртдошларимиз учун ширга айланиб қолган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган сўзлар замирида мужассам бўлган ёруғ истиқболга етишишимиз ҳам осон кечади.

Вақт тушунчаси — бу кеча, бугун ва келажакнинг яхлитлиги демакдир.

Миллий тараққиёт моделининг беш тамойили, мустақиллик пойдеворининг асоси сифатида ғоядан амалий тажрибага айланиб, мустақил Ўзбекистоннинг кучли фуқаролик жамияти сари йўналган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сиёсатидаги конституциявий мақомини белгилаб берди.

Ўз салоҳиятига ишонган, улуғ тарих ва юксак миллий қадр-қимматга эга бўлган халқ олдида келажаги буюк дунёвий давлат барпо этиш учун ноёб тарихий имконият юзага келди. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ўн икки йиллик давридан чиқадиган энг асосий хулоса — мана шу!

## ДАВР АҲАМИЯТИГА МОЛИК ШАХС

Мустабид тузумнинг сиёсий ва мафкуравий ўзривонлиги барҳам топгач, ўз умрини яшаб бўлган яккаҳоқим дунёқараш билан курашда, ўз моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги дунёвий демократик цивилизация вужудга келди. Мустақиллик даври, миллий тикланиш жараёни сифатида, табиийки, буюк сиймоларга эҳтиёж сезарди ва қонуний равишда бу вазият тафаккур қудрати, азму шижоати ва қатъияти, серқирра билими билан ажралиб турадиган улуг шахсни майдонга чиқариши зарур эди. Объектив тарихий эҳтиёж маҳсули ўлароқ, бундай қудратли тафаккур эгалари давр аҳамиятига молик, миллат ва халқ тақдирини белгилаб берадиган оламшумул шахсларга айланадилар. Мустақил Ўзбекистон учун бундай шахс — мустақил дунёвий давлат асосчиси, ўзбек жамиятининг буюк демократик келажак йўлидан ривожланиш стратегиясини тарихий аниқ белгилаб берган Ислом Каримов бўлди.

У асосчи бўлишдек улкан масъулиятни, миллий тикланиш жараёнининг ўтиш даврига хос ўта оғир юкини ҳеч иккиланмасдан, мислсиз жасорат ва мардлик, масъулият билан ўз зиммасига олди. У ўзини мустабид тузум ҳалокатга юз тутган таҳликали бир вазиятда давлат раҳбари сифатидаги тарихий вазифасини қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яхши англади ва аниқ тасаввур қилди. Айнан шу боис у эски, ўз умрини ўтаб бўлган партия-номенклатура тизимини дадиллик билан тубдан ислоҳ этишга киришди. Ўзбекистонда 1990 йилдаёқ собиқ

иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб бошқарувнинг Президентлик институти жорий этилди, шу тариқа бутун шўро худудини қамраб олган талотўплар, иккиланишлар, турли тарафларга оғиб кетишлар авж олган бир шароитда республикада давлат иродаси ва қатъиятининг заифлашувига йўл қўймади. Президент ўз олдига бир-биридан мураккаб, оғир вазифаларни қўйди, уларнинг аксарияти ҳозирда бажарилди. Мурватлари бўшашиб кетган давлат машинаси шароитида республикада 80-йилларнинг охирларида ҳукм сурган анархияга қарши кураш олиб борди, реал тарзда мавжуд бўлган, ўзаро уруш бошлашдан ҳам тап тортмасдан хатарли кучлар билан тўғридан-тўғри мардона ва қаҳрамонларча мулоқотга киришди. Бу ўринда, гап, биринчи галда, месхети турклари билан, қирғизлар билан юзага келган кескин миллатлараро можаролар ҳақида кетмоқда. Фақат республика раҳбарининг қатъияти ва дадил саъй-ҳаракатлари туфайлигина минтақада қон тўкилишининг олди олинди. Ўзбекистон Президентининг бу тарихий хизмати кейинчалик, нафақат, қўшни давлатлар раҳбарлари, балки ўтиш даври солномачилари томонидан ҳам холисона баҳоланди.

Ўзбекистон Президенти, бошқа республикалар раҳбарларидан фарқли ўлароқ, мустақил давлатга асос солиб, ўз халқини ҳеч қандай қурбонлар ва қон тўкишларсиз, янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг, деган тамойил асосида, миллий тараққиётни инқилобий тарзда эмас, балки тадрижий равишда таъминлаган ҳолда, мустақилликка олиб чиқди.

Вазиятни ва бошқарув жиловини ўз қўлига олиб, ҳал қилиниши зарур бўлган оғир вазифаларни орқага суриб қўймади. Уларнинг орасидан, биринчи навбат-

да, давлатнинг ривожланишига доимо тўғаноқ бўладиган кенг кўламли ишларни амалга оширишга монелик қиладиган, нафақат Ўзбекистоннинг, балки кўшни республиканинг ҳам мустақил давлат сифатида бундан кейин яшаб қолишига хавф соладиган энг қалтис муаммоларни ечишга қатъий киришди.

Ўзбекистон етакчиси, бундан буён муаммоларни ҳал қилишдан ўзини четга олиш, мавжуд хавф-хатар ва таҳдидларга тик қараб уларга қарши боришдан кўра хавфлироқ, деб ҳисоблайди. Чунки одамлар қуруқ ваъдаларга энди ишонмай қўйган, янги ҳокимият эса ҳали мустаҳкамланиб улгурмаган эди. Давлат машинасининг мотори бўлмиш ижро ҳокимияти зўрға нафас олар, уни жойидан кўзғатишга уринишингиз билан дами чиқмай қоларди. Бундай шароитда одамлар албатта ўзидан бошқага ишонмас, на қонуннинг кучини, на ҳокимият идораларининг адолатлилигини тан оларди. Модомики шундай экан, уларга бундай ҳокимиятнинг нима кераги бор?

Жамиятдаги мана шундай патос босиб кетган яра-лардан бири — ёвузликлари билан ном чиқарган жиноятчилик эди. Мамлакат етакчиси мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, бу офатга қарши кескин кураш бошлади. Қонун устуворлиги, ҳамма учун баробар бўлган ҳуқуқ ҳукмронлиги сари реал қадам ташланди. Жиноятчиликка қақшатқич зарба берилди.

Ўтиш даврининг бошқа оғир муаммолари ҳам ўз вақтида босқичма-босқич ҳал этиб борилди. Бундай вазиятларда фақат очиқ кураш бошлаб, ғалаба қозониш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Президентнинг қатъий ҳаётий позицияси, ошкора сиёсий ва инсоний иродаси шундай. Одамлар тарихан қисқа муддатда Йўлбошчи нимани энг муҳим ва ҳал

қилувчи масала, деб ҳисоблашини мамлакат сиёсати ҳамда иқтисодиётида қандай амалий ишларни амалга оширганини, унинг сиёсий режалари нималардан иборат эканини баҳолаш имконига эга бўлди.

Бу саволларга жавоб топиш лозим ва шарт эди. Ва шундай жавоб ҳеч қандай воситачиларсиз топилди: Бу — халқ турмуш тарзининг тарихий, маънавий анъаналари ва ўзига хослигини инобатга олган ҳолда концептуал ишлаб чиқилган беш тамойилдан иборат миллий тараққиётнинг ўзбек модели, стратегияси эди.

Маълумки, ҳар қандай дастур асосий мақсадларни белгилаб олишдан бошланади. Давлат дастури эса одамларни, жамиятнинг барча фуқароларини бирлаштиришга кўмаклашадиган ишлардан бошланади. Дастур яхлит ва бирон бир натижа берадиган бўлиши учун давлат сиёсатининг барча таркибий (иқтисодий, сиёсий, маънавий, халқаро ва бошқа) қисмларини концептуал асосда бирлаштириш ва ягона давлат платформасини шакллантириши лозим.

Ёш мустақил Ўзбекистон фуқароси учун, дастлаб оилада шаклланадиган, ватанпарварликнинг негизини ташкил этадиган ахлоқий асослар муҳим эди. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бусиз Ўзбекистон учун нафақат миллий қадр-қиммат, ҳатто миллий суверенитетни ҳам унутишга тўғри келар эди.

Айнан шу омил тақдириломон ишларнинг дебоҳаси эди. Етакчининг вазифаси жамиятни оламшумул стратегик мақсадлар сари руҳлантириш, ҳамма нарсани жой-жойига қўйиш, одамларга ўз кучига ишонишида ёрдам беришдан иборат эди. Ягона команда бўлиб ҳаракат қилиш руҳи фақат шундай шаклланади, ғалабага фақат шундай эришилади.

Буни яхши тушунган мамлакат раҳбари миллий тикланишнинг негизида ётган муаммоларни мардона, очиқ тан олди, устувор йўналишларни аниқ белгилаб берди, шундан кейингина Ўзбекистонни янги тараққиёт сари бошлади.

Шу тариқа Ўзбекистон бир сифат босқичидан бошқасига ўтиш йўлида ўзи учун зарур бўлган айнан шундай инсонни танлади.

Йўлбошчи шахсининг давр аҳамиятига моликлиги, биринчи галда, унинг реалистик, харизматик ва рационал хусусиятлари билан боғлиқ. Мамлакатнинг буюк келажагини таъминлайдиган стратегик тараққиёт дастурини айнан шу инсон ишлаб чиққани учун ҳам уни ҳақли равишда «буюк тафаккур соҳиби», деб ҳурмат қилишади. У илгари сурган тараққиётнинг ўзбек модели ғоялари эркин инсон ва мустақил жамият манфаатларига тўлиқ жавоб бергани учун Каримовни прагматик-ислоҳотчи сифатида эътироф этишади. Каримовнинг ноёб реформаторлик қобилияти нафақат ғояга, балки кўпроқ уни амалиётга жорий этишга асосланган.

Башарият тарихида қанчадан-қанча жозибали ғоялар бўлган, фақат камдан-кам ҳоллардагина уларни амалда рўёбга чиқаришга эришилган. Фақат фавқулодда қобилиятга эга етакчиларгагина шундай шараф насиб этган. Чунки фақат давр аҳамиятига молик буюк шахсларгина цивилизацияга, келажакка олиб борадиган йўлларни нурафшон этадиган катта, истиқболли ғояларни амалга оширишга қодир бўлади.

Ўзбекистон Президентини ҳам ҳақли равишда шундай шахслар сирасига қўшиш мумкин. Бунинг асоси бор, албатта. Биринчидан, айнан Каримов ўз халқи мустақиллигини таъминлаб, давлат бошлиғи

сифатида Ўзбекистон учун суверен тараққиёт йўлини танлади, бутун дунёда умумэтироф этилган ўзбек моделининг машҳур беш тамойилини миллий тикланиш стратегиясининг яхлит концепцияси сифатида ишлаб чиқди.

Беш тамойил мустақил тараққиёт асосини яратди, ислохотлар унинг негизида амалга оширилди ва оширилмоқда.

Иккинчидан, ана шу ҳаётий муҳим тамойиллар асосида, шунингдек, эришилган ютуқларга, аҳолининг олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда, уни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Бунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш устувор вазифа этиб белгиланди.

Учинчидан, замон, ҳаётнинг ўзи жамият олдига қўйган янги муаммо ва вазифаларга жавоб тариқасида етти устувор йўналиш ва уларни амалга оширишга қаратилган аниқ мақсадларни ўз ичига олган янги стратегия илгари сурилди. Мазкур стратегиянинг мақсад ва вазифалари мамлакатни, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишга қаратилган ислохотларнинг давомийлиги ва изчиллигини, ошкоралиги ва аниқ мақсадга йўналтирилганини таъминлаган ҳолда, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдан иборат.

Шу тариқа биринчи Президент сиёсий фалсафасининг энг янги ғоялари мустақил Ўзбекистоннинг «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари», деган стратегияси назарий асосига айланди.

Мухтасар айтганда, XX аср Ўзбекистон учун давр аҳамиятига молик бўлган шахс — мустақил давлатнинг асосчиси ва биринчи Президентини кашф қилди.

## ҒОЯЛАР МАЖМУИ

Мустақил ривожланиш ва тараққиёт стратегияси Ўзбек моделининг беш тамойили асосида қурилган. Унга кўра, иқтисодиёт ҳар қандай мафкуравий аралашувдан холи, сиёсатдан устувор бўлди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг шундай мураккаб даврида давлат, ташаббус ва бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, бош ислохотчи вазифасини бажарди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш – асосий мақсад қилиб белгиланди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва бу жараёнда кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш устувор сиёсатга айланди. Сиёсий назариянинг бу ғояларини энг муҳим ва ҳал қилувчи тамойиллар сифатида белгилаш уларни амалда рўёбга чиқариш имконини берди ва бермоқда. Ҳар бир тамойил – ғоя, давлат ва жамиятнинг, уларнинг ягона муштарак дастур асосида ривожланишининг бош стратегик мақсад-вазифасига умумлашма ҳолда, яхлит ғоялар мажмуига айланди.

Айни пайтда, асосий тамойиллар негизидаги мустақил демократик тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичлари қонуний тарзда янги ғоялар, янги стратегияни талаб этарди. Ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш XXI аср бўсағасида ва янги асрнинг дастлабки йилларида жамиятда амалга ошириладиган ислохотлар ва ўзгаришлар стратегиясининг моҳиятини ташкил этди.

Қонун ижодкорлиги соҳасидаги муаммолар, заиф жиҳатлар ва камчиликларни танқидий баҳолаш бу

жараёнга янада кўпроқ қатъият ва изчиллик бахш этди. Олтига устувор йўналиш асосида ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли, ўз моҳият-этиборига кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятни демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қарамоқда.

Кўйидагилар жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди: а) мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш; б) жамият маънавиятини янада юксалтириш; в) кадрлар масаласи; г) халқ турмуш даражасини изчил ва барқарор ўстириш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш; д) иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш; е) жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш.

Маълумки, давлат ва жамият тадрижий ривожининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи олдинга сурадиган шарт ва талабларни ҳисобга олишни тақозо этади. Ўзбекистон истиқлол йўлидан борар экан, ўз олдига мураккаб, лекин бемалол бажарса бўладиган вазифаларни қўйган ҳолда, XXI аср бошларида халқ фаровонлигини ва тинчлигини таъминлаш борасида янги марраларни қўлга киритди. Янги муаммолар, янги вазифаларни ҳал эта бориб, мамлакатни, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялашга қаратилган ислохотларни сифат жиҳатидан янги бос-

SamLSI

ИИВ № 457-130

17

қичга кўтариб, Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг истиқболга мўлжалланган янги дастурини ишлаб чиқди.

**Яхлит, муштарак ғоялар мажмуи бўлмиш ушбу дастурнинг янгилigi унда зикр этилган қуйидаги мақсад ва вазифалар билан изоҳланади: мустақилликнинг устуворлиги; мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш; бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодий шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодий тамойилларини жорий этиш; инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш; жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамиятини кескин кучайтириш; суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари; олиб борилаётган барча ислохотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили, инсон мезони.**

Бу устувор йўналишларнинг барчаси ўзаро муштарак бўлиб, мустақилликнинг биринчи кунларида ноқ изчил амалга ошириб келинаётган давлат ва жамият қурилишини янгिलाш ҳамда модернизация қилиш сиёсатининг объектив мантиқий давоми бўлиб

ҳисобланади. Бу моҳият-эътиборига кўра, бутун дунё «Ўзбек модели», деб атаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишига оид беш тамойилнинг янги босқичда намоён бўлишидир.

Муаллифларнинг ана шу устувор йўналишларнинг ҳар бирига бағишланган, «Труд» газетасида чоп этилган таҳлилий мақолалари ҳам мазкур китобдан ўрин олган.

Бу ғоялар мажмуи мустақил мамлакатнинг ўз буюк келажаги сари ривожланишига қаратилган ҳамда миллий тикланиш жараёнларининг сиёсий ва назарий-мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилади.

## ДЕМОКРАТИЯ – ҚОНУН ҲУҚМРОНЛИГИДИР

Ўзбекистон раҳбарининг «Мустақиллик – бу ҳуқуқ демакдир», «Куч – адолатда, қонун устуворлигида, унинг инсонпарварлигида», «Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг» каби тамойилларга асосланган сиёсий-ҳуқуқий фалсафаси қонунчиликни ҳурмат қилишга, яъни қонун устуворлигига таянади. Президентнинг қатъий ишончига кўра, қонун ҳамма нарсадан юқори туриши керак, зеро, қонун устувор бўлган жойда эркинлик бўлади. Давлат бошлиғи ижтимоий фаолиятда қонунни менсимаслик одатий ҳол бўлган мустабид тузумдан мерос қолган қонунсизлик, қонунга ишончсизлик ва ҳуқуқий саводсизликка қарши кураш эълон қилди. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатни мустақил ривожлантиришнинг устувор стратегиясини ишлаб чиқишда қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини, қонуннинг ҳукмронлигини, жамият манфаатлари ҳимояси ва аҳоли хавфсизлиги кафолати бўлмиш қонун устуворлиги тамойилига, ҳуқуқий давлатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

«Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди», – деб ёзади Президент «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида.

Ўз концепциясини белгилашда Ислом Каримов

ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси бўлмиш барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонун устунлигини таъминлашнинг умум-эътироф этилган, демократик цивилизациялашган қоидаларидан келиб чиқади. Бу қоидалар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мамлакат Асосий Қонунига алоҳида боб сифатида кирган.

Таъкидлаш жоизки, Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда мамлакат Президентининг ўзи бевосита иштирок этган. Халқ сиёсий донишмандлиги ва тафаккурининг маҳсули бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари соҳасидаги кўпгина ижобий янгиликлар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги барча принципиал қоидалар – инсон ҳаёти, шахси ва эркинлигининг дахлсизлиги ўзифодасини топган.

Мамлакат Асосий Қонуни халқнинг конституциявий мақсади – қонун устувор бўлиши шарт ва зарур бўлган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини аниқлаб берди. Чунки демократия ўз лавозимига кўра қонунни ҳимоя қиладиган шахслар зўравонлиги эмас, балки қонун ҳукмронлиги, демакдир.

Жамият қатъий ва умумэътироф этилган қоидаларсиз яшай олмайди. Давлатдаги қоида эса – бу қонун, конституциявий интизом ва тартиб. Бу фуқаронинг оиласи ва мулки хавфсизлиги, унинг шахсий хавфсизлиги ва белгиланган тартиб қоидаларининг ўзгармаслигига бўлган ишончи.

Бу борадаги ишни давлатнинг ўзидан бошлашига тўғри келди. У нафақат барча учун тенг ҳуқуқларни

ўрнатди, балки уларга амал ҳам қилди. Чунки ҳуқуқ таъминланмаган ва шу туфайли заиф давлатда инсон ҳимоясиз ва эркисиз бўлиб қолади. Давлат қанча кучли бўлса, шахс шунча эркин бўлади. Ўзбекистон жамияти шундай йўл билан ягона қонун асосида белгиланган хатти-ҳаракат меъёрларининг ҳар қайси фуқаро томонидан бажарилишига эриша бошлади.

Ўзбекистон ҳар қайси фуқаронинг ҳуқуқи фақат қонун билан чегараланади, деган демократиянинг оддий ҳақиқати асосида ижтимоий муносабатларни ўрнатишга киришар экан, «қоидалар асосида яшаш» тамойилига риоя қилди, одамларни белгиланган қоидаларни ҳурмат қилишга, ўзини қонун доирасида тутишга мажбур этди, ҳуқуқни бузганларни адолатли ва қатъий жазолай бошлади. 90-йиллар бошида «разборчилар» деб аталувчи жиноий гуруҳларга, мафия тузилмаларига қарши қонун доирасида олиб борилган жиддий кураш бунга мисол бўла олади. Ана шундай ёндашув туфайли Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатда барқарорлик ва тартибни сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Чунки тартиб ҳамма ерда зарур ва керак. Ўшанда Президент бу масалада ўз қатъиятини намоён этиб, «Тартибсизликни ҳақиқий демократия, деб талқин қиладиган, тушунчаларни алмаштириш билан банд кимсалар бизни авторитаризмда айблаб, фитна қилишмасин, ўтмиш билан кўрқитишмасин. Хоҳиш-истакларини дангал айтишсин. Мен жамиятда адолатсизликка, қон тўкилишига, бошбошдоқликка йўл қўймайман», дея огоҳлантирган эди.

Каримов шундай қилди ҳам. Унинг буюк хизматлари ҳам ана шунда.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини тўлиқ таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, суд-ҳуқуқ тизими, хусусан, жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ғоясини илгари сургани давлатимиз раҳбарининг халқимиз олдидаги яна бир буюк хизмати бўлди. Мана, икки йилдан ошдики, инсонпарварлик руҳидаги бу ғоя суд амалиётида жорий этилмоқда. Энг асосийси – одил судловнинг қонуний асослари такомиллаштирилмоқда, унинг фаолиятида инсонпарварлик тамойиллари тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. Биз бу ўзгаришларни «Судлар тўғрисида» ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳририда кўришимиз мумкин.

Бу қонунларнинг моҳияти шундан иборатки, суд биринчи галда ўзининг юксак вазифасига муносиб бўлмоғи лозим. Чунки у Ўзбекистон Республикаси номидан қарор чиқаради. Прокуратура ҳам фақат қонунга хизмат қилиши зарур. У ўзига берилган ваколатни ўз фойдасига «хусусийлаштириб олиш»га уринмаслиги керак. Қонунга кўра, унинг асосий вазифаси – мансабдорлик обрўси ҳақидаги ёлғон тасаввурларни, ўзининг идоравий манфаатларини эмас, балки фуқароларни ҳимоя қилишдан иборатдир.

«Судлар тўғрисида»ги қонун судларнинг ихтисослашувини мустаҳкамлаб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича мустақил судларни ташкил этиш механизmlарини белгилаб берди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган сиёсат замонавий демократия талабларига жавоб берадиган суд тизимини яратиш имконини берди. Илгари ҳукмрон коммунистик тузумнинг қатағон ва жазолаш қуроли

бўлган суд идораси бугунги кунда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга сафарбар том маънодаги мустақил давлат институтига айланиб бормоқда. Фуқароларнинг судга ётсираб ишончсизлик билан қараш туйғуси изчиллик ва қатъиятлик билан бартараф этилмоқда.

Судлов ишининг қонуний асослари айбсизлик презумпцияси, ҳимоя ҳуқуқи, суд жараёнининг тортишиш ва ошкоралик асосида ўтишини, шунингдек, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал каби янги кодекс ва ҳужжатларда ривожлантирилган бошқа тамойилларини мустаҳкамлади. Санаб ўтилган қонунлар қаторида фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш, суд тизимини демократлаштиришга қаратилган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида», «Адвокатура тўғрисида», «Адвокатлик фаолияти кафолатлари тўғрисида» каби қонун ҳамда қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

2000 йилда қабул қилинган бу дастур Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларни лебераллаштириш муносабати билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексларида ривожлантирилди.

Ўзбекистон жамиятининг барча соҳаларида, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш дастури суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг бошланғич нуқтаси бўлди. Адолатли ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойилларига мувофиқ тарзда жиноят қонунчилигини либераллаштиришдан мақ-

сад ҳуқуқий тизимнинг асосий таянч-устунларидан бирини демократлаштириш ва шунингдек, бу соҳада туб ўзгартиришларни амалга ошириш бўлиб, бу МДХ мамлакатларидан бирортасида ҳам ҳалигача кузатилмаган ҳодисадир.

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслар»га ҳамда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги янги қонун суд-ҳуқуқ ислоҳоти иккинчи сифат босқичининг юридик асосини белгилаб берди. Босқич жамият ва давлат қурилишининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг гарови ва кафолати бўлмиш қонунчиликни инсонпарварлаштиришга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Жиноят қонунчилигини демократик эркинлаштириш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш доктринасининг янгилиги инсоннинг содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини англашидан иборатдир.

Жиноят учун адолатли жазо тайинлаш бўйича янгича демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий ёндашув туфайли жиноятларни таснифлаш мезонлари ўзгартирилди. Улар қуйидаги етти йўналишда ўз ифодасини топди: унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш; жиноят қонунчилигида иқтисодиёт соҳа-

сида жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаш имкониятини кенгайтириш: мол-мулкни мусодара қилиш чорасини қўллашда туб ўзгаришлар рўй берди, у жинойий жазо тури сифатида бекор қилинди; шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан жазонинг озодликдан маҳрум қилиш тури ўзгартирилди, аёлларга, ёши олтмишдан ошган шахсларга конкрет жиноятлар учун қонунда кўзда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиғига озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмайди; томонларнинг мурасага келиши муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш кўзда тутилади; жиноятларни дастлабки тергов қилиш ва гумон қилинувчини қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилди; фақат жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган тажовуз, геноцид, террорчилик ва қотиллик учун жинойий жазо тури сифатида ўлим жазоси берилиши мумкин.

Инсонпарварлик тамойиллари асосида қонунчилик такомиллашиб бормоқда. Президентнинг «**Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида**»ги фармони бунинг далилидир. Фармонга мувофиқ, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта судланган шахслар жазони колония жойларида қўриқчисиз, анча оғир жиноятлар учун эса умумий режимдаги колонияларда ўтайди.

Қонуннинг инсонпарварлиги шунда кўринадик, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта судланган шахслар деярли оиласидан ажралмаган ҳолда жазони ўтайди. Ва бунда, нафақат оиласини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, балки болала-

рини тарбиялашда иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Жазони либераллаштиришни ҳамма нарсани кечириш, деб тушунмаслик керак. Ҳар қандай қонун бузилиши вақтида бартараф этилиши ва бунга йўл қўйган шахс жавобгарликка тортилиши зарур. Давлат ҳуқуқбузарликларга нисбатан ўз муносабатини ўзгартирмайди. Жиноий қонунчиликни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришнинг Миллий доктринаси жазонинг муқаррарлигига жиноятчиликнинг олдини олишга самарали таъсир кўрсатадиган омиллардан бири сифатида қаралади. Жиноятларни олдини олиш, уларга қарши самарали кураш олиб бориш жазонинг оғир ва шафқатсизлигига эмас, балки қонунни бузган одамнинг ҳар қандай шароитда ҳам жазо муқаррар эканини англашига боғлиқ.

Конституциявий-ҳуқуқий ислоҳотлар соҳасидаги янгиликлар мамлакат конституциявий-ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилишида намоён бўлди. Бу борада 500 дан кўпроқ янги қонун қабул қилинди. 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми натижасида бир қатор конституциявий қонунлар қабул қилинди. Уларга кўра, Асосий Қонуни-мизга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди, 2004 йилдан, яъни янги чақириқдан бошлаб, мамлакат парламенти икки палатали таркибда доимий ва профессионал асосда ишлайдиган бўлди.

Демократия тамойиллари жамиятдан юксак конституциявий-ҳуқуқий маданиятни талаб қилади. Демократиянинг кўлами ва даражаси миллат ва жамиятнинг ҳуқуқий онги, юридик тараққиёти билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон, конституциявий-ҳуқуқий

давлат сифатида, 1997 йилдаёқ аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқди. Бу дастур ҳаётга муваффақиятли жорий этилмоқда. Конституция ҳамда қонунларнинг гоё ва мазмунини тарғиб этаётган ҳуқуқий маърифат муассасалари фаол ишламоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2000 йил 4 январдаги фармойишига биноан, барча аҳоли қатламлари Конституция асосларини ўргана бошлади.

Одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва фаоллиги жамият учун қонун устуворлигини сўзда эмас, амалда таъминлаш имконини бермоқда. Юртимизда юксак миллий гуруҳ-ифтихорга эришиш йўлида фуқароларнинг шахсий қадр-қимматини тиклашга қаратилган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини аҳоли томонидан ижтимоий назорат қилиш кучайиб бораётгани бунга мисол бўла олади.

Қонунчиликни инсонпарварлаштириш жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, одамларда қонунга сўзсиз риоя этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон қадр-қиммати юқори турадиган адолатли жамиятни шакллантиришнинг кафолати бўлади.

Қонун ҳукмронлиги Ўзбекистонни аста-секин конституциявий давлатчилик сари бошламоқда. Конституция ҳаёти, унинг мақоми сифатида конституционализм сиёсий санъат қондаси бўлмиш адолат ҳуқуқий давлатнинг «ташриф қоғози»га айланганича, Ўзбек миллий демократик маданиятига сингиб, интеграциялашиб бормоқда.

## КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ

Ўзбекистон, ўз ҳуқуқий мақомига кўра, конституциявий давлат. Чунки давлатнинг мақоми, қурилиш қоидалари, ҳокимият тизими унинг Асосий қонунида аниқ-равшан белгилаб берилган. Инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш халқнинг конституциявий мақсади сифатида белгилаб олинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг меъёрлари, принциплари, умуман, унинг демократик цивилизацияга асосланган маъно-мазмунни яхлит ҳолда ана шу мақсадга йўналтирилган.

Ўзбекистон, конституциявий давлат сифатида, Асосий Қонунга таянади. Конституционализм эса ўзининг умумий кўринишида — бу Конституциянинг яшаши, унинг сиёсий тизимга жорий этилиши. Конституционализм — бу Конституцияга таянадиган давлат, бу ҳокимиятнинг конституциявий усуллари. Бир сўз билан айтганда, бу — конституциявий давлат деганидир.

Ўзбекистонда конституциявий давлат барпо этиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва миллий тотувлик, ҳуқуқий формализм ва институционал демократияга суянади.

Конституционализм кенг маънода Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий қурилишига нисбатан умуммиллий келишувни англатади. Мамлакатимизда амалда шундай келишувга эришилган. Юртимизда давлат ҳаётини рационаллаштириш конституционализмнинг мавжудлик шакли бўлмиш ҳуқуқий фор-

мализм ёрдамида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда конституционализм ривожланиб боргани сари ҳуқуқнинг бюрократиядан ажралиши юз бермоқда. У рационал шаклга эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистон жамиятида Конституция устуворлиги тамойили — шундан далолат беради.

Республикада институционал демократия давлатни ташкил этишнинг тамойил ва институтларида моддий жиҳатдан мужассам бўлиб борар экан, маълум маънода, давлат ҳаётини рационаллаштиришнинг пировард натижаси бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда рационаллаштириш жараёни кенг миқёсда кечмоқда. Бундай муқаддима конституционализмнинг Ўзбекистоннинг замонавий демократик тараққиётига аста-секин интеграциялашиб боришига имкон яратмоқда. Тўғри, конституционализм ҳозирча бутун жамиятнинг эмас, балки сиёсий ҳокимиятнинг белги-аломати, давлат қудратининг манбаи бўлиб қолмоқда. Лекин бу ҳол Ўзбекистон Конституциясининг юридик қиммати, сиёсий аҳамияти ва тақдирломонлигини, унинг сиёсий тизимда тутган мавқеини пасайтирмайди. Демак, конституционализм Конституциянинг ҳаётида амал қилиши сифатида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий майдо-нида реал тарзда мавжуд ва ўзининг истиқболига эга. Мамлакатнинг конституцион ривожи ана шу истиқболга қаратилган.

Ўтказилган конституциявий ислоҳот, амалдаги Асосий Қонуннинг 32 та моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, ўз мазмун-моҳиятига кўра, конституциявий давлат орқали конституционализмга бориш йўлини қатъий белгилаб олган Ўзбекис-

тоннинг ҳуқуқий демократик мақомини яна бир бор тасдиқлади. Айни пайтда Асосий Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли билан боғлиқ қонун устуворлиги тамойили маърифий меъёрга айланадиган, конституционализм Ўзбек маданиятига тўла интеграциялашадиган адолатли очиқ жамиятни шакллантиришга хизмат қилади.

## МУТЛАҚ ТАЛАБ

Республика бошқарув тизимининг «нозик қурилмаси»ни «капиталистчасига ишлаш, социалистчасига тақсимлаш» тамойили билан белгилаш мумкин. Мамлакат бозор муносабатларига асосланган хўжалигининг стратегик концепцияси, туб иқтисодий ислохотлар кенг маънодаги ана шу ижтимоий тамойилни амалга оширишга қаратилган. Бу принцип, аввал-бошданок тараққиётнинг «Ўзбек модели» тамойилларига, жумладан, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилига сингдирилган. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг 2003 йилга мўлжалланган аниқ дастури негизида ҳам шу тамойил ётади. Бу дастурда яқин йиллар ичида иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Республика иқтисодиётида барқарор ривожланиш тамойили — ўзига хос мутлақ талаб — макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустақкамлаш, тўлов интизомини ошириш жараёни давом этмоқда, бутун иқтисодиётнинг, унинг айрим соҳаларининг мутаносиблиги кучаймоқда. Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, самарадорлиги паст ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш, аграр тармоқда бозор муносабатлари ва инфратузилмасини кенгайтириш, капитал қурилишда ислохотларни тезлаштиришга эришилди.

2003 йилнинг биринчи ярим йили мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,8 фоизга ошди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 фоизга, истеъмол товарлари

ишлаб чиқариш 4,8 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 3,8 фоизга, инвестициялар 2,6 фоизга ўсди. Аҳолининг иш билан бандлигининг ўсиш тенденциясининг барқарорлиги сақлаб қолинди. Ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,6 фоизга, реал даромад эса 8 фоизга ошди.

Инфляция даражаси 2002 йилнинг тўққиз ойи давомида 17,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилнинг тўққиз ойи мобайнида уни 0,3 фоизгача пасайтиришга эришилди. Бюджет камомади ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана товар айланиши, пулли хизматлар ҳажмининг ўсиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот кўпайди ва 104 фоизни ташкил этди. Хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув усуларини жорий этиш жараёнлари чуқурлашди. 1029 та корхона хусусийлаштирилди, 496 та корхонанинг акциялари, қарийб 6,5 минг давлат объекти ва бошқа мулклар сотилди.

Молия-кредит сиёсатини олиб бориш, бюджетнинг даромадлар ва харажатлар бўйича 2003 йилга мўлжалланган кўрсаткичларини бажариш ва шунингдек, бюджет камомадини тўлдирувчи инфляция манбаларига барҳам беришга қаратилган қатъий сиёсат туфайли 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан бажарилди. Даромад солиғи 24 фоиздан 20 фоизга, иш ҳақи фондидан ижтимоий сугурта ажратмалари юридик шахслар учун 37,3 фоиздан 35 фоизга камайтирилди. Айрим солиқ турлари бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, корхона-

ларнинг инвестицион фаоллигини оширишга ёрдам берди. 2003 йилнинг биринчи ярми давомида корхоналарнинг шахсий инвестициялари ҳажми 18 фоизга кўпайди ва иқтисодиётдаги барча сармояларнинг 46 фоизини ташкил этди.

Банк тизимини ислоҳ қилишда ижобий тенденциялар юз бермоқда. Олтин-валюта захираси анча ошди. Валюта сиёсатини янада либераллаштиришда сезиларли ўсиш кузатилмоқда, биржадан ташқари ва муқобил валюта бозори курслари ўртасидаги фарқ барҳам топди.

Сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашинувига эришилганидан сўнг алмашув курсининг барқарорлигини сақлаш учун етарли шарт-шароитни таъминлаш эндиликда асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Бу Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бўлиши керак. Бундай сиёсат учун зарур барча шарт-шароит, маблағ ва имкониятлар мавжуд.

2003 йилда Халқаро валюта фонди вакиллари Тошкентда бўлди ва республикада валюта муомаласини эркинлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларини юқори баҳолади. Ўзаро ҳамкорликда миллий валютанинг халқаро жорий операциялар бўйича эркин алмашинувини таъминлаш юзасидан фаолият дастури ишлаб чиқилди. 2003 йил 15 октябрдан бошлаб республика ҳудудида ўзбек сўмининг халқаро жорий операциялар бўйича эркин алмашинуви амалга татбиқ этилди. Бу Ўзбекистонга Халқаро валюта фонди битимларининг 8-моддасида кўзда тутилган барча стандартларни қабул қилиш имконини берди.

Халқаро жорий операцияларга товарлар экспорти ва импорти, валюта бойликларини сотиш ва харид

қилиш юзасидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, банк омонатлари, кредитлар, инвестициялар ва шунга ўхшаш молиявий операциялар бўйича чет элга ва мамлакатимизга фоизлар, дивидендлар ва бошқа даромадларни ўтказиш ишлари киради. Эндиликда ташқи иқтисодий алоқаларни олиб боришда чекловлар йўқ, юртимиз фуқароси бўлган ёки юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар миллий валютани хорижий валютага эркин алмаштириши мумкин.

Ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт таркибида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ташқи савдо айланмаси 2003 йилнинг ярим йили давомида қарийб 23 фоизга, жумладан экспорт 41 фоизга ўсди. Бунда тайёр маҳсулот экспорти ҳажми ярим йил давомида 1,6 баробар, унинг экспорт таркибидаги улуши эса 2002 йилдаги 35 фоиздан 41 фоизгача ошди. Ташқи савдода 515 миллион АҚШ доллари миқдо-ридаги ижобий сальдога эришилди. Мамлакатнинг тўлов баланси мустаҳкамланди. Ўзбекистон ўзининг ташқи мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари кенгайди ва мустаҳкамланди, МДҲ мамлакатлари билан ташқи муносабатлар анча қулай бўлиб бормоқда. Узоқ хориждаги мамлакатларнинг экспорт таркибида улуши қарийб 77 фоизга, импорт таркибидаги улуши эса 62 фоизга тўғри кел-моқда. Бу мамлакат иқтисодиёти, жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашган ҳолда, дунё бозорлари-даги кучли рақобат курашида ўз позицияларини то-бора кўпроқ эгаллаётгани ва мустаҳкамланаётгани-нинг яна бир далолатидир.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш,

хорижий инвестицияларни жорий этиш орқали иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, маҳаллий хомашёни тубдан қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган кўшма корхоналар барпо этиш бу сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидандир.

Иқтисодиётга йўналтирилган капитал маблағлар 2003 йилнинг олти ойи мобайнида 2,6 фоизга ўсди ва ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирини ташкил этди. Барча инвестицияларнинг 60 фоиздан зиёди, биринчи галда, иқтисодий жараёнларнинг узвий қисми бўлган, бозор муносабатларининг мантиқий ривожига таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Илғор технологияларни жорий этишга қаратилган мақсадли инвестициялар амалий натижалар бермоқда.

Инвестициялар таркибида ижобий ўзгаришлар юз берди, марказлаштирилмаган манбалар — корхоналар маблағлари, тижорат банклари кредитлари, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг умумий улуши 56 фоиздан 67 фоизга ўсди.

Такомиллашаган бозор иқтисодиётини барпо этиш, ташқи савдо фаолиятини эркинлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида Президентимиз томонидан яқинда имзоланган «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган умумий сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, экспорт ва импорт операцияларини назорат қилишнинг маъмурий усулларини анча соддалаштирди.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва иқтисо-

дий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида мамлакат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган қадамлар дунё иқтисодий ҳамжамияти эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Халқаро молия ташкилотлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан ўзгармоқда. Келишилган ҳамкорлик стратегияси кўринишидаги икки томонлама муносабатларга мустақкам асос яратилди.

Республикадаги барқарор иқтисодий ривожланиш тенденциясини, валюта сиёсатини эркинлаштиришдаги сезиларли силжишларни халқаро ҳамкорларнинг барчаси қайд этмоқда. Кўпгина соҳалардаги ўзаро фойдали алоқаларнинг анча фаоллашгани шунинг натижасидир. Ўзбекистонда ерларни ўзлаштириш, сув ресурсларини, ирригация тармоқларини бошқариш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш тўғрисида имзоланган битимга айнан шу нуқтаи назардан қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишида ҳам иқтисодий ҳамкорлик миқёсини кенгайтириш ҳақида гап борди. Бу борадаги салоҳият улкан ва ундан тўлиқ фойдаланиш лозим. Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар россиялик ишбилармонларга хусусийлаштириш дас-турида, қўшма корхоналар ташкил этишда ўзаро фойдали асосда иштирок этиш имконини бермоқда.

Шу ўринда 2003 йил сентябрь ойида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқларининг йиғилиши бўлиб ўтганини эслаш ўринлидир. Унда Ўзбекистоннинг позицияси яна бир бор аниқ-равшан намоён бўлди. Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи

кунлариданоқ иқтисодий масалаларни ҳамкорлик асоси деб ҳисоблайдиган давлатлар қаторида бўлиб келмоқда. У хўжалик алоқаларини янги асосда давлат суверенитети ва сиёсий мустақилликка таянган ҳолда барпо этиш тарафдори бўлиб чиқди. Бунда, биринчи галда, МДХ давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни икки томонлама алоқалар даражасида мустақамлашга устувор аҳамият берилади.

Ўзбекистон Ислом тараққиёт банкининг аъзоси бўлди. Тошкентда мазкур молиявий ташкилотнинг инвестиция масалаларига бағишланган конференцияси ўтказилди. Бу нуфузли сармоя муассасасига аъзо бўлиш Ўзбекистоннинг нафақат Ислом тараққиёт банки билан, балки ушбу ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳам ўзаро муносабатларида янги саҳифа очади. Бу, айниқса, Форс кўрфази портларига олиб чиқадиган халқаро трансмиллий коммуникацияларни барпо этишда бениҳоя муҳим. Чунки, бу масала, ўз навбатида мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, иқтисодий алоқаларини кенгайтириш жараёнида катта аҳамият касб этади.

Изчил интеграциялашув жараёнлари Ўзбекистонга дунё бозоридан табиий хомашё ресурслари, инсоний ва интеллектуал салоҳияти тақозо этадиган даражада муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Ўзбек моделининг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган жамият ҳаётини ислоҳ этиш боразидаги юксак самарадорлиги 1996 йилдаёқ иқтисодий ўсишни, одамларнинг фаровонлиги ва муносиб ҳаёт шароитини қайтадан таъминлаш имконини берди. Ўзбекистон тараққий топган демократик давлатлардагидан кам бўлмаган шароитларда яшашдек, олижаноб мақсад сари интиломоқда.

## ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ

Гарчи республикамыз Конституциясида конституциявий тузум асосларини таъминлайдиган давлатнинг социал мақоми ҳақида махсус модда бўлмасада, Ўзбекистон, моҳиятига кўра ижтимоий давлатдир. Унинг сиёсати тўлиғича инсоннинг муносиб яшаши ва эркин камол топишини таъминлаши учун шарт-шароит яратишга қаратилган.

Мамлакат Асосий қонунига мувофиқ, одамларнинг меҳнати ва соғлиғи ҳимоя қилинади, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам даражаси кафолатланган, оила, оналик, оталик ва болаликни, ногирон ва кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминланган, ижтимоий хизматлар тизими ривожлантирилган, давлат пенсиялари, ёрдам пуллари ва бошқа ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган.

Ислоҳотлар стратегиясини шакллантиришда Ўзбек моделининг оламшумул тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон кучли ижтимоий сиёсатга алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, Ўзбекистонда ислоҳотлар анча мураккаб шароитда бошланди. 90-йилларнинг бошида аҳоли турмуш даражаси бўйича у собиқ СССР республикалари орасида охириги ўринлардан бирини эгаллаб турарди. Ойлик даромади 75 рублдан кам бўлган аҳолининг улуши 43,6 фоизни ташкил этарди (иттифоқ бўйича эса бу кўрсаткич ўртача 12–12 фоиз эди). Бу умумиттифоқ миқёсидаги кўрсаткичдан ҳам паст даражада яшайдиган СССРдаги барча қашшоқларнинг 27,6 фоизи демакдир. Шунинг учун ҳам

бозорга ўтишнинг дастлабки босқичида турли ижтимоий ларзаларга йўл қўймайдиган социал ҳимоя механизмларини ишлаб чиқиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш зарур эди.

Шундай механизм ишга туширилди, шу туфайли аҳоли даромадларининг ва кундалик зарур истеъмол молларининг кескин камайиб кетишига имкон қадар йўл қўймасликка эришилди.

Аҳоли учун зарур ижтимоий кафолатларни юридик жиҳатдан мустаҳкамлаган, ижтимоий соҳа мураккаб аҳволда қолган бозор муносабатларига ўтиш даврининг шафқатсиз реалликларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, маблағни аяб ўтирмасдан, тезкор ижтимоий вазифалар дастурини белгилади. Бу дастур ижтимоий адолат, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари учун кафолатланган ҳуқуқлар, сифатли тиббий хизмат, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш, билим олишда барчага тенг ҳуқуқ яратиш, касб танлаш ва тегишли ижтимоий тайёргарлик эркинлиги, жами ижод турлари ривожини учун шарт-шароит яратиш, интеллектуал мулк ҳимояси каби тамойилларни амалга оширишни назарда тутди.

Жамиятнинг ёрдамга муҳтож аъзоларига ижтимоий кўмак бериш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларига, маданият ва спорт муассасалари қурилишига зарур маблағлар ажратиш, умумий ижтимоий ҳимоя тизимидан ишончли социал кафолатлар тизимига, адолат устуворлигини сўзсиз таъминлаш тамойилига ўтишни амалга ошириш туфайли Ўзбекис-

тонда одамлар турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймасликка, ижтимоий барқарорликни, аҳолининг ислохотларга бўлган ишончини, жамиятдаги умуммиллий тотувликни сақлашга қаратилган янги ижтимоий сиёсат шаклланди.

Миллий даромадни, бутун жамият, хусусан, ижтимоий ёрдамга муҳтож табақалар манфаатларини кўзлаган ҳолда, қайта тақсимлаш бу сиёсат тамойилига айланди.

Кучли замонавий давлат бўлишга интилаётган, фуқаролик жамияти билан муносабатда ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик вазифаларни ҳал этишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон, моҳият эътиборига кўра, ривожланган ижтимоий инфратузилмага эга бўлган социал-ҳуқуқий давлатдир. Тарихан янги турдаги давлат сифатида унинг фаолиятида ҳуқуқий давлатчилик тамойили унинг акси бўлган бошқа бир тамойил — социал давлатчилик хусусиятлари билан бирга яшаб, рақобат қилиб келмоқда. Давлат эркинлик, хавфсизлик ва мулкдорликни нафақат кафолатлайди, балки ижтимоий тинчлик ва иқтисодий ўсишни таъминлайди, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида социал кафолатлар яратади (юртимиздаги аҳолининг ярмидан зиёди — ёшлар). Бу эса жамият аъзоларининг аксариятига ўз фаоллиги туфайли фаровонликка эришиш имконини вужудга келтиради. Кучли давлат тартиб-интизомдан, шунингдек, ўзига тўқ одамлар кўпайишидан манфаатдор. Шу боис у барчадан оддий қоидаларни бажаришни талаб этади.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. У ҳар томонлама ўзига тўқ, моддий томондан таъмин-

ланган инсонлар яшайдиган давлатга айланишга интиломқда. Шундоқ ҳам каттариб кетган ижтимоий таъминотни янада кенгайтириш – бу яроқсиз усул эканини, ҳаётни тубдан ўзгартирадиган ғоялар ва ёндашувлар зарурлигини бу мамлакат раҳбарияти яхши билади. Мавжуд вазиятдан чиқишнинг йўли – асосий резерв ҳисобланмиш, янги, шафқатсиз бозор шароитида ишлай оладиган, вакиллари ўзига тўқ одамлар бўлиши мумкин бўлган авлодда. Меҳнатнинг ҳақиқий баҳосини биладиган, ўз ҳаётини яхшилаш учун қандай даромад топишни биладиган бундай одамлар мамлакатни қашшоқликдан қутқаришни ҳам эплайди. Чунки қашшоқлар олдида уларнинг ижтимоий мажбурияти бор. Фақат уларгина ўз ижтимоий вазифасини эгаллаган ҳолда, ўз юртида нафақат иқтисодий, балки маънавий қадр-қимматни ҳам қайтадан тиклай олади. Бу вазифанинг ҳал қилувчи, яъни мустақилликнинг келажак қисмати унинг ҳал этилишига боғлиқ бўлган оламшумул вазифа сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларини ислоҳ этиш давлат дастурларини амалга оширишда социал инфратузилмаларни ривожлантириш масаласи ўзининг амалий ифодасини топди. Бош ислоҳотчи бўлган давлат фаолиятининг ана шундай аниқ мақсадга қаратилгани социал инфратузилма ривожини кўрсаткичларининг изчил ва барқарор ўсишини, айниқса, ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этишни таъминлади. БМТ Болалар жамғармасининг буюртмасига биноан, 2003 йилнинг октябрида Марказий ва Шар-

қий Европа ҳамда МДХ мамлакатлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт кўрсаткичлари бўйича «2003 йил ижтимоий мониторинги» тадқиқотлари ўтказилди.

Тадқиқотда саккиз мамлакатнинг парчаланиш жараёни ва уларнинг ҳудудида 27 та янги давлатнинг ташкил топиши мураккаб иқтисодий инқироз ва зиддиятлар, у ерларда яшайдиган аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, яъни яшаш харитасининг ўзгариши ижтимоий соҳадаги мислсиз муаммолар билан бирга кечди.

Нафақат макроиқтисодий ўзгаришлар, балки олиб борилаётган ислохотларнинг ижтимоий натижалари ҳам қиёсий статистик маълумотлар асосида баҳоланади.

Ялпи ички маҳсулотнинг 1989 йилга нисбатан ҳақиқий ўсиши, ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, 2002 йили Ўзбекистонда 106,8 фоизни (МДХ мамлакатлари ўртасидаги энг юқори кўрсаткич) ташкил этган. Чехия ҳам шундай ўсишга эришган. Бу кўрсаткич Молдовада – 38,4 фоиз, Россияда – 64,3 фоиз, Қозоғистонда – 85,6 фоиз бўлган.

90-йилларнинг охирларидан бошлаб, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларининг деярли барчасида миллий даромаднинг ортиши қайд этилади. Миллий даромаднинг аҳоли жон бошига нисбатан энг паст кўрсаткичи Кавказorti республикаларида кузатилган.

Аммо айрим мамлакатларда иқтисодий ўсиш аҳоли ўртасида тенгсизликнинг чуқурлашувига олиб келмоқда. Экспертлар «Жини» коэффицентини қўллаган ҳолда («Жини» коэффиценти агар аҳоли-

нинг барчаси бир хил даромадга эга бўлса, «Жини» нолга тенг бўлади, агар даромадлар бир одамнинг қўлида бўлса, «Жини» 1,0 га тенг бўлади. Ривожланган мамлакатларда «Жини» ўртача 0,25-0,35 га тенг. Бу қулай кўрсаткич ҳисобланади), Грузияда барча даромад аҳолининг ярмидан камроғи қўлида жамланганини, одамларнинг қолган қисми эса яшаш учун ҳеч қандай маблағга эга эмаслигини аниқлаган.

Россия, Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам деярли шундай вазият вужудга келган. Ушбу мамлакатларда «Жини» 0,512–0,514 оралиғида бўлиб, бу МДХ мамлакатлари ўртасида энг паст кўрсаткичдир.

Тадқиқотда аҳолининг ҳаёт даражасини реал тарзда оширишни таъминлашда иқтисодий ислоҳотлар самарали ижтимоий сиёсат билан уйғун ҳолда олиб борилиши лозимлиги таъкидланади.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, мактаб ва техник-касб-хунар таълимига ажратилаётган давлат маблағлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энг кўп ҳисобланади. Биргина 2003 йилда ижтимоий соҳанинг ривожини учун 381,6 миллиард сўм ажратилган, бу республика бюджети умумий харажатларининг 36,7 фоизини ташкил этади.

Собиқ иттифоқнинг бошқа республикалари билан солиштирганда, Ўзбекистон тиббиётга сарфланаётган маблағларни юқори даражада сақлаб қолиш ва соҳа кўрсаткичларини яхшилашга эришиб келмоқда.

Экстенсив ривожланиш йўлидан интенсив ривожланишга ўтиш, республика аҳолиси саломатлигини асрашнинг миллий моделини шакллантириш соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг бош

мақсадига айланди. Стационар ёрдам (касалхонада ётиб даволаниш)дан амбулаторияда даволаниш, ихтисослаштирилган тиббиётдан умумий тиббиётга ўтиш афзал, деб топилди.

Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг аниқ тизимини ташкил этиш инсонлар саломатлигини, пулли тиббий хизматлар сифатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, Ўзбекистоннинг ўзидаги фармацевтика саноати республика соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш имконини берди.

Ўтиш даври мураккабликларига қарамай, мамлакат кадрлар тайёрлаш миллий тизими салоҳиятини сақлаб қолди, моддий аҳволи, турар жойи ва миллатидан қатъи назар, аҳолининг барча тоифалари учун таълимнинг ҳамма босқичларидан кенг фойдаланиш имкони таъминланди.

Таълимни ислоҳ қилишдан мақсад очиқ, самарали ва ривожланиб борадиган, жамиятнинг жисмоний, ақлий-интеллектуал ва маънавий камолини, фуқаролар тотувлиги, умуммиллий якдиллик, барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда республикада ҳаёт даражасининг яхшиланишини таъминлашга қодир бўлган узлуксиз таълим тизимини яратишдан иборат эди. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари «Куч – билим ва тафаккурда» деган тамойилга асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида аниқ белгилаб берилди.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳозирги пайтда сифат жиҳатидан янги, «портлаш эффекти» хусусиятлари билан ажралиб турадиган иккинчи босқичига қадам кўйди.

Президентнинг таълим соҳасига киритган янгилиги — «ноу-хау»си шундан иборат.

Буларнинг барчаси иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг аниқ натижалари қаторида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича махсус дастурлар билан муштараклашиб, бошқа ёш мустақил давлатларга қараганда ижобий самаралар бермоқда. Чунончи, ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, болалар, ёшлар, оила, оналик ва кексаликни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус дастурлар ўлароқ, Ўзбекистонда бутун бир йиллар Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Қарияларни қадрлаш йили, «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Натижада аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мустаҳкам асосга эга эканидан далолат берувчи қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

1. Йигирма ёшгача бўлган оналарнинг туғиш даражаси Ўзбекистонда жами туғилишларнинг атиги 4,7 фоизини ташкил этади. Бу, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан солиштирганда, энг яхши кўрсаткичлардан бири ҳисобланади (Польшада — 7,0 фоиз, Венгрияда — 7,4 фоиз, Словакияда — 9,1 фоиз). МДХ мамлакатларида бу кўрсаткич 8,8 фоиз (Қирғизистон) билан 16,3 фоиз (Молдова) оралиғида.

2. Ўзбекистонда 20 ёшгача бўлган оналар ўртасида никоҳсиз туғиш даражаси Шарқий Европа мамлакатларининг аксариятидагига қараганда уч баробар, Россия, Қозғистон ва Қирғизистондагидан эса икки баробар кам.

3. Гўдақлар ўлими коэффиценти мустақиллик йилларида ҳар минг болага 38,1 ҳолатдан 18,3 ҳолатга камайди. Бу Марказий Осиёдаги энг яхши кўрсаткичдир. Оналар ўлими коэффиценти борасида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин, у ҳар минг онага 42,8 ўлим ҳолатидан 33,5 тага камайди. Бу кўрсаткич Қозоғистонда 50 тани, Қирғизистонда 43,8 тани, Тожикистонда 45,4 тани ташкил этган.

4. Ўзбекистонда абортлар сони кейинги 12 йил давомида уч баробар камайган. Бугунги кунда ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш Эстониядагидан 10 баробар, Россиядагидан 15 баробар, Қозоғистондагидан олти баробар, Турксманистондагидан икки баробар кам.

5. Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффиценти ҳар минг кишига 5,3 тани ташкил этиб, Шарқий Европа давлатларидаги ўртача даражадан икки баробар, Европа мамлакатларидагидан эса икки баробар кам.

6. Кейинги 12 йил мобайнида ажралишлар сони ҳар 100 никоҳга 9,2 ҳолатни ташкил этиб, икки баробар камайди. Бу Чехия ва Белоруссиядагидан олти баробар, Россиядагидан 7,5 баробар, Қозоғистондагидан уч баробар, Туркманистон ва Қирғизистондагидан икки баробар кам.

7. Ўзбекистонда меҳрибонлик уйларида ҳар юз минг аҳолига 34,8 та бола тўғри келади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Россия, Украина ва Қозоғистонда ўн баробар кўп.

8. Мустақиллик йилларида жиноятчиликнинг умумий даражаси учдан бирга қисқарди ва 2002 йилда ҳар юз минг нафар аҳолига 298 ҳолатни ташкил этди.

Шу давр мобайнида Россияда жиноятчилик икки баробар ортган (ҳар юз минг аҳолига 2056 ҳолат). Украина, Молдова ва Қозоғистонда жиноятчилик даражаси Ўзбекистондагига қараганда уч баробар юқори. Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар бўйича эса Россия Ўзбекистондан 15 баробар олдинда, Украина — ўн баробар, Қозоғистон олти баробар.

9. Экологик муаммоларга қарамасдан, республика сил касаллиги ёйилишини тўхтатишга эришди. Ҳолбуки, Қозоғистонда кейинги 12 йил давомида бундай касалликка чалинганлар ҳар 100 минг аҳолига 155,5 ҳолатни ташкил этиб, икки баробар, Қирғизистонда эса қарийб уч баробар ошган; ЮНИСЕФ экспертлари Туркменистон ва Тожикистонда бу хавфли хастликнинг юқори даражада кўпайишини кузатганлар.

10. Йигирма беш ёшдан 39 ёшгача бўлган (энг ишга лаёқатли давр) эркаklar ўртасидаги ўлим коэффициенти республикада МДХ мамлакатлари ичида энг кам. Ҳолбуки, Россия, Белоруссия ва Қозоғистонда ушбу ёшдаги ўлим ҳолатлари Ўзбекистондагидан икки баробар кўпроқ.

11. Ўзбекистонда 17 ёшгача бўлган соғлом, янги авлод 10 миллион 924 минг кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Болгария ва Молдова биздан ўн баробар, Венгрия, Чехия, Туркменистон ва Қирғизистон — уч баробар, Қозоғистон икки мартадан кўпроқ орқада. Келажак эгаси бўлган ёш фуқаролар сони бўйича Ўзбекистон Украинадан олдинда бормоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш аҳолини ичимлик сув, табиий газ билан

таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқда соғлиқни сақлаш тузилмаларини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш жараёнида ўзининг янада аниқроқ аксини топди. «Обод маҳалла йили» ижтимоий дастури ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий ёрдам пуллари миқдорининг оширилиши аҳоли пул даромадларининг ортиши, турмуш даражасининг янада яхшиланишига олиб келди. Бош ислохотчи бўлмиш давлатнинг ана шундай аниқ мақсадга қаратилган фаолияти Ўзбекистондаги ижтимоий инфратузилма ривожланиш кўрсаткичларининг барқарорлигини, такомилени таъминлайди.

## ДАВЛАТНИНГ ИММУНИТЕТ ТИЗИМИ

Инсон учун иммунитет тизими қанчалик зарур бўлса, давлат учун мафкура ҳам шунчалик зарур. Ҳар қайси шахс каби, давлат ва жамият, айниқса замонавий давлат ва жамиятлар мазкур иммунитетсиз яшай олмайди. Конституциявий мақомидан қатъи назар, ҳар қандай давлат ва жамият ўзининг мафкуравий ақидаларисиз, маънавий-ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ғоя ва қадриятларисиз яшашга қодир эмас. Ҳаёт ҳақиқати ва қонунияти шундай. Бошқа томондан, мафкура мазмуни, мақоми ва вазифасидан қатъи назар, ўз характериға кўра, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамиятнинг нисбатан мустақил қадрияти бўлиб келган, ҳозир ҳам, келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳал қилувчи вазифа шундаки, давлат ҳам, жамият ҳам, ўз стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, тараққиётини мафкуравий жиҳатдан таъминлаш учун қандай, қайси усул ва воситалар билан, қанақа мақсадларни кўзлаб у ёки бу қадриятларни онгли равишда танлайди. Давлатнинг мақоми, унинг келажаги танланган мафкуравий ақидаға боғлиқ.

Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ўзининг конституциявий-мафкуравий принципини аниқ белгилаб олди: «ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси).

Лекин бу мутлақо давлатнинг ўз мафкуравий қадриятларисиз яшашини билдирмайди. Ҳуқмрон бўлмаган ва тазйиқ ўтказмайдиган, прагматизми, аниқ-

равшанлиги, демократик реализми билан ажралиб турадиган давлат мафкураси жамиятидаги ўзаро уй-гун мафкуравий хилма-хилликнинг узвий-таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон танлаган мафкуравий ақиданинг назарий ва амалий ўзига хосликлари нималарда намоён бўлади? Унинг асосий мазмуни миллий тикланиш жараёнларини соғлом ва истиқболли ғоялар билан онгли, аниқ ҳамда тўлиқ таъминламасдан туриб, келажаги буюк инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиб бўлмайди, деган қарашдан иборат. Бундай ёндашувнинг тақдириломон моҳияти мамлакатимиз биринчи Президенти асарларида ўзининг теран назарий ифодасини топди. Йўлбошчининг сиёсий фалсафаси мафкурага миллатни, давлат ва жамиятни бирлаштирувчи байроқ, иммун тизими сифатида қарайди. Чунки, Юртбошимиз ёзганидек, «Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар». Мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлган жойда табиийки бошқа мафкура ҳукмронлик қила бошлайди.

Иқтисодиётни мафкурадан холи қилган, собиқ мустабид тузумнинг қотиб қолган мафкуравий ақида ва қолипларини бутунлай рад этган ҳолда, Ўзбекистон демократик йўналишдаги ғоявий плюрализм негизида мамлакатнинг мустақил тараққиёт талабларига жавоб берадиган миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқишга киришди.

Миллий мафкура ўзида нималарни мужассам этади? Давлатимиз раҳбарининг асарларида бу саволга аниқ жавоб берилган. Жумладан уларда миллий мафкуранинг қандай талабларга жавоб бериши қуйидагича белгилаб берилган:

— миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олади;

— жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалару гуруҳларнинг интилишлари ҳамда умидларидан, ҳар бир инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган миллий ғоя бўлиши керак;

— миллий мафкура ҳар қандай тажовузкур миллатчилик, экстремизм ва шуларга ўхшаган иллатлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ҳамда қарашларидан мутлақо холи бўлиб, бизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишимизда ишончли пойдевор ва раҳнамо бўлади;

— миллий ғоя, юксак маънавий ва умумбашарий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек, олижаноб ишларда ақл-идрок ва куч-қувват манбаига айланади;

— миллий мафкура тарих ва келажакни узвий боғлаши, шонли ўтмиш ва буюк истиқбол ўртасида кўприк бўлиши керак.

Халқни бирлаштиришнинг ноёб воситаси сифатида миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистон жамиятига янги куч-ғайрат, қудрат бахш этди, юксак мақсадларга эришиш йўлидаги ишонч ва қатъиятни мустаҳкамлади.

Кўпгина давлат арбоблари ва мутахассис-олимлар

янги асрнинг асосий хусусияти мафкуралар курашидан эмас, балки ҳаёт сифати, миллий бойлик ва тараққиёт учун кескин рақобатдан иборат бўлади, деб ҳисоблашмоқда. Бу мутлақо тўғри. Лекин, бизнинг назаримизда, айрим минтақалар, хусусан, аҳолининг маиший ҳаёти, анъаналари ва менталитетида ислом омили муҳим ўрин тутадиган Марказий Осиёнинг геосиёсий хусусиятларини (минтақадаги террорчилик ва экстремизм хавфи ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади) инобатга олганда, мафкуравий курашлар бугунги кунда ҳам асосий масала бўлиб қолмоқда. Буни Марказий Осиёнинг мафкуравий курашлар майдони бўлиб қолаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Мафкуравий хуружлардан мақсад бу минтақада яшаётган одамлар, биринчи галда, ёшларнинг қалбини забт этиш, халқ ва миллат онгига таъсир ўтказиш, уларни зарарли ғоялар билан заҳарлаш, маънавий майиб-мажруҳ қилишдан иборат. Чунки мустақил фикрлай олмаслик, бировнинг ғояси ва иродасига қул бўлиш ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра ҳам даҳшатлироқдир. Шулар ҳақида ўйлаганда, беихтиёр Ўзбекистон етакчисининг «Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир», деган фикрига қўшиласиз. Айниқса, бизнинг давримизда ёт ғоя ва фикрни фақат тақиқлаш, маъмурий чоралар йўли билан енгишга уриниш бефойда. «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», деб таъкидлайди Ислом Каримов. Бунинг муқобили йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ўзбекистон раҳбари сиёсий назариясининг ғоявий фалсафаси ана шундай.

Маълумки, давлатчилик, энг аввало — мафкуравий ҳодисадир. Айнан шунинг учун мафкура давлат

аломати сифатида ҳуқуқ аломатидир. Давлат туфайли пайдо бўладиган, унинг нуфузи билан ёритилган ва ҳимоя қилинган мафкура ўзига хос ҳуқуқ белгиси бўлиб ҳам хизмат қилади. Етакчи ҳуқуқшунос олимларнинг Конституция ва қонунларни конституциявий ҳамда ҳуқуқий ғояларнинг муштараклигидан иборат мафкуравий ҳодиса сифатида қарашлари бежиз эмас.

Ўзбекистон ўз миллий истиқлол мафкураси концепциясини ишлаб чиқишни миллий ғояни давлат ривожини стратегиясининг маънавий-мафкуравий асоси, ғоявий квинтэссенцияси сифатида белгилашдан бошлади. 90-йилларнинг ўрталаридаёқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган миллий ғоя миллатни, давлат ва жамиятни бирлаштирувчи кучга, жамиятдаги келишув, тотувлик пойдеворига тараққиёт, цивилизация йўлидан ривожланишнинг аниқ ҳаракатлантирувчи кучига, миллий тикланишнинг иммунитетига айланди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган миллий мафкура доктринасининг янгитдан тикланган, буюк келажакка интилаётган, ўзида XXI асрнинг таҳдиди ҳамда қарши даъватларига муносиб жавобни мужассам этган мустақил давлат иммунитет тизимининг мазмун-моҳияти ана шундан иборат.

\* \* \*

Биз демократия ва тараққиёт йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистон ривожини йўлининг ихчам публицистик манзарасини баҳоли қудрат тасвирлаб бердик. Янгитдан тикланган мамлакатнинг кенг миқёсли жозибадор манзараси мазкур китобнинг мазмун-мундарижасида ўзининг таҳлилий ифодасини топади.

**ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ  
БЕРГАН ИНСОН**

## ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ИНСОН

Дунёда ҳар қандай етакчининг номи ҳам ўз мамлакати тимсолига айланавермайди. Бу — фақат ноёб шахсларнинг неъматидир. Мустақил Ўзбекистон учун XX аср охири ва XXI аср бошида Ислом Каримов ҳақли равишда ўз мамлакатининг сиёсий тимсолига айланди.

Ўзбекистон тарихан ғоят қисқа фурсатда миллий ривожланишнинг қатор ҳал қилувчи босқичларини бошдан кечирди. Ҳар бир босқич демократия ва тараққиёт сари янги қадамдир. Айни пайтда, ҳар бир босқич — бу янги муаммолар, демакки, уларни бар-тараф этиш билан боғлиқ янги вазифалар ҳамдир.

Ўзбекистондаги ислохотлар ортга қайтмас тус олди. Барча янгиланишларнинг ташаббускори ва амалга оширувчиси Президент Ислом Каримов бўлди. Унинг юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни ривожлантириш назарияси бутун дунёда тан олинди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлиб, халқнинг миллий-тарихий турмуш тарзидан, тафаккур йўсинидан, дунёқарашидан, анъана ва урф-одатларидан, кўпконфессияли республиканинг ўзига хос хусусиятларидан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, жаҳон миқёсида эътироф этилган йўлбошчиси сиймосида миллий тараққиёт йўлини излади, демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос ва ўзига мос моделини ишлаб чиқди. «Янги уй

қурмасдан туриб эскисини бузманг» деган тамойил асосида нормал, тамаддун ривожланиш йўлига тадрижий тарзда ўтиш тараққиётининг ўзбек модели асосини ташкил этди. Машхур беш тамойил Ўзбекистон жамияти ривожининг назарий квинтэссенциясига айланди. Тараққиёт истиқболининг аниқ концептуал стратегиясини ишлаб чиқишда Каримов сохта обрўга, сиёсий хаёлпарастликка ҳаётда ўзини оқлаган амалий ҳаракатларни қарши қўйди. Унинг сиёсий прагматизми ғоя ҳамма нарсадан юқори, якка ҳукмрон қадрият эмас, балки давлат ва жамиятнинг кундалик ҳаётидаги ишончли қуроли, деган қоидага асосланади.

Тараққиётнинг ўзбек модели тамойиллари фалсафий, сиёсий ва ижтимоий табиатига кўра ўз-ўзича тадрижан ривожланадиган, такомиллашиб борадиган назария ҳамда стратегиядир. Бунда жамиятнинг демократик йўлдан барқарор ривожланишини таъминлайдиган мавжуд имкониятлардан омилкорлик билан фойдалана олиш ҳал қилувчи мезон ҳисобланади.

Янги устувор йўналишлар зарурати миллий тараққиётнинг янги сифат босқичи, аввало, жамиятдаги демократик маърифий ўзгаришларнинг чуқурлашуви билан боғлиқ. Мустақилликнинг дастлабки йилларида машхур беш тамойил асосида кун тартибига қўйилган баъзи стратегик вазифалар 90- йилларнинг охирига бориб асосан амалга оширилди, давлат мустақиллиги ва суверенитети таъминланди. Жамият ўзининг демократик тараққиётида ўзгариш ва янада такомиллашувининг янги назарий ғояларига эҳтиёж сеза бошлади. Бу янги назарий ғоялар асосий тамойиллар билан уйғунлашган ҳолда, жамиятни улкан янгиланиш-

лар сари рағбатлантиради. Моҳият-эътибори билан жамиятдаги барча ўзгаришларнинг бош ўзак-негизи, узвий ҳалқасига айланган либераллаштириш ана шундай ғоя бўлди. Давлатимиз раҳбари, вазифаларнинг ҳал қилувчи моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ўз таълимотида, энг аввало, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш ғоясини илгари сурди.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишни назарда tutар эди. Ислон Каримов бу вазифани жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантиришдан иборат, деб билди. Иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш, биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашни, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни кўзда тутди. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, таркибий ва ташкилий ислоҳотларни чуқурлаштириш кейинги йилларда қонуний равишда бош мавзуга айланди. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда, жумладан, халқимиз 2004 йилнинг охиридан бошлаб доимий фаолият юритадиган икки палатали профессионал парламент ташкил этилишини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон етакчисининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотида инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш назарияси ва амалиёти алоҳида ўрин

тутади. Бу туб ислохотлар ва жамиятни янгилаш жараёнининг бутун кўламини қамраб олган бош стратегик мақсад бўлгани учун қонуний тарзда давлат ва жамият қурилишининг ҳал қилувчи марказий вазифасига айланмоқда. Шу жиҳатдан, сиёсий назариянинг барча ғоялари, барча янгиликлари бевосита ана шу мақсадга йўналтирилган. Шу тариқа давлат бошлиғи сиёсий фалсафасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш назарияси ва амалиёти унинг ғоялари мажмуи — квинтэссенцияси сифатида намоён бўлди.

Сиёсий қурилиш дастурини амалда жорий этиш, кўпгина вазифаларни ҳал этишда давлат ва ҳўжалик тузилмалари ролини аста-секин ва босқичма-босқич камайтириб бориш фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устувор йўналишидан энг муҳими сифатида белгилаб берилган. Гап — жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, ўзини ўзи бошқариш институти бўлмиш маҳалланинг нуфузи ҳамда аҳамиятини ошириш ҳақида кетмоқда. Дарвоқе, 2003 йил Ўзбекистонда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Давлат ва жамият бошқарувида маҳалланинг ўрни ва ролини ошириш бўйича ишлаб чиқилган махсус дастур аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишни, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимият тизимини яратишни таъминлаши лозим.

Ўзбекистон раҳбарининг тинчликпарвар фаолияти минтақа давлатлари ўртасидаги аниқ ва прагматик ҳамкорлик доирасида яққол намоён бўлди. Жумладан, Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотининг Душанбе ва Остонадаги саммитида қуролсизланиш,

марказий ҳокимиятни мустақкамлаш, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда миллий армияни шакллантириш масалаларида Афғонистонга ёрдам беришга катта эътибор қаратилди.

АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган террорчилик билан боғлиқ фожиали воқеалардан кейин бугунги дунёда кўп нарса ўзгарди. Ислом Каримовнинг бундан бир неча йил олдин ана шу масала бўйича аниқ позициясини муносиб баҳолаш керак. 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48- сессиясида, кейинчалик эса қатор халқаро анжуманларда Ислом Каримов нутқ сўзлаб, БМТнинг тинчликпарварлик фаолиятини камситмаган ҳолда, кучайиб бораётган беқарорлик ва ижтимоий парокандаликнинг туб сабабларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, дунёнинг турли минтақаларида, энг аввало, Афғонистонда барқарор ривожланишни таъминлаш масалалари ушбу ташкилот фаолиятида кўпроқ ўрин эгаллаши лозимлигини таъкидлаган эди. Айни пайтда, самарали минтақавий механизмларни яратиш йўли билан глобал ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш таклифи илгари сурилди. Бу гоё «Минтақавий муаммоларни ҳал этишдан — жаҳоншумул муаммоларга» деган шиорда аниқ ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон атрофида вужудга келган вазият муносабати билан мамлакатимизнинг халқаро террорчиликка қарши курашда иштирок этиш масаласига муносабати тўғрисида 2001 йил 5 октябрда берган баёнотида «бугун бир ҳақиқат барчага аён бўлиши керак — бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан

ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги зарур», деб таъкидланди. Шунинг учун ҳам огоҳликка даъват барча учун том маънода тақдириломон масалага айланди. Ўзбекистон терроризмга қарши кураш бўйича халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаганининг сабаби ҳам шунда.

Америкадаги Пью Рисерч Сентер эркин тадқиқот маркази жаҳондаги 44 та мамлакатда ўтказилган ижтимоий фикр сўрови натижаларини эълон қилди. Унга кўра дунёдаги давлат бошлиқлари орасида Ислом Каримов энг юқори рейтингга эга бўлиб, сўровда иштирок этганларнинг 95 фоизи унга хайрихоҳлик билдирган.

Давлатимиз раҳбари нафақат назарий қарашлари, айти пайтда, аниқ амалий ишлари билан ҳам ўзининг тинчликпарвар, дунёда хавфсизлик ва барқарорлик учун умумэътироф этилган курашчи имиджини яратди. Ўзбекистон ўз Президентининг теран гояларига асосланиб, ислоҳотлар ва янгиланишларнинг танланган йўлидан чекинмай, «Биз дунёда, албатта, муносиб ўрнимизни эгаллаймиз», деган сўзларни ҳаётга жорий қилиб, олдига қўйган мақсадлар сари интилмоқда.

*«Труд», 2003 йил 29 январь.*

## БУЮК УМИДЛАР ТАЖАССУМИ

*Ислом Каримов ва Ўзбекистоннинг энг янги сиёсий тарихи*

Юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш даврининг биринчи Президенти, мустақил демократик давлат асосчиси Ислом Каримов ҳақли равишда Ўзбекистоннинг XX аср охири ва XXI аср бошидаги атоқли сиёсатчисига айланди. Каримов Ўзбекистонда бошқарувнинг замонавий Президентлик институтига асос солиб, «Давлат — бош ислоҳотчи» тамойилини белгилаган ҳолда, тадрижий тараққиёт йўлини танлади, унинг ёрдамида мустақил давлат пойдеворини, мамлакат етакчисининг раҳбарлар ҳақидаги аввалги тасаввурлардан кескин фарқ қиладиган янгича образини яратди. Боз устига, у ўзи яратган давлат машинаси фаолияти диққат марказига прагматизмни қўйиб, бир қатор эскирган анъаналарга зарба берди, мамлакатда янги, цивилизациялашган фуқаролик қадриятларига таянадиган дунёвий давлат барпо этишда том маънода оламшумул ишларни амалга оширди, ўзини узоқни кўра биладиган моҳир сиёсатчи сифатида намоён этди. Ўзи асос солган ана шу давлат механизми туфайли ўзининг аниқ иқтисодий ва сиёсий ҳисоб-китобларга асосланган ислоҳотлар сиёсатини изчил амалга оширди.

Ҳали қизил империя тарқалиб кетмасидан олдинроқ Ислом Каримов томонидан собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб ташкил этилган бошқарувнинг Президентлик институти Ўз-

бекистондаги бутун давлат тизимининг куч-қудрат марказига, янгича туб ўзгаришлар манбаига, умид ва ишонч тажассумига айланди.

Ислом Каримов республикага раҳбарлик қилган биринчи кунларданоқ кечиктириб бўлмас сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга дадил киришди, жамият аъзоларида ўз кучига бўлган ишончни қайта тиклашга, барқарорликни сақлашга, қатъият билан миллатлараро низоларнинг олдини олишга интилди. Буларнинг барчаси изчил, собит-қадам, айни вақтда мураккаб, тезкор қарорлар қабул қилишни талаб этарди. Ислом Каримов сусткашликка йўл қўймасдан, вазиятни қатъият ва моҳирлик билан қўлга олди. Фавқулодда самарали чора-тадбирлар шаклланиб бораётган ижтимоий фикрни туб ўзгаришлару туб ислохотлар йўли бўлган ўз сиёсатининг самарадорлигига ишонтириб, жамият ва халққа ўзига ўзи баҳо бериш имконини яратди, ўзига бўлган ишончни қайтарди, руҳи тушган, боши берк кўчага кириб қолган миллат қалбида умид учкунларини уйғотди.

Ислом Каримов учун халқ билан мулоқот популистик-сохта ўйин, найранг бўлмай, балки унинг демократияни қандай чуқур тушунишини кўрсатувчи имконият, мезон эди.

Шу тариқа сиёсатнинг офирлик маркази ижро ҳокимиятига ўтди. Халқ Президентга ишонди ва уни қўллаб-қувватлаб, ортидан эргашди. Президент қайта қуриш давридан кейинги мураккаб вазиятда мамлакат аҳолиси учун кундалик ҳаётнинг узвий қисмига, ишонч ва умидларининг таянч марказига айланди. Айнан энг офир ва машаққатли кунлардаги халқнинг

ана шундай ишончи ва қўллаб-қувватлаши Ислом Каримовда ўзининг олиб бораётган сиёсатига нафақат ишонч уйғотди, айти пайтда, мамлакат ичкарасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам мустақил сиёсатни амалга ошириш имконини берди.

Замонавий президентлик ҳокимияти институтининг ташкил этилиши Ислом Каримовнинг изчил демократик ўзгаришларни амалга оширишга, мавжуд тизимни тубдан ўзгартиришга киришгани билан изоҳланади. Пировард мақсад мустақил давлат қуриш ва мустаҳкамлаш, унинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сифатидаги конституциявий мақомини белгилашдан иборат эди. Ислом Каримов янги конституциявий тизим томонидан белгиланган доирада иш олиб борди. У ҳокимият сиёсатида бир пайтнинг ўзида таъбир жоиз бўлса, ҳам моҳир «чолғучи», ҳам «дирижёр», ҳам «режиссёр» эди. Президент бутун ҳокимиятни онгли равишда ўз қўлида тутиб турар экан, агар давлат раҳбари ва ҳукумат бошлиғи сифатида, ўтиш даври шароитида, бошқарув тизгинини қўлга олмаса, бундай вазиятда давлат бош ислоҳотчи бўлмаса, жамиятда сиёсий бошбошдоқлик, талотўплар ва беқарорлик пайдо бўлиши мумкинлигини яхши тасаввур қилар эди.

Ана шундай вазмин ва кейинчалик ўзини оқлаган бошқарув усули жамиятни турли сиёсий инқирозлардан, беқарорликдан халос қилди. Ислом Каримовнинг сиёсий маслағига айланган мустақил, баъзида кескин принципиал позицияси жамиятни «инқилобий» портлашлардан, қон тўкилишлардан асради.

Ислом Каримов қандайдир «тақдир тақозоси» ёки «азалдан пешонасига ёзилгани» учун эмас, балки шахс

ва амалиётчи сифатидаги фазилатлари туфайли шунча нарсага, яъни буюк халқнинг етакчиси, мустақил Ўзбекистон асосчиси бўлишга эришди, миллатлараро низолар оловининг аланга олишига йўл қўймади, республикани фуқаролар урушидан сақлаб қолди, ўтиш даврининг даҳшатли тўфон ва суронларидан соғомон олиб чиқди. Ўта мураккаб вазиятларда бир маромдаги ҳаётни йўлга қўйди, Ўзбекистонни минтақадаги етакчи давлатлардан бирига айлантирди.

Танглик ҳукмрон бўлиб турган инқирозли пайтда нафақат республикадаги, балки бутун минтақадаги ишларнинг аҳволи учун жавобгарликдан қўрқмай, бор масъулиятни ўз зиммасига оладиган бошқа бир одам топилмади. Шу маънода Ислом Каримовнинг АҚШда таъсис этилган «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофотида сазовор бўлгани бежиз эмас.

Ўзбекистон раҳбари, энг аввало, новатор, демократик қадриятлар ва демократик тараққиёт тарафдори, ижтимоий манфаатлар ҳимоячиси. Унинг сиёсий маслағи оддий: у — демократ, либерал, тадрижчи-ислоҳотчи. Ўзбекистон учун нима яхши-ю нима ёмон — буни бугун ундан кўра ҳеч ким яхши билмаса керак. Мамлакат ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз бергани ва бу жараён изчил давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, ҳеч иккиланмай шундай хулосага келиш мумкин: Ислом Каримов ўз стратегиясини тўғри танлаган. Шунинг учун ҳам унинг мухолифларида асосли далиллар йўқ. Унга нисбатан салбий маънода келтириლაётган мисоллар эса катта сиёсат нуқтаи назаридан арзимас гаплардир. Катта сиёсатда бошқа нарсалар қадрланади. Давлат раҳбари ҳеч қандай қон тўкишларсиз оддий тартиб-интизомни

йўлга қўйиши мумкинми? У иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда барқарорликка эришиши мумкинми? Умуман, мамлакатдаги аҳволни назорат қилиш, унинг ривожини учун лоақал нисбатан қулай шароит яратишни эплайдими у? Ўзбекистонда кейинги йигирма йил мобайнида фақат Ислом Каримовгина бу ишларни қилишга эришди.

Ислом Каримов халқнинг ўзлигини англаб етиши, ўзлигини топишининг негизини ташкил этган Ўзбек моделининг назарий ва амалий асосланган концепциясини ишлаб чиқишда демократия масаласига диалектик ёндашиш ҳамда шўро давридан кейинги давлат ва жамиятнинг бир шаклдан иккинчисига ўтиши билан боғлиқ ўта мураккаб жараёнларга изчиллик нуқтаи назаридан қараш тамойилларидан келиб чиқди. Ўзбекистонда мустабид тузум асоратларидан демократик қадриятлар сари бориш жараёни трансформация йўли билан кечмоқда, яъни демократлаштириш ташаббуси, аввало, ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, ўша томонидан амалга оширилмоқда.

Кўпгина объектив ва концептуал жиҳатдан ўта муҳим муаммоларни ҳал қила бориб, мустабид тузумга хос ўтмиш сиёсий «маданият»идан мерос бўлиб кираётган сарқитлар ва ижтимоий онгда чуқур илдиз отган боқимандалик, ғайри демократик қолип-андозалар енгиб ўтилиб, Ислом Каримовнинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари», сиёсий фалсафасига асосланган сиёсий жараён аста-секин тўлақонли демократик давлат ва жамият қурилиши томон юз бурмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда демократиянинг асосий қадриятларидан бири ҳи-

собланган фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қаратилган навбатдаги сиёсий ислоҳотлар ушбу жараённинг натижасидир.

Жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган метин ирода, қатъий характер, кенг тафаккур, фавқулодда ишчанлик ва сабр-бардошлилик, ўз зиммасига масъулиятни мардона ола билиш ва яна қатор чинакам етук сиёсий ҳамда инсоний фазилатлар, вазиятга қараб сабр-бардошли бўлиш, узоқни кўра олиш, гапга чечанлик, қаттиққўллик Ислом Каримовга нафақат аҳоли кўз ўнгида ўз шахсий қиёфасини яратиш, айти пайтда, мамлакат тараққиёти учун ўз образидан унумли фойдалана билиш имконини ҳам берди. У ўз феъл-атвори қоидаларини ўзгартиришга шошилмайди ва ўйлаб қўйган, етти ўлчаб бир кесилган жуда кўплаб режаларидан чалғиб кетишни ҳам истамайди.

Бугун республикада ислоҳот ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришнинг ваколати айнан Ислом Каримовнинг қўлида. Олға бориш учун кўпроқ иқтисодий эркинлик керак, янги ғоялар, янгича тартиблар, истак уйғотувчи интилиш — ички турткилар зарур. Оқилона таваккалчилик, тактик назокат, аниқ мўлжал билан уйғунлашган ҳозиржавоблик лозим. Ислом Каримов бунини яхши биледи ва шу асосда ҳаракат қилади.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки пайтидаёқ иқтисодиёт сиёсат ва мафкурадан ҳоли қилинган эди. У базис сифатида сиёсатдан устун, деб топилди. Давлат иқтисодиётни ижтимоий йўналтирилган бозор сари йўналтириб, уни бошқариш ишига аралаша бошлади. Назаримизда, ўшанда Ислом Каримовнинг

ислоҳотчилик сиёсати кўлами ва истиқболини ҳеч ким унинг ўзидан кўра яхшироқ билмас эди. Жамият сиёсий-иқтисодий тизимининг асосий иштирокчилари бу ҳақиқатни кейинчалик тушуниб етишди. Республиканинг бозор муносабатларига ўтиш жараёни эркин иқтисодиётга, аввалги бобларда айтилганидек, «капиталистик усулда ишлаш, социалистик усулда — тақсимлаш», деган ижтимоий адолат тамойилига асосланди. Бу ёлғиз Ўзбекистонгагина хос, мамлакатда ўта бой ҳам, ўта камбағал одамлар ҳам бўлмасин деган, барча учун тенг имкониятлар яратиш сиёсати эди. Чунки ҳамма бой бўлишни хоҳлайди, фаровон яшашни истайди. Бу табиий, адолатли интилиш. Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий моделнинг ноёблиги, у асос солган ва бошқариб келаётган демократик давлатнинг ижтимоий мақоми ана шундай эди.

Натижалар шундай бўлди: Ўзбекистон 1996 йилдаёқ иқтисодий ўсиш суръатларини тиклашга муваффақ бўлди. Республика дон ва ёнилғи-энергетика мустақиллигига эришди.

Мамлакат иқтисодиётида ўзига хос мутлақ қатъий талаб бўлмиш барқарор ривожланиш тамойили изчил давом этмоқда, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, тўлов интизоми мустаҳкамланмоқда, иқтисодиётнинг ялпи ва айрим соҳаларининг мутаносиб ҳолда ривожланиши кучаймоқда. Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга, таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, самарадорлиги паст ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни молиявий соғломлаштиришга, бозор муносабатларини, жумладан, қишлоқ хўжалиги

инфратузилмасини кенгайтиришга, капитал қурилишда ислохотларни жадаллаштиришга эришилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Ислом Каримовнинг ижтимоий сиёсати, авваламбор, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Хусусан, «Обод маҳалла йили» давлат дастурини амалга оширишда ижтимоий инфратузилма ривожининг аниқ ифодасини топди. Ислом Каримов ташаббуси билан 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди. Бу масалада аниқ мақсадларга қаратилган дастур ишлаб чиқилди. У одамлар ҳаётини ижтимоий давлат эҳтиёжларига, демократик фуқаролик жамияти вазифаларига тўлиқ мос келадиган даражада тубдан яхшилашга қаратилган.

Меҳр ва мурувват – ўзбекларга хос бўлган ҳақиқий миллий қадрият. У нафақат ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар, етим-есирлар, камбағаллар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз ва кекса кишиларга эътибор қаратишни, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни, ҳеч ким ўзини жамият эътиборидан четда, ёлғиз сезмаслигини энг аввало, жамиятда дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ушбу мақсадларга эришиш учун қулай шарт-шароит яратишни, амалга оширилаётган демократик, инсонпарварлик жараёнларида жамиятнинг родини оширишни назарда тутди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини стратегик мақсад сифатида танлаган Ўзбекистон фуқароларнинг фаоллиги ортиб бораётган жамиятга айланмоқда. Чунки мустақил давлатнинг демократик

негизида инсонпарварлик тамойили конституциявий асосда мустақкамлаб қўйилган. Ислом Каримовнинг мустақил давлат бошлиғи сифатидаги тарихий хизмати, сиёсий стратегиясининг аниқ натижаси ҳам шунда.

Ўзбек моделининг беш тамойили, либераллаштириш концепцияси, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устувор йўналиши Ислом Каримовнинг яхлит сиёсий таълимоти бўлиб, у демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш стратегиясини белгилаб беради.

Ислом Каримов раҳбарлигида буюк келажаги саринтилаётган Ўзбекистон мавжуд имкониятлари доирасида ривожланаётган ўзига тўқ мамлакат. Бугунги кунда бу заминда мураккаб, лекин бажарилиши аниқ вазифалар амалга оширилмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистоннинг энг янги сиёсий тарихида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ стратегия ҳам, албатта, амалга оширилади. Зеро, мамлакатда аниқ ғоя, энг асосийси, халқ яхши кўрадиган, умумэтироф этган етакчи-сардор бор.

*«Труд» 2004 йил 14 январь.*

## БАРЧАГА ТУШУНАРЛИ ПОЗИЦИЯ

*Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш давом этмоқда*

2002 йил 27 январь кuni Ўзбекистонда унутилмас сиёсий воқеа — сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича референдум бўлиб ўтди. Мамлакат аҳолиси бюллетенга киритилган саволларга ижобий жавоб берди. Референдум жамиятни янада демократлаштиришда янги босқични бошлаб берди. Тарих тақозоси ўлароқ, халқ ўз ҳаётининг бурилиш даврини мамлакатнинг биринчи Президенти раҳбарлиги остида кечирмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон халқи, нафақат демократияни, айни пайтда, мустақилликнинг қарор топишини ҳам ўз етакчиси номи билан боғлайди.

Катта сиёсатга Каримов тажрибали хўжалик раҳбари ва маслак-эътиқодига кўра демократ сифатида кириб келди. Айнан ана шундай демократлиги, юксак ақл-идроки ва зукколиги туфайли у мустақил давлат асосчиси, миллий тикланиш мафкурачиси ҳамда ўз халқининг йўлбошчисига айланди. У янги жамиятни тадрижий йўл билан реал тарзда барпо этишга киришди. Миллий ва умумбашарий қадриятларнинг, ўтмиш ҳамда бугунги куннинг фавқулодда вобаста уйғунлашуви унга самарали сиёсий тамойилларни ишлаб чиқиш ва уларга мувофиқ тарзда миллий тикланиш даври сиёсий тарихини яратиш имконини берди. Уни ҳақли равишда янги давлат меъмори, деб ҳисоблашади. Унинг учун демократия,

Конституцияни ҳурмат қилиш, қонун ҳукмронлиги муқаддас қадриятларга айланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши миллий анъаналарни инсоният цивилизация тўплаган қадриятлар, айниқса, уч минг йиллик тарихга эга миллий давлатчилигимизнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши анъаналари билан узвий боғлиқ мутлақо янги сиёсий ғоялар, ёндашувлар, кенг ва теран тафаккурни талаб қилди. Ўтмишда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида йирик марказлашган давлатлар, буюк цивилизациялар бўлган, миллий сиёсий тафаккур манбалари эса «Авесто» китоби яратилишидан олдинги даврларга бориб боғланади. Шунинг учун ҳозирги пайтдаги миллий тикланишга Ўзбекистон учун оддий, шунчаки тикланиш эмас, балки тарихан қудратли миллий давлатчиликнинг қайтадан намоён бўлиши сифатида қаралади.

Ўзининг реалистик, прагматик, рационалистик ва худо берган кучли ақл-заковати ноёб қобилиятлари туфайли табиий мамлакат Президенти жамиятда аниқ, реал сиёсий ва хўжалик стратегияси, ислохотларнинг ишчан, яхлит бўлиши зарурлигини теран англаб етди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида айнан ана шундай — сиёсий луғатларда «Ислом Каримов дастури», деб атала бошлаган давлат дастури ишлаб чиқилди. Бу тараққиётнинг ўзбек модели бўлиб, унинг асосини миллий тикланишнинг қуйидаги беш тамойили ташкил этди: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчилиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Бу моделни жорий этиш мустабидчилик тизимидан мустақиллик сари, янги миллий цивилизацияни шакллантириш сари йўл очди. Мамлакат Президенти раҳбарлигида мамлакат ва халқ ўзини ўзи

кишанлардан халос қила бошлади. Аввало, иқтисодиёт соҳасида. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонгина ишлаб чиқариш даражасини 1991 йил даражасидан анча оширишга эришди. Бундан ташқари, юртимиз Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, аҳолини фаол ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш ва бошқа масалаларда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган сезиларли ютуқларни қўлга киритди.

Шу тариқа Ўзбекистон раҳбари ўзини етук сиёсатчи ва йўлбошчи, жаҳон миқёсида эътироф этилган мутафаккир-назариётчи сифатида намоён этди. Дунёнинг турли мамлакатларидаги бир қатор университетлар унга фахрий докторлик унвонини берди, олий мактабнинг Халқаро Фанлар Академияси эса уни ўзининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайлади ва академиклик мантияси — либосига муносиб кўрди. Унинг жамиятни тубдан ўзгартириш назарияси туфайли мамлакатда демократиянинг миллий тараққиётни янада кучайтиришни таъминлайдиган сиёсий, иқтисодий ва маънавий асослари яратилди. Давлат раҳбарининг сиёсий ғоялари қонуний равишда бойитилди, бу унинг мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг олти устувор йўналишида ўз ифодасини топди. Бу устувор йўналишлар Ўзбекистон ижтимоий ривожининг сифат жиҳатидан янги — эркинлаштириш босқичига ўтишда ҳал қилувчи мезонлар бўлиб қолди.

Ўзбекистон етакчиси ўзининг сиёсий фалсафасида, жумладан, «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида нафақат янги минг йиллик бошидаги мамлакат тараққиётининг назарий пухта ишланган стратегик устувор йўналишларини белгилаб

берди, айни пайтда, уларни амалга оширишнинг аниқ йўллари ҳам кўрсатиб берди.

Сиёсий ҳаётнинг янги босқичи — янги истиқболлар, янги стратегия, демакдир. Мамлакатдаги барча ўзгаришларни боғлайдиган бўгин, асосий ҳалқа бўлган либераллаштириш саноат ва қишлоқ хўжалигининг юксак тараққиётига таянадиган ривожланган давлатнинг асосларини яратишга қаратилган бу стратегиянинг моҳияти сифатида белгиланди. Либераллаштиришнинг эришилган даражасига, муаллифнинг ўзи эътироф этишича, «табiiйки, биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз».

Агар ўзбек моделига асос бўлган бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки беш тамойили ва эркинлаштиришнинг олти устувор йўналиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, бир-бирини бойитиш хусусиятларига эътибор қиладиган бўлсак, уларнинг муштараклиги ва яхлитлиги яққол кўзга ташланади. Ана шу тизимда Ўзбекистон танлаган стратегик йўлнинг сиёсий квинтэссенцияси ва давлат бошлиғи сиёсий таълимотининг концептуал квинтэссенцияси мужассам. Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон Президенти нафақат технократ (биринчи маълумотига кўра), балки иқтисодчи-академик ҳамдир.

Либераллаштириш — мамлакат ижтимоий-сиёсий ривожининг сифат жиҳатидан янги босқичи. Ижтимоий тараққиёт шакли сифатида у қатор муҳим компонентларни тақозо этади. Мамлакатимизнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар шундай компонентлар сифатида белгиланган: сиёсий, иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш;

давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ва ҳоказо. Дарҳақиқат, жамиятни эркинлаштиришнинг нафақат стратегик устувор йўналишлари, балки хусусий мулкни ривожлантириш ва шу асосда мулкдорлар синфини, реал рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ асосий компонентлари ҳам назарий жиҳатдан белгилаб берилди. Айни пайтда, қуйидагилар кўзда тутилади: бозор инфратузилмасини ривожлантириш; молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш; ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш; валюта бозорини эркинлаштириш ва миллий валютанинг эркин алмашинувини таъминлаш масаласини изчил ҳал этиш; хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича рағбатлантириш омилларини мустаҳкамлаш, кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш; инвестиция фаолияти учун қулай муҳит яратиш; корхоналарнинг хўжалик фаолиятига турли текширув ва назорат идораларининг аралишишини чеклаш; банкротлик институти ролини, хўжалик судлари фаолиятини кучайтириш. Иқтисодий ислохотларнинг объектив талаблари ҳамда эркинлаштириш жараёнининг янги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига фаол интеграциялашувини таъминлаш муҳимлиги билан боғлиқ вазифалар олға сурилди.

Бу борада, айниқса, мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришнинг нафақат асосий бўғини, балки аҳоли иш билан бандлиги ва даромад манбаларининг, халқ фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим омили бўлган кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожига катта эътибор берилмоқда.

Мамлакат раҳбари қарашлари тизимида давлатни аста-секин бозор муносабатларининг ўзига хос макроиқтисодий вазифалар ва кучларни бирлаштирувчилик хусусиятларига эга бўлган эркин субъектига айлантириш билан боғлиқ масала алоҳида ўрин тутди. Бунда умуммиллий манфаатлар ва нодавлат секторининг тадбиркорлик манфаатлари чекланган интеграцияси кучларни бирлаштиришнинг асосий йўналиши сифатида намоён бўлади. Кучларни бундай бирлаштирувчилик вазифаси дунё иқтисодиётининг глобаллашув шароитида, айниқса, муҳим.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга демократик дунёвий давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича Ўзбекистон олдида турган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, республика раҳбари мамлакатнинг жаҳон ҳам-жамиятига интеграциялашуви қонуниятларини аниқ тасаввур қилади. «Ўзбек модели» глобаллашув жараёнларига самарали мослашиши ва ўз тараққиётида жамият қурилишида янги сифат босқичига ўтиш учун ҳал қилувчи асос бўлиб хизмат қиладиган янгича интилишга рағбат олиши керак.

Мустақил давлат барпо этиш — улкан тарихий ҳодиса. Лекин бошланган ўзгариш ва янгиланишларни охирига етказишда давлат ўзига бўлган ишонч, қатъият ва иродани йўқотмаслиги, тикланиш ҳамда шаклланиш жараёнлари қийинчиликларидан, бизнинг кейинги бутун ҳаётимизни хавф остига қўядиган муаммоларга тик қараб, уларни ҳал қилишдан чўчимаслиги, улардан ўзини олиб қочмаслиги ўта муҳим. Ислом Каримов бундай қийинчилик ва муаммолардан юз буриш ҳалокат эканлигини яхши тушунган ҳолда, улардан ҳеч қачон ўзини олиб қочган эмас ва олиб қочмайди ҳам.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўтган ўн йил давомида дунёнинг кўпгина нотинч минтақаларида, жумладан, Афғонистон ҳудудида илдириган диний ақидапарастлик ва терроризм хавфидан жаҳон жамоатчилигини биринчилардан бўлиб мунтазам огоҳ этиб келди. 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, 1995 йил 2 мартда Копенгагендаги халқаро конференцияда, 1995 йил 15 сентябрда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент семинар-кенгашида, 1995 йил 24 октябрда БМТнинг 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишда, 1999 йил 18 ноябрда ЕХҲТнинг Истанбул саммитида, 2000 йили БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик саммитида ва бошқа нуфузли анжуманлардаги чиқишларида Ўзбекистон раҳбари Афғонистоннинг даҳшатли вайронкорлик кучига эга халқаро терроризм ўчоғига айланиб қолганидан дунё жамоатчилигини тинимсиз огоҳлантирди ва бу бало-қазонинг олдини олишга чақирди. Боз устига, у ялпи хавфсизликка таҳдид солувчи бу хатарнинг олдини олиш бўйича кўплаб амалий чораларни таклиф қилди, биринчи галда халқаро терроризмга қарши курашда барча давлатларни бирлашишга даъват этди.

Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий позицияси 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган гайриинсоний террорчилик ҳаракатларидан сўнг янада кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 5 октябрда Афғонистон атрофидаги вазият муносабати билан берган баёнотида мамлакатимизнинг халқаро терроризмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги позицияси тўғрисида бугун барчага битта ҳақиқат аён бўлиши лозимлиги

таъкидланди. Ҳақиқат шундан иборатки, бутун инсониятга таҳдид солаётган бу бало-қазони таг-тути билан кўпориб ташлашда ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда турмаслиги керак. Давлат раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки пайтларданоқ Президент ўз ватандошларини огоҳликка чақириб, терроризм хавфи, қора кучлар тажовузи мавжуд эканини, улар қурол-яроғ ва куч тўплаб остонамизда турганини ва исталган дақиқада ўзининг разил мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳаракат қилишга тайёр эканини бот-бот такрорлашни ўз бурчи, деб ҳисоблаб келаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз бошлиғининг халқаро терроризмга нисбатан қатъий позицияси ҳақли равишда дунё миқёсида унинг обрў-эътиборини ошириб юборди. Президентнинг антитеррор ҳаракатлар ниҳоясига етганидан сўнг Афғонистонни қайта тиклаш бўйича таклифлари БМТ томонидан яна бир бор эътироф этилиб, Бош Ассамблеянинг 56-сессияси кун тартибига киритилгани бунинг далилидир. Афғонистондаги антитеррор операциялари Ўзбекистонсиз муваффақиятли амалга ошмаслигини кўпгина сиёсатчилар очиқ тан олишди.

Ислом Каримовнинг давлат позицияси ҳамма учун тушунарли: бу — тинчлик ва барқарорлик, демократия, халқаро ҳамкорлик, тараққиёт, демакдир. Мамлакат миқёсида эса бу позиция ривожланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, тинчлик ва барқарорлик, халқлар ўртасида дўстлик, миллатлараро тотувлик, кучли очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш ғояларини қамраб олади.

*«Труд», 2002 йил 29 январь.*

**АСРЛАРГА  
ТЕНГ ЙИЛЛАР**

## АСРЛАРГА ТЕНГ ЙИЛЛАР

Бу йил Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлайди. Янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлидаги тенгсиз курашлар, турли сурон ва тўфонлар билан ўтган бу қисқа, лекин шарафли ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Ёш, мустақил давлат учун осон бўлгани йўқ, албатта. Собиқ шўро ҳудудидаги барча ёш давлатлар бошига тушган қийинчилик ва машаққатларни юртимиз ҳам кечирди. Уларни мардона енгиб ўтиш, ислоҳотларни изчил ва қатъият билан ҳаётга жорий этиш жараёнлари бугунги кунда кўпчиликка яхши маълум бўлган тараққиётнинг Ўзбек модели асосида амалга оширилди. Газетамиз Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Биз уларга қандайдир баҳо бериш, улар ҳақида олдиндан хулоса чиқариш фикридан йироқмиз. Чунки бу — Ўзбекистон халқининг ўз хоҳиш-иродаси билан эркин танлаб олган мустақил тараққиёт, кенг миқёсдаги ислоҳотлар йўлидир. Ҳар қандай халқнинг хоҳиш-иродаси эса юксак ҳурмат-эҳтиромга лойиқ. Бу мамлакатдаги ислоҳотларнинг бориши ҳақида республиканинг таниқли, кўзга кўринган олимлари, сиёсатчилари, иқтисодчи ва жамоат арбоблари ўз фикрларини билдириб келишмоқда. Газета таҳририятига МДХнинг турли бурчакларидан, узоқ-яқиндаги бошқа хорижий давлатлардан мазкур фикрлар бўйича муносабат билдирилган хатлар келиб турибди. Чунки «Труд» газетасини бутун дунёдаги русийзабон

аҳоли ўқийди ва уларнинг юқоридаги масалалар бўйича фикрлари ҳам хилма-хил. Вақт Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғрилигини кўрсатди. Бугун, узоқ йиллар давом этган беҳуда баҳс-мунозаралар ва бир томондан иккинчи томонга шох ташлаб, «ўйин» кўрсатишлардан сўнг илгари «шок терапияси» усулида ислохот олиб бориш тарафдори бўлган кўпгина МДХ давлатлари эндиликда янги жамиятга ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириладиган тадрижий йўли маъқул эканига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», деган чуқур маъноли сўзларини эсламасдан бўлмайди, албатта. Газетамиз Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллик байрами арафасида ана шу давр мобайнида ўз мамлакатада бўлаётган ўзгаришларни баҳолаб, Ўрта Осиёнинг бу йирик мамлакатадаги ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муштарийларимизга маълумот бериш учун бир гуруҳ олимлар — иқтисодчи, сиёсатшунос ва ҳуқуқшуносларга ўз саҳифасидан жой ажратишни лозим топди.

XX аср инсоният тарихида кўплаб хилма-хил ва зиддиятли воқеалари билан эсда қолади. Чунончи, бу юз йилликда даҳшатли инқилобий тўфонлар, сиёсий, ижтимоий ва ҳарбий фалокатлар, мислсиз инқирозлар кўплаб содир бўлди. Лекин шунга қарамай, бир қатор далиллар ўтган асрни озодлик ва мустақиллик асри, деб аташ имконини беради. Бундай толе бизнинг Ватанимизни ҳам четлаб ўтмади. Биз ўзимизнинг буюк келажагимиз сари ўзимиз танлаган йўлдан бормоқдамиз. Мамлакатимиз мустақиллигининг бу йил нишонланадиган ўн

Йиллик санаси тараққиёт йўлимизнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтиш учун яхши бир баҳонадир. Газета имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, биз демократия сари боришнинг ўзига хос йўли билан боғлиқ барча назарий, методологик, инсоний ва амалий қадриятларни асослаб, уларни чуқур таҳлил этмоқчи эмасмиз. Фақат ана шу хусусиятларни аниқ далиллар асосида имкон қадар кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Токи, улар яқин хориждан газетхонлар учун тушунарли бўлсин.

Ўзбекистон халқи томонидан танлаб олинган йўл — туб тадрижий ислоҳотлар ва ўзгаришлар, янгиланишу тикланиш йўли. Бу йўл инқилобий сакрашлар ва ижтимоий ларзаларни рад этади. Эҳтимол шунинг учун ҳам баъзан расмий ҳокимиятга муҳолифатда бўлган кучлар томонидан, мамлакатдаги ўзгаришлар жараёни секин бормоқда, деган асоссиз таъналарни эшитиш мумкин. Ўзбекистон халқи яшаётган давр ва замон ҳақида, миллатимиз ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган мустақилликнинг дастлабки ўн йили тўғрисида узил-кесил хулоса чиқаришга фақат тарихнинг ўзи ҳақли. Шу қисқа муддат давомида амалга оширилган улкан ишларни назарийчи ва мутахассислар ҳали узоқ вақт мобайнида ўрганади. Аммо истиқлолнинг дастлабки йилларидаги ижтимоий жараёнлар таҳлили айрим хулосалар чиқариш имконини беради.

Бизнинг мамлакатимиз цивилизациялашган конституциявий ҳуқуқий демократик мақомга эга бўлиш учун интилар экан, тарихан ғоят қисқа даврда мустақилликнинг ғоя сифатида шаклланишидан то

уни реал амалга ошириш ва такомиллаштиришгача бўлган анча мураккаб тадрийжий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Қадимий ва бой давлатчилик тарихига эга бўлган халқимиз, ҳатто, мустабид тузум даврида ҳам миллий истиқлол ғоясини қалбининг тубида асраб келди. Бу ғояни амалий ҳақиқатга айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни биринчи босқичи кўппартиявийлик асосида ўтган Президент сайловлари ва янги Конституцияни қабул қилиш билан якунига етди. Кейинги тараққиёт босқичлари давомида давлат ва жамият қурилишининг янги тамойиллари яратилди, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилини ўз ичига олган тараққиётнинг ўзбек модели концепцияси узил-кесил ишлаб чиқилди. Замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ислохотларнинг стратегик мақсади сифатида белгилаб олинди. Айнан ана шу ҳолатларнинг барчаси ва халқнинг қўллаб-қувватлаши ўзгаришларнинг ижобий натижаларини олдиндан белгилаб берди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятининг Халқаро Кенгаши Ижроия қўмитаси маълумотларига кўра, 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида олиб қаралганда, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот доимий нархларда 1992 йилда 89 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 99 фоизгача ўсган. Бошқа кўшни республикаларда эса худди шу кўрсаткич пасайган (Қозоғистонда 95 фоиздан 78 фоизга, Қирғизистонда 86 фоиздан 72 фоизга, Тожикистонда 84 фоиздан 58 фоизгача). Худди шу даврда Ўзбекистонда саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми доимий

нархларда 93 фоиздан 126 фоизгача ортган. Зикр этилган уч республикада эса орқага кетиш ҳолати кузатилган.

Ўзбекистонда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти доимий нархларда 94 фоиздан 100,5 фоизгача, Қирғизистонда 95 фоиздан 102 фоизгача ўсган, Қозоғистон ва Тожикистонда эса бу борада ҳам анча пасайиш кўзга ташланган. Асосий капитал, яъни ишлаб чиқариш соҳасига инвестиция жалб этиш жараёни Ўзбекистонда доимий нархларда барча молиявий манбалар бўйича 68 фоиздан 77 фоизгача кўпайган. Минтақамизнинг бошқа давлатларида бу кўрсаткич анча пасайган. Айниқса, Тожикистонда атиги бир неча фоиз даражасида қолиб кетган. Мамлакатимизда товар айланиши, нефть ва газ қазиб олиш кўрсаткичлари ҳам ошмоқда. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши давом этмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари ялпи ички маҳсулотнинг 4,2 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажми 10,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,7 фоиз, чакана савдо айланмаси 8,6 фоиз, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш эса 23,5 фоиз кўпайганини кўрсатмоқда. Бу жараёнда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланмоқда. Биринчи ярим йилликда инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,5 фоизни ташкил этди. Нақд пул эмиссияси даражаси пасайди. Иқтисодиётга сармоя киритиш ҳажми шу муддатда 2,9 фоизга ўсди. Қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 2,4 фоизга ошди, хўжалик субъектларининг 87,7 фоизи нодавлат мулкнинг турли шаклларида мансуб. Ғалла

ва ёқилғи мустақиллигига эришиш миллий иқтисодиёт фаолиятининг асосий натижаларидан бири ҳисобланади. Буларнинг барчаси жамиятимизнинг бошқа соҳаларидаги туб ислоҳотларнинг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Албатта, иқтисодиётни маънавиятдан ажратиб, уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, иқтисодиёт мафкурадан ҳоли, деб эълон қилинди. Бу жараён иқтисодиётни, биринчи галда, мустабидчилик мафкурасидан халос этишга қаратилган эди. Ушбу йўл, ушбу мақсад ўзини тўлиқ оқлади.

Жамият олдида ижтимоий цивилизациянинг энг сўнгги ютуқлари асосида иқтисодиёт ва мафкура ҳамкорлигини таъминлайдиган узвий тизим барпо этишдек янада мураккаброқ вазифа турган эди. Иқтисодий ислоҳотлар ва миллий тикланиш жараёнларини мафкуравий жиҳатдан таъминлашга тобора кўпроқ эътибор берилаётганининг боиси ҳам шунда.

Жамиятда мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик давлатнинг стратегик вазифасига айланди. Жамиятимиз аъзолари миллий истиқлол мафкурасининг сиёсий партиялар мафкурасидан устун турадиган ўзига хос феномен — нисбатан мустақил ижтимоий ҳодиса эканини инобатга олган ҳолда, унинг яхлит концепциясини яратишга жиддий киришди. Мамлакат Конституциясида фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш тамойили ўз аксини топгани, Ислом Қаримов томонидан ишлаб чиқилган фикрга қарши фақат

фикр, ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни тақозо этадиган ғоявий плюрализм фалсафаси бундай изчил сиёсатнинг асоси бўлди.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», деган ҳаётнинг барча соҳаларининг уйғун ва мутаносиб ривожланишини, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамият барча аъзоларининг ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишини назарда тутадиган миллий ғоя ишлаб чиқилди. Миллий ғояни ҳаётга кенг жорий этишда таълим ва тарбия соҳасидаги ислохотларга алоҳида аҳамият касб этишига эътибор берилмоқда.

Маълумки, жаҳон мафкура майдонларида авжига чиққан кураш ҳозирги шароитда баъзан мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бормоқда. Бу ҳолат турли мамлакатларнинг минтақамизга, биринчи галда, Ўзбекистонга қаратилган кўпгина стратегик ва геосиёсий манфаатлари кучайиб бораётган вазиятда, айниқса, яққол аён бўлиб қолмоқда. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб олган диний экстремизм ва халқаро терроризм бугунги кунда мамлакат барқарорлиги ва унинг мустақиллигига хавф солмоқда. Бу таҳдидлар аксар мафкуравий тус олмоқда.

Миллий истиқлол ғоясининг туб асос-моҳиятини, шубҳасиз, миллий хавфсизлик мафкураси ташкил этади. Мамлакатимизга қарши қаратилган ҳам мафкуравий, ҳам ҳарбий кўринишдаги ички ва ташқи таҳдидлар, мавжудлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Ўзбекистон учун, аввало, минтақавий низолар,

айниқса, Афғонистондаги уруш, шунингдек, минтақавий диний экстремизм ва ақидапарастлик, тажовузкор миллатчилик, коррупция ва жиноятчилик энг кўп хавф туғдирмоқда. Хайриятки, изчил ва ҳаёт синовидан ўтган миллий сиёсат олиб борилгани туфайли Ўзбекистондаги хавфсизликка қарши қаратилган таҳдидларни бирданига кучайтириб юборадиган этник ва миллатлараро зиддиятларнинг олди олинди.

Хавфсизликка қарши қаратилган реал таҳдидлар муносабати билан мамлакатнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш барқарорликнинг зарур шarti ва тараққиётнинг асосий кафолатига айланмоқда. Юртимизда ҳар томонлама таъминланган, юксак малакаси билан ажралиб турадиган, тезкор, яхши қуролланган, тинчлик-тотувликни самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир Куролли Кучларни барпо этиш мақсадида миллий армия, чегара ва ички қўшинларини босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш жараёни қизгин кечмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида учта устувор йўналиш алоҳида ажралиб туради. Булар – минтақа давлатлари, МДХ мамлакатлари ва маърифий дунё билан тенг алоқалар йўналишлари. Ватанимиз ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари «Минтақавий муаммоларни ҳал этишдан жаҳоншумул муаммоларга» ва «Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари» деган қоидаларда яққол намоён бўлди.

Ташқи сиёсатнинг минтақавий йўналиши кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган

геостратегик ўрни билан белгиланади. Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги ташқи сиёсий алоқалари, асосан, иқтисодий ҳамкорликка таянади. Ўзбекистон, кўпчиликка маълум бўлган бир қатор сабабларга кўра, Евроосиё жараёнларида иштирок этмади, лекин Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова билан ГУУАМ ташкилоти доирасида ҳамкорлик қилмоқда.

Яқинда мамлакатимиз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тўлақонли аъзосига айланди ва унинг самарали ривожига катта умид билан қарамоқда.

Ўзбекистон, БМТ аъзоси сифатида, бошқа мамлакатлар билан ҳам ўз муносабатларини тенглик асосида қурмоқда. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг иштирокчиси сифатида бу ташкилот ва шунингдек, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, АСЕАН, ЭКО, ТРАСЕКА ва бошқа халқаро тузилмалар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Жамиятимиз ён-атрофимиздаги дунё учун, эркин танлаш, тенглик, хавфсизлик ва умумбашарий қадриятлар асосида янги халқаро муносабатлар ўрнатиш манфаатлари йўлида ҳамиша очиқ.

Янгиланиш, жамиятдаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичи — бу демократик Ўзбекистон ривожининг энг янги тарихидаги янги босқичдир. У, аввало, XXI аср бошида белгиланган асосий стратегик устувор йўналиш бўлмиш жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган янги ижтимоий фалсафаси билан ажралиб туради.

Бу, ўз моҳият-эътиборига кўра, миллий тарақ-

қиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичидир. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган эркинлаштириш мафкураси тараққиётнинг ўзбек модели асосий тамойилларининг мантиқий давомидир. У мамлакатдаги барча ўзгаришларни боғловчи бўғин бўлган бир қатор устувор йўналишлардан ташкил топган. Белгилаб олинган йўналишлардан ташқари, иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш кўзда тутилаётган, давлатнинг мувофиқлаштирувчилик ролини чеклаш ва хўжалик субъектлари иқтисодий эркинлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ либераллаштириш жараёнини ҳам қайд этиш лозим. Асосий устувор йўналишлар орасида жамиятни маънавий янгилаш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида кадрларни самарали тайёрлаш, халқнинг моддий фарвонлигини ошириш, жамиятда тинчлик-тотувликни таъминлаш масалалари ҳам муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг ўн йили давомида давлат ва жамият қурилишининг конституциявий-ҳуқуқий асоси яратилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга ошириш асослари шакллантирилди, Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланди. Миллий иқтисодиёт хилма-хил мулк шакллари ва бозор муносабатлари асосида, фаол ижтимоий сиёсатни самарали жорий этиш шароитида ривожланмоқда. Ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар плюралиزمi, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги шароитида, маънавий тикланиш, диний, маданий ва тарихий хотиранинг қайта уйғониши муҳитида кечмоқда.

Агар ана шу натижаларга фуқаролик жамиятини қуриш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон ўзининг ўн йиллик мустақил тараққиёти давомида, инсоний цивилизация мезонлари билан ўлчаганда, бир неча ўн йилликларга тенг йўлни босиб ўтишга муваффақ бўлганини кўрамиз.

*«Труд», 2001 йил 21 август.*

# БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ САРИ ЙЎЛ

## ЯНГИЛАНИШНИНГ СИФАТ БОСҚИЧИ

*Ўзбекистон ривожланишининг 2002 йилдаги асосий  
йўналишларини белгилаб олди*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз мажлисида мамлакатнинг 2001 йилдаги ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунларини муҳокама қилди. Унда иқтисодий ислохотларнинг боришига баҳо берилди ва 2002 йилдаги вазифалар белгилаб олинди. Мамлакат Президенти Ислон Каримов маърузасида иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўтган йилдаги натижалари ҳар томонлама таҳлил қилиниб, бошланаётган хўжалик йилида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.**

Ресурслардан самарали фойдаланишни кучайтирган ҳолда, иқтисодиётни эркинлаштириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишидир. Юртимизда давлатнинг бошқарувчилик ролини чеклаш, хўжалик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк кўламини кенгайтириш, мулкдорнинг роли ва ҳуқуқини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича фаол жараёнлар бошланди.

Бу жараёнлар ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бўлиб, у ўтган йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар соҳасида эришилган

салмоқли ютуқлар орқали олдиндан белгилаб қўйилган эди.

Ўтган йил иқтисодиётда, умуман жамиятда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатни изчил амалга оширишнинг мантиқий давоми, яна бир муҳим босқичи бўлди. Бу даврда ялпи ички маҳсулот 4,5 фоизга (аҳоли жон бошига 103,1 фоиз ўсишни ташкил этган ҳолда), аҳолининг реал даромади – 16,9, саноат ишлаб чиқариши – 4,5 фоизга кўпайди.

Инфляция даражаси пасайди, иқтисодиётнинг молиявий барқарорлашуви давлат миқёсида ҳам, ҳудуд ва соҳалар миқёсида ҳам мустаҳкамланди, бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан бир фоиздан камроқ бўлди. Ташқи савдо операцияларидаги ижобий сальдо сақланган ҳолда, ташқи савдо айланмаси 3,1 фоизни ташкил этди. Олтин-валюта захиралари аввалги даражада сақлаб қолинди.

Мамлакат иқтисодиётига инвестициялар кириши ҳам ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 бўлди. Хорижий инвестицияларнинг капитал қўйилмалар таркибидаги улуши ўтган йили барча сармояларнинг 30 фоизини ташкил этди.

Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 24,5 фоизга етди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда иқтисодиётда банд бўлганларнинг 53 фоиздан зиёди кичик ва хусусий тадбиркорлик вакили ҳисобланади. Бу кичик ва хусусий тадбиркорликнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, солиқ тизими, ҳисоб-китоб ишлари ҳамда статистика ҳисоботини соддалаштириш ва унификациялаш, молиявий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш (биргина дастлабки бошланғич

капитални шакллантириш учун ажратилган микрокредитларнинг ўзи 27 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади) натижасидир.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ҳам янада ривожланмоқда, ташқи иқтисоди фаолият ва валюта сиёсати анча эркинлашди. Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг таъсирчан тизими яратилди, экспорт шартномаларини расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди, бунинг натижасида барча кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисига айланди.

Халқаро молия институтлари билан йўлга қўйилган сифат жиҳатидан янги муносабатларни ижобий баҳолаш мумкин. Истиқболда келишилган ҳолда амалга ошириладиган ҳамкорлик стратегияси кўринишидаги икки томонлама муносабатларни жадаллаштириш учун мустақкам асос яратилди.

Республика ҳукуматининг Халқаро валюта жамғармаси билан келишилган иқтисодий ва молиявий сиёсат бўйича Меморандумининг ишлаб чиқилиши ҳамда кучга кириши бунинг яққол далилидир.

Қуйидагилар 2002 йилга мўлжалланган мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожининг энг муҳим стратегик вазифалари сифатида белгиланди: иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини анча пасайтириш, қатъий молия ва кредит сиёсатини олиб бориш. Соҳалар ва корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник қайта жиҳозлаш, экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқур-

лаштириш кўзда тутилмоқда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муаммоларини ҳал қилиш бу масалаларга хорижлик молия маслаҳатчиларини фаол жалб этиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Агар инвесторлар ўз зиммасига аниқ инвестиция мажбуриятларини оладиган бўлса, унча эътиборни тортмайдиган акциялар пакети ва бутун объектларни кейинчалик кечиктирилган муддатларда сотиб олиш шарти билан сармоядорлар бошқаруви-га бериш тажрибаси кенг жорий этилади.

Пахта тозалаш, кимё, мебель саноати, темир йўл ва автомобиль транспорти, капитал қурилиш ҳамда коммунал хўжалик соҳаларини монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш вазифаси қўйилди.

Солиқ ва бюджет соҳаларидаги ислоҳотлар, республика ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари жамғармалар ролини ошириш жараёнлари давом этмоқда. Валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, сўмни эркин алмаштириш бўйича бозор ва банк курсларини бирхиллаштириш, тўлов балансини мустаҳкамлаш ҳамда олтин-валюта захираларини сақлаган ҳолда, сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашинувини таъминлаш сиёсатини изчил давом эттириш кўзда тутилмоқда. Божхона тўловларини янада кўпроқ унификациялаш ва божхона тартибларини енгиллаштириш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш сиёсати ҳам давом эттирилади.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «2002—2003 йилларда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам

таъминланган қатламини мақсадли қўллаб-қувватлаш» ва «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурларини амалга ошириш орқали ижтимоий сиёсатни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Шу билан бирга, ислохотларнинг ўзбек моделини амалга ошириш бўйича умумэътироф этилган ютуқларга қарамасдан, бутун жамият биргаликда бош қотириб, ҳал этиши керак бўлган қатор муаммолар ҳам мавжуд. Бу муҳим муаммолар сирасига моддий-молиявий, табиий, энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш, хорижий сармояларни жалб этиш, иқтисодиётнинг хусусий тармоғини, кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантириш киради. Мамлакат Президенти ўз маърузасида вилоят ва туман, айрим корхона ҳамда ташкилот раҳбарларини ишда йўл қўйган хато-камчиликлари учун қаттиқ ва асосли танқид қилди. Ер ва сув, энергетика ҳамда молия ресурсларига хўжасизларча муносабат, шунингдек, иқтисодиётнинг хусусий тармоғига, фермерликка нисбатан ҳалигача сақланиб келаётган бюрократик тўсиқлар шулар жумласидандир.

Ҳеч шубҳа йўқки, иқтисодиётни 2002 йилда янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг барча муҳим муаммолари ҳамда йўналишлари амалга оширилади. Улар ислохотлар йўлидан янада олға бориш имконини беради, халқнинг турмуш даражасини ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратади.

*«Труд», 2002 йил 16 март.*

## ЮТУҚЛАР САМАРАСИ

*Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг биринчи ярим йилдаги яқунларини кўриб чиқди*

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон иқтисодиётининг 2002 йилнинг биринчи ярмидаги ривож бўйича белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларни бажариш жараёнининг бориши ҳамда энг муҳим муаммоларни ҳал этишга бағишланган маърузасида ўтган давр мобайнида халқ хўжалигининг барча соҳаларида кўлга киритилган натижалар чуқур ва атрофлича таҳлил этилди. Давлат раҳбари Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг долзарб вазифалари белгиланди, юзага келаётган ижобий ва салбий тенденциялар, мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хато ҳамда камчиликлар танқидий баҳоланди. Иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ислохотларни чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар тилга олинди, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий изчил ҳамда жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган асосий сабаб ва омиллар очик айтиб ўтилди.

Миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича биринчи ярим йилликнинг яқунлари қандай бўлди?

Республикада олти ой давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,2 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари — 7,2 фоиз, истеъмол товарлари — 11,5 фоиз, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — 4,5 фоиз ўсди. Чакана савдо айланмаси — 8,3 фоиз, пуллик хизмат-

лар — 12,7 фоиз кўпайди. Ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо таъминланмоқда.

Молиявий тизим мустаҳкамланмоқда: бюджетнинг деярли барча даромад моддалари бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилди.

Бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан бор-йўғи 0,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, у 2 фоиз бўлиши кутилган эди.

Қатъий пул-кредит сиёсати олиб борилгани туфайли нақд пул эмиссиясининг прогноз қилинган даражасида уларнинг муомаладан олинishiга эришилди. Ярим йил давомида эмиссия натижаси бўйича 50 миллиард сўмдан зиёд (Марказий банк курси бўйича 1 доллар 761 сўму 25 тийинга тенг) иқтисод қилинди, муомаладан эса 15,2 миллиард сўм нақд пул олинди.

Миллий валюта анча мустаҳкамланди, инфляция даражаси сезиларли даражада пасайди. Унинг ўртача ойлик даражаси 2001 йилдаги 1,5 фоиз ўрнига 1,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришга қаратилган сиёсатга мувофиқ биринчи ярим йилликда кенг миқёсдаги тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Улар банклараро валюта бозорини анча мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатидаги нуфузини ошириш билан узвий боғлиқ ҳолда, чет эл валютасида бажариладиган нақд операциялар ҳажмини ошириш имконини берди.

Мамлакат иқтисодиёти таркибида бугуннинг ўзидаёқ кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг роли сезилмоқда. Ярим йил мобайнида 26,7 мингдан зиёд ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баробар кўп кичик ва хусусий бизнес корхоналари

ташкил этилди. Бунда ушбу соҳа вакиллари учун ҳуқуқий ва иқтисодий қулай шароитлар яратилгани, уларни рўйхатга олиш тартиби анча соддалаштирилгани, фаолият шартларининг эркинлаштирилгани кўп жиҳатдан қўл келди. 2002 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, фаолият юритаётган кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг сони жами 200 мингтадан ошиб кетди, улардан 168,6 мингтаси микрофирмалардир.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан тахминан 200 мингта янги иш ўрни яратилди, бу прогноз кўрсаткичларидан 1,5 баробар юқори. Кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулотдаги умумий ҳажми 31,6 фоиздан 33 фоизга ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш тизимининг яхшиланиши туфайли микрокредитлар ҳажми 2,5 баробар кўпайди ва 18 миллиард сўмни ташкил этди. Ярим йил давомида 40,4 миллион доллар хорижий кредитлар ўзлаштирилди, бу мақсадлар учун қўшимча 270 миллион доллар миқдордаги чет эл кредитлари ва гаров пулларини жалб этиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ислоҳотлар тақдири кўп жиҳатдан энг муҳим моддий ва табиий ресурсларни иқтисод қилиб, улардан рационал, тежаб-тергаб фойдаланишга боғлиқ. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг 2010 йилгача мўлжалланган концепцияси ва 2002—2004 йилларда уй-жой фондини газ ўлчаш асбоблари билан таъминлаш дастури изчил амалга оширилмоқда.

Йил бошида Халқаро валюта фонди ходимлари билан яқин ҳамкорликда мониторинг дастури ишлаб чиқилди ва 2002 йилнинг 1 январидан 30 июни-

гача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий ва молиявий сиёсат бўйича Меморандум имзоланди. Иқтисодий ва молиявий сиёсат бўйича Меморандумнинг барча қоида ва шартлари — улар ўттиздан зиёд — деярли бажарилди. Жумладан, миллий валюта курсини унификациялаш ва нақд хорижий валютани алмаштириш масаласида ўзгаришлар юз берди. Нақд хорижий валютани бир марта сотишнинг Меморандумда кўзда тутилганидан (1500 АҚШ доллари) кўпроқ ҳажми белгиланди. Жорий йилнинг ўзидаёқ, Халқаро валюта фонди ходимлари билан биргаликда 2002—2003 йилларга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий элементлари ишлаб чиқилади.

Мамлакат Президенти иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг принципиал йўналишларини аниқ-равшан белгилаб берди. Уларнинг орасида давлатнинг тартибга солиш ролини қатъий чеклаб қўйиш ҳам мавжуд (ҳозирги пайтда давлат секторида 937 та корхона фаолият юритмоқда ва шунингдек, 2434 та акциядорлик жамияти ҳамда 394 та масъулияти чекланган жамиятда давлат улуши ва пайлари бор). Бугунги кунда давлат корхоналари нодавлат корхоналар билан бўлаётган рақобатга дош беролмаяпти. Зарар кўриб ишлаётган барча корхоналарнинг 57 фоиздан зиёдини умумий мулкида давлат улуши бўлган корхоналар ташкил этмоқда, жами зарар миқдорининг 95 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундай корхоналардан атиги 149 таси тугатилган, хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллиги кенгайтирилди, ишлаб топган маблағларидан яхшироқ фойдаланиши учун уларга кўпроқ эркинлик ва имкониятлар берилмоқда. Солиқ миқдори қисқартирилди.

2003 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган дав-

лат бюджетини ишлаб чиқишда эски даврда шаклланган қолипларни бутунлай қайта кўриб чиқиш, даромад солиғи ставкасини пасайтириш ва умуман, солиқ юкини камайтириш кўзда тутилган.

Кейинги йилларда давлат харажатлари таркиби анча ўзгарди. Бюджет тўловларининг мақсадли йўналтирилиши кучайди.

Давлат бюджетининг 45 фоиздан зиёдини ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя харажатлари ташкил этади. Мана, етти йилдирки, бюджет харажатлари таркибида инвестиция харажатлари 18 фоиз даражасида қатъий турибди. Марказлаштирилган инвестицияларнинг қарийб учдан бир қисми, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, академик лицей ва касб-хунар коллежлари қуриш, эски билим юртлари биноларини таъмирлашга сарф қилинмоқда. Шунингдек, анчагина маблағ ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилашга йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда республикада умумий миқдори 3,6 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 109 та устувор инвестицион лойиҳа, шундан 725 миллион долларлик 38 та лойиҳа тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига амалга оширилмоқда.

Агар 2001 йилда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 824 миллион долларни, жумладан, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар 108 миллион долларни ташкил этган бўлса, жорий йилда эса 905 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилиши мўлжалланмоқда. Шундан 183 миллион доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир. Инвестицияларни жалб этишнинг ўсиш суръати шу давр мобайнида 110 фоизни, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича эса 1,7 баробарни ташкил этган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-

ларни экспорт қилиш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Айни пайтда ички бозорнинг импорт товарларга, айниқса, юқори сифатли молларга бўлган эҳтиёжи ҳамон катта. Афсуски, Ўзбекистонга олиб келинаётган барча товарлар ҳам ушбу талабга жавоб бермайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу масала устида жиддий ўйлаб кўриш керак.

**Биринчиси.** Қинғир йўллар билан олиб келинаётган барча товарлар эркин алмашинадиган қаттиқ валютага сотиб олинмоқда.

Ахир, бу валюта маблағларидан коллеж ва касалхоналар барпо этиш, уларни энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кексаларимиз ҳамда болаларимизнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондирган ҳолда, ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган дори-дармонларни кўпроқ сотиб олиш учун фойдалансак яхши эмасми?

**Иккинчиси.** Ички бозоримизни хориждан келтирилган сифати паст истеъмол моллари билан тўлдириб, биз ўзимизни беихтиёр иқтисодиётини бошқача асосда қуролмайдиган, ўзида сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмайдиган қолақ мамлакатлар сафига қўшиб қўямиз. Ҳолбуки, бизда иқтисодиётни янгича асосда ривожлантириш учун зарур барча шарт-шароит — хомашё, материаллар ва энг муҳими, малакали мутахассислар етарли.

**Учинчиси.** Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарлар рекламаси сифатини яхшилаш.

Иқтисодиётни ривожлантириш бўйича белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларни амалга оширишда ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар ҳам ҳали-бери мавжуд.

Мамлакатимиз Президенти маърузаси ва Вазирлар Маҳкамаси қарорида ҳудудлар, вазирликлар, идора ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарларига ислоҳот-

ларни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни танқидий баҳолаш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Хусусан, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг моддий-техник ресурсларни сотиб олиш имкониятларини тўлиқ яратиш, зарур техника билан таъминлаш, майда улгуржи савдо ҳамда сервис тизимини шакллантириш, кичик ва хусусий бизнесни йўлга қўйиш учун банк хизматини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Ҳуқуқ-тартибот органларига маҳаллий ҳокимият идораларининг тадбиркорлар фаолиятига аралashiш, уларнинг маблағларини хайрия тадбирлари ва бошқа мақсадларга ғайриқонуний тарзда жалб қилиш масалаларида тартиб ўрнатиш вазифаси топширилди.

Махсус комиссия энг муҳим табиий-хомашё ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш ишларининг боришини танқидий кўриб чиқиши лозим бўлади. Қатор вазирлик ва ҳокимликларга (вилоят маъмуриятларига) қишлоқ хўжалигидаги шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажариш, инфратузилмани мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида айрим тоғли туманларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳолатини ўрганиш вазифаси топширилди.

Ҳужжатда ички бозорни юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг рекламасини йўлга қўйиш ва сотиш мўлжалланган. Таълим соҳасида катта мажмуий тадбирлар кўзда тутилган.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этган ҳолда, ўз келажаги сари дадил қадам ташламоқда.

«Труд», 2002 йил 2 август.

## ЯНГИЛАНИШ ДАСТУРИ

*Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги устувор йўналишларини белгилаб олди*

Тошкентда мамлакат парламенти — Олий Мажлиснинг IX сессияси бўлиб ўтди. Ислон Каримовнинг дастурий маърузасида мамлакат мустақил тараққиётининг асосий босқичлари чуқур таҳлил қилинди, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ва тамойиллари белгиланди.

Ривожланишнинг белгилаб олинган тамойиллари ҳамда устувор йўналишларининг узвийлиги ва очиқлиги, янги стратегик вазифалар натижаларини олдиндан башорат қилиш мумкинлиги Ўзбекистон жамоатчилиги учун янгилик эмас. Улар давлат ва жамият қурилишини модернизациялаш бўйича мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган изчил сиёсатнинг мантиқий ва объектив давоми бўлди. Бу сиёсатнинг сифат жиҳатидан янгилиги шундан иборатки, у бутун маърифий дунё ўзбек модели, деб атаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишнинг беш тамойилини янги босқичда давом эттиришни назарда тутди.

Энг аввало, маънавий қадрият ва анъаналарга, халқаро мажбуриятлар, БМТ низоми, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари — мустақилликнинг устуворлиги, яъни ўз тақдири, мамлакат бойлигига ўзи эгалик қилиш, келажагини ўзи барпо этиш каби қоидаларга риоя қилиш ва уларни бажаришга асосланган тамойиллар асосий устувор

йўналиш сифатида белгилаб олинди. Маърифий тараққиётни айнан шундай тушуниш мамлакатни сиёсий жиҳатдан қайта қуриш, иқтисодиётни ислоҳ этиш, жамиятни маънавий янгилаш бўйича олиб борилаётган ўзгаришлар асосига қўйилган.

Хавфсизлик ва барқарорлик, ҳудудий яхлитлик, сарҳадлар дахлсизлиги, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталиги тараққиётнинг қонуний устувор йўналиши қилиб белгиланган.

Ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган беш вазифадан иборат учинчи устувор йўналиш ўзида қуйидагиларни қамраб олади: а) ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли инфратузилма яратиш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини амалга ошириш; б) хусусий сектор позициясини мустаҳкамлаш, кичик ва хусусий бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, яъни мулкдорлар синфини шакллантириш; в) ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозорини янада либераллаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашинувини таъминлаш, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш; г) тегишли шарт-шароитларни яратиш йўли билан хорижий, биринчи галда, хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш; д) халқаро молия тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, дунё иқтисодиётига янада интеграциялашувни таъминлаш ва мамлакатимизнинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши учун шароитларни шакллантириш.

Жамиятни сифат жиҳатидан янгилашнинг устувор йўналишлари ичида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, сўз ҳамда оммавий ахборот воситалари эркинлиги, шунингдек, олиб борилаётган

ислоҳотларнинг ошкоралиги ва очиқлиги кафолатини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий этиш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борадаги асосий вазифа — оммавий ахборот воситаларининг том маънода «тўртинчи ҳокимият»га айланишини таъминлашдан иборат.

Ошкоралик ва очиқликни таъминлаш учун ижтимоий фикрни ўрганиш механизмларини такомиллаштириш лозим. Бу йўналишдаги вазифа турғунлик ҳолатидан чиқиш, ривожланган мамлакатларда тан олинган маърифий тамойиллар асосида фаолият юритадиган демократик муҳолифатни, ҳақиқий кўппартиявийлик ва демократик парламентаризм тизимини шакллантиришдан иборат. Мазкур йўналишда салмоқли қадамлар қўйилди. Чунончи, доимий асосда фаолият юритадиган икки палатали профессионал парламент тузишни назарда тутадиган янги конституциявий қонун қабул қилинди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотлари роли ҳамда аҳамиятини кучайтиришдан иборат. Ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурига мувофиқ, Ўзбекистонда биринчи галда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда давлат тузилмалари родини босқичма-босқич камайтириш, бу ваколатларни давлат ҳокимиятининг қуйи бўғинларига, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига бериб бориш сиёсати амалга оширилмоқда. Давлатнинг жамият ҳаётидаги роли аниқ белгилаб қўйилди. Бу — иқтисодиёт ривожиди

стратегик устувор йўналишларни белгилаш, қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий меъёрларнинг ҳамма томонидан, сўзсиз, бажарилишини таъминлаш, ташаббус ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хўжалик субъектларининг рақобат асосида фаолият юритиши учун зарур ҳамда тенг шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари орасида қонунлар ва мамлакатда қабул қилинган ҳамда амалда бўлган нормаларнинг ҳаётга жорий этилиши, давлат ҳокимияти идоралари устидан жамотчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти (олтинчи устувор йўналиш) суд тизимининг мустақиллиги ва таъсирчанлигини тўлиқ таъминлашга қаратилган. Суд тизимининг Конституцияда мустақамлаб қўйилган мустақиллиги қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини ўзида мужассам этади. Ўзбекистон бу тамойилга қатъий риоя қилиб, суд-ҳуқуқ тизimini босқичма-босқич ислоҳ этмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий тарихида инсон омили расмий равишда давлат мақомига эга бўлмоқда, яъни жамиятнинг асосий устувор йўналишига айланмоқда. Шахснинг мунтазам такомиллашуви, маънавият ва маърифат соҳасида аниқ мақсадга қаратилган изчил фаолият жамият ривожининг доимий хусусияти, тараққиёт асосига айланиб қолди. Маънавият, ахлоқ, маърифат — ана шу уч қадрият демократияни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Ўзбекистон янги устувор йўналиш-

ларни белгилаб олган ҳолда, ўз демократик тараққиётининг навбатдаги сифат босқичига қадам қўйди. Бу устувор йўналишлар ҳозирги шиддат билан ўзгараётган дунёдаги хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларга муносиб жавоб бўлди. Биз бош мақсадимиз бўлмиш ривожланган демократик давлатлардаги каби юксак ҳаёт даражасига, ўз заминимизда тинчлик ва осойишталикни, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга эришиш учун бундай хавф-хатарларга ўз вақтида муносиб зарба беришимиз зарур.

Жумладан, мудофаа соҳасидаги ислохотлар ҳам шу мақсадга қаратилган. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қурилиш модели мамлакатимиз мудофаа доктринасига мувофиқ тузилган ҳамда шу асосда жорий этилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида шартнома-контракт асосидаги профессионал армия барпо этишга қарор қилинди. Муқобил хизмат тизими тубдан қайта кўриб чиқилмоқда, муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди.

Демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини янада чуқурлаштириш, ўзбек моделининг беш тамойили, мамлакатимизнинг XXI аср бошидаги тараққиётининг олти устувор йўналиши билан бирга, Ўзбекистоннинг демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан олға ҳаракат қилиш дастурига айланди.

*«Труд», 2002 йил 10 сентябрь.*

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ САРИ ЙЎЛ

*Ўзбекистонда демократик тараққиётнинг  
янги сифат босқичи бошланди*

Ҳаёт қонуниятлари шундайки, ҳар бир босқич — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги ечимлар, демакдир. Улар, энг аввало, жамиятдаги барча янгиликларнинг боғловчи ҳалқаси бўлган иқтисодиётни эркинлаштиришни таъминлашга қаратилган.

Иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш давлатнинг бошқарувчилик родини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашни назарда тутди. Кўпукладли иқтисодиётни барпо этишда давлат, даврнинг қонуний зарурати бўлган ўтиш даври шароитида иқтисодиётни самарали тартибга солиш орқали устувор роль ўйнайди.

Эркин иқтисодиёт кўп жиҳатдан макроиқтисодий барқарорликка, изчил иқтисодий юксалишга ўтиш учун шарт-шароит яратиш, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсишини таъминлашга боғлиқ. Ялпи ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқаришининг реал ўсишига эришилган кейинги йилларда макроиқтисодий барқарорлик мамлакат иқтисодий ривожидagi ютуқларнинг бош омили бўлди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши йилига 4–5 фоизни таш-

кил этмоқда. Товар айланиши 12,5 баробар ортди. Бу натижаларга жаҳон бозорларида Ўзбекистон экспорт товарларининг асосий қисмига нисбатан нарх-наво икки баробар арзонлашиб кетган бир шароитда эришилди.

Эркин иқтисодиёт таркибий ўзгаришларни ҳамда ривожланиш негизини белгилаб берадиган асосий тармоқлардаги ислоҳотларни давом эттиришни, кўпукладли иқтисодиётни, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантирувчи рақобат муҳитини яратишни тақозо этади. Ўзбекистон давлат мулкани хусусийлаштиришда ваучерли (банк чеки) бепул хусусийлаштириш усулини рад этиш ҳақида қарор қабул қилди. Давлат мулкига тегишли маълум бир улушни сотиб олиш ва хусусийлаштириладиган корхона меҳнат жамоаси аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишда фуқароларнинг тенглиги, хусусийлаштиришни ишлаб чиқариш ҳамда бошқариш тузилмаларини содалаштириш ва монополиядан чиқариш жараёни билан муштаракликда босқичма-босқич амалга ошириш таъминланди.

Хусусийлаштиришнинг замонавий, учинчи босқичи мамлакат иқтисодиёти негизини белгилаб берадиган тармоқларнинг йирик корхоналарини оммавий хусусийлаштиришдан индивидуал хусусийлаштиришга ўтиш ва, шунингдек, давлат объектларини хусусийлаштириш учун хорижий инвесторларни кенг жалб этишга эътиборни кучайтириш билан характерланади. Ҳокимият идоралари, токи ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлсин деб, бундай мураккаб ишни пухта ўйлаб, вазминлик билан бошлаш ниятида. Бундан ташқари, ҳукумат жисмоний шахслар томонидан

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришни тартибга солган ҳолда, мамлакат ички бозорини ҳимоялаш ҳақида ҳам ўйлай бошлади. Шу тариқа давлат миллий саноатни ривожлантириш учун шароит яратди.

Иқтисодиёт соҳасидаги янги устувор йўналишлар, энг аввало, пайчилик муносабатлари, фермердеҳқон хўжаликлари, кичик ва хусусий бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали қишлоқда эгаллик ҳиссини тиклашга қаратилган. Бу тузилмалар ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда етакчи ўрин эгаллаши, фуқаролар даромадларининг асосий манбаига, мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий базасига айланиши лозим. Мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг роли йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда аҳолининг тахминан 55 фоизи бизнеснинг шу соҳасида банд бўлиб турибди. Бошловчи тадбиркорлар учун бизнес-инкубаторлар ташкил этилган бўлиб, улар орқали кредит олиш, ишни юритиш учун билим ва малака орттириш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд 220 минг кичик ва хусусий бизнес корхонасининг (биргина жорий йилнинг биринчи яримида 26 мингдан зиёд янги корхоналар рўйхатга олинган) ялпи ички маҳсулот таркибидаги ҳиссаси 33 фоизни ташкил этади. Агарда 1991 йил нодавлат секторининг саноатдаги улуши 10 фоиз, қишлоқ хўжалигида 66 фоиз, қурилиш-пудрат ишларида 7,6 фоиз, пуллик хизматда 14 фоиз, хусусий савдо айланмасида 52,5 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич саноатда 70,8 фоиз, аграр тармоқда 99 фоиз, қурилиш-пудрат соҳасида 84,8

фоиз, хусусий савдо айланмасида 97,3 фоиз, пуллик хизматда 59,4 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳозирги пайтда 62 мингдан ортиқ фермерлар, 3 миллиондан зиёд деҳқон хўжалиги мавжуд. Улар ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 63 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ҳукуматимиз келажакда деҳқонлар ва хўжаликларга ўзлари йиғиштириб олган ҳосилнинг ярмидан кўпроғини бозорда эркин сотишлари учун имкониятлар яратиб бериш масаласини ҳал этмоқчи. Мамлакатимиз пахта хомашёсини экспорт қилишни қисқартиради ва, айни пайтда, уни тайёр ип-газлама маҳсулотига айлантиришни кучайтиради. Ўзбекистон 2005 йилга бориб териб олинадиган пахта ҳосилининг ярмини мустақил равишда қайта ишлашни мақсад қилиб олган. Қолган пахта хомашёси экспорти ҳисобидан 2005 йилда 500 миллион доллар олиш кўзда тутилмоқда. Ҳолбуки, тайёр маҳсулотлар экспортдан олинадиган фойда 650 миллион сўм миқдорида баҳоланмоқда.

Бозор муносабатларининг ривожланиши билан хўжалик субъектларига хизмат кўрсатадиган кучли бозор инфратузилмасини яратиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Марказий банк ва тижорат банклари (уларнинг сони 38 та) функцияларини алоҳида ажратиш орқали икки босқичли банк тизими яратилди. Бундан ташқари, хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда тузилган хусусий суғурта компаниялари фаолият олиб бормоқда (2002 йил давомида суғурта компаниялари мамлакат иқтисодиётига 40 миллиард сўмдан зиёд инвестиция киритди). Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозорини янада эркинлаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар

бўйича эркин алмашинуви ва ҳар томонлама мустаҳкамланишини таъминлаш мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига кенг иқтисодий интеграциялашуви-ни талаб қилади.

2002 йилнинг февралида Халқаро Валюта Жамғармаси ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Меморандум тузилди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг ўз иқтисодиётини эркинлаштириш, очиқлик ва ошкоралик сари кўпроқ ислоҳ қилиш бўйича бир қатор аниқ мажбуриятлари акс эттирилган. Халқаро Валюта Жамғармаси, энг аввало, расмий ва «қора бозор»даги валюта курсларини бир-бирига яқинлаштириш-ни талаб қилди ва ҳозирги пайтда бу шартлар бажарилмоқда. Илгари Ўзбекистонда валютанинг «қора бозор»даги курси расмий курсдан икки баробардан юқори эди. Чунки яқин вақтларгача аҳоли томонидан хорижий валютани сотиб олиш борасида қаттиқ чекловлар бор эди. Бугунги кунда вазият тубдан ўзгарди: Тошкент ва бошқа шаҳарларда кўплаб алмаштирув пунктлари очилганидан сўнг долларнинг расмий курси тез пасая бошлади. Буларнинг барчаси чет эл, биринчи галда, хусусий инвесторлар учун зарур инвестиция муҳитини яратмоқда.

Ўтган йиллар давомида 12 миллиард АҚШ долларидан зиёд сармоя жалб этилди. Давлатимиз ҳозирги кунга қадар 140 мамлакат билан савдо муносабатлари ўрнатди. Ташқи ва ички инвестициялар иқтисодиётни ялпи янгилаш ва олтин-захира ресурсларининг ўсиши учун «локомотив», мамлакатимизнинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишининг шарти бўлган иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига йўналтирилади.

Куни кеча мамлакатнинг 2003–2005 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури тасдиқланди. Бу дастур мамлакатда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг бир қатор комплекс вазифаларини ҳал қилишни назарда тутди. Кўзда тутилган даврда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг реал ҳажмини ҳар йили ўртача 4 фоизга кўпайтириш режалаштирилмоқда. Капитал қўйилмаларнинг солиштирама ҳажми ялпи ички маҳсулот таркибида ўртача 24 фоизни ташкил қилади. Бунда марказлаштирилмаган инвестициялар ҳажмининг тез кўпайиб бориши ҳисобидан ўсишга эришиш мўлжалланмоқда. Уларнинг солиштирама ҳажми инвестицияларнинг умумий миқдориди, асосан, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар, тижорат банклари кредитлари, корхоналар ва аҳоли маблағларини ошириш ҳисобидан 2005 йилга бориб жорий йилдаги 47,9 фоиздан 58,5 фоизга ортади.

Масалан, капитал қўйилмалар таркибида тўғридан-тўғри жалб этиладиган хорижий инвестиция ва кредитлар 2003 йилда ўтган йил натижаларини баҳолаш асосида кутилаётган кўрсаткичдан деярли икки баробар кўп бўлади. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ялпи ички маҳсулотнинг бир йилда ўртача 1 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ўсиши, экспорт салоҳиятининг ортиши, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги ишчи ўринлари яратишга таъсир кўрсатади.

Ижтимоий соҳага капитал қўйилмалар ҳажми академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъ-

минлаш, соғлиқни сақлашнинг қуйи бўғинларини ислоҳ этиш, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш дастурларининг бажарилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда прогност қилинмоқда.

Инвестиция дастурини амалга оширишда ҳудудларнинг роли катта, уларнинг инвестиция салоҳияти ортиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ, мамлакат бюджети даромадлар қисмининг 56 фоизини, харажатлар қисмининг эса 52 фоизини ҳудудлар бюджети ташкил этади. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмининг каттагина улуши ҳудудлар томонидан назорат қилинмоқда. Ишлаб чиқариш имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида дастурда юртимиз ва чет эл инвесторлари учун истиқболли ҳудудларни аниқлаш кўзда тутилган. Бу борада ҳозирча Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри пешқадамлик қилмоқда, ялпи ички маҳсулот тарихибида уларнинг экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ҳиссаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори.

Буларнинг барчаси бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, мамлакатда барқарор ва барча соҳалари ўзаро мутаносиб ривожланадиган иқтисодиётни барпо этиш имконини беради.

*«Труд», 2002 йил 12 ноябрь.*

## МУЎҚДОР БЎЛСА, МУВАФФАҚИЯТ ҲАМ БЎЛАДИ

*Ўзбекистон 2002 йилдаги иқтисодий-ижтимоий  
ривожланишга яқун ясади ва 2003 йилда иқтисодий  
ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий  
йўналишларини белгилаб олди*

Давлатимиз бошлиғи иқтисодиётнинг ривожланиш натижаларига, олиб борилаётган ислоҳотларнинг даражаси ва миқёсини пиринципиал баҳолади, уларнинг бу борада қабул қилинган узоқ ва яқин муддатга мўлжалланган дастурларга қанчалик мослиги масаласини таҳлил қилиб берди.

Иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, барқарор ҳамда мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш сиёсатини изчил, собитқадамлик билан амалга ошира бориб, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтирган, хусусий сектор улушини кўпайтирган ҳолда, Ўзбекистон кўпукладли иқтисодиётни фаол шакллантирмоқда. Корхона ва объектларни давлат тассарруфидан чиқариш ва акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёни янада кучайтириш чора-тадбирлари изчил давом эттирилмоқда. Республикада жами 1260 та корхона ва объект тўлиқ хусусийлаштирилган. Қарийб 38 мингта микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилган. Уларнинг умумий сони бугунги кунда тахминан 240 мингтани ташкил этади. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 370 мингта янги иш ўрни яратилган. Бу прогноз кўрсаткичларидан бир ярим баробар кўп.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 73,3 фоизи, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг 71,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана товар айланмаси ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг деярли барчаси нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 35 фоизи хусусий секторда ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш мақсадида юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ставкаси 26 фоиздан 24 фоизга камайтирилди. Кичик ва ўрта бизнес, савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун солиқ тўлаш тизими соддалаштирилди, барча корхона ва ташкилотларда иш ҳақи учун йўналтириладиган маблағларни давлат томонидан тартибга солиб туриш усули бекор қилинди, корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириши анча эркинлаштирилди, юридик шахслар учун хорижий валюталарни эркин алмаштириш ва сотиб олиш тартиби соддалаштирилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётни бошқаришни эркинлаштирган ҳолда, давлат бошқарув органларини маъмурий ислоҳ этишни давом эттирмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият эркинлаштирилмоқда, импорт маҳсулотларига солинадиган божхона тўловлари бирхиллаштирилди, импорт шартномаларини рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилди, республика ҳудудига олиб кириладиган товарларни, сертификатлаштириш тизими жорий этилди. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашуви қисқартирилмоқда. Бозор инфратузилма-

си институтлари, хусусан, молия ва банк тузилмалари, суғурта, консалтинг ҳамда лизинг компаниялари ривожланмоқда.

Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва тугатиш бўйича чоратадбирлар амалга-оширилмоқда. Чунончи, бир йил давомида 304 та корхона ночор ҳолатдан чиқарилди, 154 та корхонага нисбатан эса банкротлик чорасини қўллаш бўйича иш бошланди.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш ишлаб чиқаришнинг барқарор, мутаносиб ўсиш ҳолатини сақлаш имконини берди.

Масалан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ортди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,5 фоизга, истеъмол товарлари 11,8 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,1 фоизга ошди, бошоқли дон етиштириш эса энг юқори кўрсаткичга етди.

Қатъий пул-кредит сиёсати туфайли инфляциянинг ўртача ойлик ўсиши 1,6 фоизгача камайди, пул массасининг ўсиш суръати анча пасайди, унинг ҳажми эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2001 йилдаги 14 фоиз ўрнига 12,5 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 2002 йили 3,8 фоизга ўсди ва 1,4 триллион сўмдан ошиб кетди. Шундан 650 миллион доллари ёки 20 фоиздан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида корхоналарнинг шахсий ресурслари улуши 40 фоизга тенг бўлди. Йил давомида 56 та янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, улардан 15 таси йирик корхоналардир.

Барча инвестицияларнинг 58 фоиздан ортиғи фаолият кўрсатиб турган корхоналарни реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, юқори технологик ишлаб чиқаришни яратиш имконини берган янги қувватларни ишга туширишга йўналтирилди. Инфляция даражаси анча пасайди, ойлик ўртача иш ҳақи 47 фоизга ўсди. Ялли даромад аҳоли жон бошига йил давомида 1,4 марта, реал даромадлар эса 12,6 фоизга ортди.

Афсуски, айрим корхоналар бозор шароити ва талабларига жуда секин мослашмоқда.

Тайёр маҳсулотнинг меъёрдан ортиқ қолдиғи ошиб кетди. Аксарият концернлар, корпорациялар, компания ва уюшмаларда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш паст даражада қолмоқда. Ҳукуматнинг махсус қарори билан зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш бўйича дастур қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш алоҳида эътиборни талаб қилади. Жамоа ва ижара мулкчилиги тамойилларига асосланган ширкат, фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари ҳанузгача бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди. Бозор хусусиятларини ўзида акс эттирадиган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолият эркинлигини чекламайдиган принципиал жиҳатдан янги баҳо мезонларига ўтиш лозим.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги ютуқ — бу ишлаб чиқарувчига кўпроқ эркинлик бериш, унинг қўл-оёғини боғлаб ташлаган кўплаб тугунларни ечиш билан белгиланади. Юқоридан туриб ҳар бир ишни қатъий белгилаб қўйиш, кўрсатма ва буйруқлар беришдан воз кечиш, бунинг ўрнига фермер хўжали-

гини ривожлантириш ҳамда қишлоқда товар ишлаб чиқарувчиларни иш юритишнинг энг замонавий усулларига ўргатиш билан шуғулланиш даркор.

Капитал қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ўз самарасини бермоқда. Мустаҳкам қонуний ва меъёрий асос шакллантирилган. Пудрат ташкилотларига етарли даражада тўлиқ иқтисодий эркинлик берилган. Соҳани ташкилий-таркибий ислоҳ қилиш жараёни давом этаётганига қарамай, бозор муносабатларига ўтишнинг энг асосий таркиби бўлмиш пудрат ишлари бозори, афсуски, ҳалигача яратилмаган. Ҳозир бу борадаги амалиёт шундайки, ишни пудратчи изламайди, аксинча, иш пудратчини излайди. Бу эса пудратчининг қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш билан деярли шуғулланмаслигига, уларнинг таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш чора-тадбирларини қидирмаслигига олиб келади.

Уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислоҳотлар натижаларини танқидий баҳолар экан, давлатимиз раҳбари ижобий натижаларга атрофлича тўхталиб ўтди. Хусусан, қишлоқларни марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олиш даражаси бутун республика бўйича бугун 78 фоизни, табиий газ бўйича эса – 75 фоизни ташкил этади.

Шу билан бирга, бу муаммо ҳали охиригача ҳал этилгани йўқ. Ҳанузгача 2 мингдан зиёд қишлоқ аҳоли пункти ичимлик суви билан таъминланмаган, олис қишлоқларнинг барчасига ҳам табиий газ етиб бормаган.

Ички истеъмол бозорини озиқ-овқат ва sanoat маҳсулотлари билан тўлдириш бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг муҳим сиёсатига айланди. Бу борада

кейинги ойларнинг ўзидаёқ ўндан зиёд ҳукумат қарори ва фармойишлари чиқарилди. Республикамизга яроқсиз ва сифати паст товарларни олиб келиш йўлига тўсиқ қўйилди. Асосий мақсад ички бозорни дунё бозорида рақобатбардошли бўлган, ўзимизда ишлаб чиқарилган юксак сифатли товарлар билан тўлиқ таъминлашга қаратилди.

Юртимиздаги истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича солиқ имтиёзларининг янги тизими жорий этилмоқда. Қабул қилинган ҳукумат қарорлари улгуржи ва чакана савдони тартибга солиш, мамлакатимиз ҳудудида улгуржи база ва дўконларни, умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат корхоналарини ривожлантиришга қаратилган.

Ислоҳотларни амалга оширишда пала-партиш, қўл учида иш олиб боришга барҳам бериш, мамлакат иқтисодиётида биринчи галда хусусий сектор ролини кучайтириш жорий йилнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди. Чунки қаерда ҳақиқий мулкдор бўлса, ўша ерда ҳақиқий муваффақият бўлади.

Бугунги кунда энг асосий вазифа — бу юзаки хусусийлаштиришдан ҳақиқий хусусийлаштиришга ўтиш. Хусусий мулкнинг ролини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизимини мустаҳкамлаш мақсадида Президент фармони қабул қилинди. Унда қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиланди:

а) хусусийлаштирилган корхоналарнинг низом капиталида давлат улушини тубдан қисқартириш;

б) концерн, уюшма ва холдинг компаниялар тугатилган вазирликлар сифатида ишлашни давом эттирадиган ҳолатни тугатиш, корхоналарнинг моли-

явий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашинишга барҳам бериш;

в) акциядорлик корхоналарини бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш. Акциядорлик жамиятлари директорлари вазифаларини тубдан ўзгартириш ва қайта кўриб чиқиш, уларни бир йил муддатга ёлланиб ишлайдиган бошқарувчиларга айлантириш масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Ислохотлар муваффақияти кадрларнинг билимдонлиги, умумий малакасига боғлиқ. Кадрларга, уларнинг касбий тайёргарлигига бўлган талабни ошириш бўйича тегишли идораларга топшириқлар берилди. Эгаллаган лавозимига эмас, балки ишчанлиги ва касб маҳоратига қараб ҳақ тўланадиган рағбатлантиришнинг таъсирчан тизимини яратиш лозимлиги таъкидланди.

Чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш ва технологик янгилаш Ўзбекистонда иқтисодиётни ислох қилишнинг стратегик вазифаси ҳисобланади. Фақат шунинг ҳисобидан мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини, жаҳон бозорида муваффақиятли рақобатга киришишни таъминлаш мумкин.

Ислом Каримов барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган бутун мамлакат аҳолисининг фидокорона меҳнати натижаси экани ва буларнинг барчаси юртимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг тўғрилигини тасдиқлашини таъкидлади.

Иқтисодий салоҳиятни ошириш Ўзбекистонни ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

*«Труд», 2003 йил 1 март.*

## БИЗНЕС ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

*Ўзбекистонда учинчи табақани фақат шу тариқа асраш ва ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблашмоқда*

Бизда ҳали унчалик мустаҳкам оёққа туриб олмаган тадбиркор ва ишбилармон одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий ҳужжатлар ҳақида гап кетганда, ўтган йили қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида»ги қонунни кўпроқ тилга оладилар. Мазкур қонун мустақиллик йилларида қабул қилинган ва хусусий сектор ҳамда фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусини мустаҳкамлаши зарур бўлган, таъбир жоиз бўлса, қонунчилик ҳужжатларининг мухташам биносини гўёки тугаллагандек бўлди. Бу ишларнинг барчаси истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган эди. Ўшанда мамлакат раҳбарияти янгиликка қарши турадиганларни ҳайрон қолдириб, эндигина майдонга чиқиб келаётган бизнесни, шубҳасиз қўллаб-қувватлаш борасида азму қарор қилгани ва бошланган иқтисодий ислохотларда уларга суянишини билдирган эди. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси қандай бўлди?

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес соҳасида банд бўлганларнинг сони 3 миллион кишидан ортиб кетди. Ҳозир 191 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхонаси рўйхатга олинган. Уларнинг аксар кўпчилиги — тўртдан уч қисмини микрофирмалар ташкил этади. Бизнес тузилмаларнинг анчагинаси саноат соҳасида фаолият олиб

бормоқда. Кичик ва ўрта бизнес тузилмалари томонидан чиқарилган маҳсулотлар ҳажми мамлакатдаги умумий товар миқдорининг 11,3 фоизини ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич янада юқори — 72 фоиздан иборат. Қурилиш ишлари ҳажмининг қарийб 37 фоизи, чакана савдо айланмасининг 46 фоизи, барча пуллик хизматларнинг 40 фоизи тадбиркорлик соҳаси корхоналари томонидан амалга оширилмоқда.

Кичик фирмаларнинг ташқи савдо айланмаси ташқи савдо умумий ҳажмининг салкам 12 фоизига тенг бўлмоқда. Бу жараёнда импортдаги улуши 30 фоиз, экспортдаги ҳиссаси эса 36 фоиз бўлган микрофирмалар ҳам фаол иштирок этди. Анъанавий хизмат турларидан ташқари сайёҳлик, карго-сервис хизматлари ҳам пайдо бўлди. Уларнинг ҳажми 14 фоизни ташкил этди. Импорт таркибида саноат ускуналари ва машиналарининг улуши ортиб бормоқда. Бу эса ушбу тармоқнинг янада ривожланишидан далолат беради.

Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш, том маънодаги мулкдорлар синфининг мавжудлиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Кўзга ташлана бошлаган иқтисодий ўсиш суръатлари, маданий бозор сари босқичма-босқич бориш йўли иқтисодиётда барқарорликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш имконини беради. Иқтисодиёт ва давлат қурилиши таянчи бўлган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти пойдеворини ташкил этади.

Озгина маълумоти бўлган ҳар қайси одам тараққиёт, айниқса, бизнес каби ҳаёт қайнаб турадиган соҳа ривожини муаммоларсиз бўлмаслигини яхши билади. Яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ; бизда ҳали айрим ҳокимият вакиллари билан тадбиркорлар ўртасида кўпгина зиддиятлар мавжуд. Айнан шундай масалаларда, қонун, айниқса, биз сўзимиз аввалида тилга олган ҳужжат ёрдамга келади.

«Тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун кучга кириши билан тадбиркорларимиз давлатнинг жиддий қўллаб-қувватлашини ҳис этишди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бош кафолати, албатта, мамлакатимиз Президенти, унинг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳисобланади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу эса одамларга ўз иши ва мулкнинг хўжайини бўлиш имконини берди. Тўғри, бошида ҳаммаси ҳамирдан қил суғиргандек осон бўлгани йўқ. Назорат қилувчи идоралар вакилларининг барчаси ҳам фуқароларнинг тадбиркорлик борасидаги ҳуқуқларини бирданига тўлиқ англаб етмади. Баъзан назорат идораларининг ўзи қонунни пеш қилиб, ноқонуний текширишлар орқали кичик ва ўрта бизнес фаолияти ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда ташкил этилган назорат идоралари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши ана шундай вазиятларда назорат идораларининг ўзини назорат қилишнинг қулай воси-

тасига айланди. Кичик ва ўрта бизнес фаолиятига ҳам, бошқа хўжалик субъектлари ишига ҳам асоссиз равишда аралашишни таъқиқлайдиган «Хўжалик субъектлари фаолиятининг давлат назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Эндиликда республикада зикр этилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатсиз бирорта текширув ўтказилмайди. Ўтказилган тақдирда ҳам ноқонуний ҳисобланади ва бундай текширувларга йўл қўйган мансабдор шахслар қаттиқ жавобгарликка тортилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари зиммасига мазкур кенгашнинг хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш бўйича ишчи органи бўлиш вазифаси юклатилди. Адлия вазирлиги ташаббуси билан текширишларни ҳисобга олиш китоби жорий этилди. Ҳозирги кунда деярли барча кичик ва ўрта бизнес корхонасида шундай китоб мавжуд. Агар умумий текширишлар режасига киритилмаган бўлса, ҳеч қайси текширув идораси ёки комиссия сизнинг фирмангиз фаолиятини текширолмайди. Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари белгиланган тартибга қандай риоя қилинаётганини қаттиқ кузатиб бормоқда. Баъзан олов билан ўйнашадиганлар ҳам топилиб қолади: агар ана шундай сохта текширувчи китобга ўзи ҳақида белгиланган тартибда ёзиб қолдирмаса ёки ўз ваколатидан ташқаридаги масалалар билан қизиқадиган бўлса, бундай текшириш ноқонуний ҳисобланади ва

унинг натижалари бекор қилинади. Бу масалада шунчаки товламачилик қиладиганлар ҳам учраб туради. Унақаларни биз фош этамиз ва уларнинг қилмишлари бўйича тўпланган материалларни суд идораларига топшираемиз. Биргина жорий йилнинг ўзида солиқ инспекциясининг, бошқа ташкилотларнинг бир қатор ходимлари ноқонуний текширишлар туфайли жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни суд қарори орқали тўлашга мажбур бўлди. Судга даъво аризалари адлия идоралари ходимлари томонидан берилди.

Адлия вазирлиги тизимида тузилган махсус департаментга доимий равишда тадбиркорларнинг ҳуқуқи бузилиши ҳақидаги маълумотлар келиб туради. Бунинг учун ишонч телефонлари ва ахборот олиш учун бошқа воситалар ҳам мавжуд. Бу ҳақда тадбиркорлар ҳам, текширувчилар ҳам билади. Бу нимага олиб келади? Биринчи галда қонун бузилишларининг камайишига, тижоратчи ёки товар ишлаб чиқарувчилар бўладими – ким бўлмасин, тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган хусусий мулк эгалари ва бизнесменлар нуфузининг ортишига олиб келмоқда.

Кимдир Ўзбекистонда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун ҳаддан зиёд қаттиқ чора-тадбирлар кўрилмоқда, дейиши мумкин. Ким нима деса, десин. Лекин дунёдаги бирорта мамлакатда кичик ва ўрта бизнес ривожини ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган. Қисқа муддатда Европа иқтисодиётининг ўзагига айланган Германия давлатининг чуқур ўйланган сиёсати туфайли шундай натижаларга эришди. Ҳозирги пайтда бу мамлакатда кичик ва ўрта бизнеснинг улу-

ши 65 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда бу кўрсаткич бутун иқтисодиётнинг ўндан бирига тенг эди. «Япон мўъжизаси» ҳам бугунги кунда ушбу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ярмидан ортигини етказиб берадиган кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантиришнинг давлат томонидан самарали қўллаб-қувватланиши туфайли амалга ошди. Президентимиз ўз маърузасида ана шу ижобий мисолларни келтирди.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб борар экан, Ўзбекистон иқтисодиёти халқнинг менталитети, мавжуд минерал-хомашё ресурлари ва бошқа омилларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб иш тутмоқда. Чунончи, оддий, жумладан, валюта ҳисобидан кредитлаш билан бирга, бизда иқтисодиётнинг барча соҳаларида микрокредитлар ажратиш фаол ривожланмоқда. Кичик миқдордаги кредитларни хусусий мулк эгалари ва фермерлар, халқ ҳунармандлари, ҳатто уй бекалари ҳам ҳеч қандай муаммосиз олиши мумкин. Гоҳида кўпболали аёлларга бундай кредит кейинчалик оиласини бемалол боқишга имкон яратадиган ўзининг кичик бизнесини оёққа қўйишга ёрдам беради. Юртимизда кредитга тикиш машинаси, тўқув дастгоҳи ва бошқа нарсалар олиш имконини берадиган кичик лизинг ҳам оммалашиб кетди. Бундай меҳнат воситалари уй бекаларини иш билан банд қилибгина қолмасдан, баъзан ёки доимий равишда оила бюджетига ҳисса қўшиш имконини яратади. Давлат истаган одам олсин ва ўзини қандайдир бир ишда кўрсатсин, деб ҳар қайси банкда микрокредитлаш жамғармаларини тузиш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда.

Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш уни тараққий эттириш гаровидир ва биз бу ҳақиқатга ҳамиша ишонч ҳосил қилиб келмоқдамиз.

Бу йўлдан босқичма-босқич ривожланиш учун барча ғов-тўсиқлар бартараф этилиши лозим. Амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар таҳлили мунтазам олиб борилмоқда. Бу йил мамлакатимиз парламенти тадбиркорлар фаолиятини тартибга солувчи айрим қонунларга ўзгартиришлар киритди. Бу бизнесменларнинг фикрини инобатга олган ҳолда амалга оширилди. Айни пайтда, идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қарийб ярми тадбиркорлик тўғрисидаги қонунчиликнинг баъзи пунктларига тўғри келмагани учун Адлия вазирлигида экспертизадан ўтмади. Ҳозирги вақтда улар қайтадан ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йилдан бошлаб янги фирмаларни рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Бу эса эски тартиб ва тўсиқлардан қўрқиб юрганларга ўз иши ҳақида ўйлаб кўриш имконини берди. Бугунги кунда сиз ҳужжатларингизни битта ташкилотга олиб бориб топширасиз ва 10–12 кундан кейин уларни ўша ернинг ўзида тайёр ҳолда қабул қилиб оласиз. Хуллас, ижобий тажриба бор, лекин ҳали ечилмаган муаммолар ҳам кўп. Суд идораларининг тадбиркорлар муаммоларини ҳал этишда ҳанузгача ижро ҳокимиятининг қош-қовоғига қараб иш тутиши; бизнесменлар ўз ҳуқуқ ва имкониятларини яхши билмаслиги, уларни судда ҳимоя қила олмаслиги; юқори малакали адвокатларнинг етишмаслиги шулар жумласидандир. Беш қўл баробар эмас, деганларидек, давлатнинг ҳар томонлама қўллаб-

қувватлашидан фойдаланиб, номаъқул ишларни қиладиган тадбиркорлар ҳам, афсуски, топилиб туради. Лекин бугунги кунда Ўзбекистондаги бизнеснинг қиёфасини бундай одамлар белгиламайди. Аксинча, томирида муборак номлари, амалга оширган ишлари афсоналарга айланиб кетган тадбиркор аждодлари қони оқаётган олижаноб, ватанпарвар одамлар белгилайди. Давлатимиз равнақи, фуқароларимиз фаровонлигини айнан шулар таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек, Ўзбекистон анча мураккаб ва нотинч минтақада жойлашган. Шунга қарамай, мамлакатимиз халқи бунёдкор меҳнат билан нафас олмоқда. Азалдан маълумки, қаерда одамлар яхши ва бой яшаса, ўша ерда жамият ҳам барқарор бўлади. Чунки бундай жамиятнинг ҳар бир фуқароси шу барқарорликни асраб яшайди. Бугун тўла асос билан ана шу ҳақиқатни Ўзбекистонга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

*«Труд», 2001 йил 19 декабрь.*

# ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

## КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ ОРҚАЛИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАВЛАТЧИЛИК САРИ

*Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнининг  
жамият олдига қўядиган вазифалари қатъият билан  
бажарилмоқда*

Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий маконида ўзгаришлар рўй бермоқда. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун жамиятда амалга ошири-лаётган ўзгаришларнинг навбатдаги босқичи бўлди. Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 27 январь куни галдаги чақириқда икки палатали парла-ментни сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилликдан етти йиллик қилиб ўзгартириш масалалари бўйича ўтган умумхалқ референдуми қарорларидан ке-либ чиққан ҳолда қабул қилинди.

Референдум қарорларига мувофиқ «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда икки палатали парламент-нинг тузилиши ва таркиби, фаолият асослари, демок-ратик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича қонунчи-ликни такомиллаштириш тамойиллари белгилаб бер-рилган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилиниб, Олий Мажлис палаталарининг мақоми, уларни тузиш тартиби, ваколатлари, бир-бири ва бошқа ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик механизмлари белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишда мана шу қонунлар асос бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида конституциявий ривожланиш 1990 йилда қабул қилинган «Ўзбекистоннинг мустақиллик декларацияси»дан бошланди. Декларацияда мазкур ҳужжат мамлакат Конституциясини ишлаб чиқишнинг, амалдаги Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишнинг, давлат органлари фаолиятининг, республикада янги қонунчиликни ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб хизмат қилиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ривожланиш йўналиши динамикаси демократик характер касб этди. Бунинг далили — ташаббусқори давлат бошлиғи бўлган мамлакат Асосий Қонунини тайёрлаш жараёнининг бошлангани бўлди. Мустақилликдан аввал янги Конституция яратиш бўйича махсус комиссия тузилган эди. Бу мураккаб, ижодий жараённи бевосита мамлакат Президенти бошқариб турди. У ҳар бир моддани шахсан таҳрир қилиб, лойиҳа матнига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди. Шунинг учун ҳам хорижлик мутахассислар мамлакат Асосий Қонунини ҳақли равишда «Ислом Каримов Конституцияси», деб аташади. Конституциявий ҳуқуқлар ва уларнинг кафолатларини ўзида муажассам этган мамлакат Конституци-

цияси инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Мана, ўн бир йилки, Ўзбекистон ўз Конституцияси билан яшамокда. Мамлакат босқичма-босқич янгиланмоқда. Давлатнинг ҳозирги мақоми ҳамда изчиллик, давомийлик ва издошлик асосида жамиятни янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш йўлида жадал тараққий этиши унинг конституциявий-ҳуқуқий асосини такомиллаштиришни тақозо этди. Боз устига, Конституцияга эҳтимолда ўзгартишлар киритишдек мураккаб жараён Асосий Қонуннинг ўзида ҳам кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституциясининг олтинчи бобидаги сўнгги икки моддада Конституцияга ўзгартишлар киритиш тартиби белгилаб қўйилган. Ўзгартишлар ва қўшимчалар қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлиснинг кўпчиликини ташкил этувчи малакали депутатлари (бу депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидир) томонидан киритилади.

Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин...».

Референдум қарори асосида юқорида қайд этилган қатор конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Конституцияга унинг мақсад ва вазифаларига, моҳият ҳамда мазмунига дахл қилмаган ҳолда, тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш учун зарур ҳуқуқий асосни яратди. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги янги қонун шунинг натижасидир.

Конституция моддаларининг меъёрларига ўзгартишлар, асосан, Конституция берган ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил рўёбга чиқариши учун ҳокимиятнинг ҳар бир бўғинига зарурий шароит ҳамда кафолатлар яратиш кўзда тутилган бобларга тааллуқлидир. Палаталар таркиби белгиланади: Қонун чиқарувчи (қўйи) палатада кўп партиявийлик асосида ва ўз-ўзининг номзодини илгари суриш орқали сайланадиган 120 депутат бўлади. Сенат (юқори палата) ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) ташкил топади. Сенат аъзолари тенг миқдорда — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олти кишидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тегишли қўшма мажлисларида ана шу органларга сайланган депутатлар орасидан сайланади. Сенатнинг 16 аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан нуфузли, катта амалий тажрибага эга бўлган, илм-фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида кўп хизмат кўрсатган фуқаролар орасидан тайинланади.

Қонун чиқарувчи палатанинг мақоми сезиларли ўзгарди. У эндиликда профессионал асосда доимий фаолият юритади. Бу нафақат палатага сайланаётган депутатлар таркибининг сифат жиҳатдан ўзгаришига, уларнинг малакаси ва касбий тайёргарлигига талаб ошишига, аynи пайтда, қонун чиқариш жараёнининг ҳам принципиал ўзгаришига олиб келади.

Қонун чиқарувчи палата ва Сенатнинг биргаликда

юритадиган ишлари сирасига Конституция қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; конституциявий қонунлар қабул қилиш, мамлакат қонунларини қабул қилиш, шунингдек, Конституцияда кўзда тутилган қатор бошқа ваколатлар киреди. Палаталар биргаликда муҳокама қиладиган масалалар, қоидага кўра, аввал, Қонун чиқарувчи палатада кейин Сенатда кўрилади. Бундан ташқари, қонунда Қонун чиқарувчи палата ва Сенатнинг мутлақ ваколатлари ҳамда конституциявий мақомлари белгиланган. Улар ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, жумладан, Бош вазир номзодини тасдиқлашда Олий Мажлиснинг ўрни ҳамда ваколатларини сезиларли оширишга ёрдам беради.

Қатор моддаларда Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатлари ҳамда мақомига аниқликлар киритилган. Президентнинг давлат, суд идоралари ва махсус хизматлар раҳбарларини, хориждаги ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш бўйича ваколатлари қисман юқори палата – Сенатга берилади.

Қонунда палаталар фаолияти йўналиш ва соҳаларининг аниқ, ҳуқуқий асосланган конституциявий қоидалари берилади. Эҳтимолдаги ўриндошлик ва бир-бирини такрорлаш ҳолларига имкон қолдирилмайди.

Президент ваколатлари ва вазифаларининг бундай тақсимланиши давлат қурилишида демократик асосни мустаҳкамлайди. Бунда Бош вазир, ҳукумат ва бутун ҳукумат идораларининг ваколатлари ва айни пайтда, масъулияти сезиларли ошади.

97-моддага биноан ваколат муддати тугаганидан

кейин истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси бўлиб қолади.

Тегишли моддалар ижро ҳокимияти — Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият органларининг қонунчилик асосини ва мақомини узил-кесил аниқлаб берган ҳамда суд ҳокимиятининг таркиби, тузилиши ва мақомини белгилаган. Киритилган ўзгартишлар сўнгги йилларда суд тизимини ихтисослаштириш ва такомиллаштириш, функцияларини аниқ ажратиш ҳамда судларнинг мустақиллигини ишончли кафолат билан таъминлаш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини акс эттиради. Шуниси муҳимки, мазкур ўзгартишларда мамлакатнинг жиноий ва жиноий-процессуал қонунчилигини ҳамда у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий меъёрларни қатъий эркинлаштириш мақсади мужассамдир.

Сайлов тизимини ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини демократлаштиришни чуқурлаштириш учун 117-моддага тегишли ўзгартишлар киритилди. Бу модда ҳам марказда, ҳам жойларда юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган қонун чиқарувчи ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини мутлақ эркин намоёиш этишини тўла таъминлашга қаратилган.

Конституциянинг 127-моддаси ўзгартирилиб, қуйидаги мазмунга эга бўлди: «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади».

Маълумки, демократия оламида Асосий Қонунни ҳар хил аниқликлар билан тўлдириб юбормасликка ҳаракат қилинади. Акс ҳолда, унга сон-саноксиз ўзгартишлар киритиш зарурати туғилаверади. Бундан ташқари конституциявий меъёрларни ҳаддан ортиқ деталлаштириш тегишли ҳуқуқ институтларининг ривожини оқсатади. Лекин бизнинг мисолимизда мутлақ ўзгача мазмун-моҳият мавжуд. Ёш мустақил мамлакат доимий изланишда, у жамиятнинг замонага хос тарзда ислоҳ этиш, демократияни янада мустаҳкам қарор топтириш йўллари ахтармоқда, босқичма-босқич янгиланиб, равнақ топиб бормоқда. Бу жараён аниқ қонуният ҳосиласи бўлиб, ҳар томонлама асослангандир.

Шунинг учун ҳам Конституцияга киритилган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги дадил, изчил ҳаракатларининг очиқ инъикоси саналади, белгиланган ўта муҳим мақсадлар – тинчлик, барқарорлик, мамлакат тараққиёти, халқнинг бирдамлигига, фаровонлигига эришиш учун мустаҳкам шароит яратади, конституциявий кафолатлар беради.

Шубҳа йўқки, Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар инсонпарварлик ғояларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг, конституционализм орқали конституциявий давлатчилик сари бораётган Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий-ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилажак.

*«Труд», 2003 йил 7 май.*

## КАТТА ЙЎЛ БОСҚИЧЛАРИ

*1992 йил 8 декабрь куни  
Ўзбекистон Республикасининг  
Конституцияси қабул қилинган эди*

Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиши босқичма-босқич давом этмоқда. Мамлакат шўролар иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин мустақиллик, суверенитет ва ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши тўғрисидаги декларациядан то шўро даврига хос бўлмаган илк Конституциягача машаққатли йўлни босиб ўтди. Бу Конституция умуминсоний қадриятларни, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, демократияни қарор топтириш ҳамда ҳимоя қилишга қаратилган, умум-этироф этилган халқаро тамойил ва меъёрларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиши сифат жиҳатидан бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган қатор ташкилий-ижодий босқичларни ўз ичига олади.

Конституциявий ислоҳотларнинг биринчи босқичи сиёсий бўҳронлар жамиятни ларзага келтирган шўро даври билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 80- йиллари охири ва 90-йиллари ибтидосида Ўзбекистон мудҳиш воқеаларни бошдан кечирди. Республика фуқаролар уруши арафасида турган эди. Фарғона водийси ва бошқа худудларда элатлараро ҳамда миллатлараро низолар бошланди. Ўзбекистон—Қирғизистон чегарасида фожеали воқеалар юз берди.

Бу фожеаларнинг асосий сабабларидан бири, аввало, мавжуд қонунларнинг фалажлиги ва амалий

кучга эга бўлмагани эди. Қонунлар ишламасди. Мамлакатда сиёсий парокандалик бошланди, бошбошдоқлик ва тартибсизлик ҳукм сурди, қонунга бўйсунмаслик авж олди.

Республикани муқаррар фуқаролик уруши хавфидан халос этиш керак эди. Тартиб ўрнатиб, можаро ва хунрезликнинг олдини олиш зарур эди. Республика қон тўкилишини дарҳол тўхтата оладиган, бошқарувни ўз қўлига ола биладиган янги, қатъиятли раҳбарга муҳтож эди. Ислом Каримов шундай раҳбар бўлиб чиқди.

У вазиятни аниқ ҳис этган ҳолда, ўзига хос бўлган фавқулодда қатъиятлилик ҳамда катта жасорат билан элатлараро низолардан келиб чиққан ва бу даврга келиб Бўка, Паркент, Гулистон, Андижон, Ўш, Ўзган каби бошқа ҳудудларга тарқалиб улгурган хунрезликни тўхтатишга киришди. Бунда фақат ички имкониятлар ишга солингани ҳолда, натижага қонунчилик асосида, сиёсий келишув, муроса йўли билан эришилди. Ўзбекистон ва унинг халқи шу тариқа катта фожеадан қутулиб қолди.

Кўринишдан ечилмас туюлган муаммоларга қонун ёрдамида, сиёсий келишув ва муроса йўли билан ечим топиб борган Ўзбекистон ҳамда унинг раҳбари демократия, барқарорлик ва тоғувликдан дастлабки илк сабоқни ўшанда олди.

Бу тарихий, тақдириломон сабоқ ҳаммани қонун бўйича яшашга, қонун асосида, қатъий ва умумэтироф этилган демократик ҳуқуқий меъёрлар негизида такомил топишга ўргатди. Ўзбекистонда ҳар қандай иллатдан қутулишнинг ягона йўли қонунқоидага риоя этишдан иборат эканлиги, жамият бу-

нингсиз яшай олмаслиги теран англаб етилди. Давлатнинг қондаси эса қонун, конституциявий интизом ва тартибдир. Бу фуқаро оиласи ва мулкининг хавфсизлиги, унинг шахсий хавфсизлиги ҳамда белгиланган қоидаларнинг ўзгармаслигига қатъий ишончи ҳам, демакдир. Давлат тенглик асосида қоида ишлаб чиқиши ва унга риоя қилмоғи лозим. Фақат шу йўл билангина ҳар бир инсон қонун билан белгилаб қўйилган ягона хулқ-атвор меъёрларига риоя қилишига, жамиятда барқарорлик ўрнатилишига эришиш мумкин эди. Зеро ҳуқуқий бўлмаган, демакки, ожиз давлатда инсон ҳимоясиз қолади ва эркин бўлмайди.

Шунинг учун давлат ҳаммасини ўзидан бошлади. Биринчи навбатда амалдаги Конституцияга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, республиканинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш зарур эди. 1989 йил 20 октябрь куни қабул қилинган «Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун шундай одил қадам бўлди.

Қонун, биринчи галда, жамиятда сиёсий барқарорликни таъминлашга қодир бўлган давлатнинг, ҳокимиятнинг конституциявий мақомини мустаҳкамлашни, Ўзбекистоннинг конституциявий мустақиллигини назарда тутар эди. У давлат ва жамият институтларини тубдан ислоҳ этишнинг ибтидоси бўлди.

1990 йил 24 март куни XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг I сессиясида собиқ шўро республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда бошқарувнинг Президентлик институти таъсис этилди. 1990 йил 20 июнь куни XII чақириқ Олий Кен-

гашнинг II сессиясида республика мустақиллигига, суверенитетига, унинг ривожланган давлатларнинг демократик анъаналарига содиқлиги ва ҳаммаслақлигига тавсиф берадиган асосий принципиал қоидалар белгилаб қўйилган «Мустақиллик тўғрисидаги Декларация» қабул қилинди.

Декларациянинг Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқишда, амалдаги Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, давлат органлари фаолиятини ташкил этиш ва республикада янги қонунчиликни яратишда асоси бўлиб хизмат қилиши қайд этилган эди.

Конституциявий ислохотларнинг бошланғич босқичи 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилингани билан мантиқий яқунига етди. Қонунга асосан (республика Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари VII сессиясида унга конституциявий қонун мақоми берилди) 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон мустақил бўлди.

Конституциявий ривожланишнинг **иккинчи босқичи** Асосий Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш (1992 йил 8 декабрь) билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш, унинг кенг халқ оммаси томонидан муҳокама этилиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ жараёнлар бевосита давлат бошлиғининг ташаббуси ва раҳбарлиги остида кечди.

Демократик мазмун-мундарижаси, моҳияти би-

лан ажралиб турувчи республиканинг Конституциясида ҳақли равишда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурч-мажбуриятлари, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги бўлимларга асосий ўрин берилган, одамлар ҳуқуқларини, биринчи галда, уларни суд орқали ҳимоя қилишни кафолатловчи механизмлар белгиланди. Асосий Қонунда республиканинг давлат суверенитети, унинг ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги қатъий таъкидланган, халқаро ҳамжамият аъзоси сифатидаги мақоми мустаҳкамланган, ҳуқуқ ҳамда қонун устуворлиги, ҳокимиятни бўлиниш тамойиллари қайд этилган.

Конституция суверен Ўзбекистоннинг демократик тадрижий ривожланишда ҳуқуқий пойдевор бўлди. Унда халқнинг мақсади аниқ белгилаб қўйилган: инсонпарварлик тамойили асосида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш.

Конституциявий ривожланишнинг **учинчи босқичи** Асосий Қонун принциплари ва меъёрларини амалиётга жорий қилишни таъминлаш имконини берди. Бу давр қонунлар яратишдаги ижодий жараёнлар қизгин жадаллашгани билан ажралиб туради. 500 дан зиёд қонун ва 14 кодекс қабул қилинди. Айни пайтда, бу босқичнинг янада муҳим жиҳати ўлароқ шу даврда давлат раҳбари «Ўзбек модели»нинг беш тамойилини ишлаб чиқди ва стратегик тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Тамойиллар қабул қилинган янги Конституцияда ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, қонун устуворлиги тўғрисидаги тамойил Асосий Қонуннинг 15–16-моддаларида акс эттирилган

**Тўртинчи босқич** амалий ва ташкилий жиҳатдан конституциявий меъёрлар ва қонунчилик қондаларининг ҳаётга қатъий тадбиқ этилиши билан ажралиб туради. Қонун ижодкорлиги жараёни давом этмоқда: «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий ва ҳуқуқий қурилиш дастури ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш стратегияси ишлаб чиқилди. Қонун ижодкорлиги тизимида «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

2002 йилнинг 27 январь куни ўтказилган умумхалқ референдуми давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришга бағишланган эди. Унда халқ Олий Мажлисининг учинчи чақирғида икки палатали парламентни ташкил этишни (қонунчилик палатаси ва Сенат) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилликдан етти йилликка ўзгартиришни ёқлади. Референдум яқунлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ тузилажак янги палаталарнинг мақомини белгилайдиган қатор конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ ялпи янгиланишлар, туб ислохотлар жараёнида мамлакат ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида юз берган тақдирломон ўзгаришлар амалдаги Конституцияга ва қонунларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни тақозо қиларди. Натижада «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Шу тариқа Ўзбекистонда конституциявий ривожланишнинг янги — **бешинчи босқичи** бошланди.

Амалдаги Конституциянинг 32 та моддасига киритилган олти йўналишдаги ўзгартишлар ва қўшимчалар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг мақомини, сайлов тизимини ҳамда Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш қоидаларини янада аниқ ва тўлиқ белгилаб берди.

Асосий Қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар Ўзбекистон жамиятида демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиради ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини тадрижий такомиллаштиришнинг қонуний асоси бўлиб хизмат қилади.

Асосий Қонунга кўра, давлат раҳбари — Президент Конституция, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият тараққиётининг кафолати ҳисобланади. Жамиятнинг бугуни ва эртаси, гуллаб-яшнаши айнан давлат раҳбарига, унинг танлаган стратегиясига боғлиқдир. Тараққиётнинг «Ўзбек модели»даги беш тамойил, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришнинг олти устувор йўналиши, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти мақсад-вазифаси мустақил Ўзбекистоннинг ана шундай сиёсий стратегияси бўлди. Зеро, аниқ ва қатъий, кенг кўламли дастурларсиз, нафақат стратегик мақсадларга эришиш, балки мавжуд сиёсий тизимни, сақлаб қолиш ҳам қийин бўлади. Тарихда бунга мисоллар кўп. Масалан, М.Горбачёвнинг сиёсий тақдири ва СССРнинг

пароканда бўлиши. Ўзбекистон раҳбари 1993 йили «Озодлик» радиоси мухбири Карен Аганировнинг саволига жавоб қайтарар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Бир вақтлар мен Горбачёвга бошланаётган ўзгаришлар хусусида савол бериб, қайта қуришнинг концепцияси борми ўзи, деб сўраган эдим. Бундай савол берилганида ҳамиша унинг жаҳли чиқиб, шундай жавоб берар эди: «Сиз ўзи қанақа концепцияни истайсиз? Наполеон уруш бошлар экан, аввало, майдонга тушиш керак, ким ғалаба қилишини кейин кўрамиз, дер эди». Ахир, қарийб 300 миллион одам яшайдиган жуда катта мамлакатда бундай ёндашувга йўл қўйиш мумкинмиди?

Йўқ, албатта. Тарих Наполеоннинг ҳам, Горбачёвнинг ҳам, СССРнинг ҳам тақдирини яхши билди. Ўзбекистон раҳбари конституциявий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, конституционализм сари, конституциявий давлатчилик сари мустақил, демократик тадрижий тараққиёт йўлининг стратегик концепциясини олдиндан аниқ ва мақсадли қилиб белгилаган эди.

*«Труд», 2003 йил 3 декабрь.*

## КУЧ – АДОЛАТДА

### *Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўтган ўн йили давомида «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини амалга ошириб келмоқда. Суд-ҳуқуқ тизими ана шу жараённинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Яқинда Ўзбекистон матбуотида Президент Ислон Каримовнинг республикада суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш билан боғлиқ «Адолат – қонун устуворлигида» деб номланган нутқи чоп этилди. Ўзбек давлати раҳбарининг ташаббуси бўлган бу жараён қандай кечаётгани ҳақида бугун Тошкентдаги муаллифлар фикр юритади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида қанчалик кўп жар солинмасин, улар керагидек ҳимоя қилинмаса, мустақил ва кучли суд ҳокимияти бўлмаса, ушбу ҳайқириқлар алал-оқибат қуруқ шовқиндан ўзга нарса бўлмай қолаверади. Жамиятда мавжуд эркинлик судлар фаолияти орқали намоён бўлиши лозим. Шунинг баробарида, судлар модернизациялашувнинг муҳим воситаларидан бири ҳамдир. Чунки улар тизимдаги айрим ички нуқсон ва қусурларни бартараф этиш, муаммоларнинг олдини олиш, уларни ечиш орқали бутун жамият тизимининг ишлаштини таъминлаши керак. Бу ҳолда нафақат Ўзбекистоннинг Конституцияси ва қонунлари матнларида ўз аксини топди, айни пайтда, ҳаётда ҳам аниқ намоён бўлиб бормоқда. Республикада амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари бунинг далилидир.

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши зарурлигини биз ўз тажрибамиз орқали рўй-рост кўрмоқдамиз. Суд ҳокимияти бошқа ҳокимият органларига тобе бўлган, айниқса, унинг вазифасини суддан ташқари идоралар бажарадиган жамиятни демократик жамият, деб бўлмайди.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари конституциявий қоидаларга мувофиқ равишда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингани бу жараённинг **дастлабки босқичи** сифатида эътироф этилади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг **иккинчи босқичи** 1993 йил сентябрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни билан боғлиқ. Қонунда суд тизимининг қатъий таркиби белгилаб берилган: Конституциявий суд, Умумий юрисдикция судлари ва Хўжалик судлари. 1994 йил сентябрда Жиноят, Жиноий-процессуал кодекслар ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс жорий этилди. Кейинроқ, 1995—1997 йилларда Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал ва Хўжалик-процессуал кодекслари, бошқа ўта муҳим қонунлар қабул қилинди. Шу тариқа суд тизимининг ҳуқуқий пойдеворини барпо этиш ниҳоясига етказилди.

**Учинчи, ҳозирги босқич** суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, судлар ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, яъни бутун суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва кенг миқёсда демократлаштиришга қаратилган. Бу босқичда ижобий натижаларга эришилишига асосий

далил шуки, суд соҳасини ислоҳ қилиш қонунчиликда ҳам кўзда тутилган: 2001 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Қонун суд ҳокимиятнинг мустақил бўғини бўлишини тўла таъминлади. Бундан ташқари судлов жараёнида айбловчи ва ҳимояловчи томонларнинг ҳаққоний тенглигини, суд ёрдамида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайдиган қатор қонунлар қабул қилинди (масалан, «Адвокатура тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар). Адвокатуранинг мақоми анча - ошди.

Судларнинг фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ихтисослашувини амалга ошириш ҳамда қабул қилинаётган суд қарорлари қанчалик қонуний, асосланган, холис эканлигини текширишнинг апелляция тартиби жорий қилиниши одил судловнинг сифати ҳамда тезкорлигини ошириш имконини берди. Судьялик лавозимларига танлов ва тавсияларнинг тартибини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Олий малака комиссияси тузилди. Бундан ташқари судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича департамент таъсис этилди. Унинг жойларда ҳам бўлинмалари бор. Бу чора-тадбирларнинг барчаси судьяларнинг мутлақ мустақиллигини ҳамда уларнинг фақат қонунга бўйсунилларини таъминлашга қаратилган.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Ўзбекистон суд ҳокимиятининг ислоҳотлари «Куч адолатдадир»,

деган қадим тамойилни ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилмоқда. Бунинг маъноси шуки, қонунлар одил бўлиши ва амалиётда холисона қўлланилиши керак.

Шу билан бирга, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, янги қонунни ҳаётга тадбиқ этадиганларнинг менталитети, тафаккурида замонга мос илғор ўзгаришлар ҳамон камлигича қолмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда терговни олиб боришдаги ёмон бир иллат қораланмоқда. Бунинг тартиби шундай: одам аввал ҳибсга олинади, жамиятдан узиб қўйилади ва фақат шундан кейингина унинг айбини исботлашга киришилади. Бу иллат хўжакўрсинлик, аллақандай «режали топшириқ»ни бажариш йўлида сифат эмас, сон учун ҳаракат қилиш модага айланган даврда бошланган. Шунинг учун бўлса керак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг айрим виждонсиз ходимлари фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни эмас, одамларни кўрқитишни, ўзининг қандай қудратли ва зўравон эканлигини кўрсатишни, худди жиноятчиликка қарши курашаётган киши сифатида тасаввур уйғотишга интилишни биринчи ўринга қўяди. Энг хавфли томони шуки, жинояткорона муносабат, иш юритишдаги салбий услублар туфайли аслида қонунга бўйсунадиган, лекин билиб-билмай жиноят содир этиб қўйган шахслар норози бўлиб қолади ва ҳукуматга, қонунларга ишончини йўқотади.

Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчиликка ўзгартишларнинг бутун бир мажмуини киритишдан кўзланган асл мақсад ҳам мана шу вазиятни ўнглашдир. Бу ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти шу қадар

салмоқлики, уларни ҳуқуқий ислоҳотларнинг ўзига тенглаштириш мумкин.

Жиноят қонунчилигидаги бундай ўзгаришлар, энг аввало, жиноятнинг ўзи қандайлигини ва унинг жамиятга қандай хавф солишини аниқлашга тааллуқлидир. Жиноят кодексида кўзда тутилган 460 жиноят турининг 196 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилган. Бу эса тергов органлари ва судлар учун шундай жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш имкониятини кенгайтиради. Бундан ташқари, бундай жиноят учун озодликдан маҳрум қилинган шахслар жазо муддатини манзил – колонияларда, соқчиларсиз, эркин ҳаракатланиш ҳамда қариндош-уруғлар билан кўришиш ҳуқуқи ва бошқа имтиёзларга эга ҳолда ўтайди. Яна 19 турдаги жиноятнинг хавфлилик тоифаси пасайтирилди. Бу эса жазо муддатини ўташ тартибини юмшатиш, жазони бир қадар енгилроғига алмаштириш, шартли равишда муддатидан аввал озодликка чиқариш амалиётини кенгайтириш имконини беради. 87 жиноят тури бўйича уларнинг санкцияларида кўзда тутилган жазолар таъсири камайтирилди. Беш жиноят бўйича озодликдан маҳрум этиш жазоси бекор қилинди. Бунда айбдор ўзи келтирган моддий зарарни тўла қоплаши керак.

Янги киритилган ўзгартишларга биноан, вояга етмаганлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганида, шунингдек, эҳтиётсизлик туфайли бирор жиноят қилганида, уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилмайди. Аёллар ва 60 ёшдан ошган эркакларга тайинланадиган озод-

ликдан маҳрум қилиш шаклидаги юқори жазо муддатлари бирор-бир жиноят учун бериладиган жазо қонунда назарда тутилган юқори муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак.

Ўлим жазосини қўллаш имкониятини қисқартириш йўлида яна бир қадам ташланди. Ҳозирги вақтда бу жазо фақат қуйидаги тўрт хил жиноят учун сақлаб қолинган: агрессия, геноцид, террорчилик ва ўта оғир жиноят — қасддан одам ўлдириш.

Республика Жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ҳам анча салмоқли. Улар жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш, шунингдек, ҳибсда сақлаш муддатларини қисқартириш ҳамда жиноий ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштиришга қаратилган.

Жиноий ишларни кўриб чиқишда «Жабрланувчи билан ярашув» тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши суд фаолиятини эркинлаштиришдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Агар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаса, уни содир этган шахс муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни жабрланувчининг розилиги билан уч ҳафта ичида ҳаракатдан тўхтатади.

Бу талаблардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Унда қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ўз асосий фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиши тўғрисидаги талаб аниқ белгилаб қўйилган.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш ишлари кўплаб йўналишлар бўйича давом этяпти. Шу чоққача амалга оширилган ишлар эса кузатувчилар томонидан суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги залворли қадам ҳамда фуқаролик жамиятининг барча зарурий асосларини шакллантиришдаги яқуний босқич сифатида баҳоланмоқда.

*«Труд», 2001 йил 28 сентябрь.*

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

### *Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ доктринаси тўғрисида*

Ўн йил муқаддам собиқ иттифоқ таркибига кирган барча давлатлар ислоҳотларни айнан ўхшаш вазият ва шароитларда бошлади. Ўтган йиллар МДХ мамлакатларида жамият ҳолатига муайян ўзгаришлар киритди. Қонун ижодкорлиги жараёни ҳақиқий ҳаётдан ортда қолиб кетгани боис Россия Давлат думаси тарқатиб юборилди, Қозоғистонда парламент инқироzi юз берди, собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларида ижро ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасида низолар келиб чиқди. Бу жиҳатдан Ўзбекистондаги вазият анча дуруст кўринади. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг эркинликлари ва мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг кафолати бўлган суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишга муваффақ бўлинди. Маърифий давлат учун зарур бўлган асосий қонунлар ва барча кодекслар қабул қилинди, судьяларнинг мустақиллиги таъминланди, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштиришга киришилди. Кўп қиррали бу улкан ишлар ҳақида ўзбекистонлик домий муаллифимиз юридик фанлари доктори Ф.Ҳ.Раҳимов ҳикоя қилади.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш сиёсати миллий тараққиётда сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Ислом Каримовнинг сиёсий, ғоявий ва ҳуқуқий таълимоти ўлароқ, эркинлаштириш даврининг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилди. Мамлакат танлаган тараққиёт моделининг, бозор иқтисодиётига асосланган

демократик ҳуқуқий давлат қуриш, очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида бош стратегик вазифа — эркинлаштириш бўйича дастурни амалга ошириш ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётига оид барча соҳаларда ислохотлар жараёнини чуқурлаштиришдир.

Эркинлаштириш бобидаги сиёсий фалсафанинг аҳамияти шундаки, бу фалсафа ялпи эркинлаштириш ва демократлаштириш тизимидаги бошланғич босқич сифатида ҳамма соҳаларни қамраб олган. У мамлакатдаги барча демократик ўзгаришларнинг ўзга-ги, боғловчи бўғинидир.

Ушбу соҳадаги асосий устувор йўналишларни белгилар экан, давлат раҳбари уларни аниқ-тиниқ ажратиб кўрсатади. Улар, жумладан, сиёсий, иқтисодий ҳаётни ҳамда давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштиришдир. Мақсад — жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш, зарур қонунчилик, ҳуқуқий майдонни яратиш, ҳокимият барча бўғинлари бўлиниши тамойилини мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг конституциявий мустақиллигини амалда тўлиқ таъминлаш, ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари миллий дастури асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш.

Яқинда ўтган референдум жамият тўғри йўлдан бораётганини кўрсатди. Халқ овоз бериш бюллетенларига киритилган Ўзбекистон парламентини икки палатали қилиб шакллантириш икки таклифини ҳам

тўлиқ кўллаб-қувватлади. Энди республикада икки палатали парламент ва етти йилга сайланадиган президент бўлади, деб айтиш мумкин. Бу янгиликлар ҳам мамлакатда изчил олиб борилаётган эркинлаштириш сиёсатининг самарасидир. Икки палатали парламент сохта обрўдан, лоббизм ва оғмачилиқдан сақланиш кафолатига айланади, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар вазифалари қоришиб кетилишининг олдини олишга ёрдам беради. Президент ваколатининг узайтирилиши эса конституциявий тузумни ҳимоя қилиш бўйича устувор масалаларга ечим топишга, Конституциянинг реал кафолати бўлган давлат раҳбарининг ўз вазифасини самарали бажаришига, ҳокимиятнинг барча бўғинлари баҳамжиҳат ишлашига имкон беради.

Шу чоққача кўп ишлар бажарилди. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Суд, адвокатлик тизимининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, уни янада кучайтириш учун ҳам қонунчилик, ҳам амалий йўсинда кўп ишлар қилинмоқда. Уларнинг ваколатлари ва мақоми прокуратураникига тенглаштириб қўйилди. Кейинги бир неча йил ичида «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Қонунга биноан, адвокатлар айбдорликка гумон шахслар ушланган вақтдан бошлаб тергов жараёнига таклиф қилиниши мумкин. Ваҳоланки, илгари адвокат айблов эълон қилинганидан кейингина таклиф этилар эди. Ўзгартишлар ва қўшимчалар билан янги таҳ-

рирдаги «Судлар тўғрисида» ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 август куни бўлган олтинчи сессиясида мамлакат Президенти муҳокама учун депутатлар эътиборига «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Шунингдек, ушбу сессияда «Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинди.

Бизнингча, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ва унинг қонунчилик асосларини шакллантириш уч босқичдан иборатдир.

**Биринчи босқич** — бу миллий тараққиёт стратегиясини белгилашдир. Бунинг ибтидоси 1991 йил 30 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларацияси тўғрисида»ги конституциявий қонунга бориб тақалади. Суверен Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини барпо этишда «Ўзбек модели»нинг қонун устуворлиги тамойили ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Биринчи босқич 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан ўзининг мантиқий якунига етди.

**Иккинчи босқич** — Асосий Қонуннинг тамойилларига таянади. Босқич Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги (1992 йил), «Судлар тўғрисида»ги, «Конституциявий суд тўғрисида»ги ва қатор бошқа янги қонунлари қабул қилиниши билан бошланди. Шу тариқа, нафақат мамлакатдаги суд-

ҳуқуқ ислоҳотларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди, айти пайтда, суд тизимининг том маънода мустақил бўлиши ва ўз-ўзини бошқаришига эришилди. Илк бор Конституциявий суд таъсис этилди, хўжалик судлари тизими яратилди. Айбсизлик презумпцияси, ҳимоя ҳуқуқи, суд жараёнининг баҳсли кечиши ва очиқ бўлиши каби умумэътироф этилган тамойиллар қарор топтирилди. Бу тамойиллар кейинчалик Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодекслари ва мамлакатнинг бошқа кодекс ҳамда қонун ҳужжатлари билан янада мустаҳкамланди. Айтиан шу даврда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» қабул қилинди.

**Учинчи босқич** — эркинлаштириш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш давридир. Ислом Каримов янги минг йиллик арафасида ва янги аср бошида Ўзбекистон тараққиётининг стратегиясини белгилар экан, жамиятнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш концепциясини ишлаб чиқди, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, жумладан, сиёсий соҳани, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш бўйича янги ғояларни ўртага ташлади. Жамиятни демократик янгилашнинг, қонунчиликнинг янги сифат даражаси бўлган бу босқичнинг моҳияти ва аҳамиятини биринчи ўта муҳим босқич билан тенглаштириш мумкин. Биринчи босқичда жамиятдаги суд-ҳуқуқ тизимининг конституциявий асослари барпо этилган бўлса, учинчи босқичда қонунчилик асосида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги концептуал стратегияси белгилаб олинди. Айтиан шу даврда Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимига бевосита алоқадор ўнга яқин қонун қабул қилинди, суд-ҳуқуқ

тизимини ялпи ислоҳ этишнинг бутун бир яхлит концепцияси ишлаб чиқилди. Ҳозирги босқичнинг ўзига хос фарқли томони шундаки, илк бор жиноят қонунчилигини эркинлаштиришнинг асослари ҳуқуқий мустақамланди. Буни Ўзбекистонда барпо этилган суд-ҳуқуқ тизимини замонавий демократия талаблари асосида эркинлаштириш ва демократлаштириш сифатида қабул қилиш лозим.

Мазкур соҳани изчил ва босқичма-босқич ислоҳ этишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, суд тоталитар тузумнинг қатағон ва жазолаш аппаратидан инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли, қатъий ҳимоя қиладиган чинакам мустақил давлат институтига айланди. Фуқароларнинг судга ишончсизлигига, ундан четлашувига изчиллик ва қатъият билан барҳам берилмоқда. Ҳокимият бўлинининг конституциявий тамойилини амалиётга татбиқ этишнинг ва судлар мустақиллигини таъминлашнинг самарали механизмлари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президент девонида судьялик лавозимига танлов ва тавсия бериш бўйича Олий малага комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича мустақил судларни ташкил этиш механизми қонунчиликда ўз аксини топди, судьялар ихтисослашуви амалга оширилди. Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун билан судьяларни лавозимга танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали демократик ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилиб, суд ҳокимиятининг том маънода мустақил бўлиши, судьялик лавозимларига тайинлашда холислик таъминланди.

Базавий қонунчилик ҳужжати бўлмиш янги қонунга мувофиқ жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчиликка ўзгартишлар киритилди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди, кассация инстанцияси ислоҳ қилинди, айбловчи ва ҳимояловчи томонлар тенг ҳуқуқли бўлди, фуқароларга суд қарорларини апелляция ёки кассация тарзида қайта кўриб чиқиш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ташлаш имконияти берилди. Суд ҳокимияти билан бирга прокуратура, ИИВ тизимлари, жамиятда қонунга риоя этилиши ва тартиб сақланишини таъминлайдиган бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳамда идоралари чуқур ислоҳотларни бошдан кечирмоқда. Ички ишлар органларининг профилактика ишлари тубдан ўзгарди, ҳар бир маҳаллада милицияга кўмаклашиш хизматлари ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича жамоатчилик таянч пунктлари ташкил этилди.

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ доктринасида мавжуд мажмуий янгиланишлар силсиласида табиий равишда жиноятчилик борасидаги сиёсатни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди. Яширишнинг ҳолати йўқ. Давлат раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги «Адолат — қонун устуворлигида», деб номланган нутқида таъкидлаганидек, қонунчилигимизда ҳам, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳам қонунга ва қонунийликка тўғри келмайдиган шундай зиддиятлар учрайдики, бунда тергов органлари муайян жиноятларнинг содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шарт-шароитларни, ҳуқуқбузарнинг шахси ҳамда уни жиноятга ундаган омилларни ҳар

доим ҳам пухта ўрганмайди, судлар эса бу жиноят жамиятга қай даражада ва қандай хавф солишига эътибор бермасдан, адолатсиз равишда оғир ҳукм чиқаради. Масалан, 2001 йилнинг июнида ўтказилган текширув натижасида жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто, етказилган моддий зарарни тўла қоплаган икки минг нафардан зиёд ана шундай шахслар адолатсиз равишда тергов ҳибсхоналарида сақланаётгани аниқланди. Уларнинг барчаси озод қилинди.

Афсуски, терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган ярамас тажриба, қўрқитишга, ўзининг нечоғли кучли-қудратли эканлигини намойиш этишга, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётган қилиб кўрсатишга уриниш каби нуқсонлар ҳали барҳам топгани йўқ. Бу услубларнинг ижтимоий, руҳий, маънавий-ҳуқуқий хавфи барчага маълум. Аввало, жинояткорона муносабат, ишдаги қўпол нуқсонлар, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчиликнинг номукамаллиги ва одамлардаги ҳуқуқий нигилизмни суиистеъмол қиладиган, улар бошига тушган кулфатдан ўзининг ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланадиган айрим ходимлари ҳалол ишламаётгани, онгли равишдаги ҳуқуқий инфантализм фуқароларда қонунларга, давлатга, ҳокимиятга, энг ёмони, ўзига ишончини йўқотмоқда. Жиноят қонунчилигини эркинлаштиришнинг, ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимининг ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонларини жорий этиш заруратининг асл сабаблари ҳам шунда.

Ўзбекистоннинг янги суд-ҳуқуқ доктринаси оғир жазоларнинг, айниқса, жамиятдан ажратиб қўйиш каби ҳолатларнинг қўрқинчли ролини ошириб юбормасликка асосланади. Чунки жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Жиноятчиликнинг олдини олишга самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан бири айнан жазо муқаррарлигининг ҳис қилинишидир. Шунинг учун одамларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий инфантилизм мутлақ инкор этилмоқда. Давлатнинг бу борадаги сиёсати 1997 йилда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»да ҳамда Президентнинг 2001 йилда чиқарган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармойишида ўзининг концептуал аксини топган.

Жиноят, Жиноят-процессуал қонунчилигини ўзгартириш, уларни инсонпарварлик тамойилларига янада мослаштириш ва эркинлаштириш борасида ташланган биринчи қадам Ўзбекистон ҳуқуқ маконини анча ўзгартирди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар Жиноят кодексида жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ёки бошқача айтганда, 18,7 фоизни ташкил этади. Яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди (42,8 фоиз). Шу тариқа тергов ва суд органларининг қамоққа олиш

билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. Жиноятлар таркибининг 73,1 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, фақат чорак қисмигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларининг кенгайтирилиши миллий қонунчиликдаги янгича ёндашувдир. Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига кўпроқ жазонинг жарима турини қўллаш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларини қўллаш кенгайтирилди. Эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақлаш ўрнига гаров, тегишли хулқатворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш ва бошқа чоралардан фойдаланиш кабилар ҳам шулар қаторига киради. Шу пайтгача бундай жиноятлар учун жазо белгиланарди. Жиноят турларининг 83 таси иқтисодий жиноят тоифасига киради. Жазонинг бундай муқобил усули, нафақат жиноят қонунчилигининг қатағон унсурларини камайтириш, айти пайтда, жавобгарликнинг янада аниқ дифференциялашуви ва индивидуаллашуви ҳисобига унинг тарбиявий аҳамиятини ошириш имконини беради. Эндиликда жиноят содир этган шахсга нисбатан, Жиноят кодексининг беш моддасига мувофиқ, у етказилган моддий зарарни тўла қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум этиш жазосидан қутулади.

Сўнгги етти йил давомида жазо чораси сифатида ўлим жазосини кўзда тутувчи моддалар сони 13 тадан 8 тагача қисқартирилди. Жиноят кодексига киритилган

сўнгги ўзгартиш уларнинг сонини тўрттага туширди. Ўлим жазоси агрессия, геноцид, террорчилик, оғир ҳолатларда содир этилган қасддан одам ўлдириш бўйича жиноятларга нисбатан қўлланади. Аёллар ва балоғатга етмаганлар ҳамда 60 ёшдан ошган эркекларга бу жазони қўллаш таъқиқланади.

Республика қонунчилигида мол-мулкни мусодара қилиш шаклидаги жиноий жазо ҳамда балоғат ёшига етмаганлар, аёллар ва катта ёшдаги одамларни жазолаш тизими қайта кўриб чиқилди.

Янги қонунчиликда тергов тартиби соддалаштирилган бўлиб, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатлари 9 ойгача камайтирилди, жиноий ишларни ҳал қилишда жабрланувчи билан ярашув шаклининг махсус тартиби жорий қилинди. Жабрланувчи билан ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан халос этиш тўғрисида алоҳида модда киритилди. Қонунчиликда бу илгари бўлмаган.

Жиноий қонунчилик меъёрлари тўла амал қилиши учун прокуратура фаолиятини кескин ўзгартириш керак. «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда бу кўзда тутилган. Прокурорларнинг ваколатлари бирмунча чекланди, фуқаролар прокурор назорати остида бўлишдан чиқарилди. Энди уларнинг вазифаси фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашдир. «Прокуратура тўғрисида»ги қонун амалдаги процессуал қонунчиликка мослаштирилди. Эндиликда прокурорлар суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмас. Туман ҳамда шаҳар прокурорлари терговнинг ва айбдорларни қамокда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Фақат

Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари ҳамда вилоят прокурорлари кўрсатилган ва белгиланган муддатларни узайтириш ҳуқуқларига эгадир. Суд ва прокуратуранинг ҳуқуқий ваколатлари ўртасида шу тариқа мувозанат ўрнатилди. Шу тариқа судларнинг мустақиллиги таъминланмоқда. Прокуратура қонун ижросини назорат қилади, Президент ташаббуси билан эса қонунчиликда унинг ўзини жамоатчилик томонидан назорат қилиш ҳам белгилаб қўйилган.

«Куч – адолатдадир», деган эди марказлашган Ўзбек давлати асосчиси Амир Темур. Мустақил Ўзбекистонда ҳам шу тамойилга амал қилинмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг машҳур «Ўзбек модели»даги асосий тамойил – қонун устуворлигидир. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида Ислом Каримов парламентдаги ўз нутқида эришилган муваффақиятларга эмас, мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик билан боғлиқ вазиятга эътиборни қаратди. Зеро, фақат қонун устувор бўлиб, халқ осойишта ҳаёт кечирган шароитдагина тараққиётга эришиш мумкин. Мамлакат Президенти шундай деб ҳисоблайди ва шундан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритади. Шу сиёсат туфайли суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич тубдан ислоҳ этиш концепцияси, жиноят қонунчилигининг инсонпарварлик тамойиллари асосида эркинлаштирилиши бизни тоталитар тузумдан қолган мерос оғир, адолатсиз жазолар тайинлаш тажрибасидан қутқармоқда, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини жадаллаштирмоқда.

*Труд», 2002 йил 10 февраль.*

## ҚОНУН КУЧИ – ИНСОНПАРВАРЛИҚДА

*Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг сифат жиҳатдан янги  
босқичи натижалари ҳақида*

Демократик асосга эга бўлган, мавжуд тизимдан ўсиб чиқувчи эркинлаштириш жараёни Ўзбекистонда нафақат жозибали ва кутилган сиёсий воқеаликка, айни пайтда демократик цивилизация қарор топиши учун зарур шароитга, яъни дунёвий фуқаролик давлати қуришнинг реал амалиётига ҳам айланди. Бошқача айтганда, сиёсий, жумладан, либерал-демократик тизимнинг тадрижий ривожланиши Ўзбекистонда тараққиётнинг янгича тенденцияларини табиий равишда янги шаклдаги сиёсий ва инсонпарварлик тамойилларини вужудга келтирди.

Бу тамойиллар, энг аввало, шахс билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб беради. Барча фуқароларнинг тенглигини, сўз, фикр эркинлигини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий асосда расман белгилаган Ўзбекистон уларни амалда жорий этилишини ҳам таъминлаяпти. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг навбатдаги босқичи ва унинг натижалари фикримизнинг далилидир.

Суд-ҳуқуқ тизимини, жумладан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш 2001 йилнинг августида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги тарихий қонун билан бошланди.

Қонуннинг асосий мазмуни ҳамда вазифаси адолатли ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойиллари асосида жиноят қонунчилигини инсонпарварлаштиришдан иборат.

Маълумки, 2000 йилнинг июнида Ўзбекистон жамиятининг барча соҳаларида, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар жараёнларини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича дастур қабул қилинган эди. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахснинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш бош стратегик вазифа сифатида белгиланди. Жамият буни фақат мақсадгина эмас, жамиятда замонавий демократияни қарор топшириш воситаси, талаби ҳам деб билди. Вазифа шундан иборат бўлдики, суд қатағон қуроли ва жазо аппаратида инсоннинг, фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қиладиган том маънодаги мустақил институтга айланиши лозим.

Ҳаммамиз 90-йиллар бошидаги вазиятни, яъни бутун собиқ шўро маконига хос кўриниш – уюшган жиноятчиликнинг авж олганини, жамиятда бош-бошдоқлик ва саросима ҳукм сурганини, одамларнинг норозилигини, уларнинг қонунларга ишончи йўқолгани вазиятни яхши эслаймиз.

Жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олиш мақсадида кўрилган аниқ чора-тадбирлар кутилган натижани берди. Жамиятда қонун устуворлиги ва барқарорликни таъминлаш имкони-

ни яратди. Мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг янги имкониятлари пайдо бўлди. Бунинг далили — «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ҳамда Президентнинг яқинда чиққан «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳисобланади.

Қонун бутун ҳуқуқ тизимининг асосий устунларини тубдан демократлаштирадиган суд-ҳуқуқ соҳасининг марказий таркибий қисми бўлган жиноий қонунчиликни инсонпарварлаштириш йўлидаги илк қадам бўлди.

Жиноят қонунчилигини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш Миллий доктринаси жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашнинг самараси жазонинг нечоғли оғир ва аёвсиз бўлишига эмас, балки, биринчи галда, қонунбузарнинг жазо муқаррарлигини ҳис қилишини кўзда тутди.

Жиноят учун одил, инсонпарварлик тамойили асосида жазо белгилашда, айниқса, жиноятлар таснифи мезонларини ўзгартиришда янги демократик ҳуқуқий ёндашувларнинг мазмуни куйидаги етти йўналишда реал намоён бўлади. Бугун улар амалиётга қандай жорий этилмоқда? Уларнинг моҳияти ва мазмуни нималардан иборат? Уларнинг қабул қилиниши қандай ўзгаришларга олиб келди?

**Биринчидан.** Жиноят кодексидаги барча 460 жиноят ва қонунбузарлик турининг атиги 86 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар сирасига кирар эди. Жиноят қонунчилигининг инсонпарварлик тамойили асосида эркинлаштирилиши 110 турдаги нисбатан оғир жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар қаторига киритиш имконини берди.

**Иккинчидан.** Жиноят қонунчилигида иқтисодиёт соҳасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий чоралар кўриш имконияти кенгайтирилди.

**Учинчидан.** Мол-мулкни мусодара қилиш шаклидаги жиноий жазони қўллаш тубдан ўзгарди. У жиноят тури сифатида, умуман, бекор қилинди. Табиийки, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулк ва бойликларни мусодара қилиш ва етказилган зарарни мол-мулк ҳисобидан ундиришга доир қонун нормалари ўз кучида қолди. Лекин оила ва яқинларга нисбатан ҳеч қачон жиноят муҳри босилмайди ва улар шармандаликдан йироқ бўлади. Отанинг номақбул хатти-ҳаракати туфайли унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак.

**Тўртинчидан.** Вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизими қайта кўриб чиқилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятга қўл урган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилмайди.

Қонунга мувофиқ, нафақат аёллар ва балоғатга етмаганлар, балки 60 ёшдан юқори бўлган эркак-

ларга ҳам ўлим жазоси белгиланмайди. Аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар учун озодликдан маҳрум этишнинг энг катта муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг юқори муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошмайди.

**Бешинчидан.** Жиноят қонунчилигига томонларнинг ярашуви муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод бўлиш тўғрисидаги 66 модда қўшилди. Мақсад — шахсни жазолаш эмас, тўғри йўлга солишдир.

**Олтинчидан.** Жиноят ишларини дастлабки тергов қилиш ва ҳибсда сақлаш муддатларининг 9 ойгача қисқартирилиши жиноят қонунчилигида янгилик бўлди. Истисно ҳоллардагина, терговдаги иш ўта мураккаблигини ҳисобга олиб, муддатни 1 йилгача чўзиш мумкин.

**Еттинчидан.** Агрессия, геноцид, террорчилик ва офирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учунгина жиноий жазо сифатида олий жазо сақлаб қолинди.

Жиноий жазоларни эркинлаштириш жараёни жиноят содир этган шахсларни ҳибсга олиш бўйича прокурор санкцияларига ҳам таъсир кўрсатди. Қонунни бузган шахсларга нисбатан гаров эвазига уларни тергов давомида озодликда қолдириш амалиёти кенгаймоқда.

Шу билан бирга, қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, судлар жазони белгилаш чоғида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини кенг қўллай бошлади. 2001 йилда судлар жиноят содир этганларнинг 50 фоизидан кўпроғига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони

тайинлаган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилда – 46,6 фоизни, 2003 йилнинг биринчи ярмида – 36,5 фоизни ташкил этди.

Қонунчиликни эркинлаштириш жараёни такомиллашиб бормоқда. Президентнинг жорий йил 26 сентябрдаги «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги фармони қонунчиликни инсонпарварлаштириш йўлидаги навбатдаги салмоқли қадам бўлди.

Эндиликда нисбатан енгил жиноят учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахслар жазони амалда оиласидан ажралмаган ҳолда, нафақат оила аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш, балки фарзандлар тарбиясида иштирок этиш имкониятини сақлаган ҳолда ўташи мумкин.

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларининг биринчи босқичида эришилган натижаларни мустаҳкамлаб ва янада чуқурлаштириб, уларнинг йўналишлари истиқболини аниқ белгилаб олди, жамият ва давлат қурилишининг барча соҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштиришнинг, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг, аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишнинг кафолати, қонун устуворлигини, ичдан-ботинан ривожланиш қудратига эга фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни таъминлаш имкони бўлган қонунчиликни инсонпарварлаштириш йўлидан изчил бормоқда.

*«Труд», 2003 йил 16 октябрь.*

## ПАРЛАМЕНТГА ИККИНЧИ ПАЛАТА НИМА УЧУН КЕРАК?

*Ўзбекистон миллий давлатчилиқни  
ривожлантиришнинг янги босқичига  
қадам қўймоқда*

Ўзбекистонда бўлиб ўтган референдумда кўйилган масалалардан бири икки палатали парламент тузиш эди. «Труд» газетаси фуқароларнинг кўпчилиги бунга ижобий жавоб берганини хабар қилган эди. Кузатувчилар ана шу референдум натижасида жаҳон харитасида муҳим геосиёсий ўрин тутувчи Марказий Осиёнинг бу республикаси ўз миллий давлатчилигини ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичига кўтарилаётганини таъкидлашмоқда. Газетамизда чоп этилган мақолалари билан муштарийларимизга таниш бўлиб қолган иқтисодчи олим М.Шарифхўжаевдан биз бу масъулиятли қадам мамлакат учун қандай аҳамиятга эга эканлиги, унга нималар сабаб бўлганлиги ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

Ҳозир мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш асосида жамият ва давлат тузилмаларини такомиллаштириш жараёнлари қизғин кечмоқда. Янгиланишлар силсиласида давлат ҳокимиятини ислоҳ этиш алоҳида ўрин эгаллайди. Президент Ислам Каримов ўтган референдумдан анча олдин ҳуқуқий давлат барпо этиш, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг маъқул йўли сифатида икки палатали парламент ташкил этиш ғоясини илгари сурган эди. Бунга қандай асослар бор эди?

Сабаблар кўп. Асосийларини қисқача санаб ўтаман: жамиятнинг ривожланганлиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалганлиги, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий шарт-шароитларнинг, аниқ конституциявий-ҳуқуқий асосга эга кучли ҳокимиятнинг (жумладан, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг) мавжудлиги. Давлат суверенитетининг ҳам ўзбекларнинг, ҳам мамлакатда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллариининг анъана ва удумларини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган мафкуравий асоси барпо этилди. Ўзбекистонда ҳокимият бўлинишининг конституциявий тамойили таъминланган, фуқароларда сиёсий фаоллик ошмоқда, давлат тасарруфидаги вазифалар босқичма-босқич нодавлат тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органларига топширилмоқда, минтақаларнинг роли ошиб бормоқда. Буларнинг барчаси, нафақат, халқ томонидан, балки ҳудудлардан ҳам вакиллар бўладиган парламентни тузиш, яъни парламент таркибини ўзгартириш ва икки палатали тизимга ўтишни тақозо этади.

Қонун ижодкорлигида минтақалар таъсирининг кучайиши фуқароларга қонунларда ўз хоҳиш-иродасини тўлароқ намоёниш этиш имконини беради, қонунчилик фаолиятини сифат жиҳатдан такомиллаштириш учун яхши шароит яратади, демократияни кучайтириб, фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди. Натижада давлат институтлари орасида парламентнинг салмоғи ортади. Икки палатали парламентга ўтиш бутун давлат ҳокимиятига ижобий таъсир кўрсатиб, адолатли фуқаролик жамияти сари ташланган залворли қадам бўлади.

Миллий парламентнинг тизимий тузилиш сил-силаси, компетенцияси, таркиб ва мақоми қандай бўлади? Бу жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда белгиланди. Ҳозир етмишдан зиёд йирик демократик мамлакатларда **бикамерализм** қабул қилинган. Уларнинг тажрибасини ўрганиш асносида ҳозирги Ўзбекистон учун жуда муҳим жиҳатлар аниқланди. Бу минтақаларнинг, давлатнинг кичик тизимлари ва чекка таркибий қисмлари манфаатлари инобатга олинишига кўмаклашиш, сохта обрўга, популизм ва оғмачиликка қарши қўшимча тўсиқ қўйиш, ижро ҳокимияти билан бир палатали парламент ўртасида ортиқча сиёсий тортишувларни чеклаш ҳамда парламент ва ҳукумат вазифалари қоришиб кетишининг олдини олишдан иборатдир.

Қуйи палата халқ томонидан сайланадиган, бевосита қонун тайёрлаш ва қабул қилиш билан шуғулланадиган профессионал депутатлардан ташкил топади. Юқори палата минтақалар манфаатларини ифодалайди. У барча минтақалардан келган тенг миқдордаги вакиллардан таркиб топади. Вакиллар халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг қўшма мажлисларида сайланади. Маҳаллий кенгашда депутатлигини сақлаган ҳолда, бу вакиллар белгиланган вақтларда юқори палатанинг ялпи мажлисларида қатнашиб туради. Палатанинг иши эса доимий ишловчи аъзолар фаолиятига асосланади. Юқори палатанинг умумдавлат масалаларини ҳал қилаётган аъзолари жойларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар бериб, қонун чиқарувчи орган билан реал ҳаёт, халқ ўртасидаги алоқани

таъминлайди. Юқори палата ваколатига қуйи палата қабул қилган қонунларни тасдиқлаш ҳам киради.

Ҳозир янги парламент моделининг фаолият таъмоийллари, ваколатлари, бошқа жиҳатларига аниқлик киритиш жараёни қизгин кечмоқда. Янгиланишнинг қонуний ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш зарур. Бунинг учун икки палатали парламент ташкил этишнинг янги тартибини ишлаб чиқиш, унинг ҳуқуқий мақоми, компетенциясини белгилаш, палаталар ваколатларини меъёрий тақсимлаш, уларнинг ўзаро муносабатларини қонунийлаштириш, икки палатали парламентнинг ташкилий жиҳатларини кўриб чиқиш ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш керак.

Парламент ҳокимиятнинг бошқа бўғинлари заифлашиши ҳисобига кучайтирилмаслиги лозим. Шу боис уларнинг ўзаро мувозийликда, ҳамжиҳат ишлаши учун конституциявий асосларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Суд ҳокимияти мустақамланиб, одамларнинг унга ишончи ортмоқда, ижро ҳокимиятининг ҳуқуқий мақоми ўзгартирилмоқда.

Ҳокимият бўғинлари ўртасида мувозанат сақлаш зарурати туфайли ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш учун референдумда иккинчи савол — Президентнинг ваколат муддатини беш йилликдан етти йилликка ўзгартириш масаласи қўйилди. Масаланинг ҳозирги давлат раҳбари шахсиятига асло алоқаси йўқ. У юқорида қисман таъкидланган объектив сабаблардан келиб чиқади. Жаҳон тажрибаси (Франция, Италия, Исроил) бундай қарорнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Боз устига,

Ўтиш даври ҳам ўз-ўзидан кучли ҳокимиятни талаб қилади. Бу давлат раҳбарига конституциявий тузумни ҳимоя қилиш бўйича устувор масалаларни ечиш, бевосита Конституция талаблари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати мақомидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш имконини беради, сиёсий барқарорлик ва умуммиллий тотувликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга йўл очади, ҳокимият барча бўғинларининг ўзаро ҳамжиҳат саъй-ҳаракатини конституциявий жиҳатдан тўла таъминлайди, жамиятда демократия ва барқарорликни кафолатлайди.

«Ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойилига асосланган истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистон ўз тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйди. XXI асрда мамлакатни ривожлантиришнинг олти устувор йўналиши унинг учун дастурил-амал бўлди. Жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришни тақозо этмоқда. Юз бераётган ўзгаришлар замирида икки палатали парламентга ўтиш тараққиёт ва демократия сари одимлаётган давлат ҳамда жамият ҳаётида янгиланишларни янада фаоллаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

*«Труд», 2002 йил 2 апрель.*

# **ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ**

## ДАВЛАТ – ИШОНЧЛИ КАФИЛ

*Кучли ижтимоий сиёсат – Ўзбекистон  
учун стратегик устувор масала*

Гарчи Республика Конституциясида жумладан, конституциявий тузум асосларини таъминлайдиган давлатнинг ижтимоий мақоми хусусида махсус модда бўлмаса-да, Ўзбекистон моҳиятан ижтимоий давлат саналади. Чунки унинг сиёсати тўлалигича инсоннинг муносиб ҳаёт кечирishi ва эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Ислохотлар стратегиясини шакллантиришда Ўзбекистон асосий эътиборни тараққиётнинг «ўзбек модели»даги энг муҳим тамойиллардан бўлган кучли ижтимоий сиёсатга қаратди.

Натижада даромадлар кескин камайиб кетишининг олди олинди, аҳоли кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминланди.

Ўзбекистон аҳоли учун ижтимоий кафолатларни юридик мустаҳкамлаб, ижтимоий соҳани мураккаб аҳволга келтириб қўйган бозор муносабатларига ўтишнинг аёвсиз синовларидан келиб чиққан ҳолда, маблағни аямасдан аниқ дастурни белгилаб олди. Бу – ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш, аҳолининг энг кам даромадли қисмини кафолатланган ҳуқуқлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича самарали чораларни қўллаш, умумий таълим олиш, эркин касб танлаш ва тегишли ижтимоий тайёргарликдан ўтиш учун ҳаммага бир хилда тенг ҳуқуқ бериш, ижоднинг барча турлари учун шарт-шароит яратиш, ақлий мулкни ҳимоя қилиш ва бошқа тад-

бирлардан иборат кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий вазифалар эди.

Жамиятнинг муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва спорт иншоотлари қуриш учун маблағ ажратиш, умумий ижтимоий ҳимоя тизимидан босқич-ма-босқич ишончли ижтимоий кафолатлар тизимига ўтиш, адолат тамойилларига қатъий амал қилиш ўлароқ, Ўзбекистонда одамларнинг турмуш даражаси кескин тушиб кетишининг олдини олишга, ижтимоий барқарорликни ва аҳолининг ислоҳотларга бўлган ишончини, жамиятда умуммиллий тотувликни сақлаб қолишга қаратилган янги ижтимоий сиёсат шаклланди.

Бу сиёсат миллий даромадни ҳам бутун жамият, ҳам қисман ижтимоий заиф табақа манфаатларига қараб тақсимлаш тамойилига асосланди.

Кучли замонавий давлат бўлишга интилаётган, фуқаролик жамияти билан муносабатларда ижтимоий-иқтисодий, маданий, экологик масалаларни ечишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон моҳиятан ривожланган ижтимоий инфратузилмага эга ижтимоий-ҳуқуқий давлатдир. Буни давлатнинг тарихан янги шакли, дейиш мумкин. Унинг фаолиятида ҳуқуқий давлатчилик тамойили ўзига қарама-қарши бўлган ижтимоий давлатчилик тамойили билан муштаракликда яшамоқда ва ўзаро рақобатлашмоқда. Давлат, нафақат эркинлик, хавфсизлик ва мулкчиликни кафолатлаяпти, айти пайтда, ижтимоий барқарорликка ва иқтисодий ўсишга эришиб, бандлик (республикада аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади), таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий кафолатларни таъминлаяпти. Бу эса жамиятнинг аксарият аъзоларига шахсий фаоллиги

билан фаровонликка эришиш имконини бермоқда. Кучли давлат тартибдан манфаатдор, оддий қоидаларни ва уларга риоя этилишини талаб қилади, унга бадавлат одамлар керак.

Ўзбекистон — имкониятларга бой мамлакат. У ўзига тўқ, моддий таъминланган одамларнинг давлатига айланишга ҳаракат қилимоқда. Мамлакат шундоқ ҳам катта бўлган ижтимоий таъминотни янада кенгайтириш маъқул услуб эмаслигини, янги ғоя ва ёндашувлар кераклигини яхши тушунади. Вазиятни асосий захира, яъни мураккаб бозор шароитида ишлашга қодир, бадавлат одамларга айланиши мумкин бўлган авлод ўнглайди. Меҳнатнинг ҳақиқий қимматини идрок этадиган, пул ишлашни эплайдиган бундай одамлар мамлакатни қандай қилиб қашшоқликдан олиб чиқишни ҳам билади. Чунки уларнинг қашшоқлар олдидаги ижтимоий бурч-мажбуриятлари бор. Фақат шундай одамларгина ўзининг ижтимоий қадрини тушуниб етиб, ўз мақомларига, нафақат иқтисодий, балки маънавий қиммат ҳам бахш этишади. Бу вазифа бежиз умумхалқ, асосий, яъни тақдириломон масала этиб белгиланмаган. Мустақилликнинг истиқболи унинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Социал инфратузилмани ривожлантириш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қишлоқ ва шаҳар инфратузилмасини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим тузилмаларини ислоҳ этиш бўйича давлат дастурларининг бажарилиши орқали ҳаётда амалий ижросини топмоқда. Ислоҳотчи давлатнинг муайян мақсадларга йўналтирилган бундай фаолияти туфайли ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш кўрсаткичларининг барқарор ва давомли ўсиши, энг муҳими — ижтимоий соҳа муаммолари ечими таъминланди.

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмаси билан 2003 йилнинг октябрида Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ўрганишга бағишланган «2003 йилнинг Ижтимоий мониторинги» тадқиқоти ўтказилди. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, 2002 йилда Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқариш маҳсулоти (ЯИМ)нинг реал ўсиши 1989 йилга нисбатан 106,8 фоизни ташкил этган (МДХ мамлакатлари орасида энг катта кўрсаткич). Чехияда ҳам шундай ўсиш бор, айти пайтда бу борадаги кўрсаткич Молдовада — 38,4, Россияда — 64,3, Қозоғистонда — 85,6 фоизга тенг.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим мамлакатларда иқтисодий ўсиш аҳоли орасида тенгсизликнинг чуқурлашишига олиб келмоқда. «Жини» коэффициенти қўллаган мутахассислар Грузияда барча даромадлар аҳолининг ярмидан ҳам кам қисмининг қўлида эканлиги, қолганлар бирор ҳаёт манбаига эга эмаслигини аниқладилар. Россия, Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам деярли шундай вазият юзага келган бўлиб, «Жини» ўртача 0,512—0,514 га тенг бўлиб қолмоқда (МДХ мамлакатлари орасида энг салбий кўрсаткич). «Жини» коэффициенти қуйидагича ўлчанади: бутун аҳоли бир хил даромад олаётган бўлса, у 0 га тенг, даромадлар бир субъект қўлида бўлса, 1 га тенг. Ривожланган мамлакатларда «Жини» ўртача 0,25—0,35 ни ташкил этади ва бу энг маъқул кўрсаткич саналади. Ўзбекистон бу борада қўшниларидан анча фарқланади.

Тадқиқотда том маънода аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлаш чоғида иқтисодий ислохотлар самарали ижтимоий сиёсат билан бирга амалга оширилиши кераклиги таъкидланади. ЮНИСЕФ маълум

мотларига кўра, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, мактаб ва касбий-техникавий таълим учун кетаётган давлат харажатлари Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катта кўрсаткични ташкил қилади. 2003 йилнинг ўзида ижтимоий соҳани ривожлантириш учун 381,6 миллиард сўм ажратилди. Бу республика бюджетидаги умумий харажатларнинг 36,7 фоизига тенгдир.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳозир ўзининг иккинчи сифат босқичига кирган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгилаб қўйилган.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, болалар, ёшлар, оилалар, оналик, қарияларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастурлар ижроси ўлароқ, Ўзбекистонда аҳолининг нисбатан ночор қатлами ижтимоий ҳимоя остида эканлигини белгиловчи юксак кўрсаткичларга эришилган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш аҳолини ичимлик суви, газ билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш тузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ижро этилиши билан ҳаётда янада кенг кўламда ўз аксини топмоқда. Обод «Маҳалла йили» дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий тўловларнинг оширилиши пул даромадлари кўпайишига, аҳоли турмуш даражасининг янада яхшилашига олиб келди. Ислоҳотчи давлатнинг аниқ мақсадларга йўналтирилган бундай фаолияти Ўзбекистонда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ва давомли ўсишини таъминлаб берди

*«Труд», 2003 йил 16 октябрь.*

мотларига кўра, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, мактаб ва касбий-техникавий таълим учун кетаётган давлат харажатлари Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катта кўрсаткични ташкил қилади. 2003 йилнинг ўзида ижтимоий соҳани ривожлантириш учун 381,6 миллиард сўм ажратилди. Бу республика бюджетидаги умумий харажатларнинг 36,7 фоизига тенгдир.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳозир ўзининг иккинчи сифат босқичига кирган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгилаб қўйилган.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, болалар, ёшлар, оилалар, оналик, қарияларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастурлар ижроси ўлароқ, Ўзбекистонда аҳолининг нисбатан ночор қатлами ижтимоий ҳимоя остида эканлигини белгиловчи юксак кўрсаткичларга эришилган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш аҳолини ичимлик суви, газ билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш тузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ижро этилиши билан ҳаётда янада кенг кўламда ўз аксини топмоқда. Обод «Маҳалла йили» дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий тўловларнинг оширилиши пул даромадлари кўпайишига, аҳоли турмуш даражасининг янада яхшилашига олиб келди. Ислоҳотчи давлатнинг аниқ мақсадларга йўналтирилган бундай фаолияти Ўзбекистонда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ва давомли ўсишини таъминлаб берди

*«Труд», 2003 йил 16 октябрь.*

## ИНСОН ҲАҚҚИ-ҲУРМАТИ УЧУН

### *Ўзбекистонда инсон ривожига ҳақида*

Ўзбекистондаги ислохотлар муқаррарлик касб этди, уларни ортга қайтариб бўлмайди. Энг муҳими — инсон ўзгарди, унинг тафаккури, ўзига, ҳаётга муносабати тубдан ўзгармоқда, унинг онгини шакллантирадиган кадриятлар, ижтимоий муносабатлар янгиланмоқда. Ақлий-интеллектуал салоҳият, юқори технологиялар ва замонавий билимлар инсон баркамоллигининг асосий омилларига айланиб бормоқда.

Мамлакатнинг Асосий Қонунида конституциявий мақсад аниқ белгилаб қўйилган — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш. Ўтиш даври юзага келтирган мураккаб шароитда давлат жамиятни жипслаштириб, унинг барча имкониятларини инсонни ривож топиши йўлидаги ҳаётий муҳим мақсадларга эришишга йўналтирадиган бирлаштирувчи кучга айланди. «Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун» тамойили эълон қилинди ва ҳаётга татбиқ этилди. Зеро, давлат ва жамият ўз олдига қандай вазифа қўйиши, қандай муаммоларни ечишга тўғри келишидан қатъи назар, алал-оқибат ҳаммаси бориб инсонга тақалади, яъни инсон ривож топмас экан, жамиятнинг ривожланишини тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Айнан шунинг учун Ўзбекистон ислохотларининг муҳим жиҳати улар ислохот учун эмаслиги, диққат-марказида ҳамиша инсон туришидан иборатдир. Амалга оширилаётган ялпи ислохотлар, асосан, қайси томонга йўналтирилганлиги ва қандай

натижа беришини инсон омили, инсон мезонлари белгилайдиган бўлди. Ислом Каримовнинг фикрича, ислохотларнинг мазмун-мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси шахс сифатида ўзини кашф эта олиши, қобилиятини, иқтидорини намоён этиши, ҳаётини янада яхши, муносиб ва маънан бойроқ қилиши учун зарур шароит яратишдан иборатдир.

Ижтимоий тараққиёт одамларнинг табиий интилишларидан, умуминсоний қадриятларни эъзозлашларидан, ўзларининг талаб ва эҳтиёжлари билан ҳақиқий иқтисодий ривожланиш ўртасида мувофиқликка эришишдан келиб чиқмоқда. Муҳими — жамиятдаги ижтимоий соҳанинг, иқтисодиётни ривожлантиришдаги инсон омилининг аҳамиятини пасайтирмаслик керак. Шунда жамиятнинг ўз аъзолари бўлмиш одамларга таъсир кўрсатиш имкониятлари ҳам чекланмайди (бу эса айнан ижтимоий соҳа орқали амалга оширилади).

Ўзбекистонда жамият инсон учун туб ислохотлар ўтказар экан, ўзининг асосий эътиборини одамларнинг ички, табиий интилишларига, инсон қобилиятлари, ташаббуслари, ижодий имкониятлари тўла очилишини таъминлашга, яъни одам ҳақиқатан ўзини ўзига хўжайин, деб ҳис қила билишига қаратди. Бунинг учун, аввало инсонни ҳаракатга келтирувчи куч, меҳнат ва бозор механизмининг уйғун ҳамжиҳатлиги йўлга қўйилди. Бозорни ривожлантиришнинг инсон омили ишга солинди, мулк ва хўжайиннинг бир-биридан бегоналигига хос ҳиссиётларга барҳам берилди. Эркин бозор механизми одамларнинг манфаатлари ва уларни меҳнат қилишга ундовчи куч билан туташгани меҳнат фаолиятининг самарадор-

лиги ошишига ва умумдавлат ҳамда шахсий манфаатлар мувофиқлашишига олиб келди.

Ўзбекистондаги туб иқтисодий ислохот бутунлигича меҳнат қилаётган одамларнинг манфаатларига қаратилди, ислохотни амалга ошириш учун зарур турткига айланди. Эркин иқтисодиётда, эркин ишлаб чиқаришда инсон фақат ишчи, ишлаб чиқарувчи, мулкдоргина эмас, балки энг аввало, ижодкор шахс ҳамдир. Унинг моҳияти — инсон омилининг ижобий таъсиридир. Ана шу таъсирнинг самараси — босқичма-босқич бозорга ўтиш. Ишлаб чиқаришдаги инсон омили шу тариқа Ўзбекистонда жамиятни тубдан янгилаш стратегиясининг асосига айланди. Бугун, умуман олганда, мамлакатда инсон ривожидаражасини оширишни қўллаб-қувватлаш борасидаги кўрсаткичлар ёмон эмас. Бу, айниқса, қуйидаги омилларни қиёслаганда кўринади: Ўзбекистон МДХнинг бошқа мамлакатларига қараганда даромадини камроқ йўқотди; пахта ва олтин савдосидан тушган даромаддан самарали фойдаланиб, давлат харажатлари ёрдамида инсон ривожидаражасини сақлаб қолишга эришди.

XXI аср бошига келиб, Ўзбекистон амалда ишлаб чиқаришни инқирозгача бўлган даврдаги даражага чиқарди ҳамда инсон ривожид бўйича БМТ рейтингдаги мақомини тиклаб олди. МДХнинг бирор мамлакати бунга ҳали эришганича йўқ. Ўзбекистонда инсон салоҳиятини ривожлантириш индексининг (ИСРИ) кўрсаткичлари МДХдаги бошқа мамлакатлар ва Болтиқбўйи давлатлари билан солиштирилганда, энг кам миқдорда пасайди (— 0,003).

Сўнгги йилларда республикада ИСРИнинг ўзга-

риши – инсон ривожини захирасининг манбаи бўлмиш иқтисодиётнинг ўсаётганини кўрсатмоқда. Ўзбекистон бозор сари анча чуқур одимлади. Инсон ривожини нуқтаи назаридан қараганда, Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг асосий жиҳатларидан бири ЯИМнинг ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан олдинда эканлигидадир. Бу мамлакатда аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини берди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ЯИМнинг 2,6 фоиз, ҳақиқий даромадларнинг эса 8 фоиз ўсишига олиб келди. Зеро, айти шу эркинлаштириш ва глобаллашув шароитида тараққиётнинг суръати техникавий омиллардан кўра кўпроқ ижтимоий омилларга боғлиқ бўлади. Шуниси равшанки, асосий ишлаб чиқарувчи кучни ривожлантириш учун эркин макон яратилгандагина мамлакатнинг иқтисодий ўсишини кафолатлаш мумкин. Аҳоли бандлигининг барқарорлик кўрсаткичлари ҳам зарурий даражада сақланиб турибди.

Аҳолини иш ва даромад билан таъминлаш – Ўзбекистоннинг бугунги асосий вазифаси. Жамиятда мустақам иқтисодий ва ижтимоий мувозийликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишда мамлакат ривожланишининг «каттадан кичик сари» диалектикаси асосида иш кўрди. Аҳолининг салмоқли қисми учун фаолият макони ва даромад манбаи бўлган кичик ва ўрта бизнес, меҳнат бозорининг мослашувчан қисми сифатида, одамларнинг ишбилармонлик, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг бозор муносабатларига мослашуви даражаси, бутун мамлакат иқтисодиёти самарадорлигини ошириш воситасига айланди.

Ўзбекистонга хос демографик шароитда кичик ва ўрта бизнес меҳнат захираларининг юқори малакага ва етарли тажрибага эга бўлмаган, ўзгарувчан иш кунига эга бўлишни истаган талай одамлардан ташкил топди. Аёллар, энди иш излай бошлаган маърифий даражаси паст ва меҳнат тажрибаси катта бўлмаган ёшлар айнан ана шу соҳада ўзига иш топди. 2002 йилнинг ўзида 38 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхона ташкил этилди. Уларнинг умумий сони бугун 240 мингга етди. Ишбилармонликни ривожлантириш ҳисобига башорат қилинганидан 1,5 баробар кўп иш ўринлари пайдо бўлди. Бугун ишлаб чиқарилаётган ЯИМнинг 73,3 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг 71,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги, улгуржи савдо маҳсулотларининг, аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг қарийб ҳаммаси нодавлат секторга тегишли.

Республикада юзага келган янги ижтимоий стратификация — ишбилармонлар, хусусий мулк эгаларининг янги қатлами пайдо бўлгани, хусусий мулкчилик ва ишбилармонликни ривожлантириш учун қулай шароит яратилгани, бозор муносабатларига мослашиб борилаётгани турли тадбиркорлик фаолияти ҳамда мулкчиликдан даромад олиш имкониятларини кенгайтди. Натижада Ўзбекистонда бозорга ўрганган ўрта синф, аҳолининг ўз хусусий воситаларидан фойдаланишга интилувчи ҳаракатчан гуруҳлари пайдо бўла бошлади. Даромад даражаси, ижтимоий маъқеи, ижтимоий-маданий хислатлари уларга мустақил бўлиш имкониятини бермоқда. Иқтисодийнинг барча соҳаларидаги кичик ва ўрта бизнес вакиллари шундай табақага тобора кўп қўшилмоқда.

Маълумки, глобаллашув, қизгин индустрлашув эркин бозор ўз-ўзидан иқтисодий тараққиёт омили бўлмиш инсонга инвестиция сарф қилиш аҳамиятининг кескин ошишига олиб келади. Ҳар қандай ислоҳот, иқтисодиётга сармоя киритишни кўпайтириш инсонга инвестиция сарф қилишни кескин ошириш баробарида амалга оширилмаса, кутилган натижани бермайди. Ўзбекистонда тараққиётнинг омили ёлғиз инвестициягина эмас, балки одамларнинг бойлик орттириш борасидаги билим ва қобилиятларидир. Лекин гап фақат билим ва қобилиятда ҳам эмас. Инсоннинг, бир томондан, шу билимни эгаллашга, иккинчи томондан, ундан номига фойдаланмай, аксинча, тиришқоқлик билан ижодкорлик руҳида ишлашга иштиёқи муҳим. Гап янгича руҳиятдаги, янгича тафаккурдаги, янгича онг ва ўзига янгича муносабатда бўлган янги одам ҳақида кетмоқда. Жамиятга нимаики фойдали бўлса, ўша менга ҳам фойдалидир, деган ўй ва тушунча фақат янгича тафаккурдаги, ёндашувларида янгиликка мойиллик катта бўлган одамлардагина пайдо бўлади. Бугун ўзининг ҳуқуқ ва бурчларини биладиган бундай инсон Ўзбекистонда шаклланиб бўлди. У «қоида бўйича ишлаш»га ўргана бошлади. У ўқимишли, нафақат демократия неъматларининг истеъмолчиси, айти пайтда, уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси, яъни фаол фуқаро ҳамдир.

Давлат ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг инсон фаровонлигига таъсирини кучайтириш мақсадида уларни алоҳида ҳолатда ҳисобга олишга ҳаракат қилмоқда. Республика раҳбарияти бозор муносабатлари ва иқтисодиётда таркибий ўзга-

ришлар чуқурлашгани сайин халқ турмуш даражасига ҳамиша ҳам ижобий таъсир кўрсатмайдиган нуқсонлар пайдо бўлавериши ва бунингсиз илож йўқлигини яхши идрок этади. Шунинг учун мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, мамлакат давлат дастурини ишлаб чиқиб, ижтимоий ёрдамни муҳтож одамларга аниқ йўналтириш орқали ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлади. Жамиятнинг доимий талабгори саналган инсоннинг манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш бўйича дастурнинг асосий устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди: муайян оила, алоҳида одамнинг ҳаётини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш эвазига шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш; шахс манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; маданиятни ривожлантириш, миллий анъаналарни ва маънавиятни тиклаш орқали инсоннинг маданий, маънавий ва ақлий манфаатларини рўёбга чиқариш.

Инсон, вояга етаётган ёш авлод, аёл, оила манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича дастурларнинг асосий мақсади ўта муҳим, кечиктириб бўлмас ижтимоий масалаларни ечиш учун саъй-ҳаракатлар ва захираларни бир жойга тўплашдан иборатдир. Улар орасида — бандликни таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, янги, бозор шароитида самарали фаолият юритишга мослаштирилган нафақа таъминотини вужудга келтириш, фаровонликни ошириш, ички бозорни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш муҳим аҳамиятга эга. 1996 йилда бошланган Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш

аҳоли даромадларини ошириш учун табиий база бўлди.

Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, мамлакат кадрлар тайёрлаш тизимини сақлаб қолиш ва такомиллаштиришнинг ҳамда молиявий ҳолати қандай бўлишидан, қаерда яшаётганидан, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, аҳолининг барча қатламлари учун таълим тизимининг ҳамма босқичларига кенг йўл очиб беришнинг уддасидан чиқа олди.

Таълимни ислоҳ этишдан мақсад — узлуксиз таълимнинг республикада жамиятнинг жисмоний, ақлий ва маънавий тараққиётини, фуқаролар тотувлиги ҳамда умуммиллий ҳамжиҳатликни, барқарор иқтисодий ўсиш ва турмуш даражасини яхшилашни таъминлай оладиган очиқ, самарали, такомиллашаётган тизимини ташкил этишдир. Таълим соҳасидаги ислоҳот таълим ва тарбиянинг инсоний, демократик, дунёвий бўлишини, таълимнинг барча босқичларида узлуксизлик ва давомийликни таъминлашга қаратилган. Узлуксиз таълим билим олиш қобилиятини ривожлантиришни, ижодий мустақил фикрлашни шакллантиришни, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни кафолатлайди. Давлат томонидан кафолатланган молиявий кўмак туфайли Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштиришдаги юксалишга эришилмоқда.

Таълим тизимида инсон омилининг моҳияти шундаки, бўлажак мутахассисларда у демократия, очиқ жамият, бозор иқтисодиёти тамойилларига мос бўлиши керак. Инсон омилининг ҳисобга олиниши кадрлар тайёрлаш ишининг сифатини оширишга

сафарбар узлуксиз таълим тизими педагогларининг услубий малакасини ошириш учун янги имкониятларни топиш ва ишга солиш имконини беради.

Ўзбекистон соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларни юқори даражада сақлаб қолиш ва бу соҳага доир кўрсаткичларни яхшилашнинг уддасидан чиқди. Тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг туб мақсади тараққиётнинг экстенсив йўлидан интенсив йўлига ўтиш, малакали тиббий хизмат олиш борасида фуқароларга бир хилда тенг ҳуқуқ бериш ҳамда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини устувор соҳа сифатида ривожлантириш асосида республика аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича Миллий моделни шакллантириш, профилактика ишларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш, ҳар томонлама етук соғлом авлодни вояга етказиш, хусусий тиббиётни ривожлантириш ва рағбатлантириш, тиббиёт соҳаси кадрларини тайёрлаш тизимини ислоҳ этиш, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва бошқалардан иборат бўлди.

Стационар ёрдамдан амбулатория ёрдамига, ихтисослаштирилган тиббиётдан умумий тиббиёт амалиётига ўтиш Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш дастурининг асосий қисмлари сирасига аҳолига шошилиш ёрдам кўрсатишнинг пишиқ-пухта тизимини ташкил этиш вазифаси киритилди. Оналар ва болалар соғлиғини яхшилаш бўйича мақсадли қатор тадбирлар амалга оширилиши натижасида чақалоқлар ўлими

қисқарди. 1991 йилда ҳар 100.000 чақалоқдан 35,5 таси нобуд бўлган эса, 2002 йилда бу кўрсаткич 18 тага тушди. Оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткичлар 65,3 дан 30 га камайди.

Республика ўз фармацевтика саноатини ривожлантириш дастурини яратди. У ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва импорт ўрнини қоплайдиган асосий дори-дармон воситалари, вакциналар ҳамда бошқа препаратларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўзда тутди.

Инсон омилининг таъсири кўп жиҳатдан ижтимоий инфратузилманинг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Инсон ҳаётини таъминлаш инфратузилмасини ривожлантириш, уни, айниқса, қишлоқ жойларда яхшилаш аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни газлаштириш ва инфратузилмасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича давлат дастурларининг амалий ижроси орқали ҳаётда ўз аксини топмоқда. Ислоҳотчи давлатнинг аниқ мақсадларга йўналтирилган бундай фаолияти ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ва изчил ўсишини таъминлаб берди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида изчил сиёсат юритиб келаётган Ўзбекистон инсон ривожининг ҳар бир йилини аҳолининг муайян қатламларига бағишламоқда (аёллар йили, соғлом авлод йили, қариялар йили ва ҳоказо). Жорий 2003 йил маҳаллага — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтига бағишланди.

Фуқароларнинг сиёсий ва инсоний фаоллиги жамиятда инсонпарварлик тамойилига асосланган



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислам Абдуганиевич Каримов



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислам Каримов ва Бирлашган Миллатлар  
Ташкилоти Бош қотиби Кофи Аннан



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислам Каримов ва Россия Федерацияси  
Президенти Владимир Путин



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси  
Раиси Ху Цзиньтао



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислам Каримов ва Америка Қўшма Штатлари  
Президенти Жорж Буш



Ислом Каримов ва Франция Президенти  
Жак Ширак



Ўзбек-япон ҳамкорлиги давом этади


上海合作组织成员国元首会议  
塔什干 - 2004



Заседание Совета Глав государств-членов  
Шанхайской организации сотрудничества  
Ташкент - 2004



Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар  
раҳбарлари Кенгашининг Тошкент саммити



ШХТ — минтақавий ҳамкорлик таянчи



Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари



Тошкентда ШХТнинг Минтақавий Аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси иш бошлари



МДХ мамлакатлари давлат раҳбарлари учрашуви



Москваликлар билан мулоқот



Ислом Каримов — Москва Давлат  
университетининг фахрий доктори



Ислом Каримов Япониянинг Вассада  
университети олимлари даврасида



Афғонистонга гуманитар ёрдам жўнатилмоқда

демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш имкониятини яратиб, миллий менталитетни демократлаштириш орқали инсон ривожига, камолига йўл очмоқда.

«Соғлом танда — соғлом ақл» тамойилига асосан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлодни соғлом вояга етказиш давлат сиёсатининг асосига айланди. Аҳолининг катта-ю кичик ёшдаги барча қатламлари спортга жалб қилинган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди; ёшга қараб «Умид ниҳоллари» (мактаб ўқувчилари спартакиадаси), «Баркамол авлод» (касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари ўртасидаги мусобақалар мажмуи), талабалар универсиадаси каби спорт ўйинларини ўтказиш анъанага айланди; Ўзбек миллий кураши жаҳон спорти саҳнасига чиқди ва ҳоказо.

Ислоҳот инсон учун, инсон ҳаққи-ҳурмати учун — Ўзбекистондаги туб ислоҳотларнинг, стратегик ўзгаришларнинг ижтимоий фалсафаси ана шундай. Ижтимоий тараққиёт, унинг инсон омили, инсон мезонлари борасидаги самараси жамият цивилизациясининг стратегиясига айланди. Инсон қадр-қиммати мана шу жамиятнинг мақом ва мавқеига қараб белгиланади.

*«Труд», 2003 йил август.*

## ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

### *Ўзбекистондаги жамоатчилик жамғармалари тўғрисида*

2004 йил Ўзбекистонда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида асос солинган инсонпарварлик анъанаси давом этмоқда. Маълумки, бозор иқтисодиёти ҳар қандай жамиятдан, айниқса, эндигина мустақилликни қўлга киритган давлатдан аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан мақсадли қўллаб-қувватлаб боришни талаб қилади. Хусусан, ўтиш даври шароитида асосий ислохотчи вазифасини давлат ўз зиммасига олган жамиятда кучли ижтимоий сиёсат ҳаётий муҳим мақсадга айланади. Айнан шу сабаб давлат институтларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ишлари кифоя қилмаслиги мумкин. Жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлайдиган ҳар қандай ижтимоий сиёсат фаолияти аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган турли жамоатчилик ташкилотларига, жамғармаларига эҳтиёж сезади.

Тарих шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай вақтда, ҳар қандай мамлакат, ҳатто, ривожланган давлатда ҳам ёлғизликка маҳкум одамлар, ёши ўтган ё хасталанган инсонлар мавжуд бўлган, мавжуд ва мавжуд бўлади. Етим-есир болалар бор, боқувчисиз қолган бева-бечоралар бор...

Ўзбекистон ўзининг ижтимоий мақомини амалий ишлар билан мустаҳкамлаган ҳолда, мустақилликнинг

биринчи куниданоқ, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўлини танлади, аниқ ижтимоий тараққиёт моделини ишлаб чиқиб, муваффақият билан ижтимоий муаммоларни еча бошлади. Жумладан, ўнлаб жамғармалар ва жамоатчилик институтлари тузилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 62 та халқаро ва республика, 180 га яқин маҳаллий жамоатчилик жамғармалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг инсонпарвар асосларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Яратилган ҳуқуқий асос, нафақат бундай ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва турини қонунчилик асосида тартибга солади, айти пайтда, уларнинг ҳар бирининг умумий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар вазифаларни ҳал этишда жамоатчилик ҳуқуқларини янада кенгайтиришдан иборат мақомини ҳам аниқ белгилаб беради.

Ўзбекистонда ташкилий-ҳуқуқий шакли жиҳатидан учта йирик нотижорат ташкилотлари — жамоатчилик бирлашмалари (жамоатчилик ташкилотлари, ижтимоий ҳаракатлар, жамоатчилик жамғармалари, жамоатчилик муассасалари); бевосита қонунда кўрсатилган, лекин жамоатчилик бирлашмаларига алоқаси бўлмаган нотижорат ташкилотлари (жамғармалар, нотижорат ҳамкорлик ташкилотлар, муассасалар, давлат корпорацияси); махсус қонунчилик асосида фаолият кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар мавжуд. Фаолиятининг асосий мақсадларидан, боз устига, нотижорат жамоатчилик ташкилотларининг ўзига хос (махсус) ташкилий-ҳуқуқий шакл ҳамда турларининг ақсар ҳолларда уйғунлашувидан келиб чиқиб, уларни турлари бўйича таснифлаш мумкин.

Шунга асосланган ҳолда, жамоатчилик ташкилотлари фаолиятининг меърий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ нозик юридик масалаларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фуқаролик кодекси ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) тузиш тартибини, улар фаолиятининг асосий ҳуқуқий маконини белгилаб берди.

Шу билан бирга ННТ турларининг фаолиятини тартибга соладиган қатор махсус қонунлар бор («Ўзбекистон Республикасидаги жамоатчилик бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ва бошқалар). Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчилар қаторида «Жамоатчилик жамғармалари тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Амалдаги меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик жамғармаларининг барча жиҳатларини тўлиқ тартибга сола олмаслиги ушбу қонунни қабул қилишга зарурат туғдирди. Жамоатчилик жамғармаси аъзолик жорий қилинмаган ташкилот бўлиб, асосан, таъсисчилар ва хайрия қилувчиларнинг маблағларини тўплайдиган муассасадир. Бу маблағлар ташкилот қай мақсадда тузилган бўлса, ўша мақсадларга сарфланади. Жамоатчилик жамғармаларининг бошқа турдаги ташкилотлардан ажралиб турувчи жиҳатларидан бири шуки, улар васият бўйича ҳам таъсис этилиши мумкин. Жамғармаларни қайта ташкил этиш ва тарқатиш жараёнларида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Нодавлат нотижорат ташкилотининг бундай тури дунё-

нинг аксар мамлакатларида мавжуд. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу ижтимоий фойдали мақсадларга маблағ жалб этиш ва қайта тақсимлашнинг энг қулай ҳамда самарали шакли ҳисобланади.

Қонундан мақсад жамоатчилик жамғармаларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тарқатиш борасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Маълумки, жамоатчилик жамғармаси кўнгилли мулкӣ бадаллар асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузилган, хайрия, ижтимоий ва маданий, таълим ва бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилган, аъзолик жорий қилинмаган нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд жамоатчилик жамғармалари ўз мақсади йўлидаги хайрли ишларни қарийб ўн йўналишда муваффақият билан амалга ошириб келмоқда. Булар орасида — тарихий хотирани тиклаш, шубҳасиз, ўта муҳим аҳамият касб этади. Халқ ўзлигини англашининг қудратли манбаи бўлмиш тарихий хотира миллий давлатчилик тарихидан тортиб то адабий, маданий, илмий, маънавий-ахлоқий қадриятларгача бўлган ўтмиш цивилизациясининг барча соҳаларини қамраб олган. Мақсад — қадриятларни тиклашгина эмас, айна пайтда, уларни шаклланаётган инсоний демократик жамиятнинг маънавий асосига айлантириш.

Тарих — бу халқ маънавиятининг асоси. Инсон ўз тарихини билмай туриб, ўзини ўзи англай олмайди.

Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошламоқ лозим? «Аввало, — дейди И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида, — кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этиш-

нинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан» бошламоқ керак.

Бу хайрли ишларни бажаришга илмий муассасалар қаторида махсус тузилган халқаро ва республика миқёсидаги хайрия жамғармалари ҳам жалб этилган. Улар орасидан Амир Темур, Бобур, Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, «Олтин мерос» жамғармаларни санаб ўтиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ўлароқ, ЮНЕСКО раҳнамолигида, шунингдек, турли жамғармалар ёрдамида ҳар йили ўзбек халқининг буюк аждодлари хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш» халқ достонининг 1000 йиллиги нишонланди.

Улуғбек номидаги ҳамда «Соғлом авлод учун», «Халқаро илм ва маданият», «Истеъдод», «Сен ёлғиз эмассан» каби жамғармалар фаолияти жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялаб, вояга етказишга қаратилган.

2002 йилнинг 27 ноябрида ташкил этилган «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси «Меҳрибонлик» уйларидаги ва мактаб-интернатлардаги болалар таълим-тарбиясини янада яхшилаш вазифаларини бажара бошлади.

Жамғарма ўзбекларнинг анъанавий раҳм-шафқатлигининг ўзига хос вориси ҳисобланади. Муштарийларга уруш йилларида 14 етим болани тарбиялаган Шомаҳмудовлар оиласи ҳамда етим болаларнинг онасига айланган, 55 йил давомида Тошкентдаги

болалар уйини бошқарган А.Хлебушкинанинг номи яхши таниш.

Жамғарманинг мақсади — ота-оналари қарамоғидан маҳрум қолган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Унинг фаолияти болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, кўшимча таълим олишига кўмаклашиш, ўсмирларни ўрта махсус ва олий таълим муассасаларига органик жойлаштириш каби долзарб масалаларни ечишга қаратилган.

Болаларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан баркомол этиб тарбиялаш, жумладан, ҳар бир бола қалбида маънавият ва ахлоқ сарчашмасини уйғотиш жамғарма фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу ёндашув ўзини ўзи камолга етказиш ва индивидуал бетакрор комил шахсни тарбиялашга асосланган. Ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш учун жамғарма томонидан «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланувчи болаларнинг қобилият ва истеъдодларини юзага чиқариш билан шуғулланадиган Ўқув маркази, ҳар бир тарбияланувчи ҳақида тўлиқ маълумот жамланган ягона маълумот базаси асосида фаолият юритувчи Ишонч телефонининг руҳшунослик хизмати ташкил этилган. Яқинда жамғарма ҳузуридаги Болаларни руҳий реабилитация қилиш марказининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Қаровсиз қолган руҳияти носоғлом болаларнинг сони муттасил ошиб борапти. Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 18 ёшгача бўлган 9,7 миллион нафар бола истиқомат қилади. Бу мамлакат аҳолисининг тахминан 40 фоизини ташкил этади. Марказнинг асосий фаолияти ёмон ва

кўпол муносабатдан, оиладаги, кўча-кўйдаги, «Меҳрибонлик» уйларида учрайдиган ўзаро муносабатлар тизимидаги руҳий омилларнинг салбий таъсиридан жабр кўрган болаларга малакали руҳий ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган. Лойиҳа ижтимоий-руҳий, маънавий-маърифий соҳага оид ҳамда болаларни тўғри йўлга солишга қаратилган тадбирларнинг бутун бир мажмуини қамраб олади. Реабилитация маркази меросхўр-тақсимотчилар билан «Меҳрибонлик» уйлари ўртасидаги ўзига хос «буфер» вазифасини ўтайди.

Фаолиятининг унча катта бўлмаган даври давомида жамғарма «Сен инсонсан!» хайрия марафони доирасидаги тадбирлардан ташқари, қатор маърифий-тарбиявий ва маданий-оммавий ишларни амалга оширди, Тошкент шаҳридаги «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини тиббий диспансердан ўтказди. Эндиликда жамғарма кўрик натижаларига асосланган ҳолда, саломатлигини тиклашга бош-қош бўлади, ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

Жамғарма режали асосда ўз фаолиятини ҳудудий кенгайтириш ишларини бошлаб юборди. Жумладан, республиканинг кўплаб вилоятларидаги болалар уйларидаги ҳолати билан танишиб чиқди, жойлардаги «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига компьютерлар, телевизорлар, кийим-кечак, китоблар, ўқув қўлланмалари, спорт анжомлари ҳадя қилди. Бундай тадбирларда жамғарма билан бирга республиканинг қарийб барча олий таълим муассасалари иштирок этмоқда.

«Умид» ва «Устоз» жамғармалари негизида ташкил этилган таълим ва илм-фан соҳасидаги «Истеъ-

дод» жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунларида аксини топган ҳолатларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Жамғарманинг мақсади узлуксиз таълим ва илм-фан соҳасида илмий-тадқиқот ҳамда педагогик фаолиятнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш, тажриба алмашишлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришга кўмаклашишдан иборат. Шу мақсадда ўқитувчилар, аспирантлар, докторантлар ва стажёрлар малака ошириш ҳамда тажриба алмашиш учун ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетлари ва илмий марказларига жўнатилмоқда.

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари — мамлакатнинг ақлий — интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, илмий, педагогик ва иқтисодий соҳаларни дунёдаги илғор илмий ва юқори технологияли натижалар даражасига кўтариш, жаҳоннинг етакчи таълим муассасалари ва илмий марказлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, улар билан ўзаро фойдали кўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш болали ёш иқтидорли педагоглар ва илмий ходимларнинг истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган.

Стажёрларнинг номзодлари, асосан, илм-фаннинг бозор шароитида демократик давлатни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юридик асосларини тадқиқ этиш; ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш; минерал захираларни қидириб топишнинг юқори технологияли усулларини ишлаб чиқиш, уларни

ўзлаштириш, қайта ишлаш ҳамда мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучлар ақлий меҳнат қилишини талаб этадиган самарали технологияларни яратиш каби устувор йўналишлари бўйича танланади.

Бугунга қадар умидли ёш ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва тажрибасини бойитиш учун «Истеъдод» жамғармаси Буюк Британиянинг Кембриж ва Оксфорд, АҚШнинг Гарвард ва Мериленд, Япониянинг Васеда университети, Франциянинг Сорбон университети, Россиянинг М.Ломоносов номидаги МДУ, Бауман номидаги МДТУ, Москва энергетика институти, Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси, Санкт-Петербург университети каби дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари, шунингдек, Германиянинг 262 университети ректорлари Конференцияси билан шартнома тузди. Иқтидорли ёш педагогларнинг малакасини ошириш мақсадида Интернет орқали масофавий ўқитиш тизими жорий қилинди. Интернет ёрдамида ёш мутахассислар Лист университети дастури бўйича таҳсил олиб, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёқлашмоқда. Буюк Британиянинг бу университети масофадан туриб ўқитиш бўйича дунёда бешинчи ўринда туради. Унинг дипломлари Ўзбекистонда топширилади.

Хорижга чиқишдан аввал иқтидорли ёш мутахассис Интернет ёрдамида Ўзбекистонда малака оширади, сўнг дастурлар ва лабораториялар билан бевожита танишиш учун хориждаги тегишли олий таълим муассасасига боради ва олдиндан тайёрлаб қўйилган материаллар бўйича жадаллик билан таҳсил олишда давом этади. Қайтиб келгач, тегишли ихтисосдаги

бошқа ўқитувчиларнинг малакасини оширади, рисо-  
лалар, илмий қўлланмалар чоп этади.

Жамғарма саъй-ҳаракатлари туфайли ҳар йили ёш  
иқтидорли ўқитувчи ва олимларнинг 700 га яқини  
масофадан туриб ўқиш ёхуд интернет орқали ўз ма-  
лакасини оширмоқда. Шунингдек, уларга Ўзбекист-  
тонга таклиф қилинган хорижлик етакчи профес-  
сорлар ҳам ёрдам берапти. Бундан ташқари, ҳар йили  
200–300 нафар педагог янги педагогик технология-  
лар ва илм-фаннинг устувор тармоқлари бўйича хо-  
рижда малака оширмоқда.

Яқинда тузилган Болалар спортини ривожлан-  
тириш жамғармаси ўз ишини фаоллаштирмоқда. У  
ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом авлодни тарбия-  
лаб, вояга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.  
Шу жиҳатдан у анъанавий «Умид ниҳоллари» (бола-  
лар спартакиадаси), «Баркамол авлод» (лицей ва  
коллежлар ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган му-  
собақалар мажмуи) ва талабалар универсиадасини  
ўтказиб келаётган «Соғлом авлод учун» ва «Ўзбекист-  
тонда спортни ривожлантириш» жамғармаларининг  
вориси ҳисобланади.

Жамғармалар фаолиятининг яна бир йўналиши  
қариялар, ногиронлар, аёлларга меҳр-мурувват кўр-  
сатишга қаратилган («Маҳалла», «Нуроний», «Шарқ  
аёллари» ва бошқалар).

Ўзбекистон аҳолиси турли динларга эътиқод қила-  
диган, ҳар хил миллат вакиллари яшайдиган мам-  
лакатдир. Бу ерда 15 та диний конфессияга эътиқод  
қилинади, 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакилла-  
ри яшайди. Амалдаги «Бағрикенглик» жамғармаси ўз

фаолиятини республикада ташкил этилган миллий-маданий марказларни қўллаб-қувватлашга қаратган.

«Экосан» нодавлат ташкилоти таҳсинга лойиқ. Унинг фаолияти Оролбўйи аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва минтақада экологик вазиятни яхшилашга қаратилган.

Фаолият йўналиши қандай бўлмасин, барча жамғармаларни хайрли, эзгу мақсад — меҳр ва мурувватга муҳтож ногиронлар ҳамда етимлар, боқувчисидан маҳрум бева-бечоралар, ёлғизликка маҳкум, ёши ўтиб қолган одамлар учун қайғуриш, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож одамларга ёрдам бериш каби савобли ишлар бирлаштириб туради.

Меҳр ва мурувват жамиятда дўстлик ва ҳамфикрлиликни мустаҳкамлайди, хайрли мақсадлар учун қулай шароит яратади, ижтимоий давлатнинг эҳтиёжларига ва янги жамиятнинг вазифаларига тўла мос келадиган жараёнларда жамоатчилик жамғармаларининг ўрнини, аҳамиятини оширади. Шу маънода, янги йилнинг Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилиниши, нафақат ўзбекистонликлар феъл-атвори, табиатидаги барча ижобий хислатларни сақлаб қолишга ёрдам беради, айти пайтда, мустақиллик даврининг инсоний мақоми, мазмун-моҳиятини ҳам мустаҳкамлайди.

*«Труд», 2004 йил 10 январь.*

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

## ЗАМОН АМРИ

### *Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари ҳақида*

Фуқаролик жамияти — ижтимоий тараққиётнинг олий ютуғи. Давр талаби, замон амри сифатида у ҳуқуқий жамият бўлиши керак. Бундай жамиятда демократия пойдевори фаоллик билан яратилади, қонун устуворлигининг, умуминсоний қадриятларнинг, ҳақиқий демократия ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бутун дунёда эътироф этилган меъёрлари қарор топади.

Иқтисодий, сиёсий ва юридик жиҳатдан мустақил (мухтор) субъектлардан ташкил топган ўзини ўзи ичдан, ботинан ривожлантирувчи фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг тараққий этиши давлатнинг ролини, вазифаларини чеклаб, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари аҳамиятини оширишни тақозо этади. Зеро, кўп укладли бозор иқтисодиётининг қарор топиши жамиятда давлат ва инсоннинг ролини кенгайтиради.

Бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик жамият қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни стратегик мақсад қилиб олган Ўзбекистонда бу йўналишда қандай амалий ишлар қилинмоқда?

Биринчидан, фуқаролик жамияти қуришнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди ва у жадаллик билан такомиллаштирилмоқда.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятининг барча муҳим сифат ва аломатлари мавжуд.

Лекин бу, давлат ҳаммасини ўз ҳолига қўйиши ва фуқаролик жамияти ўз-ўзидан бунёд бўлишини кутиб туриши керак, дегани эмас. Тажриба жамоатчилик тузилмаларига давлатнинг ёрдам бериши зарурлигини кўрсатмоқда. Айнан ана шундай қўллаб-қувватлашгина ҳокимиятга ишончни ортттиради. Давлат манфаатларининг рационал, адолатли тарзда жамият ҳамда фуқароларнинг манфаатлари ва имкониятлари билан мутаносиб бўлиш тамойили Ислом Каримовнинг сиёсий таълимотида аниқ ифодасини топди. Ҳуқуқий асос яратилиб, унинг негизида демократик ва ҳуқуқий давлатдан адолатли фуқаролик жамиятига ўтишнинг узоқ муддатли концепцияси ишлаб чиқилди.

Қатор объектив сабабларга кўра, фуқаролик жамиятининг шаклланиши давлат ва бозор каби институтларнинг ўзаро нисбатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бизда фуқаролик жамияти, давлат ва бозор ўртасидаги ўзаро муносабатлар бир неча босқич ва шаклга эга. Уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги борасида эса фуқаролик жамиятининг моҳиятидан келиб чиқадиган уч асосий жиҳатни биз аллақачон белгилаб олганмиз:

— биринчидан, давлатнинг бозор ислохотларининг бошланғич босқичларида асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланганлиги;

— иккинчидан, бозор муносабатларининг ўзини ўзи ривожлантириши учун ҳозиргача яратилган имкониятлар;

— учинчидан, бозорнинг ўзини ўзи бошқариш борасидаги турли механизмлари ҳамда давлатнинг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти дои-

расида, у билан ҳамкорлиги бир-бирини тўлдирувчи интеграцияни ташкил қилиши.

Табиийки, бозорнинг ўзини ўзи ривожлантириш имкониятлари тўла юзага чиқарилган тақдирда том маънодаги фуқаролик жамиятига ўтиш имкониятлари пайдо бўлади.

Демак, бизнинг ўз стратегик мақсадимиз сари ҳаракатларимизни баҳоловчи бош мезон давлат бошқаруви орқали уйғун тўлдириладиган ўзини ўзи ривожлантириш тамойили бўлди.

Фирма ва корхоналар ўз фаолиятида фақат хўжаликка оид соҳалар билангина чекланиб қолмайди. Хориж иқтисодий ва ижтимоий назариясида тузилишига кўра, фирмалар жамият тўқимасига бевосита сингиб кетганлиги аллақачонлар эътироф этилган. Фирмалар оддий иқтисодий бирлик саналмайди. Улар, нафақат товарлар ва хизматлар бозорида иштирок этишади, айна пайтда, одамларни уюштирадиган, уларнинг ўз ҳаётий режалари ва интилишларини рўёбга чиқариш йўлидаги ҳамкорлигини мувофиқлаштирадиган мураккаб ижтимоий тузилмалар ҳамдир.

Назаримизда, бундай ёндашув, айниқса, Шарқ мамлакатларига жуда мос келади. Жумладан, Ўзбекистонда фирмаларнинг ижтимоий таркибий қисми кичик ва ўрта бизнес, маҳалла (жамоа) даражасидаги ишлаб чиқариш ташкилотлари даражаларида яққол намоён бўлади. Шунинг учун бозор ислохотларини амалга оширишнинг кенг қамровли масалалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари олдида кўндаланг туради. Булар — ишбилармонликни рағбат-

лантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш, аҳолини мақсадли йўналтирилган кучли ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш ва кўплаб бошқа масалалар. Айнан шу ердан фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асослари, унинг ҳам мураккаб ишлаб чиқариш муносабатлари, ҳам тўпланган моддий-мулкий бойликларни ўзида мужассам қилган иқтисодий пойдевори бошланади.

Бу яхлит мажмуада бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг муштарак улуғвор рамзи бўлган, ўзбеклар ҳаётининг ўзига хос анъанавий ижтимоий тузилмаси — маҳалла институти алоҳида ўрин тутади. Маҳаллий жамоаларни ташкил этиш, истиқомат жойларида ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган фуқаролик жамиятининг муҳим институти — маҳалла асрий анъаналар, удум ва одатларга таянган ҳолда, муҳим ташкилий-иқтисодий ва тарбиявий вазифаларни бажаради. Маҳаллада ижтимоий онг оқсоқолларнинг ҳаётий тажрибаси, катталарнинг ибратли ишлари ва жамоавий хулқ-атвор меъёрлари орқали бойиб боради. Бу ерда муносабатлар адолат, ўзаро ҳурмат, меҳр-мурувват, елкадошлик асосида қурилади. Маҳалла моҳият-эътибори билан шарқона демократиянинг бошланғич мактабидир.

Тарихий ва ижтимоий жиҳатдан ўта мустаҳкам бу институтда туганмас улкан бунёдкорлик салоҳияти мужассам. Шу жиҳатдан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларини янгидан ташкил этаётган кўплаб мамлакатларга нисбатан биз анча афзаллик-

ларга эгамиз. Аждодлардан мерос бундай тузилмалар биздаги фуқаролик жамияти анъаналарининг тарихи узоқ асрларга бориб тақалишини кўрсатади.

Шаклланаётган фуқаролик жамиятининг бошқа бир ўзига хослиги — анчагина жадаллашган, айниқса, Шарқ ҳаёти нуқтаи назаридан олганда, анчайин катта суръат касб этган демократлаштиришдир. Ислоҳотлар сиёсатининг ўзи Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат асосларини яратишга қаратилган. Бу асослар фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқ ва эркинликларини, яъни сиёсий танлаш ҳуқуқини, виждон эркинлигини, ишбилармонлик ҳуқуқини, сўз эркинлигини, хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Бугун бу ҳуқуқ ва эркинликлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, кодекслари ва қонунлари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман билан ишончли тарзда таъминланган. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича ўттиздан зиёд бошқа ҳужжатлар ратификация қилинган.

Давлат ваколатларининг қисман нодавлат ташкилотларига ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари — маҳаллаларга берилаётгани сиёсий эркинлаштиришнинг амалий кўринишидир. Бундай ташкилотлар орасида икки мингдан зиёд бирлашма, жамғарма, уюшмалар бор.

Қонунчилик ижодкорлигида, оммавий ахборот воситаларида, партиялар фаолиятида қарашлар ва ғояларнинг рақобати тобора яққол намоён бўлмоқда.

Фуқаролар тинчлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни, ижтимоий табақалар ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлашда сиёсий кучларнинг бирдамлиги муҳим ижтимоий ютуққа айланди. Шу ўринда фуқаролик жамиятини шакллантириш муносабати билан давлатнинг моҳиятига тўхталар эканмиз, республикада таъкидланган бирдамлилик борасида барқарор келишувга эришилди. Бу, нафақат фуқаролик жамияти тавсифномаси, айти пайтда, ижтимоий тотувлик шакли бўлмиш давлат моҳиятининг янги унсури ҳамдир. Давлатнинг бундай ўзига хос шакли — фуқаролик жамияти институтлари, давлат ва бозор ҳамкорлигининг муҳим омилидир.

Ана шу фонда мустақиллик йиллари халқ руҳиятида ватанпарварлик, миллий ифтихор, бутун дунёга очиқлик кайфиятини мустаҳкамлади. Ўзбек халқининг маънавий ва тарихий қадриятлари, буюк аждодларнинг мероси бутун жаҳон аҳлининг мулкига айланиб бормоқда. Бу энди фуқаролик жамияти очиқлигининг янгича шакли — жаҳон цивилизациясининг интерактив очиқлигидир. Асрлар синовидан ўтган оилавий ахлоқ ва қариндош-уруғ муносабатларида оқибатлилиқ, катталарни ҳурмат қилиш, аёлни — онани эъзозлаш каби фазилатлар янгидан жонланмоқда. Ўзбек оиласида инсоний меҳр-мурувват ва меҳмондўстлик фалсафаси мустаҳкамланмоқда.

Ўзбек халқи руҳиятининг қайта тикланиши асл миллий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлигига олиб келган ноёб ҳодиса бўлди. Республикада яшовчи халқлар ўзлигини сақлаб қолгани ҳолда, Ўзбекистон маданиятининг кўп

миллатлилик қирраларини шакллантириб, ягона менталитетга, умумий хулқ-атвор фалсафасига эга бўлиб бормоқда. Масалан, қайта тикланган Наврўз ўз нафосати ва таровати билан том маънода баҳор ва янгиланишнинг умумхалқ байрамига айланди. Миллати ва динидан қатъи назар, ҳар бир оила, ҳар бир хонадонда Наврўз нишонланади. Бу эзгу умидлар, пок ниятлар ва саховат тантана қиладиган умумхалқ байрамидир.

Ўзбекистон ҳали ҳеч қачон бундай катта ўзгаришларга юз тутмаган эди. Айни пайтда, менталитети кўп жиҳатдан илғор ислом фалсафаси таъсири остида шаклланган жамиятнинг маънавий-диний асосларини тиклашда ҳам янгича муносабат шаклланоқда. Миллатнинг миллат сифатида шаклланишидаги минг йиллик тажрибасини ўзида мужассам этган ислом маданий қадриятларининг тикланиши ўзбек халқининг ўзлигини англаши, бу заминда яшовчи халқларнинг маданий-тарихий муштараклигини идрок этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

ЮНЕСКО иштирокида Имом ал-Бухорийнинг юбилейи кенг нишонланди. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда исломий таълим тизимини ўзгариши, Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳмад Яссавий каби улуғ зотларнинг маънавий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий иш ва изланишлар олиб борадиган мутахассислар тайёрлайдиган Ислом университети очилди. Маънавиятнинг, Марказий Осиёга хос ислом анъаналарининг тикланиши исломни «импорт» қилиш, исломни сиёсийлаштириш ва сиёсатни исломлаштириш тарафдорларининг дастини қирқди.

Айни вақтда, давлатнинг дунёвий мақоми бошқа ўн беш дин вакиллари учун эътиқод эркинлигини кафолатлади. Улар орасида энг йириклари — христиан, иудейлик ва католик конфессияларидир. Диний ва этник бағрикенглик, сабр-тоқатлилик бу — идеал шаҳар, яъни нафақат диний, айни пайтда, маданий ва ахлоқий негизлар асосида бирлашган одамлар ҳамжамиятини яратишдик эзгу орзунинг бир кўриниши, асрлар бўйи Ўзбекистонда қадимий мерос сифатида яшаб келаётган Мовароуннаҳр мусулмон маданиятининг азалий анъанасидир.

Биз кураётган фуқаролик жамиятининг яна бир ўзига хос жиҳати кучли демографик омил билан боғлиқ: Ўзбекистан фақат ёш давлатгина эмас, балки ёшлар давлати ҳамдир. Болалар ва ўқувчи ёшлар мамлакат аҳолисининг қарийб 10 миллионини ташкил қилади. Келажак мана шу навқирон авлод кўлида, ХХI асрда Ўзбекистоннинг тақдирини мана шу ёшлар белгилайди.

2002 йил Ўзбекистонда «Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилинди. Бу табақа учун ҳозир ҳам давлат ва жамият манфаатлари ҳамма нарсадан устун туради. Ўзини ўзи бошқариш органларига сайланган оқсоқолларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришга беқиёс ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистонда барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг ўзига хослиги унинг ижобий ижтимоий ва маънавий ўзгаришларга сафарбар очиқ жамият тамойиллари билан муштараклигини кучайтирмоқда.

*«Труд», 2002 йил 11 июнь.*

## МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ

### *Ўзбекистондаги тузилмавий ўзгаришлар стратегияси тўғрисида*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва стратегиясини белгилаб берган тараққиётнинг «ўзбек модели» тамойиллари бозор ўзгаришининг умумий мангиқи ва йўналишларини муштарак ҳолда тавсифлаб берди.

XXI аср бошида Ўзбекистондаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг бош устувор йўналиши жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш дастури бўлди. Дастур мамлакатдаги барча туб ўзгаришларнинг ўзаги, боғловчи бўғини, бутун жамиятни демократлаштириш тизимининг муҳим босқичидир.

Эркинлаштириш сиёсатининг устувор йўналишлари орасида иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Эркинлаштириш ғоясининг ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг узоқ муддатли стратегиясининг асосий йўналишларини пухта ишлаб чиқишни тақозо этди. Зеро, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган самарали тузилмасини шакллантиришнинг узоқ муддатли стратегияси давлат бошқарув тизимининг умумий таркибий қисми саналади. У иқтисодий, ижтимоий, молиявий ва озиқ-овқат борасидаги хавфсизликни таъминлашга, глобаллашувдан ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнидан имкон қадар кўпроқ фойда олиш ва таваккалликлар кўламини қисқартиришга, табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдала-

ниш баробарида иқтисодиёт тузилмасини ҳар томонлама маъқул ва мақбул шаклга келтиришга қаратилган.

Иқтисодиётни экспортга йўналтирилган тарзда ривожлантиришга ўтиш зарурати давлатимиз раҳбарининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув бўйича қўйган вазифаларидан келиб чиқади ва бу ўтиш рақобатбардош ишлаб чиқаришни ҳамда ички ва ташқи бозордаги талаб тузилмасига мослашган фаолият турларини яратиш ва ривожлантиришга, экспортни кенгайтиришга, янги иш ўринлари яратишга, аҳоли даромадларини оширишга, инсоний сармоя тўплашга, иқтисодиётда илғор технологияли ва тармоқли тузилмавий таркибий силжишларни жадаллаштиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, миллий валютани мустаҳкамлаш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишга эришишга қаратилган.

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази 2010 йилгача бўлган даврда республикада тузилмавий-таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқди. Унда Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган. Дастур қайта ишлаш саноати етакчилик қиладиган ва экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тузилмасини шакллантиришга қаратилган. Мазкур дастур экспортни кенгайтиришдаги янгиланишлар ҳисобига барқарор иқтисодий ўсиш йўлига тушиб олишни таъминлаши керак.

Экспортнинг кенгайиши хорижлик истеъмолчи ҳисобига умумий талабни кескин оширади. Бу Ўзбекистон иқтисодиётига янада кўп ишлаб чиқариш, тежаш ва сармоя киритиш имконини берган ҳолда,

рақобат, технологик тараққиёт ва иқтисодиётда самарадорликни ошириш учун рағбатлантирувчи омилларни кучайтиради. Тавсия этилган дастур доирасида экспорт кўлами ўсишининг қуйидаги суръатларига эришиш мўлжалланмоқда: 2002–2005 йиллар давомида йилига ўртача 10 фоиз, 2006–2010 йилларда — 13–14 фоиз. ЯИМ 2005 йилгача йилига 5–6 фоиз, 2006–2010 йилларда 7–8 фоизда барқарор ўсиши таъминланади.

Дастур лойиҳасида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг истиқболдаги асосий йўналишлари белгиланган, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари (булар сирасига, энг аввало, пахта, тола, мис, ўғит кабилар киради) нархи нисбатан секин ўсиб бориши башорат қилинган. Бу ҳол Ўзбекистонда экспортнинг, айниқса, қайта ишлаш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ҳажмини оширишни кенг рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиришни тақозо этади. Бу омиллар ишлаб чиқаришнинг ўзини ва маҳсулотларнинг ички бозордаги савдосини рағбатлантиришга қараганда кучлироқ бўлиши керак.

Лойиҳадаги муҳим жиҳат бу — мақсад ва вазифаларнинг ҳамда ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган оралиқ ҳамда тармоқли устувор тузилмавий ўзгаришларнинг белгиланганидир.

Тузилмавий ўзгаришларнинг биринчи босқичида (2005 йилга қадар) Ўзбекистон жаҳон бозорида анъанавий афзалликларга эга бўлган, мамлакатнинг халқаро савдода бемалол иштирок этишига имкон берадиган иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш устуворлик касб этади. Бу иқтисодиётнинг

меҳнатталаб ва захираталаб тармоқлари бўлиб, улар мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда минерал хомашёни, уларни чуқур қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилгандир.

Иккинчи босқичда (2006–2010 йиллар) таркибий-тузилмавий сиёсатнинг оғирлик марказини халқаро савдода Ўзбекистоннинг янги рақобатбардош афзалликларини вужудга келтириш, қайта ишлаш саноатининг юқори технологияли илмталаб тармоқларини (машинасозлик, фото ва қуёшли элементлар, пластмасса буюмлар саноати, ахборот технологиялари ва дастурий таъминлаш каби) жадал ривожлантириш томон йўналтириш мўлжалланмоқда.

Дастур лойиҳасида юксак самара берадиган ишлаб чиқариш лойиҳаларига хориж сармоясини жалб этишга алоҳида эътибор берилган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланадиган маблағ кўпаяди. Шу билан бирга дастур лойиҳасида кичик, ўрта ва микробизнеснинг ривожланган товарлар ҳамда хизматлар бозорини шакллантиришга қўшадиган ҳиссасини ошириш, ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмаларини, телекоммуникация, ахборот технологиялари соҳасини жадал ривожлантириш, таркибида барқарор банк тизими ва ривожланган банкдан ташқари молия сектори бўлган яхлит, ўзаро боғлиқ, бозор инфратузилмасини вужудга келтириш кўзда тутилган.

Белгиланган устувор вазифаларни бажариш иқтисодий тузилмасида кескин силжишлар юз беришига олиб келади, барқарор иқтисодий тараққиёт учун зарур шароит, қулай муҳит яратади. ЯИМда саноат

улуши қарийб 2 баробар ортади. Кичик ва ўрта бизнес ЯИМнинг 50 фоизини ташкил қиладиган даражагача, экспорт — 30 фоиз даражасигача ўсади. 2002—2010 йилларда ЯИМ ўсишининг ўртача йиллик кўрсаткичи 6—8 фоизни, саноатники — 10—11 фоизни, қишлоқ хўжалигиники — 6 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасиники — 8 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Асосий капиталга сарфланадиган сармоя ҳажмининг ўсиши йилига ўртача 8—9 фоизни ташкил қилади.

2010 йилгача такрор ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштиришнинг устуворлиги ЯИМда сармоялар улушининг кўпайиши, хориж сармоясининг фаол жалб этилиши, сармоя захираларини тақсимлашда қайта ишлаш саноатига устувор мақом берилишини таъминлашдан иборат. ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқли тузилмасини саноат улушининг ортиши ҳисобига яхшилаш вазифаси қўйилмоқдаки, бу аграр — индустриал иқтисодиётдан қайта ишлаш саноати устувор бўлган индустрия иқтисодиётига ўтишни таъминлайди. Шу билан табиий-иқтисодий захирани ҳисобга олганда, ЯИМнинг тармоқли тузилмаси саноати ривожланган янги мамлакатлардагига хос тузилмага яқинлашади. Асосий йўналиши аграр — индустриал иқтисодиётдан қайта ишлаш саноати устувор бўлган иқтисодиётга ўтишдан иборат индустрия тузилмасида қайта ишлаш саноати нисбатан катта суръатда ривожланади. Бу экспорт ўсишининг суръатини қўллаб-қувватлаш учун фоят муҳим. 2010 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ бўйича Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиёдаги саноати ривожланган янги мамлакатларнинг кўрсаткичларига яқинлашиб қолади.

Турли шаклдаги мулкчиликни, биринчи галда, хусусий мулкчиликни ривожлантириш учун тенг ҳуқуқлилик асосида шароит яратиш орқали кўп укладли иқтисодиётни ўстириш, янги иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат захираларининг аграр сектордан иқтисодиётнинг sanoat сектори ва хизмат кўрсатиш соҳасига кўчириш, аграр-индустриал иқтисодиётдан индустриал иқтисодиётга ўтиш, кичик шаҳарчалар ҳамда қишлоқларга sanoatни олиб кириш ва унинг тармоқларини кенгайтириш, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек, ҳудудларни мажмуий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, миллий иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли реал даромадларининг барқарор ошиши бу ўзгаришларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий натижаси бўлади.

XXI аср бошида тузилмавий ўзгаришларни, экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тузилмасини шакллантириш стратегияси Ўзбекистонда жамиятни ривожлантиришнинг мамлакат Президенти Ислом Каримов белгилаб берган асосий тамойилларидан келиб чиқади. У Ўзбекистоннинг давлат суверенитети манфаатлари устуворлигини, иқтисодий, ижтимоий, молиявий ва озиқ-овқат борасидаги хавфсизликни таъминлашни, мамлакатнинг табиий-иқтисодий захирасини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тузилмасини дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёт тузилмасига яқинлаштиришни назарда тутди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишини жадаллаштиради.

«Труд», 2002 йил 10 август.

## ЖАМИЯТДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК

*Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар  
ниҳоясига етди*

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институти Ўзбекистон Республикаси конституциявий қурилишининг асоси бўлиб, демократик давлатнинг элементларидан бири ҳисобланади, фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини таъминловчи муҳим қафолат бўлиб хизмат қилади. Ушбу институт фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида алоҳида роль ўйнайди. Ўзини ўзи бошқариш фуқаролик жамиятини шакллантириш механизми ва унинг муҳим таркибий қисмидир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўзбеклар ҳаётининг анъанавий кўриниши, унинг ижтимоий ўзаги, демократиянинг базавий бўғини — ячейкаси бўлмиш маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг замонавий тизими — маҳалла институти шаклланди. Маҳалла жамиятда мавжуд анъанавий демократиянинг асосий институти, ўзбек миллий жамоасининг ифтихори бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Икки дарё оралиғидаги шаҳар ҳамжиҳатлиги худди шуним билан «Авесто» замонидан буён мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (105-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда анъанавий маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Ўзбекистон модели асосий тамойиллари ва белгилари қайд этилган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг

ҳуқуқий — ташкилий шарт-шароитларини яратиш бўйича мамлакатда кўп ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқаришнинг Европа Хартиясини ратификация қилди, чунки Хартиянинг кўплаб ғоялари ва қоидалари қонуншуносларимиз томонидан мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш концепцияси учун асос қилиб олинди. Европа Иттифоқи экспертларининг фикрича, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғриси»даги қонунимиз Европа Хартиясининг қуйидаги асосий тамойилларига тўла мос келади. «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, деганда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун доирасида ҳаракат қилиб, ўз масъулиятлари ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатларига асосланиб, кўплаб оммавий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш ҳуқуқлари ҳамда реал имкониятлари кўз олдимизга келади».

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида Ўзбекистонда биринчи марта маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг тўлақонли тизими қарор топди ва ўзини ўзи таъминлаш тамойили асосида анчадан буён мустақил фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзини ўзи таъминлаш тамойили демократиянинг ҳал қилувчи тамойили сифатида ҳокимият ваколатларини кенг равишда марказдан узоқлаштириш имкониятини берди. Ҳокимиятнинг юқори бўғини пастки бўғинларда ҳал қилиб бўлмайдиган вазифаларнигина бажаришни ўз зиммасида қолдиради. Ўз ўзини таъминлаш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосига айланди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш модели тарихий этномаданий миллий анъаналарни ҳисобга олиб,

жамият ва давлатнинг демократик ривожланишини таъминламоқда. Ўзбекистонда маҳалла фуқаролик жамиятининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Шунинг учун ҳам бизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган навбатдаги сайловлар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Сайловларни юқори ташкилий-сиёсий савияда ўтказиш учун тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилди, сайлов компанияси зарурий норматив база билан таъминланди.

Олий Мажлис Кенгаши 2003 йил 6 октябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди ва сайлов компанияси ташкил этиш тадбирларининг мажмуий режасини тасдиқлади.

2003 йил 31 октябрда Олий Мажлисида қишлоқлар, посёлкалар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарлари, вазирликлар, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситалари вакиллари, Олий Мажлис депутатлари иштирокида ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни тайёрлаш ва ўтказишга бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Шунга ўхшаш семинар-кенгашлар Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам ташкил этилади.

Олий Мажлисида оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан сайлов тадбирларини матбуотда ёритишга бағишланган кенгаш ўтказилди. Газеталар саҳифаларида шу борада тавсия материаллари эълон қилинди.

Бу муҳим ижтимоий-сиёсий кампанияда Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, район, шаҳарлар Кенгашлари депутатлари фаол иштирок этдилар.

Олий Мажлис Котибияти ходимлари жойларга бориб, сайловларни тайёрлаш ва ўтказишда амалий ёрдам бердилар.

Сайлов кампаниясини ташкилий таъминлашнинг чора-тадбирлари тўла амалга оширилди. Жумладан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш учун тузилган вилоят, шаҳар, туман комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари ўзини тўла оқлади.

2003 йил ноябрь—декабрь ойларидаги сайлов кампанияси юксак ижтимоий-сиёсий ва ташкилий савияда фуқароларнинг фаоллиги остида ўтди. Сайловда 12 миллион сайловчи, яъни, мамлакатдаги катта ёшдаги аҳолининг 97 фоизи иштирок этди. Бу рақам 2001 йилдаги сайловда 85 фоизни ташкил этган эди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга асосан, маҳалла қўмиталари раислари (оқсоқоллари), уларнинг маслаҳатчилари ва масъул котиблари икки йил муддатга сайландилар. Хусусан, сайловчиларнинг фаоллиги Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида юқори бўлди.

Ҳаммаси бўлиб, 8.360 фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг 80 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайландилар. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар)нинг ўтган давр ичида қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботлар муҳокамалари катта қизиқиш билан қизғин мунозаралар асосида ўтди.

Фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги ўсганлиги, уларнинг юқори даражадаги талабчанлиги, мавжуд камчиликларга нисбатан муросасизликлари сайловларда яққол намоён бўлди. Масалан, 35 фуқаролар йиғинларида оқсоқолликка номзодлардан бирортаси ҳам етарли овоз ололмади, натижада қайта сайлов ташкил этилди. 74 та фуқаролик йиғинида раҳбарларнинг ҳисоботлари қониқарсиз, деб топилди, шунинг учун бу оқсоқоллар сайловда иштирок этишдан маҳрум бўлдилар (жумладан, Тошкент вилоятида – 19, Тошкент шаҳрида – 18, Самарқанд вилоятида – 14 та йиғинлар).

Сайловлар натижасида фуқаролар йиғинлари раҳбарлари таркибининг сифат кўрсаткичи яхшиланди. Ишчи гуруҳлари томонидан номзодларни олдиндан текшириб чиқиш, фуқаролар фикрларини ўрганиш кадрларни танлашда ижобий самара берди. Аксарият фуқаролар йиғинларида сайловлар муқобиллик асосида ўтказилди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё районида, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида, Қашқадарё вилоятининг Фузор туманида, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида фуқаролар йиғинларида бир ўринга тўртта номзод тавсия этилди. Умуман олганда, 21306 номзоддан 8360 нафар оқсоқол сайланди.

Фуқаролар йиғинлари мажлисларида масъул котиблар тайинланди. Барча йўналишлар бўйича комиссиялар ва уларнинг раҳбарлари тайин этилди.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловларнинг натижалари ҳақидаги статистик маълумотлар ва Қорақалпоғис-



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси



Бугунги Тошкент



Ўзбекистон олтини — умумхалқ бойлиги



Ўзбекистон пахтаси



Пахтакорлар билан самимий суҳбат



Мустақил юрт галласи



Ўзбекистон — саногти ривожланаётган мамлакат



Жаҳон андозаларидаги ўзбек автомобили





Шўртангаз — мустақил Ўзбекистоннинг  
иқтисодий мўъжизаларидан бири





Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди



Армия — Ватан ҳимоячиси



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. Каримов ва Россия Федерацияси Президенти  
В. Путин Тошкент Ислам университети  
талабалари орасида



Диний бағрикенглик





Азиз ашлиёлар хоки муқаддас



Ислам Каримов америкалик ислом уламолари билан суҳбатлашмоқда



Шахмат бўйича жаҳон чемпиони  
Рустам Қосимжонов



Ғолиблар шоҳсупаси



Соғлом авлод парвози



Кураш ҳали олдинда...

тон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ахборотлари, фуқароларнинг йиғилишлардаги чиқишлари, Олий Мажлис депутатлари, Котибиятнинг масъул ходимлари хабарлари, оммавий ахборот воситаларида босилган материалларнинг ҳаммасини таҳлил қилсак фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловлар юқори ижтимоий-сиёсий ва ташкилий даражада, эркин ҳамда демократик вазиятда ўтганига амин бўлишимиз мумкин.

Шу билан бирга, таъкидлаш зарурки, айрим фуқаролар йиғинларида ўтказилган сайловлар амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бермади. Масалан, сайловлар даврида бирмунча фуқаролардан Олий Мажлисга шикоятлар тушди, уларда ҳокимият вакиллариининг фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин намоён этишларига қаршилик қилганлар кўрсатилган. Жумладан, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Жиззах ва Фарғона вилоятларида шундай шикоятлар тушди.

Умуман, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш кенг халқ оммаси учун чинакам демократия намоиши бўлди. Ўзбекистонда танлаб олинган йўлнинг, давлат органлари функцияларининг бир қисмини ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказишнинг, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг тўғрилигини сайловлар яна бир карра исботлади.

Шу нуқтаи назардан, маҳалла, унинг раҳбарлари фаолияти, республиканинг барча аҳолиси Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида шу йил март ойи-

нинг охирида рўй берган террорчилик ҳаракатларидан сўнг ҳушёрликни кескин оширишлари керак. Республиканинг барча маҳаллаларида фуқаролик йиғинлари ўтказилиб, улар иштирокчилари жамиятимизнинг демократия ва барқарорлик йўлидан дадил одамлашини ҳар томонлама қўллаб-қувват-ладилар.

Фуқаролар террористларнинг бизнинг тузумимизни бадном қилиш, одамларимизнинг кайфиятини бузиш, уларда келажакка бўлган ишончни йўқотишга қаратилган ҳаракатларини кескин қораладилар. Бундан кейин бунақа қабих ишларнинг бўлмаслиги учун ҳамма ишни қилиш керак. Бунинг учун маҳалла фаоллари одамларга янада яқинроқ бўлишлари, уларнинг ташвишларини яхши билишлари, Ватанимизга тажовуз қилмоқчи бўлган экстремистларни фош этишлари зарур. Фақат шундагина бутун халқ ҳамжиҳат бўлади, Президентимизнинг 29 мартда Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида таъкидланилганидек, ёвуз кучлар мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди. Халқ иродасини синдира олмайди, танлаган йўлимиздан қайтара олмайди. Бунга шак-шубҳа йўқ, деган комил фикрига амалий иш билан жавоб берган бўламиз.

*«Труд», 2004 йил 14 апрель.*

# ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

## ТАҲДИДЛАР ВА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

*Ўзбекистонда сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилган ислоҳотларнинг устуворлиги ҳақида*

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, Ўзбекистон хавфсизликни сақлаш, барқарорликни таъминлаш, устувор тараққиётга эришишни биринчи галда эътибор бериладиган масалалар, деб билди. Бунга қандай, қайси йўллар билан эришиш мумкин, тараққиётга туртки бўладиган омилларни қаердан излаш керак? Тақдирломон бу стратегик саволларга жавоб топиш жараёнида мамлакат анча тажриба орттирди.

Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида миллий хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг йўлларини, халқаро муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантириш жараёнида иштирок этиш дастурини, барқарор тараққиётни, минтақада низоли вазиятларнинг олдини олишда, дунёда жуғрофий-сиёсий тенгликни сақлашда, глобал хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ечишда ягона, энг мақбул омил бўлмиш ички ва ташқи мувозанатни сақлаб қолиш ҳамда ушлаб туриш тамойилини аниқ белгилаб берди.

Президент 27 октябрь куни Будапештга учиб кетиш олдидан берган интервьюсида Москвада юз берган фожеа террорчилик давлат чегараларига ҳам, миллатига ҳам эга эмаслиги ҳақидаги бизнинг башорат ва тахминларимизни яна бир марта тасдиқлаганини айтди. Бу воқеалар содир бўлганининг эртаси куниёқ,

Тошкентда ҳуқуқ-тартибот тизими ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг кенгаши ўтказилиб, Ўзбекистон ҳудудида юз бериши мумкин бўлган шундай хуружларнинг олдини олиш масалалари муҳокама этилди. «Хавфсизликнинг яхлитлиги», деган тушунча мавжудлигига яна ва яна амин бўлмоқдамиз. Россиянинг хавфсизлиги — бизнинг хавфсизлигимиз, Россиянинг барқарорлиги — бизнинг барқарорлигимиз, Россиянинг осойишталиги — бизнинг осойишталигимиз», деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти, Ички хавфсизликни таъминлаш учун чегарани айланашига мустаҳкамлаш эмас, балки қўшнилар билан ҳамкорликни, ҳамжиҳатликни кучайтирмоқ керак. Менинг гўшам чеккада, менга тегишмайди, деган хомхаёл билан халқаро террорчиликка бармоқ орасидан қараб бўлмайди. Марказий Осиёдаги чегаралар шартли белгилар, холос, мамлакат қанчалик мустаҳкамланган бўлмасин, террорчилар у ерга кириб келаверади. Бошқа давлатларда ҳам шундай. Ер куррасида яшаётган одамлар XXI асрнинг бу вабосидан ҳеч қандай тўсиқ билан ажратиб қўйилмаган. Ўзбекистонда фақат бирлашибгина уни енгиш мумкин, деб ҳисоблашади.

Вужудга келаётган хавфсизликка таҳдид солувчи хатарларга қарши оқилона чора кўраётган, уларнинг манбаи ва бир-бирига алоқадорлигини вақтида аниқлаётган Ўзбекистон раҳбарияти, биринчидан, хавфсизликнинг асосий тамойили бўлган яхлитликни, узлуксизлик, ҳадсиз-ҳудудсизликни аниқ тасаввур этди ва тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Иккинчидан, умумий хавфсизликка асосий таҳдид этник, минтақавий, маҳаллий можаролардан,

давлатлар ичидаги жангари айирмачиликдан, халқ-аро террорчиликдан келиб чиқаётган ҳозирги замон реаллигига таянган ҳолда, мамлакат раҳбари 1993 йилдан буён жаҳон ҳамжамиятини халқаро террорчиликка қарши курашда бирлашишга чақириб келди (жумладан, Бош Ассамблеянинг 48-сессиясида БМТ минбаридан туриб қилган даъвати). Тезкор чоралар кўриш ва Марказий Осиё муаммоларига, айниқса, Афғонистон можаросига ечим топиш заруратига эътибор қаратилди, хавфсизликка бу ердан келиб чиқаётган таҳдиднинг олдини олиш учун амалий чоралар таклиф қилинди. Зеро, муаммоларни ечмаслик, уларни ўз ҳолича ташлаб қўйиш бутун дунёда занжирли реакция келтириб чиқариши мумкин. Исталган минтақада вазиятнинг беқарорлашуви эса янги жуғрофий-сиёсий мувозанат учун бузилиш хавфини келтириб чиқариши тайин.

Минтақавий можаролар, ички ва айниқса, ташқи террорчилик Ўзбекистон ва минтақа учун тахмин тутилаётган эмас, балки бемалол илғаш мумкин бўлган, илгаридан мавжуд ва ҳозир ҳам сақланиб турган муаммодир. Агар минтақавий можаро, террорчиликни, нафақат, томонларнинг белгиланган доирадаги қуролли қарама-қаршилиги сифатида, айти пайтда, бу қарама-қаршилик муайян бир жамият ҳаётига ва умуман, бутун дунёга қандай таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқилса бу фикр янада тушунарли бўлади. Яқинда Афғонистонда юз берган воқеалар, АҚШда 2001 йил 11 сентябрь куни рўй берган фожеа — бунинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон ва унинг атрофида вужудга келган кескин

вазият муносабати билан мамлакатнинг халқаро террорчиликка қарши курашда иштирок этиш масаласига муносабати тўғрисида 2001 йил 5 октябрь куни берган Баёнотида бир ҳақиқатни — ҳеч бир одам, ҳеч бир давлат бутун дунёга таҳдид солаётган бу иллатга қарши курашдан четда қола олмаслигини ҳамма англаб олиши кераклиги қайд этилади. Президент давлат раҳбари бўлган вақтдан буён ўз ҳамюртларини огоҳликка даъват этишни, террорчилик, ёвуз кучлар мавжудлиги, улар қурол ва куч тўплаб, ҳар дақиқада ўзларининг ғаразли мақсадларига етишиш учун ҳаракатга киришишга шайлигини такрорлашни ўз бурчи, деб ҳисоблашини таъкидлади. Ислом Каримов мана шу мудҳиш куч остонамизда хавф солиб турганини доимо такрорлаб келаяпти.

Ўзбекистон раҳбарининг халқаро террорчилик борасидаги қатъий позицияси жаҳон миқёсида ҳақли равишда унинг нуфузини оширди. Президентнинг урушдан кейин Афғонистонни тиклаш бўйича янги ташаббуси дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлгани, бу ташаббус БМТ Бош Ассамблеяси 56-сессиясининг кун тартибига киритилгани бунга далил. Кўплаб сиёсатчилар Афғонистондаги аксил-террор операциясини Ўзбекистон қўллаб-қувватламаганида муваффақиятли кечмаган бўларди, дея эътироф этишди.

Тинчлик, хавфсизлик, барқарорликни таъминлаш, минтақада ва дунёда янги террорчилик ҳаракатлари содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг яқинда Душанбеда ўтган саммитида АҚШ ҳарбий қисмини Афғонистондан чиқармаслик

ташаббусини илгари сурди. Давлат бошлиғининг қатъий таъкидлашича, ҳам Афғонистоннинг ўзида, ҳам минтақада ва умуман, дунёда мана шу йўл билан тинчлик, хавфсизликни кафолатлаш мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон минтақада биринчи бўлиб қўшниларини коллектив хавфсизлик тизимини барпо этишга чақирди. Ярим ҳалқанинг стратегик марказида жойлашган, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг, Евроосиёдаги катта салоҳиятга эга марказларнинг мос келмайдиган манфаатлари мавжуд минтақанинг бир қисми бўлган Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий жойлашуви туфайли ислом оламидаги қудратли давлатлар манфаатларининг объекти бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон этник, демографик, иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммолар гирдобида турган, террорчилик, диний экстремизм, наркобизнес, этник адоватлар, инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилиши каби таҳдид ва хавф-хатарларнинг ҳали ҳам анчайин мустаҳкам манбалари мавжуд бўлган мамлакатлар қуршовида қолгани ҳисобга олинса, коллектив хавфсизликка даъват ҳал қилувчи аҳамият касб этиши янада ойдинлашади.

Тўртинчидан, ўз мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш учун Ўзбекистон суверен мамлакатнинг ҳуқуқлари борасида халқаро меъёрларга риоя этиш, яъни бошқа мамлакатлар манфаатларига зиён етказмайдиган тарзда у ёки бу халқаро тузилмада, коллектив хавфсизлик шартномасида иштирок этиш йўлидан бормоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистон иқтисодий ва ядровий хавфсизликнинг қатъий ишонган курашчисига айланди, «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона»

гоясининг ташаббускори бўлди. Бу муаммога бағишлаб 1997 йили Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда сўзлаган нутқида Президентимиз унинг алоҳида жиҳатларини белгилаб берди. Ушбу ташаббус хавфсиз ва барқарор тараққиётни, инсоннинг жамиятда муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга қўшилган ҳисса бўлади. Бу экологияни, одамларнинг саломатлигини ўйлаш, улар ҳаёт кечириши учун шароит яратиш ҳам, демакдир.

Диний экстремизм ва мутаассиблик барқарорликка, миллий, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солади. Ўзбекистон — дунёвий давлат. Давлат ва диннинг муносабатлари Конституцияда белгилаб қўйилган.

Буюк давлатчилик шовинизми, тажовузкорона миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция, жинойтчилик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик ҳали ҳам ички ва ташқи хавфсизликка таҳдидларнинг, жамиятдаги беқарорликнинг манбаи бўлиб қолмоқда.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши ва миллий ўзликнинг англаниши, давлатчилик, демократик институтлар, фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши, мудофаа қобилятининг мустаҳкамланиши, бозор муносабатлари қарор топтирилиши, мулкдорлар синфининг шакллантирилиши, кучли ижтимоий сиёсат, аҳоли сиёсий фаоллигининг ошиши, жуғрофий-стратегик салоҳият, табиий-хомашё захиралари, инсон ресурслари ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси, кенг кўламли янгиланишлар ва ҳамкорликнинг кафолатлари, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, тинч-

лик йўлида ҳамкорлик... Буларнинг барчаси барқарорликнинг шартлари ва тараққиётнинг кафолатлари бўлди.

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича белгилаб олинган устувор мақсад ҳамда вазифалар ўзгарувчан дунёдаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга муносиб жавоб бўлди. Худудий хавфсизликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакат Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ этмоқда, армияни ташкил этишнинг мутлақ янги шакли жорий этилмоқда. Ҳарбий қурилишнинг янги модели шартнома асосида профессионал армия тузишни, муқобил хизмат тизимини қайта кўриб чиқишни, муддатли хизматни 18 ойдан 12 ойга қисқартиришни, Қуролли Кучларга чақирув ва ҳарбий хизматни ўташнинг янги концепциясини ишлаб чиқишни, захирада турувчилар институтини ташкил этишни кўзда тутади.

Ўзбекистоннинг мақсади — замонанинг таҳдидларига қарши ўз вақтида аниқ чоралар кўриш, хавфсизлик, худудий яхлитлик, чегараларнинг дахлсизлигини таъминлаш, барқарорлик, фуқаролар тотувлиги, барқарор тараққиётга эришиш йўлидаги ислохотларни амалга ошириш учун қулай шароит яратиш ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин олиш. Давлат мустақиллиги ва суверенитети, халқнинг эркинлиги ва тенглигини мана шулар кафолатлайди. Бу демократик ҳуқуқий давлатдир. Унинг асосида адолатли фуқаролик жамияти шакллантирилмоқда.

«Труд», 2002 йил 29 октябрь.

## ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

### *Террорчилик аср ибтидосининг ҳақиқий вабосига айланди*

Сўнгги ҳафталарда дунёда юз берган воқеалар ҳеч кимни, айниқса, Ўзбекистон халқини бефарқ қолдирмайди. Ўзбекистон ўз Президенти тилидан бундан бир неча йил муқаддам жаҳон ҳамжамиятини террорчиликка қарши курашиш учун жипслашишга чақирди. Ушбу жараён, сал кечиккан бўлса-да, бошланди. Бугун ушбу долзарб мавзуда тошкентлик олимлар сўз юритади.

АҚШдаги фожа бугун дунёни яна бир бор террорчиликнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида ўйлашга мажбур этди. Биз бу мудҳиш балонинг жабрини қуролланган қотил тўдалар ҳужум қилганида аввал Андижонда, кейин Наманганда, Тошкент ва республиканинг тоғли туманларида кўрдик.

Бу фожеалар билан АҚШ шаҳарларидаги портлашлар ўртасидаги фарқ унчалик ҳам катта эмас: иккала ҳолатда ҳам гуноҳсиз одамлар қурбон бўлди. Ўзларининг ҳужум объекти этиб белгилаган мамлакатларда тинч аҳолини саросимага солиш ва ваҳима уйғотишни ният қилган террорчиларнинг «дастхатлари»ни аниқлаш ҳам қийин эмас.

Яширишнинг ҳожати йўқ: кўп ҳолларда улар бу разил ниятига етмоқда. Самолётлар ёрдамида уюштирилган террорчилик ҳаракатлари шунга олиб келдики, нафақат, Америкада, балки бошқа мамлакатларда ҳам одамлар самолётда парвоз қилишдан қўрқиб, манзилга етиб олишнинг бошқа воситаларини афзал кўришмоқда. Ўз навбатида, бу авиатран-

спорт ташиш ҳажмининг камайишига, аэропортлар хизматчиларининг ишсиз қолиши ва бошқа ходимларнинг ишдан бўшатилишига олиб келади. Таркибан бир-бири билан боғлиқ, ўзаро чатишиб, қоришиб кетган замонавий иқтисодиётда буларнинг ҳаммаси турдош тармоқлар фаолиятига таъсир қилади, зарар келтиради, ишчилар сонини қисқартиради, буюртмаларни камайтиради. Натижада жамиятда беқарорлик юзага келади, кейин эса, террорчилар ўйлаганидек, тартибсизлик авж олади.

Цивилизация ривожини ёвуз кучлар сценарийси бўйича давом этмаслиги учун биз хавфсизликнинг яхлитлиги, узвийлиги тамойилига таянган ҳолда, террорчиликка қарши курашда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз, ўзаро ахборот алмашиш ва инсониятга реал таҳдид солаётган бу офатнинг ўчоқларини йўқотишда кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак.

Айрим гарблик ҳамкасблар, сиёсатчилар билан ушбу мавзуда суҳбатлашар эканмиз, баъзан муҳокама қилинаётган масаланинг муҳимлигини англамаслик ҳолатига дуч келамиз. Ҳеч кимни айбламаган ҳолда, вазиятнинг нечоғли фожеий эканлигини фақат жабр кўргангина тушуниб етиши ва тўғри баҳолай олиши мумкин, деган фикрга қўшилаемиз. Лекин бундай тажрибадан Худо сақласин. Бир эътирофни таъкидлаш ўринли бўлади: тан олиш керакки, «кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнгин ҳиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар». Бу сўзлар БМТ Бош Ассамблеясининг минбаридан туриб ай-

тилган. Ўзбекистон раҳбари жаҳон ҳамжамиятини можаролар кучайишининг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бефарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликларвар нуқтаи назарига ўтиш кераклигига даъват этди. Надоматлар бўлғайким, яқиндагина бу офатнинг жабрини ўз бошидан ўтказган мамлакатнинг даъватига ўшанда кулоқ солинмади. Истак хоҳиши тарзида гапириш оғир, лекин ҳаммаси бошқача бўлган бўлармиди...

Террорчилик, экстремизм, уларни қўллаб-қувватлаб турган наркобизнес – бу, нафақат Ўзбекистоннинг, Марказий Осиё минтақасининг, балки бутун дунёнинг хавфсизлигига таҳдидир. 1997 йилдаёқ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида Ислом Каримов минтақавий можароларга тўхталиб, террорчиликнинг тарқалиши, нафақат, бизнинг миллий хавфсизлигимизга ташқи таҳдидни келтириб чиқариши, айти пайтда, Марказий Осиёда ва дунё миқёсида барқарорликни мустаҳкамлашга ҳам халал беришини таъкидлаган эди. Террорчиликнинг вайронкор кучи ҳам ана шунда. Унинг оқибатида дунё миқёсида фалокат юзага келиши мумкин. Чунки террорчиликнинг чегараси ва миллати бўлмайди. «Минтақавий хавфсизликдан глобал хавфсизлик сари» тамойили жаҳон ҳамжамиятининг террорчиликка қарши курашда бирлашишига хизмат қилиши керак ва шу боис ҳам уни ҳаётга имкон қадар тез татбиқ этиш талаб қилинади. Террорчиларнинг ёвуз хуружларини бошидан ўтказган Ўзбекистон ЕХХТнинг Истамбул саммитида халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурганига ажабланмаса ҳам бўла-

ди. Бу жараён бошланишининг аломати сифатида халқаро террорчилик таҳдидини кучсизлантириш, унинг ўчоқларини бартараф этиш бўйича кўплаб мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилишини талқин этиш мумкин.

Ўзбекистон бу жараёнга фаол қўшилди. АҚШ ҳукумати билан тузилган қўшма баёнот бу йўналишда икки томонлама ҳамкорлик учун мустаҳкам асос барпо этилганидан дарак беради. Саъй-ҳаракатлар афғон халқига эмас, террорчилик ва унинг инфратузилмасига қарши кураш учун бирлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси фақат инсонпарварлик мақсадларида ўз ҳаво кенгликларидан, зарур ҳарбий ва фуқаролик инфратузилмаларидан, аэродромларидан фойдаланишга розилик билдирди.

Халқаро коалиция қайсидир давлат ё динга қарши қаратилмаган, унинг мақсади террорни ва унинг қўллаб-қувватлаб турган марказларни йўқ қилишдан иборат. Афғонистонда юзага келаётган ҳарбий-сиёсий вазият ҳамманинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Халқаро террорчилик ташкилотлари, улар ортида турган кучли экстремистик марказлар бу мамлакат ҳудудида босқинчи-террорчи гуруҳлар тайёрлаш учун база ва лагерлар, диний экстремизм, мутаассиблик фояларини тарқатиш учун плацдарм яратди. Шу жиҳатдан улар фаолиятининг 1999 йили Тошкентда портлашларни содир этган, ўтган йили Ўзбекистоннинг тинч аҳолиси вакиллариغا ҳужум қилган террорчиларга алоқаси борлиги равшан. Қидирувда юрган Намангоний лақабли жиноятчи Жумабой Ҳожиёв Марказий Осиёдан чиққан жангариларнинг ёлланма гуруҳига қўмондон сифатида «Толибон» ҳаракати сафига мустаҳкам ўрнашиб, ёпишиб олгани тасо-

дифий ҳол эмас. Ваҳоланки, яқин-яқингача ҳам айрим давлатлар ўзини «халқ озодлиги курашчилари», деб атовчи бу кимсалар билан сиёсий ўйинлар ўйнашга ҳаракат қилиб келди.

Дарвоқе, яқинда ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон халқи Олий Мажлис (парламент) томонидан қабул қилинган «Экстремизм ва терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунни бир овоздан қўллаб-қувватлаган. «Ижтимоий фикр» маркази ўтказган сўровда қатнашганларнинг 97,4 фоизи бу масалада қатъиятли бўлишни ёқлашган. Одамлар тинч яшаб, фарзандларини тарбия қилишни исташади.

Террорчилик такомиллашмоқда, янада хавфли тус олмоқда. Навбатдаги ҳар бир босқич аввалгисидан шафқатсизлиги, аёвсизлиги билан фарқланяпти. Жаҳон ҳамжамияти халқаро террорчиликнинг янги, янада ваҳшиёна усулларига, жумладан, кибертеррорчиликка, оммавий қирғинга олиб келадиган биологик ва кимёвий қуроолларни ишга солиш, ядровий технологиялардан фойдаланиш имкониятлари хавфига кескин зарба беришга шай туриши керак. Яна ўша Американинг ўзида сўнгги кунларда «Сибир яраси» пайдо бўлгани бу хавотир асосиз эмаслигини кўрсатади. Террорчиликнинг XXI аср бошидаги даҳшатли қиёфаси тадрижан теранлашиб бораётган бу офатга қарши курашнинг усулларини такомиллаштиришни, унга қарши курашнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича дунёдаги илғор давлат ҳамда халқларнинг кучгайратини бирлаштиришни тақозо этади.

*«Труд», 2001 йил 20 октябрь.*

## ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

Ўзбекистонда шу йил 29—30 март ва 1 апрелда фожиали воқеалар рўй берди. Террорчи кучлар томонидан пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида уюштирилган портлашлар ватанзимизнинг бир неча бегуноҳ фуқаролари ҳаётига зомин бўлди. Қурбонлар сони бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Аммо мамлакатимизда тинчлик ва хотиржамликни сақлаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ўз ҳаётларини қурбон қилишлари (ички ишлар органлари ходимларидан 9 киши, тинч аҳолидан 5 киши ҳаётдан кўз юмди) ва ҳукуматнинг қатъий чора-тадбирлари туфайли бунинг олди олинди.

Ғожиали воқеаларнинг биринчи куниёқ, Президент Ислом Каримов бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди. Комиссия жиндий кучлар фаолиятини жиловлаш ва янги ғожиаларнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўрди.

Президент Ислом Каримов ғожиали воқеалар муносабати билан телеэкран орқали бутун халққа муурожаат қилар экан, халқимизни янада ҳушёр бўлишга, янада жипслашишга, янги террористик хуружларга қарши қатъият ва фидокорлик кўрсатишга чақирди.

Олий Мажлис сессиясида Ислом Каримов маъруза қилди. Президент нутқида бу хунрезликларнинг сабаб-оқибатлари таҳлил этилди, ҳозирги замон терроризмига аниқ баҳо берилди, бу бало-қазоларнинг олдини олиш борасидаги вазифалар белгиланди. Парламент — Олий Мажлис Ўзбекистон фуқароларига Муурожаатнома қабул қилди.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан эътиборан, Ўзбекистон терроризм, диний экстремизмнинг ҳар қанақа кўринишларини кескин қоралаб, дунё ҳам-жамиятини бу офатга қарши биргаликда кураш олиб боришга, халқаро терроризм ва экстремизмнинг ошиб бораётган хавф-хатарлари олдини олишга чорлаб келмоқда. 1993 йилдаёқ Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида халқаро жамоатчиликни терроризм ва экстремизм бутун дунёга катта хавф солаётганидан огоҳлантирган эди. 1999 йили Ўзбекистон раҳбари ЕХХТнинг Истамбул саммитида БМТ доирасида халқаро терроризмга қарши кураш Марказини тузишни қатъий қилиб қўйди. Бу халқаро Марказ терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш борасида қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича барча кучлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориши зарур. 2000 йили БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик саммитида Ислом Каримов шундай дейди: «Ишончим комилки, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унга қарши туришимиз мумкин».

Ўзбекистон етакчисининг қатъий даъватлари фақатгина 2001 йил 11 сентябрда АҚШга қилинган катта террористик ҳужумдан кейингина тан олинди.

Юртбошимизнинг халқаро терроризмга қарши собит кураши «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофоти билан тақдирланди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Россия Федерациясидан кейин иккинчи ўринда «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон терроризмга қарши курашда умумжаҳон тан олган халқаро Марказ бўлиб қолади. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШОС)нинг терроризмга қарши кураш бўйича минтақавий Марказининг Бишкекдан Тошкентга кўчирилиши ҳам бунга муҳим бир далилдир.

Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг XII сессиясида қилган маърузасида илгари сурилган барча ғоялар унинг бу муҳим муаммоларни тушуниши ва курашишининг мантиқий давоми бўлди. Президент ўз маърузасида иккита кескин масалани қўйди: ғайриинсоний фожиалар кимга ва нимага қарши қаратилган? Уларнинг пировард мақсадлари нималардан иборат? Ушбу саволларга жавоб бераркан, Президент қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: бу портлашларни кўркўрона бажарган, онги паст, калтабин, мияси захарланган ижрочилар бор. Шунингдек, буларни уюштириб, ўз халқига қарши жиноятга йўллаган ташкилот ва раҳнамолари ҳам борки, уларни бир-биридан ажратиш, ҳар қайсисига алоҳида баҳо бериш зарур.

Ўзбекистонда ҳар йили 9 майда нишонланадиган Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан берган интервьюсида Президентнинг таъкидлашича, қора кучларнинг таъсирига алданиб тушиб қолганлар ўз қилмишларига астойдил пушаймон бўлсалар ва улар-

ни ота-оналар, жамоатчилик ўз тарбиясига олишга ваъда беришса, уларни кечириш мумкин. Халқимиз раҳмдил, шафқатли халқ. Ислон Каримов фикрларини хулосалаб, шундай деди: «Фақат шу йўл билан содир этилган воқеаларнинг моҳиятига етиш, бир неча йиллардан буён Ўзбекистонга, унинг тинч, мустақил тараққий этиб боришига қарши террористик-қўпоровчилик фаолияти билан шуғулланиб келаётган қабих кучлар ва марказларнинг ҳақиқий мақсадини билиб олиш мумкин».

Террорчиларнинг мақсади — Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, тобора кучга кираётган ёш мустақил давлатимизни кучсизлантириш, одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, жамиятда бош-бошдоқлик келтириб чиқариш, оддий, ақли-идроки чекланган, ҳаётий тажрибаси кам одамларнинг онгига таъсир қилиб, ўзига ағдариб олишдан иборат.

Ўз мақсадларини амалга ошириш учун улар ҳамма нарсага тайёр. Нохушликлар шу даражага бориб етдики, гумроҳ жиноятчилар таъсирига берилган аёллар, айрим ёшлар ўйлаб-нетиб ўтирмасдан ўзларини ўзлари портлатиб юбордилар. Бу ақл бовар қилмас қабихлик. Ўзбек аёллари ҳали ҳеч қачон бўлмагур ғоялар таъсирига берилиб, ўз жонига қасд қилмаган эди. Надоматлар бўлмайким, бу сафар шундай кўргулик юз берди.

Жиноятчиларнинг ҳақиқий сир-асрорлари энди бизга маълум. Ўзбекистондан ташқарида мавжуд куч ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ҳамда режаларга эга бўлиб, улар оддий одамларнинг ислон-

га бўлган табиий қизиқишларидан, диний қадриятларга бўлган ихлосларидан ўз жирканч мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ўз таъсирларига берилган айрим аёллар ва ёшлар онгини заҳарлаб, ҳеч қандай соғлом ақлга сифмайдиган бузғунчи ақида ҳамда ғояларни ташвиқот қиладилар. Жумладан, Президент маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, «Ҳизбут-таҳрир» оқимининг дастурий мақсадларидан бири Марказий Осиё минтақасида ўрта асрларда мавжуд бўлган халифалик қуриш даъватларидан иборат. Фанатикларнинг даъвосича, барча мусулмон дунёси ягона ислом давлатига бирлашиши зарур эмиш. Бу зарарли ғоянинг бош фалсафаси неча асрлар олдин истеъмолдан чиқиб кетган ўрта аср ақидалари ва нормаларидан иборат. Бу ғоя — қуруқ сафсата!

Президент барчани огоҳ ва сезгир бўлишга даъват этаркан, диний оқимларнинг моҳиятини очиб беради. «Ҳизбут-таҳрир» каби диний оқимлар аҳолининг ичида, маҳалла ва қишлоқларда ташвиқот ишини бошлаб, ўз сафига, аввало, аёллар ва ёшларни тортаётган пайтда найранг ишлатиб, ўзини беозор, фақат адолат ўрнатиш тарафдори, деб кўрсатишга уринади. Лекин улар кучга кирганда ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади. Шуниси диққатга сазоворки, «Ислом учун ҳақиқий курашчилар»нинг бирорта муқаддас қадрияти йўқ. Улар ўз жирканч мақсадларини амалга ошириш учун ота-оналаридан ҳам воз кечишга тайёр, уларнинг ғояларини қабул қилмасдан, йўлидан юрмаганларга қарши жиҳод эълон қиладилар, уларга «кофирлар», «диндан қайтганлар» тамғасини босишади. Ислом, Курони Карим қон тўкишларни, терроризм, зўравонликни қатъиян қоралайди. Ислом дини ўз моҳиятига кўра, энг адолатпарвар

дин, у энг инсоний фалсафа, ижтимоий цивилизация, тараққиёт тарафдори.

Республикада содир этилган террористик актларни келтириб чиқарган сабаблар ва воқеаларни таҳлил қилсак, шундай қонуний савол туғилади: диний фундаменталистларнинг «доҳийлари» кимларга таянганлар, қурол сифатида улар кимлардан фойдаланганлар? Энг аввало, булар омади юришмаган, ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам норози, фақат ўзини ўйлайдиган, тўғри йўлдан озганлардир. Буларнинг ичида яна бир туркум ёшлар, ўсмирлар ҳам борки, улар оилада ҳам, мактабда ҳам етарли тарбия топмаган, чин мусулмонча, ўзбекона анъаналар қарор топмаган оилаларда ўсган, боз устига, оилада носоғлом муҳит, маънавий қашшоқлик таъсирида шаклланган, улар ҳаётда ўз ўрнини тополмай, жамият эътиборидан четда қолган. Жаҳолатга ботган бу ёшларнинг кўплари, ҳатто, ўрта мактабни ҳам битиришмаган.

Бу фожиали воқеаларни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил қилар эканмиз, яна бир ҳодисани алоҳида қайд этиб ўтишга тўғри келади. Жамиятимизда, одамлар орасида мавжуд бепарволик, лоқайдлик, эгоизм, бепарқлик каби қусурлар уларнинг ўзини, ўз уйини, ўз жамияти ва давлатини ҳимоя қилишга халақит бераяпти. Одамлар ўртасида ҳамон ҳушёрлик, ҳамжиҳатлик етишмаяпти. Душманлар алдов ва фирибгарлик йўли билан бу қусурлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда.

Жамият тегишли қатъий хулосаларни чиқариб, тезкор чора-тадбирларни кўриши керак. Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўз халқи ва мамлакатига қарши ёвуз ниятлар билан юрганларга нисбатан

қачонгача бепарво бўламиз? Икки карра икки тўртдек, бир ҳақиқатни англаб етиш керак: шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, маҳалла ҳам, эл-юрт ҳам эгасиз бўлмаслиги лозим. Демак, шундай экан, биринчи навбатда, давлат хизматчилари халқнинг манфаати учун курашиш, тинчликни сақлаш, мамлакатда барқарорлик ва хотиржамликни таъминлашда олдинги қаторда бўлишлари зарур ва шарт. Бошқа томондан, жойларда олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишларнинг шакл ҳамда усулларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш зарур. Бирорта одам, бирорта оила, бирорта таълим-тарбия муассасаси, маҳалла, меҳнат ва ижодий жамоалар ҳам жамият эътиборидан четда қолмаслиги керак. Бунда муқобил бирор ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас.

Президент ўз маърузасида оддий, аммо бош ҳақиқатни барчамизга эслатиб ўтди: «Сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон, ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат, сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ».

Халқнинг турмуш фаровонлигини ошириб бориш — Ўзбекистоннинг стратегик мақсадидир. Ушбу ҳақиқатни таъкидлаб ўтаётганимизнинг сабаби шундаки, айрим «аналитиклар» ва экспертларнинг фикрлари моҳиятида барча фожиаларга одамларнинг иқтисодий ночорлиги сабаб бўлмоқда, деган даъволари мутлақо асоссиз эканлигини кўрсатишдир. Бу ёлғон, тухмат гап. 1996 йилдан эътиборан Ўзбекис-

тонда иқтисодий юксалиш давом этиб келяпти. Ички ялпи маҳсулотнинг ўсиши давом этапти. Иқтисодда туб ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ошиб бормоқда. Ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг шахсий даромадлари кўпаймоқда. Масалан, 2004 йил I-чорагида ички ялпи маҳсулот ўсиши 2003 йил I-чорагига нисбатан 4,8 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш узлуксиз ошиб бориши таъминланган. Жорий йилнинг чорак натижаси мустақилликнинг барча йилларидаги шу чораклар натижасига қараганда анча юқори. Хусусан, 2003 йил I чораги даражасидан 2,2 фоиз юқори бўлди. Турмуш даражасини кўтариш учун барча ишлар қилинмоқда. Энг аввало, ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий сиёсат ҳаётга изчил тадбиқ этиб борилмоқда.

Яқинда Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Терроризмга қарши кураш минтақавий Марказининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур Марказ фаолиятининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Бу масалалар бўйича Кенгаш аъзоларининг 2004–2006 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури тасдиқланди. Кенгаш аъзоларининг 16–17 июнда Тошкентда ўтадиган саммитида ҳам терроризмга қарши кураш асосий мавзу бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Ҳаёт талаби ўлароқ, юзага келган «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик», деган шиор остида Ўзбекистонда бутун жамият терроризм ва диний экстремизм хавфига қарши курашиш учун бирлашди, муқаддас Ўзбек элида бунақа ёвузликларнинг бошқа такрорланмаслиги учун қатъий кураш бошланди.

*«Труд», 2004 йил 14 май.*

## УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

*Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)га  
аъзо давлат раҳбарларининг саммити ўз ишيني  
бошлайди*

Саммитда ташкилот ривожланишининг асосий жи-  
хатларини ифодаловчи декларация қабул қилиш ку-  
тилмоқда. Жаҳондаги ҳозирги аҳволга, минтақада-  
ги вазиятга баҳо берилади. Иқтисодиёт ва савдо-со-  
тиқ масалалари, наркотрафикка қарши кураш бўйича  
қарорлар қабул қилинади.

2001 йил 15 июнда Қозоғистон Республикаси,  
Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республи-  
каси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республи-  
каси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарла-  
ри Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) тузилган-  
нини эълон қилган эдилар. Халқаро тартиботларнинг  
янги сифат тизими шаклланаётган шароитда ШХТ  
халқаро ташкилотлар қаторида ўзининг муносиб  
ўрнига эга бўлди, минтақавий ва жаҳон ривожининг  
ўта долзарб масалаларини ҳал қилишнинг ҳаракат-  
даги механизмига айланди.

**Маълумотнома:** ШХТ – минтақавий халқаро таш-  
килот бўлиб, 6 давлатдан ташкил топган. Унинг уму-  
мий ҳудуди Евроосиё ҳудудининг 61% ни ташкил  
этади, демографик потенциали – ер юзи аҳолиси-  
нинг тўртдан бирига тенг. Расмий иш юритиш – рус  
ва хитой тилларида олиб борилади. Штаб-квартира-  
си Пекинда жойлашган.

ШХТ – соф чегара масалалари билан шуғулла-

нувчи «Шанхай бешлиги»дан то 2001 йилда тузилган хавфсизлик ва барқарорлик, иқтисодий ҳамда бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик муаммоларини диққат марказига қўйган ташкилотгача бўлган тадрижий ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Эндиликда унинг ташкилий шаклланиши амалий поёнига етди, ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликни янги сифат босқичига кўтаришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Унинг доимий ишловчи органлари — Котибият ва Минтақавий аксилтеррор марказининг Ижроия Қўмитаси фаолият кўрсатмоқда. Иқтисод ва савдо соҳасида кўптомонлама ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли дастури маъқулланди, 2004 йилдаги бюджети қабул қилинди (3,5 млн АҚШ доллари). Нуфузли қатор халқаро ташкилотлар ва манфаатдор мамлакатлар билан самарали алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон, Ислом Каримовнинг эътирофича, «Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни, кўптомонлама ҳамкорликни, очиқ конструктив шерикчиликни мустаҳкамлашга қаратилган, энг аввало, глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, тажовузкор сепаратизм ва нарқобизнесга қарши тура олишни таъминловчи механизм», деб қарайди. Шанхай ташкилоти доирасида ҳамкорлик қилишга мутлақо онгли равишда киришган ва шу ташкилотнинг асосчиларидан бири бўлган Ўзбекистон (бадаллар умумий ҳажмининг 15% республика ҳиссасига тўғри келади), нафақат, манфаатлар ва минтақадаги хавфсизликни баҳолашдаги муштаракликдан, айти пайтда, ташкилотга аъзо барча давлатларнинг хавф-хатарга қарши биргаликда қатъий кураш олиб бориш-

га тайёр эканликларидан келиб чиқди. Шунингдек, ҳозирги замон жаҳон ва минтақавий тараққиёт тенденцияларини ҳисобга олиш, ўз миллий манфаатлари ҳамда «Шанхай жараёни»нинг жуғрофий-сиёсий нуқтаи назардан дунёнинг энг муҳим минтақаларидан бири бўлган Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги потенциал имкониятлари ҳам асос бўлди. Ўзбекистон таҳдид ва давлатларнинг муштараклигини, минтақа тақдири учун ўзининг масъуллигини тўлиқ ҳис этади.

**ШХТ** бугунги кунда ташкилотга аъзо ҳар бир давлатнинг манфаатларини ҳисобга олувчи халқаро сиёсатнинг конструктив органига айланди. Бу тузилма ўзаро ишонч, қуролли кучларни қисқартиришга асосланган янги концепция учун, ҳар хил иттифоқлар эмас, балки ўзаро ҳамкорлик ўзаги бўлган янги типдаги давлатлараро муносабатлар учун фаол кураш олиб бораёпти. Булар ҳаммаси ШХТни жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиншига асос бўлди. «Кейинги бир неча йил ичида, — деб таъкидлайди БМТнинг Бош котиби Кофи Аннан, — ШХТ ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди ва хавфсизлик борасида борган сайин муҳим ташкилотга айланиб бормоқда. Унинг олтига аъзоси ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик қилишда катта тажриба тўплади, бир-бирини тушунишга интилиб, умумий келажак учун онгли жамоавий масъуликни мустаҳкамлашди. Бош котиб ўз мактубида «ҳозирги замон муаммоларини ҳал қилиш ва умуминсоний қадриятларни ривожлантириш мақсадида БМТ Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишни истайди», деб айтди.

**Маълумотнома:** ШХТ қуйидаги ташкилий-институционал органларга эга:

Давлат бошлиқлари Кенгаши (Олий орган) устувор вазифаларни белгилайди, ШХТ фаолияти асосларини ишлаб чиқади, ички қурилишнинг принципиал масалаларини, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни, ҳамда энг долзарб халқаро муаммоларни ҳал этади. Кенгаш йилда бир марта чақирилади. Навбатдаги мажлисни ташкил этувчи давлат Кенгашга раислик қилади.

**Хукумат бошлиқлари Кенгаши (Бош вазирлар)** Ташкилот бюджетини қабул қилади. Ташкилот доирасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиш соҳаларини, айниқса, иқтисодга дахлдор асосий масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади. Кенгаш йилида бир марта ўз йиғилишини ўтказилади.

**Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши** кундалик фаолиятга дахлдор, жумладан, Давлат бошлиқлари Кенгаши мажлисини тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни қараб чиқади ва ҳал қилади. Ташкилот қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, халқаро муаммолар бўйича маслаҳатлар тайёрлаш билан шуғулланади. Одатда, ўз мажлисига Давлат бошлиқлари Кенгаши ўтказилишидан бир ой олдин тўпланади. Кенгашга давлат бошлиқлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтказилаётган давлатнинг ташқи ишлар вазири раислик қилади. Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши раиси ташқи алоқаларни амалга оширишда Ташкилот номидан иш кўради.

**Вазирликлар ёки муассасалар раҳбарларининг йиғилиши** ШХТ доирасида тегишли соҳалар бўйича ўзаро алоқаларнинг ривожланиши билан боғлиқ конкрет масалаларни кўриб чиқиш учун ўтказилади. Ҳозирги кунга келиб, Бош прокурорлар, муҳофаа, иқтисод

ва савдо, коммуникация, маданият вазирларининг, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, фалокатга учраганларга тезкор ёрдам кўрсатиш бошқармалари бошлиқлари йиғилишларини ўтказиш механизмлари шаклланди.

**Миллий координаторлар Кенгаши** кундалик фаолиятни мувофиқлаштириб, бошқариб боради. Кенгаш бир йилда камида уч марта ўтказилади. Давлат бошлиқлари Кенгаши ўтказилиши лозим бўлган давлатнинг миллий координатори унга раислик қилади. Миллий координаторлар Кенгаши раиси ташқи ишлар вазирлари Кенгаши раисининг топшириғига асосан ташқи алоқаларни амалга ошириш орқали Ташкилотда иштирок этади.

**Котибият ШХТ**нинг доимий ҳаракат қилувчи маъмурий органи ҳисобланди. Котибият Пекинда жойлашган. 2004 йил январидан бошлаб фаолият кўрсата бошлади. ШХТ доирасида ўтказиладиган тadbирларни ташкилий-техникавий томондан таъминлайди, Ташкилотнинг бутун фаолиятига тегишли барча ҳужжатларни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этади, йиллик бюджетлар бўйича таклифларни тайёрлайди. Котибиятни давлат бошлиқлари Кенгаши томонидан тасдиқланган ижрочи котиб бошқаради. Ижрочи котиб аъзо мамлакатлар фуқароларидан аъзо давлатларнинг рус алфавити асосида ёзилган номларидан келиб чиқиб, уч йил муддатга (бу муддатни узайтириш ман этилади) тайин этилади.

Котибиятнинг бош вазифаси — амалий, хусусан, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик билан шуғулланишдир. Электрон савдо, божхона тартибларини содда-

лаштириш, товар сифатини текшириш, транспорт соҳасидаги ишлар бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

**ШХТ тараққиёт жамғармасини** яратиш схемаси жадал ишлаб чиқилмоқда. Бу ташкилотнинг ўзига хос банки ҳисобланади. Ушбу тузилманинг мавжудлиги ШХТнинг энг муҳим лойиҳаларини молиялаштириш учун катта аҳамият касб этади. Жамғарма ҳукуматлар манфаатларини ва бозор қонунларини мувофиқлаштириш принципига асосан барча мамлакатлар учун фойдали фаолият олиб боради. Бунда сиёсий характердаги аралашувларга мутлақо йўл қўйилмайди.

**Минтақавий Аксилтеррор тузилма.** Унинг бош мақсади терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашни мувофиқлаштиришдан иборат. **Тузилма Кенгаш ва ижроия комитетдан** иборат. Ташкилотга аъзо давлатларнинг компетентли бошқармалари раҳбарлари Кенгаш аъзолари ҳисобланадилар. Кенгаш — раҳбар органдир. Ижроия қўмита раисини Давлат бошлиқлари Кенгаши тасдиқлайди. Унинг штаби Тошкентда жойлашган.

Келажакда ШХТ фаолиятида иқтисодий вектор тобора ўсиб боради, чунки моддий ҳаётни тубдан яхшилаш ва фаровон келажак барпо этиш — минтақа халқлари кутаётган пировард мақсаддир. Шу сабабдан 2003 йил 23 сентябрда Пекинда қабул қилинган савдо-иқтисодий соҳадаги кўптомонлама ҳамкорлик Дастурини амалга оширишни тезлатиш кўзда тутилган.

ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ барча мамлакатларда ривожланишнинг барқарор давом этаётгани, шунингдек, бу мамлакатлар иқтисо-

диётида бири-бирини тўлдириш имкониятлари мавжудлиги билан рағбатлантирилмоқда. Иқтисодиётнинг деярли ҳамма соҳаси — табиий бойликларни қазиб олишни жадаллаштиришдан то юқори технологияларгача — кўп тармоқли ва ўзаро манфаатдор интеграциялашувнинг катта имкониятларига эга. ШХТ доирасида капитал маблағлар, транспорт ва коммуникация алоқалари соҳасидаги ижобий силжишларни таъкидлаб ўтиш керак.

Шак-шубҳа йўқки, ШХТ давлат бошлиқларининг Тошкент саммити Ташкилот фаолиятида янги жиддий босқич бўлиб, хавфсизлик, барқарорлик, минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида янги имкониятлар очиб беради.

*«Труд», 2004 йил 15 июнь*

## ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САРИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Россия Федерация Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этган, шунингдек, Афғонистон Муваққат Маъмурияти бошлиғи Ҳамид Карзай ва Мўғилистон ҳайъати меҳмон сифатида қатнашган Тошкент саммити ташкилотнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ҳамда институтларни аниқ маъно-мазмун билан тўлдиришдаги яқиний босқич сифатида тарихда қолди.

Янги босқич, авваламбор, ташкилотга аъзо давлатлар доирасида кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқдир. ШХТ Хартиясида белгиланган барча йўналишларда изчил, кенг кўламли олға интиладиган ҳаракатларнинг навбати келди. Унда ўзаро ҳаракатлар узоқ вақтга мўлжалланган мақсадлар ҳамда яқин келажакдаги устувор йўналишлар билан уйғунлашган. Ўзаро ҳаракатларнинг мақсади олти давлатнинг ўзига хослиги ва суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда уларнинг биргаликдаги манфаатларни аниқлашдан иборатдир.

Саммитда минтақанинг келажagini белгиловчи муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинди. Биргаликда халқаро терроризм, экстремизм ва нарко-

трафикка қарши кураш, ташкилотга аъзо давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам амалий натижаларга эришилди. Давлатлар раҳбарлари ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органлари — Пекиндаги Котибият ва Тошкентдаги Минтақавий Аксилтеррор Тузилмаси ижроия кўмитаси ўз вақтида фаолият юрита бошлаганидан қониқиш ҳосил қилишганини билдирдилар. Шунингдек, улар Хитой ва Ўзбекистон томонлари мазкур органларнинг тўлақонли ишлаши учун шароит яратишда куч-ғайрат кўрсатганликларини қайд этишди. Айнан, шунинг учун, саммит дунё ҳамжамияти диққатини ўзига тортди.

Учрашувни юқори савияда ўтишини таъминлашда, кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда саммитга раислик қилган Ўзбекистон раҳбарининг хизматлари каттадир. Форум ишининг мазмун ва моҳиятини аниқлашда, унинг самарадорлигини оширишда ШХТ доирасида халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича қилинган нутқларда илгари сурилган ғоя ва таклифлар муҳим рол ўйнагани, шубҳасиз.

Тошкент саммити — давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничиликни мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўйган ШХТнинг ривожланишида муҳим босқич бўлди. ШХТ нуфузли халқаро ташкилот сифатида Марказий Осиё минтақасида яшовчи халқларнинг хавфсизлигини, барқарор турмуш тарзини таъминлашни ўз зиммасига олди. Маълумки, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатар ошиб бораётган бир шароитда

бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий-иқтисодий ресурслари билан халқаро ҳамжамият диққат марказида турибди.

Минтақа мамлакатларидаги вазиятга хавф соладиган халқаро террористик, экстремистик ва айирмачи кучларнинг фаоллашаётгани ҳам қаттиқ ташвиш уйғотмай қолмайди.

Ўзбекистон раҳбари саммитдаги нутқида қайд этганидек, Марказий Осиё ҳар бири ўзиги хос тарихий, этник-маданий илдиэларига, диний ва ижтимоий турмуш тарзига, ўз менталитетига эга бўлган мамлакатлар ва халқлар яшайдиган минтақа эканлигини ёдда тутишимиз зарур. Бу вазмин, жуда эътибор, ҳурмат-эҳтиром билан ёндашишни талаб қилади.

Марказий Осиёда юз бераётган кўплаб воқеаларни тушунишнинг калити ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув замирида мужассам, десак, муболаға бўлмайди.

ШХТнинг асосий йўналишлари – хавфсизлик ва иқтисодиёт бўлиши зарур. Ана шу икки устунга таянган ҳолдагина ШХТ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг халқаро нуфузини, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги вазиятга мос тарзда ҳаракат қилишни таъминлаш мумкин.

ШХТнинг иқтисодий тузилмаларини кучайтириш зарурати Марказий Осиё умумий бозорини шакллантиришни тақозо этиши, табиий. Унинг амалга оширилиши минтақа мамлакатлари ва халқларининг туб стратегик манфаатларига мос келади. Умумий бозорни яратиш амалда бўлган тор миллий доирадаги бозорлар ўрнига минтақада товарлар ва хизматлар-

нинг, меҳнат ва сармояларнинг йирик ва жуда кенг қўламли бозорини шакллантириш имконини беради. Унда ягона ёндашув, ягона қонуний меъёр ва қоидаларга амал қилинади. Шундай бўлса, хориж инвестициялари ва илғор технологияларини жалб қилишга кенг имкониятлар яратилади. Бу эса охиروقибат иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва одамларнинг турмуш фаровонлигининг ошишини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон йирик транспорт – коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича саммитда айтилган таклиф ва ғояларни қўллаб-қувватлайди. У ўз навбатида ШХТга аъзо давлатларнинг ЕИ, Жанубий ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини кучайтирувчи муҳим омил бўлиши мумкин.

ШХТ доирасида интеграциялашув жараёнларини қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар қаторида, давлатлар раҳбарлари ШХТ Тараққиёт фонди ва ШХТ Ишбилармонлар Кенгашини ташкил қилишга киришиш вақти келганини ҳам таъкидлашди.

Умуман, Москва саммитидан кейинги даврда турли соҳалардаги ҳамкорликнинг кенгайишини ижобий баҳолаб, ҳукумат раҳбарлари ўзаро ҳаракатларнинг аниқ ва самарали бўлишига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, ишларнинг самарадорлигини ошириш учун ўзаро ҳаракатларнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, эришилган шартномаларнинг ўз вақтида бажариш муҳим аҳамият касб этади.

Буларнинг барча ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари имзолаган Тошкент декларациясида ўз аксини топган.

Тошкент декларацияси қоидалари ШХТ Хартиясининг терроризм, экстремизм, айирмачилик, наркотрафикка қарши кураш соҳасини тўлдиради ва ифодалайди.

Декларацияда Осиё-Тинч океани минтақасида коллектив хавфсизлик тизимини яратиш вазифаси қўйилган. Зеро, терроризм ва экстремизмнинг янги шиддатли фаоллашуви катта ташвиш уйғотмоқда. Терроризм вазиятга тез мослашмоқда, замонавий техника воситаларини қўлламоқда, ечимини топмаган ҳар қандай низолардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга тайёр. Айнан, шунинг учун ҳам ШХТга аъзо давлатлар терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашнинг самарасини ошириш мақсадида хавфсизлик соҳасида ҳамда умумий манфаатлар ҳимояси йўлида ҳамкорликни мустаҳкамламоқдалар.

Давлатлар раҳбарлари бу таҳдидларга қарши курашда мувофиқлаштириш ишини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқни ҳимоя этиш идоралари ва махсус хизматлар иштирокидаги аксилтеррор машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидладилар.

Замонанинг мураккаб хуружларига халқаро ҳуқуқ ва тамойилларига риоя қилган ҳолда, давлатларни турли тоифаларга ажратмасдан кўп томонлама кооперативлик асосида жавоблар топиш зарур. Фақат мана шундай муносабатгина халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди. ШХТ ўз фаолиятида ана шу тамойилларга қатъий амал қилишга интилади ҳамда барча давлатлар билан фаол ҳамкорликка тайёрлигини билдиради.

ШХТ ўзининг қўшинлари билан уйғунликда ҳаёт кечираётган тинч, осойишта ва фаровон Афғонистонни тиклашдан манфаатдорлигини билдирган ҳолда, мамлакатда кенг вакилликдан иборат ҳукумат шаклланаётганини олқишлайди.

ШХТга аъзо давлатлар бу мамлакатда халқаро дастурларни амалга оширишда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини эътироф этиб, хавфсизлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш мақсадида терроризм, экстремизм ва нарқобизнесга қарши курашда халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш, шунингдек, Афғонистонни тинч йўл билан тиклаш бўйича зарур шароитларни яратишга ҳаракат қиладилар.

Бунда терроризм ва экстремизмга қарши қатъий ва узлуксиз курашчи сифатида бутун дунёда тан олинган мамлакатнинг пойтахти Тошкентда жойлашган ШХТ таркибидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ўзининг муҳим ролини бажариши керак.

МАТТнинг расмий мақоми нимадан иборат? Бу саволга Ўзбекистон раҳбари томонидан узил-кесил жавоб берилди.

Саммитда раислик қилган Ислом Каримов ўз чиқишида МАТТ фаолиятининг бир қанча принципиал жиҳатларига тўхталди. МАТТнинг муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарти — Марказий Осиё ва бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ва ягона ёндашув ва қарашлар бўлиши керак. Мамлакатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига бир хилда таҳдид солаётган хатарларнинг

умумийлигини англаш бизни бирлаштириши зарур ва шарт.

Минтақавий аксилтеррор тузилмани ШХТ мамлакатларининг тегишли хизматлари вакиллари — қўйилган вазифаларни юксак профессионал даражада бажаришга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ўта долзарб аҳамиятга эга. Албатта, фақат махсус хизматлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ва яқин ҳамкорликгина тезкор аҳамиятга эга бўлган ахборотларни ўз вақтида алмашиш, турли хавф-хатарларга олдиндан зарба берадиган тадбирларни ҳамкорликда аниқ режалаштириш ва амалга ошириш-ни таъминлайдиган ҳақиқий самарали алоқаларни йўлга қўйиш имконини беради.

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси БМТ, АСЕАН, Интерпол, Европол сингари етакчи халқаро ташкилотларнинг антитеррор марказлари билан амалий ҳамкорлик учун очиқ бўлиши лозим.

МАТТ иш юритишнинг фақат куч ишлатиш ва ҳуқуқ-тартибот усуллари билан чекланиб қолмаслиги керак. Ўзбекистон раҳбари масалага кенг ёндашишни таклиф қилди. «Бизнинг назаримизда, — дейди у, — терроризмнинг мафкуравий негизи ва манбаларини таг-томири билан, қўпориб ташлаш учун бутун бир тадбирлар мажмуи, жумладан, маънавий-маърифий, таълим, тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишларни амалга ошириш лозим.

Биз фақат террорчилик кўринишларининг ўзига, портлашлар содир этиб, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётганларга қарши кураш билан чекланмаслигимиз керак.

Авваламбор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўпсонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини заҳарлаётган ва биринчи галда ёшларни йўлдан оздираётган, айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейер яратаётганларга қарши курашиш даркор».

Ўзбекистон Президенти ҳеч қайси мамлакат наркоагрессия, халқаро террорчилик, диний экстремизм каби иллатларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтишга бефарқ қарайдиган шунчаки «транзит» бўлолмаслиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлайди.

Ёвузлик найзаси ҳозирча бошқаларга қаратилганига ишониб, бундай офат ва таҳдидларга қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин. Чунки хавфсизлик яхлит ва бўлинмайдиган тушунча эканини ҳаётнинг ўзи такрор ва такрор исботламоқда. Ислом Каримов ШХТнинг жавобгарлик ҳудуди, деган тушунча истеъмолга киришга ҳақли деб ҳисоблайди. Бунинг учун барча асослар бор.

Тошкент саммити, авваламбор, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, ШХТ фаолиятини янгича маъно-мазмун кашф этишига, унинг самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Ишонамизки, ҳозирги шиддат билан ўзгараётган дунёда минтақа халқлари фаровонлиги йўлида муносиб ўрин эгаллаш учун ШХТ, шубҳасиз, катта имкониятларга эга.

*«Труд», 2004 йил 24 июль*

# ՄԱՓԿՈՒՐԱՎԻՅ ԴՈԿՏՐԻՆԱ

## МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОНДА БУ ҚАНДАЙ КАШФ ҚИЛИНДИ

Собиқ иттифоқ республикалари ўрнида вужудга келган янги мустақил давлатларда миллий ғояни яратишдек мураккаб муаммо юзага келди. МДХ мамлакатлари мустақилликка эришганидан буён ўтган йиллар иқтисодиётни ислоҳ этиш масаласи қандай муҳим бўлса, миллий ғояни шакллантириш ҳам шундай вазифалардан бўлди. Ҳақиқатан ҳам нима учун ва нима мақсадда қилинаётганини тўла фаҳхламай туриб, бирор нарсани қайта қуриш, қайта шакллантириш қийин. Шу маънода ўқувчиларимизда Ўзбекистонда умуммиллий ғояни белгилаш ва ишлаб чиқиш тажрибаси қизиқиш уйғотиши табиий.

Бу жараённинг асослари мамлакат Президентининг асарларида мужассам. Ўзбекистон ҳали икки йўл оралиғида турган — коммунизм мафкураси бекор қилинган, бу масала баҳс-мунозаралар туғдираётган, коммунизм мафкурасини алмаштириш ҳақида гап-сўзлар кўпайгану лекин нимага алмаштирилиши номаълум бўлиб турган ўша йилларда давлат раҳбари миллий истиқлол мафкурасини эълон қилди. Бу масала бўйича ҳозиргача баҳс юритилаётганини кўриш ёки янги миллий ғоянинг бирор муайян қолипга солинмагани ҳақидаги гапларни ҳамон эшитиш мумкин. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки Президент эълон қилган мафкура ўз моҳияти билан бажонидил қарши олинган ва чуқур назарий ҳамда илмий тадқиқ этиш учун олим ва мутахассисларга тақдим этилган эди. Бир мақолни сал ўзгартириб,

бундай дейиш мумкин: бу ғоя миллат, халқнинг «усту-хонини эт билан тўлдирадиган», Ер сайёраси, деб ном олган улкан маконда дунёни қандай тасаввур этиш, ўзликни англашнинг асос-моҳиятидир. Миллатнинг ўз мафқурасига эга бўлиши, ўзини ўзи англашни белгиловчи бу мураккаб жараён шитоб билан кечмоқда. Мамлакат Президенти яратилаётган мафкура асосига сингиб кетадиган постулат — қондани илгари сурди. У барчанинг юрагидан жой олган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», деган сўзлар эди.

Замоннинг бу талабига илмий тафаккур фаоллашгани муносиб жавоб бўлди. Миллий ғоя асосларини ишлаб чиқиш нуқтан назаридан профессор Нарзулла ШОДИЕВНИНГ мақолалари катта қизиқиш уйғотади. Яқинда Н. Шодиевнинг «Ўзбекистон миллий Тикланиш босқичида» номли янги асари Москвада нашрдан чиқди. Республикадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тадқиқ этган муаллиф суверен Ўзбекистон халқларини яқдилу яктан этадиган миллий ғоянинг барча қирраларини умумлаштирган ҳолда таҳлил этишга ҳаракат қилган.

Ўқувчиларимизга китобнинг асосий мазмуни билан қисқача танишиб чиқишни таклиф этамиз.

### **БАЙРОҒИНГДА НЕ МАЪНО МУЖАССАМ?**

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Бу ерда барқарорлик ва фаровонлик аввало одамларнинг том маънодаги тенг ҳуқуқлилиги ва эркинлигига боғлиқ эканлигини яхши тушунишади. Мамлакатда истиқомат қилаётган, унинг халқини ташкил этадиган қарийб 120 миллат ва элат вакиллариининг ҳаммасини қандай ғоя бамисоли байроқ каби бирлаштира олади? Бизнингча, бундай ғоя вазифасини «Моно-

этник маданиятдан — фуқаролик миллати сари» ақидаси бажариши мумкин. Чунки фуқаролик миллати учунгина умуммуштарак манфаатлар, умуммуштарак мақсад, умуммуштарак қадриятлар аҳамиятли бўлади. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурининг мафкуравий мазмун-мундарижаси, шунингдек, эркинлаштириш мафкураси яхлитлигича, тўлалигича айнан ана шу мақсадга сафарбар этилган.

### **ПОЙДЕВОР ҚАНДАЙ БЎЛСА, УЙ ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛАДИ**

Истиқлол мафкурасининг пойдевори бўлмиш миллий ғоя тушунчаси ўзида сиёсий, ахлоқий ва фалсафий жиҳатларни қамраб олади. Ушбу китобда ана шу жиҳатларга Ўзбекистоннинг сиёсий, маданий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий ҳаётидаги жараёнлар орқали назар ташлашга ҳаракат қилиб кўрилди. Айрим жиддий хулосаларни келтирамиз.

Миллий ғоя барча даврларда жамиятни ўйлантириб келган. Айниқса бурилиш даврида у аниқ, пухта сиёсий ва мафкуравий стратегияга эга бўлиши керак. Кутилажак натижа, муваффақиятнинг гарови айнан ана шунда. Тарихда бунга мисоллар кўп. Голландларда миллий ғояни ҳаётга татбиқ этиш — бу табиатга оқилона ва бунёдкорона муносабатда бўлиш. Ушбу мисолни Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида келтиради. Россия ҳам ўз миллий ғоясини яратиш учун изланмоқда. «Мен америкаликман» — бу АҚШ фуқароларининг миллий ғояси.

Миллий ғоя миллатни яқдиду яктан жипслаш-

тириши, унга тараққиёт йўлини кўрсатиб турувчи маёқ бўлиши керак. Ўзбекистон мисолида у йўналишларимизнинг, жумладан, «келажаги буюк давлат» тушунчасининг моҳиятини аниқлаб беришга сафарбар этилган.

Миллат стратегик тараққиёт борасида агар ўз ғояларига эга бўлмаса, бу йўлда у муқаррар оқсайди.

### **ТАРИХГА БИР НАЗАР**

Миллий ғоя халқ ва унинг етакчиларининг — пешволарининг муайян тарихий даврдаги эзгу орзулари ифодасидир. Маърифий дунё ўз ривожининг ҳар бир босқичида тараққиёт уфқларини, унинг мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда, такомилликка эришиш йўллари излаган ҳамда топган.

Амир Темур даври бунга яхши мисол бўла олади. Унинг шахсиятига берилган баҳолар қанчалик фарқланмасин, у ҳаётини ўз она Ватанини босқинчилардан озод этишга бахш этганлигини, кейин эса марказлашган давлат қуришга киришганини тан олмаслик мумкин эмас. Унинг ҳаёти — бу мазмуни «Куч — адолатда!» деган сўзда ифодаланган бош ижтимоий ғоянинг тимсолидир. Жаҳонгир ана шунга эришди. Унинг бутун ҳаёти ва тарихий қисмати ушбу принципнинг амалий тимсолидир. Шу сабаб у кенг тарқалди: бугун бу буюк шахсни бутун дунё биледи.

### **ДИҚҚАТ-МАРКАЗДА ЯНА ИНСОН**

Тараққиётнинг «Ўзбек модели» беш тамойили вақт-замон ва халқаро амалиёт синовидан ўтган ислохотлар мажмуидир. У моҳирлик билан Ўзбекистоннинг

қадриятлар тизимига, халқнинг ўзига хос хислат ва фазилатларига заргарона уйғунлаштирилди. Ислом Каримовнинг тарихий хизмати мамлакатни келажақда мустақиллик йўлидан олға бориши мафкураси яққол кўриниб турган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларнинг яхлит дастурини ишлаб чиққанида бўлди. Бошланган ислохотларни чуқурлаштириш олти устувор йўналишга асосланади. Улар ўз мафкурасига кўра, Президент Каримов кашф этган беш тамойил фалсафасининг давоми ҳисобланади. Тамойиллар ва устувор йўналишларнинг диалектик узвийлиги, уларнинг бир-бири билан ворисийлиги XXI аср бўсағасида Ўзбекистон мафкуравий доктринасининг яхлит бир бутунлигини белгилайди. Миллий тикланиш дастурларининг мафкураси — бу жамиятда, сиёсий ва иқтисодиёт соҳаларида эркинлаштириш ислохотларидир. Эркинлаштириш мафкурасининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда марказий ўринга ИНСОН қўйилган.

### *УЧБИРЛИКНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ*

Биз «маънавият» — «мафкура» — «миллий ғоя» учбирлиги ҳақида сўз юритгандик. Бу тушунчаларнинг ички боғлиқлиги нималарда кўринади?

Маънавият — бу барча ахлоқий ва руҳий қадриятлар йиғиндисидир. Бу аксиома, одатда, инкор этилмайди. Мафкура жамиятнинг сиёсий асоси сифатида маънавиятга таянади. Миллий ғоямиз замирида айни шу маънавият ётади, уларнинг барчаси жамланиб, миллий ғоянинг моҳиятини белгилаб беради.

Маънавий қадриятлар ва миллий ғоя муштараклигида маънавият бирламчи ҳодисадир. Маънавият — бу миллатни тараққиётга бошлайдиган руҳий ва

ахлоқий ҳолатдир. Миллат тақдирида миллий ғоя ҳам, аввало, маънавий ҳодисадир.

### **МИЛЛИЙЛИКДАН УМУМИНСОНИЙЛИК САРИ**

Ҳар қандай миллий ғоя, аввало, умуминсоний моҳият касб этади. Бизнинг миллий ғоямиз — бу кўп қиррали, кўп вариантли ва кўп таркибли истиқлол мафқурасининг асосидир. Дастлабки вақтларда миллий ғоя ўрнини босадиган миллий йўналишларнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилди. Улар мазмунан хилма-хил, лекин фалсафий жиҳатдан аниқ мантиқий боғланишларга эга. Миллий ғоялар тизими ўз такомили давомида табиий равишда тадрижий ўзгаришларга учради. Натижада асосий миллий ғоя — «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» — кашф этилди.

Ушбу ғоя «Туркистон — умумий уйимиз» минтақавий ғояси билан мустаҳкамланди. Ғоялар тақомили мантиқи «Курраи замин — умумий уйимиз» умуминсоний ғояси эътирофига олиб келади. Юксак аҳамиятга молик ушбу мантиқнинг моҳияти шундаки, у миллий ғоялар ўз миллий манфаатлар доирасидан минтақа миқёсидаги кенгликларга, улардан эса кўҳна дунё сарҳадларини бузиб, умуминсоний уфқларга кўтарилиш имконини беради.

### **ЎЗБЕКИСТОН ГЕРБИДАГИ ҲУМО ҚУШИ**

Миллий тикланиш мафқураси — тарих тақозоси. Ўзбеклар тарихида юксалишу пасайишлар кўп бўлган. Лекин давлат гербидаги Ҳумо қуши каби мамлакат ва халқ янги ҳаёт учун доим қаддини қайтадан тиклайверган.

Ҳаммага яхши маълум «Ўзбеклар иши» ниҳоясига етганида шундай Миллий тикланиш руҳи уйғонган эди.

Виждону ор-номусидан бегона десантчилар — турли аппаратчи ва юристлар республикага юборилди. Улар олдига «иш»ни ҳар қандай йўлу усул билан «қаппайти-риш» вазифаси қўйилган эди. Буни улар «қойилмақом» бажаришди ҳам. СССР аталмиш давлат ўзининг ижтимоий хроник иллатларини Ўзбекистон мисолида даволамоқчи бўлди. Москвада ишлар хўжа кўрсинга амалга оширилгани ҳолда, Тошкентда ҳақиқий қатағон бошланди.

Республика ва унинг халқи бошқа зарбаларга дош беришгани каби бу бало-қазодан ҳам омон чиқди.

Шу ўринда тарихда шахснинг роли ҳақида тўхталиш жоиз. Тарихнинг ҳар бир тақдириломон босқичида даврнинг ўзи ўта оғир, мураккаб, залворли юкни елкасига олиб, халқни оғир аҳволдан олиб чиқадиган буюк тафаккур соҳибларини тарих саҳнасига чиқаради. Шундай қонуният мавжуд: турғунликдан кейин — юксалиш, кўғирчоқбозликдан кейин — миллат доҳийлари кашф этилади. Бугун, бизнинг Миллий тикланиш давримизда, мамлакатда шундай раҳбар-сардор бор, халқ унга ишонади, у ҳам ўз халқига ишонади.

Ҳақиқатни англашнинг оғир йўли Ўзбекистонни юксакликка бошламоқда. Олдинда — маънавий ва миллий тикланиш йиллари...

### ***КЕЛАЖАК САРИ НИМАЛАР БИЛАН БОРМОҚДАМИЗ?***

Биз олға боришимиз учун ким, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканимизни билишимиз керак. Аслида ушбу саволларга жавоблар бериб бўлинган. Атиги биргина аниқлик киритамиз, холос: Ўзбекистон фақат Осиё давлатигина эмас, Биз Евроосиёнинг марказида жойлашганмиз, шу боис бизга ҳам Европача, ҳам Осиёча хусусиятлар хос. Фарбдан бошқарувнинг

президентлик, Шарқдан — ҳокимлик институтларини танладик. Лекин халқнинг менталитети бари бир ўзгача. Шунинг учун ҳам биз баъзан эркин, қатъий, гоҳида эса қаттиққўл бошқарув ва таъсирга эҳтиёж сезамиз. Биз учун ўринли ва маъқул, айниқса, ўтиш даврида тўғри келадиган демократия меъёрларининг ўзига хослиги ҳам шундан. Мамлакат олдида турган масалаларни ечишда энг тўғри йўлни танлаш учун мазкур омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Биз мустақилликка эришдик. Улкан имкониятлар мамлакатада яшаяпмиз. Имкониятларнинг тўлиқ очилишида халқнинг тарихий хотираси ҳам, авлодлар ўртасидаги ворисийлик қонунлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Тақдиримиз дунё тақдири билан узвий, вобаста. Ҳаммамиз пештоқида «Инсоният», деган фахрли ном ёзилган битта тақдир кemasидамиз. Қўмондонлик кўприкчасида йўналиши биз — ўзбеклар томонидан ҳам белгиланадиган компас бор. Бизнинг соғлом миллатпарварлигимиз шовинизм, миллий ғуруримиз эса асло худбинлик эмас. Оғир бўлса-да, илдам одимламоқдамиз. Миллий тарихий хотирамиз вақтни бой бериш, хунрезлик, можаро, тушунмовчиликларга — мамлакатни ортга итқитиб ташлайдиган бирор ножўя хатти-ҳаракат қилишимизга йўл қўймайди. Бунга кўп инсонлар, кўплаб омиллар сабабчидир. Энг муҳими — ўзимизнинг миллий ғоямиз мавжуд. Шу ғоя билан биз миллий Тикланишимиз сари ҳаракат қиляпмиз. Мажозий қиёсга қайтиб, ўша кемани эсга оладиган бўлсак, у ерда бошқалар қатори бизнинг ҳам байроғимиз бор. Унда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» сўзлари ёзилган.

Башоратомуз доҳиёна сўзлар.

«Труд», 2000 йил 23 июнь.

## ИНСОН ҚОРИН ҒАМИ БИЛАНГИНА ЯШАМАЙДИ...

### *Ўзбекистоннинг мафкуравий ақидаси ҳақида*

Мустақилликка эришилганидан кейин янги суверен давлатлар олдида, биринчи навбатда, қуйидагиларнинг қайси бирини устувор, деб билиш керак, деган савол кўндаланг турди: иқтисодиётми ё сиёсат, мафкурами ёки миллатлараро муносабатлар муаммолари, бугунги куннинг энг зарур ташвишларими ёхуд катта стратегия ва тарихий истиқбол муаммоларими?

Айримлар буларнинг барчасини яхлит бир занжирга тизиб, ҳалқама-ҳалқа ҳал этиш лозим, акс ҳолда, қоқилиб қолиш мумкин, деб ҳисоблашди. Бошқалар, аксинча, бундай босқичма-босқич тактика ҳеч нарсага ярамаслигини таъкидлаб, мустақиллик шароитида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари бир-бири билан тараф чирмашиб кетганлиги боис уларни бирваракайига жойидан кўзгатиш мумкин, деган фикрни илгари суришди. «Соф» прагматиклар ҳам учради. Улар эътиборни амалий ишларга жамлаб, назарий муаммоларни кейинга қолдиришни таклиф этди — ҳозир, ўтиш даврида, янгидан тикланишнинг ғалвали палласида назарий муаммолар билан шуғулланишнинг мавриди эмас, деб ҳисоблашди.

Амалда мустақилликнинг дастлабки одимлари ва кейинги қадамлари бутунлигича айнан ҳозир, унинг биринчи йилларидаёқ, янгидан тикланиш билан биргаликда, параллелликда унинг ғоявий мазмунини имкон қадар мажмуий, чуқур ва аниқ белгилаб олишга муваффақ бўлиш-бўлмасликка боғлиқ эди. Кўплаб олимлар инсоний ва давлат ишларида иқтисодиёт ҳамда

сиёсатнинг ҳал қилувчи родини эътироф этишгани ҳолда, ўшанда, мустақилликнинг биринчи йилларида ижтимоий ҳаёт саҳнасига айнан мафкура чиққанини айтишди. Бу тўғри, чунки ёш мустақил мамлакатларда фақат сиёсий режимгина ўзгараётгани йўқ эди, айни пайтда, ҳукмрон эски мафкурадан бутунлай, мутлақ воз кечилганди. Биз ҳаммамиз тарихий бурилиш даврини бошдан кечириётган, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг тоталитар тизимидан янгисига — мустақил тизимга ўтишдек мураккаб жараёнда яшаётган эдик. «Труд» газетаси МДХ мамлакатларининг бу масалада янгича ёндашувлари ҳақида мушоҳада юритаётган олимларига ўз саҳифаларидан илгаридан жой ажратиб келяпти. Шу йил 23 июнь куни газетамизга ўзбек олими Н.Шодиев ҳам ўз фикрларини баён этди. Ўзбекистон ўз миллий истиқлол мафкурасини яратиш борасида муайян ютуқларга эришди. Унинг асосини, образли айтганда, негизини Ислоҳ Каримов томонидан мустақилликнинг илк даврида илгари сурилган «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» миллий ғояси ташкил этади. Бугун биз мафкуравий тикланиш муаммоларига бағишланган навбатдаги мақолани чоп этмоқдамиз. У баҳсталаб, албатта, лекин шуниси билан қизиқ ҳам. Чунки шу тарих олимларни, газетамизнинг кўп сонли муштарий-ларини собиқ шўро мамлакатларидан бирида ўз маф-куравий «қиёфаси»га эга бўлиш йўлларидан, мавжуд изланишлар йўналишларидан, ўзига хослигидан воқиф қилади. Биз мамнуният билан ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тадқиқотчи ва сиёсатшуносларига ҳам фикр билдириш, ўз қарашларини жамоатчиликка етказиш имкониятини берамиз.

Ўзбекистонда миллий тикланиш-истиқлол маф-

курасини шакллантириш ва ривожлантириш бир неча босқичда амалга оширилди.

Эски мафкурани таг-туби билан бартараф этиш босқичида тоталитар тузумнинг мафкуравий асоратларидан тезроқ ва бутунлай халос бўлиш мақсад этиб белгиланди. Мустақиллик қадриятларига асосланган мутлақо янгича онгни шакллантиришга олиб келадиган мумтоз ғоявий ақидалар кашф қилинди. Миллий тараққиётнинг «Ўзбек модели» тамойилларидан бири — иқтисодий мафкурадан холи этиш, бир мафкуранинг ҳукмронлигига барҳам бериш сиёсати жамиятни тубдан янгилашда, суверен демократик ҳуқуқий дунёвий давлат қуришда, шубҳасиз, улкан ижобий таъсир кўрсатди.

Айни пайтда, «мафкурасизлаштириш» жараёни муайян даражада мафкуравий бўшлиқ юзага келишига ҳам имкон яратади. Собиқ совет мафкураси ўрнига янги миллий мафкура келмас экан, шундай бўлиши тайин.

Турли, айниқса, диний (жумладан, ваҳобийлик) институтларнинг мафкуравий бўшлиқни ўз ғоялари билан тўлдиришга интилиши кучайди. Замирида ҳокимиятни эгаллаб олиш ва ислом давлати тузишдек сиёсий мақсад ётадиган бу ғояларнинг салбий оқибатлари бугун ҳам ўзини сездириб турибди.

Иккинчи босқич мустақиллик қўлга киритилганидан икки-уч йил ўтгач, жуда муҳим ҳақиқатни англашдан бошланди. Яъни, иқтисодий ислохотлар мафкуравий жиҳатдан пухта, тўлиқ таъминлангандагина бу яхлит жараён кутилган самарани бериши мумкин. Жамият шу ҳақиқатни англайдиган даражага етганда мафкура билан жиддий шуғуллана бошлади.

Натижада мафкуравий тикланиш, гоёвий ислохотлар жамиятни тубдан янгилашнинг бошқа шакллари билан уйғунликда давлатнинг бош сиёсатига айланди. Кўп мезонлар бўйича бутун улар олдинги ўринга ҳам чиқиб олди. Миллий менталитетнинг ўзига хослиги, миллий қадриятлар ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, миллий истиқлол мафкурасини илмий асосда шакллантириш зарурати юзага келди.

Учинчи босқич бевосита миллий истиқлол мафкураси, миллий гоё асосларининг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ.

Миллий истиқлол мафкураси яхлит концепциясини ишлаб чиқишда бой маънавий, ахлоқий, фалсафий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий мерос каби миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқнинг тарихий хотираси, унинг кўп асрли ақлий-интеллектуал анъаналари, жаҳон цивилизациясининг тажрибаси асос қилиб олинди.

Шунингдек, куйидагилар миллий истиқлол мафкураси янги концепциясининг дунёқарашга оид назарий-услубий манбалари бўлиб хизмат қилди: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, тараққиётнинг дунёда яхши маълум «Ўзбек модели»даги беш тамойил, XXI аср арафасида давлат стратегиясининг олти устувор йўналиши, бозор муносабатларининг миллий концепцияси, тараққиётнинг тадрижий йўли, эркинлаштириш мафкураси, шунингдек, замонавий назарий-услубий тафаккурнинг янги ютуқлари ва жаҳон тажрибасида мавжуд ижобий мафкуравий қадриятлар.

Цивилизациялашган ҳар қандай жамият ўз қарашлари, гоёлари, фикрлари ва тамойиллари тизимисиз,

яъни яхлит мафкуравий концепциясисиз, яшай олмайди. Зеро, айнан шулар орқалигина одамларнинг воқеликка, бир-бирига муносабатлари, ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар идрок этилади, баҳоланади. Сиёсат учун муҳим асос ўрнатишга имкон берадиган ушбу ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш ёхуд ўзгартиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг мақсадлари ҳам шуларда мужассамдир. Бу ерда воқелик фалсафаси, ижтимоий реаллик, ижтимоий ҳаётнинг объектив эҳтиёжлари ва уларнинг концепциясига мос келадиган фикрлаш жараёни соф мафкурага айланади. Ўзбекистонда «дунёни гоё бошқаради», деган белгиловчи тамойилга таянган ҳолда, мафкурага воқеликка ёндашувнинг реал ҳаёт тузилишидан ташкил топган усули сифатида қаралди. Миллий истиқлол мафкураси асосий тамойилларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида назарияда олий ва қатъий илмийликни ҳақиқий ижтимоий воқелик билан боғлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мустақилликнинг тўққиз йилида босиб ўтилган йўлни илмий таҳлил этиш, ҳозирги Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг қонуниятлари ва уни ҳаракатга келтирувчи кучларни идрок қилиш яратилаётган миллий истиқлол мафкураси концепциясининг мақсад ҳамда вазифаларини тўла оқлади. Фикримизча, унда миллати ва динидан қатъи назар, фуқароларнинг субъектив манфаатлари Ўзбекистон жамиятининг объектив эҳтиёжларига уйғун келиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Миллий истиқлол мафкурасининг янги концепциясида жамиятдаги барча табақалар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ҳисобга олинган бўлиши керак.

Мафкуравий ақида жамиятда тарқалиб, омма онгининг даражасига мослашиб борар экан, бу онгга тегишли тарзда таъсир кўрсатиши, мутлақ бошқа дунёқарашни шакллантириши, ижтимоий руҳиятга таъсир ўтказиши керак. Эркинлаштириш мафкураси, ислохотлар, жамиятни янгилаш, биринчи навбатда, айнан янгича фикрлашни, жамоатчиликнинг янгича руҳиятини шакллантиришга қаратилган. Айнан ижтимоий руҳиятгина ўз мафкурасининг тарқалиши ва ўзлаштирилиши учун замин яратади.

Реал ҳаётда мафкура бугуннинг ўзидаёқ давлат сиёсати мақоми даражасига кўтарилди, бутун жамиятни бош мақсад атрофида – мустақиллик ва миллий тараққиёт йўлида жипслаштириш омили сифатида миллий уйғонишга йўналганлиги билан ажралиб туради.

Миллий истиқлол мафкурасининг ишлаб чиқилган концепцияси маънавий пойдевор бўлиб хизмат қиладиган янгиланиш жараёнларини мумтоз назарий, илғор ғоялар билан таъминлаш йўлида бутун жамиятни жипслаштирган ҳолда, миллий тикланиш даврининг туб, тақдириломон муаммоларига илмий ва амалий тўғри, аниқ жавоблар бериши керак.

Маълумки, мафкура – бу маънавият ҳодисаси, яъни маънавиятни «ишлаб чиқаради». Марксизмда у устқуртма сифатида талқин этилади. «Маънавиятни ишлаб чиқариш»нинг реал тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда, биз тарихий материализмнинг базис ва устқуртманинг роли ва ўрни ҳақидаги талқинига кўшилмаймиз. Гап шундаки, ҳар қандай, айниқса, демократик, фуқаролик жамияти ҳаётининг (Ўзбекистонда сиёсий қурилишнинг бош мақсади – Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш)

асосини ижтимоий онгнинг у ёки бу шакллари, ижтимоий ғоялар, ахлоқий ёхуд диний таълимотлар, сиёсий муассасалар ташкил қилади. Иқтисодий муносабатлар (базис), жамиятнинг ижтимоий тузилмаси ва ялпи ижтимоий тараққиёт, яхлит ҳолда, онгга, ғояларга, сиёсий назариялар ва муассасаларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Агар, жамиятнинг иқтисодий қурилиши саналувчи базисни ижтимоий ишлаб чиқариш, деб атасак, унда устқурма (мафкура) ҳам ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Фақат базис моддий неъматлар ишлаб чиқарса, устқурма маънавий неъмат «яратади». Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари шу тариқа икки бир хил ишлаб чиқариш усулини яратади. Бу моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида улар бирлигининг ифодасига айланади. Худди ана шу ўринда мафкура жамиятни ғоявий жиҳатдан ташкиллаш вазифасини бажаргани ҳолда, базис ролида намоён бўлади. Ижтимоий турмуш, муҳит ҳамиша ҳам ижтимоий онгни белгилайвермайди, ижтимоий онг эса кўп жиҳатдан ижтимоий турмуш даражасини белгилашга имкон туғдиради. Муҳит характерни белгиламайди, балки унинг шаклланиши омилига айланади, холос. Характер Худодан, яъни инсоннинг наслида, қонида — ирсиятида бўлади. Характер ўз ирсий хусусиятларига кўра, муҳитга таъсир этиб, уни ўз фойдасига ўзгартиради. Фуқаролик жамияти — бу кучли, эркин, маънавияти бой шахсларнинг ҳам жамоасидир. Уларнинг мафкураси ва конституцияси фақат янги-ланиш, янгидан тикланишга хизмат қилади.

Миллий истиқлол мафкурасининг яхлит концепциясини ишлаб чиқишда Ўзбекистон ана шу қонуни-

ятларни ҳисобга олмоқда. Бунинг тасдиғи — мафқуравнинг мамлакат сиёсий тизимидаги мақоми ва ўрни. Бу тизим қурилмасида мафқура устувор ўринни эгаллайди. Давлат раҳбарининг сўнгги йилларда жамият эътиборини мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган жараёнларни мафқуравий жиҳатдан таъминлашга, мустақилликнинг илмий асосланган, демократия, кўп партиялилик, фикрлар хилма-хиллиги шароитида жамиятдаги барча қатламларнинг манфаатларини ўзида акс эттирадиган ғоявий доктринасини ишлаб чиқишга қаратганлиги сабаби ана шунда.

Гарчи ҳар қандай давлат ўз мафқурасисиз мавжуд бўлмаса-да, Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида ҳеч қандай мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Хўш, нима қилиш керак? Мамлакат Президенти битта, якка-моно-мафқура ҳукмрон жойда тенглик ва адолат қарор топмаслигини бот-бот таъкидлайди. Иккинчидан, кўп партиялилик шароитида (Ўзбекистонда расман тўрт партия фаолият кўрсатмоқда) ҳар бир партия ўз мафқуравий ақидасига, ўз сиёсий дастури ва мақсадига эга бўлади. Учинчидан, сиёсий полифонизм, демократик қадриятлар, шунингдек, фуқаролик жамияти қуриш тамойиллари жамиятда партиялардан бирор бирининг ғояси ҳукмрон бўлишига йўл қўймайди.

Бундай шароитда жамиятнинг мафқуравий асоси, одатда, ундаги таркибларнинг кўпвариантливидан, кўптаркиблилигидан иборат бўлади. Давлат ва жамиятнинг геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик мақсадларига тўла мос келадиган мафқуравий хилма-хиллик — плюрализм ривожланмоқда. Бошқа томондан, миллий мафқуранинг ўзининг табиатидаги кўпвариантлилик ва кўптаркиблилик

унинг узлуксиз, мунтазам ривожланиб, такомиллашиб боришининг манбаи сифатида намоён бўлади.

Бизнингча, миллий мафкуранинг таркибини қуйидагича тартибда белгилаш мақсадга мувофиқдир: *Миллий Тикланиш мафкураси, Маънавий Тикланиш мафкураси, Маданият мафкураси, Таълим ва тарбия мафкураси, Хуқуқий мафкура, Бозор муносабатлари мафкураси* ва ҳоказо.

Таркибнинг биз таъкидлаган унсурлари нисбатан мустақил. Шунинг билан бирга умумий стратегик мафкура йўналишининг ўзгарувчанлиги шароитида уларнинг барчаси бир-бири учун зарур, ҳаммаси яхлит муштаракликда жамият равнақи учун хизмат қилади. Инсон ҳам объект, ҳам субъект сифатида қараладиган айни мана шундай мафкурани тикланиш мафкураси, деб аташ мумкин.

Тарих тақозосига кўра, асрлар давомида минтақамиздаги биродарларимиз тақдири учун масъулият бизнинг зиммамизда бўлиб келган. Чингиз Айтматов Ўзбек халқининг Марказий Осиё халқлари тақдиридаги ўрни ҳақида гапирар экан, уни Византиянинг Россия тақдиридаги ўрнига қиёслаган эди. Миллий Тикланиш мафкурасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда бу тарихий ҳақиқат бизга қўшимча масъулият юклайди.

Ҳозирги замонда халқларнинг ақлий салоҳияти роли ошиб бормоқда. У эса, табиийки, бевосита жамиятнинг мафкуравий жиҳатдан нечоғли такомиллашганига боғлиқ. Шу боис буюк келажакни замонамизнинг энг қатъий талабларига мос келадиган бугунги миллий мафкурамизнинг самарадорлиги ҳам белгилайди. Фақат кучли мафкурага эга мамлакатгина ўз фуқаролари онгида соғлом мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қодирдир.

«Труд», 2000 йил 28 октябрь.

## МАФКУРА – МИЛЛАТНИ, ЖАМИЯТНИ, ДАВЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БАЙРОҚ

Қатор йиллар мобайнида МДХ мамлакатларида янги, умумдавлат мафкурасини яратишга кўплаб уринишлар бўлмоқда. Энг аввало, жамиятни бирлаштирадиган янги қадриятлар тизимига ижтимоий эҳтиёж том маънодаги мафкура ҳаёдан фаромуш бўлган шароитда шаклланди ва бу жамиятнинг, бир-бирига хусумати бўлмаса-да, ҳар ҳолда бир-бири билан жуда ожиз робиталар орқали боғланган қатламлар ва гуруҳларга бўлиниб кетишига олиб келди. Бунинг оқибати эса ўзаро адоват ва душманлик кайфиятининг авж олишидан, рақибларига нисбатан ғараз ва муросасизликнинг кучайишидан, энг даҳшатлиси — фуқаролик уруши ёқасига бориб қолишдан ўзга нарса бўлиши мумкин эмас.

Бироқ пишиб етилган бу объектив эҳтиёж бир муаммони ўртага ташлайди — давлатчилик ва мафкуранинг ўзаро нисбати қандай? Ҳозир аксарият мутахассислар ва сиёсатчилар ўз қадриятлари тизимига ва ғоявий асосларига эга бўлмаган ҳар қандай давлат парокандаликка маҳкум, деган хулосага келишди. Ўзбекистон Республикаси Президенти мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррарлигини, мафкура — бу миллатни, жамиятни, давлатни бирлаштирувчи байроқ, халқнинг хоҳиш-иродаси ва буюк келажакка нишончи, давлат ҳамда жамият қурилишида маънавий-ахлоқий куч-қудрат манбаи эканлигини кўп бор таъкидлаган.

Айни пайтда, ушбу муаммонинг умумназарий жиҳати мазмунан жуда серқирра, шу билан бирга универ-

сал бўлиб, узлуксиз равишда янги ва янги ёндашувларни талаб қилади. Мафкура назарияси ва амалиётининг шундай универсал-типологик жиҳати ҳақида тошкентлик доимий муаллифларимиз фикр юритади.

Ижтимоий тизим ва сиёсий режим ўзгаришларининг объектив жараёнларига қонуний равишда маънавий бўшлиқ, унутилган ёки ҳали шаклланмаган қадриятлар вакууми йўлдош бўлади. Бу жамиятда марказга интилма ҳаракатларни кучайтириб, шахснинг давлатдан бегоналашишига, бутун бир ижтимоий гуруҳларнинг ўз қобиғига ўралиб қолишига олиб келади.

Яқин ўтмиш асоратлари мафкура тушунчасининг ўзи салбий қабул қилинишига етарлича асос яратди. Бунда унинг асл моҳиятига, умуман, эътибор берилмади. Амалда омма онгида унинг ҳолис мазмуни деярли бузилиб бўлди.

Айни пайтда, жамиятни бирлаштириш, ҳамжиҳат бўлишига эришиш лозим. Бунга эса фақатгина замонага мос бўлган, жумладан, ўтиш даври қийинчиликларига бардош бериш имконини берадиган, кўп эътироф этиладиган фуқароликнинг ахлоқий-этик тамойилларига ҳамоҳанг миллий ғоя шакллантирилгандагина эришиш мумкин.

Буюк турғунлик — депрессия йилларида Рузвельт ҳукумати томонидан онгли равишда кенг тарғиб қилинган «америкача ғоя» ёки «америкача орзу» бунга яхши мисол бўла олади. Ўшанда мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтишда айнан шу ғоя ёрдам берганди.

Шу нуқтаи назардан демократик ва инсонпарвар, сифат жиҳатидан янгича инсоний-ҳуқуқий маз-

мун билан бойитилган мафкура турли цивилизациялардан ўзлаштирилган нисбатан илғор ғоялар ва қарашларнинг квинтэссенцияси — бирикмаси бўлиб, давлатчиликнинг белгиси — аломатидан ўзга нарса эмас.

Мафкурани давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг мавжудлиги имконини берувчи зарурий аломатлар сирасига киритиш даркор. Зотан, ҳар қандай давлатнинг, жумладан, ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси бўлган мафкурасиз фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин эмас.

Бошқа томондан, қатор олимлар ва жамоат арбоблари давлат мафкурасини салбий қарши олишиб, давлат ва мафкура тушунчаларини бир-бирига тўғри келмайдиган зид тушунчалар, деб ҳисоблашади. Бунда улар, биринчидан, жангари, тоталитар, якка ҳукмрон мафкуранинг оғир оқибатларини, иккинчидан, давлат мафкураси бир қолипда ҳар хил қиёфа ва шакллар касб этишини, учинчидан, амалдаги Конституция меъёрларини асос қилиб келтиришади.

Ўзбекистон Республикасининг ва Россия Федерациясининг Конституцияларида либерал-демократик мафкуранинг аввалбошда шартли давлат мафкураси ролини ўйнаган маълум қоидалари ўз аксини топди. Булар — суверенитет, халқ ҳокимиятчилиги ғоялари, инсон ҳуқуқлари концепцияси, демократик ҳуқуқий ижтимоий давлатнинг инсонпарвар ақидалари, ҳокимиятнинг бўлиниш назарияси, сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик — плюрализм тамойили, хусусий мулк муҳофазаси ва бошқалардир.

Бундан шу келиб чиқапткики, давлат мафкурасини инкор этиш тарафдорлари «мафкурасизлик»

қоидасига асосланган ҳолда, «мафқурасизлик» давлатнинг ўз ғоявий қадриятларисиз мавжуд бўлишини ифода этмаслигини инобатга олишмаган. Айниқса, миллий уйғониш ва давлатчиликнинг тикланиши даврида, мафқуравий иммунитет заифлашган, баъзан эса мутлақ ҳимоясиз қолган, шунингдек, очиқ мафқуравий «урушлар» юз бераётган, халқаро террорчилик ва экстремизм таҳдид солиб турган шароитда мафқурасизликка, мафқуравий бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳозирги шароитда давлат мафқураси мафқура ва сиёсатнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва бир-бири билан ўзаро алоқасининг махсус шаклига айланмоқда. Шу боис ҳам айтиш мумкинки, мафқура интеграцияловчи омил сифатида сиёсатни яратади, унинг юзага келиши ва мавжудлигининг дастлабки шартига айланади. Давлат сиёсатининг негизида содир бўлаётган ва зарур чоралар кўрилаётган жараёнларнинг мантиқини белгилайдиган муайян қадриятлар тизими ётади.

Шу билан бир вақтда, сиёсатнинг мафқурага ҳаддан ортиқ тобе бўлиши, сиёсатнинг юксак даражада мафқуралаштирилиши (яқин ўтмиш кўрсатганидек) ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Шунинг учун давлатнинг роли — аллақачон жамоатчилик онги-шуурида мавжуд бўлган, лекин ҳали у ердан муносиб ўрин эгалламаган, шу ваддан ҳам ўзининг интеграцияловчи ва бирлаштирувчи хислатларини ишга сола олмаган қадриятларни топишдан иборат.

Ўзбекистонда мафқуранинг айнан давлатга тегишли эканлиги қадриятларнинг ягона тизими асосида-

ги интеграцияловчи ибтидо вазифасини бажара бориб, бу ерда яшовчи барча одамларни сиёсий-ҳудудий, геосиёсий муштараклик негизида бирлаштира бошлади. «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Моноэтник маданиятдан – фуқаролик миллати сари» гоёларига асосланган бу муштараклик барқарорлик, тоғувлик ва тинчликнинг асос замини бўлди.

Яратилаётган концепцияда миллий истиқлол мафқураси мавжуд ва амалга оширса бўладиган қадриятлар тизими ҳамда баҳолаш ҳукмининг хилма-хиллигига раҳна солмаслик билан боғлиқ қоида назарда тутилади. Давлат мафқураси цивилизациялашган демократик тамойиллар билан уйғун ҳолда, давлат томонидан мажбуран сингдирилмайдиган, ўз интеграцияловчи табиатига кўра, хусусий гуруҳий қадриятлар тизимидан объектив устун турувчи кўплаб мафқураларнинг бири сифатида мавжуд бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни пайтда, давлат мафқураси ўзида мавжуд кўплаб «хусусий» мафқуралар учун коммуникатив макон ҳамдир. У ўзаро мақбул қарорга келишнинг, муроса йўлларини топишнинг, сиёсат майдонида фаолият кўрсатаётган барча субъектлар ўртасида келишув ўрнатишнинг тартиб-қоидаларини кўзда тутади.

Маълумки, ижтимоий ҳаётни мафқуравий тартибга солиш сиёсий ҳокимият механизмининг бир унсурини ташкил этади. Шунинг учун давлат ҳокимиятининг мавжудлиги ушбу ҳокимиятнинг мафқуравий мавжуд бўлишини ҳам назарда туттади.

Шу боис мафқура ҳуқуқий меъёрлар билан биргаликда давлат мақсадларини амалга оширишнинг,

давлат сиёсатининг воситасига айланди. Давлат шахсга мажбурлаш ва куч ишлатиш орқали таъсир кўрсатмайди. Давлатчиликнинг бундай шакллари яшовчан бўлмай, нисбатан қисқа вақт давомидагина сақланиб туриши мумкин, холос. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар умуминсоний тамойилларга таянади. Бу тамойилларга кўра инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланиб, мамлакат Конституцияси томонидан ҳимоя қилинади.

Қадриятлар, тарғиб этилаётган ахлоқий-этик қоидалар, жамият ва давлатни ривожлантириш йўллари ҳамда пировард мақсадлар тўғрисидаги тасаввурлар секин-аста давлат томонидан белгиланган ва ҳимоя қилинадиган ҳуқуқий меъёрларга айланди. Шунинг учун давлат мафкурасини ҳуқуқнинг даракчиси — аломати сифатида қараш мумкин. Давлат ишлаб чиққан, унинг нуфузи билан ёритилган ва унинг томонидан ҳимоя қилинадиган мафкура муайян вазият тақозоси ўлароқ, тегишли меъёрий ва расмий мезонларга эга бўлган ҳолда, ҳуқуқий демократик фуқаролик нормаларига айланишга қодир. Бу ҳар қандай демократик жамиятда Конституция ҳам, қонунлар ҳам, энг аввало, мафкуравий ҳодиса эканлиги ҳақидаги қарашнинг тўғрилигини яна бир карра исботлайди.

Шу билан бирга жамият пароканда бўлишига, давлат тузуми ғайриқонуний тарзда ўзгартирилишига қаратилган даъватларнинг қонунан мавжуд бўлиши ва очик тарғиб этилишига йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун айнан давлатнинг ўзи жамият осудалигини назорат қилишга, бузғунчи мафкуралар ва

уларни ташувчи, тарғиб этувчиларга нисбатан зарур чоралар кўришга кафил бўлади. Миллий истиқлол мафкурасининг яратилаётган яхлит концепцияси шу боис ҳам инсонпарварлик, демократик, бунёдкорлик ғояларидан шаклланмоқда. Миллий истиқлол мафкурасининг асосини қуйидаги тамойиллар ташкил этади: ғояга қарши – ғоя, фикрга қарши – фикр, жаҳолатга қарши – маърифат.

Ўзбекистонда яратилаётган миллий истиқлол мафкураси ўз моҳиятига кўра келажакка йўналтирилган. У давлат тараққиётининг ривожини таъминлаб бериши, жамият ҳаётини юксалтириши, умумфаровонликка, муштарак манфаатларга хизмат қилиши, асл демократик сиёсатнинг мезони бўлиши керак.

*«Труд», 2001 йил ноябрь.*

## МАТБУОТ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

### *Ўзбекистоннинг ахборот сиёсати ҳақида*

Ўзбекистонда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг ОАВ ходимларига йўллаган табригида таъкидланганидек, янги ХХІ асрнинг ўзига хос аломати бўлмиш «информацион портлаш» рўй бераётган глобаллашув шароитида журналистлардан ўтмиш асоратларини бартараф этишда фаол қатнашиш, жамиятда эркин фикрлаш муҳити мустақамланиши учун бор куч-ғайратини ишга солиш талаб этилади.

Ахборот коммуникациялари жадал ривожланаётган, миллий менталитет демократлашаётган ва жаҳон ахборот маконида кучли рақобат вужудга келган ҳозирги шароитда ОАВнинг жамиятдаги роли ва ўрни кучайиб бормоқда. Зеро, жамиятда нимаики юз берса, матбуотда аксини топади. Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий, маънавий, ижтимоий ва демократик мақоми, энг аввало, матбуотга боғлиқдир. Агар у демократик ва илғор, яъни том маънода тўртинчи ҳокимиятга айланган бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Бу демократик цивилизациянинг умумэътироф этилган аксиомасидир.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзининг бош мақсадини аниқ белгилаб олди: эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш асосида янги миллий мафкуранинг тамойилларини шакллантириш. Асосий эътибор эркин ва мустақил матбуот, радио,

телевидение ва бошқа ахборот воситаларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилмоқда. Зотан, шундай бўлиши ҳам керак. Мамлакат Конституциясида ОАВнинг қонуний мақоми аниқ белгилаб берилган: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди» (67-модда).

ОАВ ҳақидаги мавжуд икки қонун қаторида, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (парламентининг) X сессиясида иккинчи ўқишда «Ахборот эркинлигининг тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. ОАВни демократлаштириш ижтимоий институти ташкил этилди, мустақил газета ва телерадиостудиялари ишламоқда.

Ҳозир ОАВ кун сайин ҳаётимизга чуқурроқ кириб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ҳозирги кунда 600 га яқин газета, 165 журнал, 70 та телерадиостудия рўйхатдан ўтказилган, давлатга қарашли 60 ҳамда 600 дан зиёд тармоқ ва хусусий нашриётлар мавжуд. Сўнгги вақтларда, нафақат, нашрлар, телерадиостудиялар ва нашриётларнинг сони кўпайди, айти пайтда, уларнинг жамиятни ривожлантиришдаги роли ҳамда ўрни ҳам сифат жиҳатдан ўзгарди. Афсуски, баъзан мамлакатнинг кўп йиллар давомида қаттиқ мафкуравий ва маъмурий тазйиқ ҳамда назорат остида ишлашга ўрганиб қолган оммавий ахборот воситалари эскилик сарқитларидан, аввало, руҳий асоратлардан ҳамон қутула олмаётгандек тасаввур пайдо бўлади. Демократия халқнинг ўзини ўзи бошқариши ва эркин матбуот билан қудратлидир.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, «ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, ҳолис баҳо бериб бориши керак».

«Ахборот эркинлигининг тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун, жумладан, шунга йўналтирилган. Қонун фуқароларга фикр, сўз ва эътиқод эркинлигини, ўзини қизиқтирган ҳар қандай ахборотни эркин, қаршиликсиз излаш, олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқини беришни назарда тутди. Албатта, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотлар, қонун доирасидаги бошқа чеклашлар бундан мустасно. Фикр ва фикрни эркин ифода этиш ҳуқуқи давлат сирини ё бошқа турдаги махфийликни сақлаш зарурати туфайли чекланиши мумкин. Жамият манфаатлари нуқтаи назаридан қонун ҳокимият ва бошқарув органлари, нодавлат ҳамда жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш институтлари зиммасига ўта муҳим воқеа-ҳодисалар ва фактлар ҳақида матбуотда мунтазам равишда хабар бериб бориш вазифасини юклайди. Илк бор қонунчилик лаҳжасига мамлакат учун тамомила янги бўлган «ахборот эгаси», «ахборот хўжайини», «ахборот захиралари» каби тушунчалар кириб келди.

Мамлакат Президенти Олий Мажлис сессияси-

да таъкидлаганидек, бугун республика оммавий ахборот воситалари давлатимиз ҳамда чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чуқур тушуниб, таҳлил қилиш қобилиятига эга малакали, масъулиятли журналистларга, ўз касбининг ҳақиқий усталарига кучли эҳтиёж сезмоқда. Бу эҳтиёжни қондириш учун университетларда янги журналистика факультетлари очилмоқда, журналистлар корпусини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг шакл ҳамда усуллари такомиллаштирилмоқда. Халқаро журналистларни тайёрлашга киришилди. Журналист кадрларнинг малакасини ошириш, уларни муайян тармоқлар бўйича ихтисослаштириш жараёни жадал давом этмоқда. Бугун иқтисодчи-журналистлар, муҳандис-журналистлар, аграр-журналистлар, эколог-журналистлар ва шу кабилар кўплаб топилади. Бундай ихтисослашув ҳозирданоқ кутилган натижани бeryпти.

Шу билан бирга ҳали ҳам ахборот-таҳлилий ва ижодий савияси паст нашрлар мавжуд. Бу гап ҳам жойлардаги, ҳам республиканинг айрим ахборот органларига, жумладан, расмий нашрлар ва электрон оммавий ахборот воситаларига тегишли. Хусусий ОАВ, айниқса, радиостудиялар хусусида гапирмаса ҳам бўлади.

ОАВ вазифалари қаторига қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари қандай ижро этилаётгани, давлат ҳамда амалдорлар ўз бурч-мажбуриятларини қандай бажарётгани устидан доимий жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам киради. Айни шулар орқали ҳар бир газетхон, ҳар бир томошабин ва радиотингловчи ўз фикрини ифода этиш имкониятига эга. Бундан ОАВ-

нинг яна бир муҳим вазифаси келиб чиқади. Бу – жамиятнинг демократик қадриятлари ва идеалларини ҳимоя қилиш, одамларда сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий онгни шакллантириш бўйича фаол иш юритиш.

Ижтимоий фикрга таъсир ўтказиш воситаси, жамият ҳолатининг барометри бўлган ОАВ жамиятда ошкораликни ва очиқликни таъминлаб беради. Таассуфки, улар ҳамиша ҳам ўзларининг бу вазифаларини сидқидилдан бажаришмаяпти. Бизнингча, бунга ижтимоий фикрни ўрганиш механизмларининг етарли даражада ривожланмагани ҳам халал берапти. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг IX сессиясида таъкидлаганидек, «бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим».

Жамиятда сиёсий маданият, сиёсий онгни шакллантиришда сиёсий институтлар орасида айнан ОАВ ҳаммадан кўра кўпроқ сафарбар бўлиши керак. Аҳолининг сиёсий фаоллиги ошмаса, у ўтиш даври шароитида мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида, давлат қурилиши жараёнларида кенг иштирок этмас экан, жамиятни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантиришнинг имкони бўлмайди.

Расман фаолият юритаётган тўрт партия ҳам, уларнинг матбуот органлари ҳам ҳали жамият сиёсий ҳаётининг катализаторига айланганича йўқ. Улар орасида тортишув йўқ. Аслида улар бир-бирига соғлом муҳолифатда бўлиши, ўзини ўзи ривожлантириши, жамиятда етакчилик қилиш учун курашиши, демократик янгиланишларни жадаллаштириш, дав-

лат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш бўйича янги ғояларни тақдим этиши керак. Бикамерализм шароитида сиёсий партиялар ҳокимият учун қаттиқ курашга киришиши, 2004 йилдаги сайловда янги икки палатали парламентдаги ҳар бир ўрин учун рақобат қилиши даркор. Жамиятда соғлом муҳолифатнинг мавжуд бўлиши уларга, уларнинг асл демократик позициясига боғлиқ. Соғлом муҳолифатсиз эса бирорта ҳам цивилизациялашган давлат мавжуд бўлмайди.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатларни ҳозирги заиф, мўрт ҳолатдан чиқариш йўли тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида ҳақиқий кўп партиявийлик тизими ва демократик парламентаризмни, жамият сиёсий майдонида тан олинган демократик муҳолифат пайдо бўлишидан иборат. Бу партия нашрларининг фаолиятида ҳам акс этиши керак.

Ушбу йўналишда муайян ишлар қилинди, давлат ҳокимияти тизимини такомиллаштириш бўйича референдум ўтказилди. «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун билан ҳуқуқий база таъминланди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, матбуот эркинлигининг кафолати ахборот соҳасида бозор муносабатларини ва рақобатни ривожлантиришдадир. Бугун ОАВ олдида иқтисодий шериклар топиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса, ўз навбатида уларнинг эркин, мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бозор келтириб

чиқарадиган мураккаб шароит ОАВ ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, уларнинг манфаатларини ифода этадиган, журналистлар ҳамжамияти истиқболини белгилайдиган, касбий фаолиятнинг ички қоидаларини тартибга солиб турадиган корпоратив тузилмалар ташкил этишни тақозо қилади.

Давлат ахборот органларининг мулкчилик шаклидан, ададидан, қамровидан, қандай мавзуга йўналганлигидан қатъи назар, ахборот маконида барча иштирокчилар ўртасида ҳалол рақобат юзага келиши учун шароит ярата бошлади. Бунинг учун ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустақкамлаш талаб қилинади. ОАВ соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари, шунингдек, телерадио фаолияти тўғрисида қонунлар қабул қилинса, шундай асос яратилган бўлар эди. Бошқаларидан кўра биринчи қонун, бўлак кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор ва амалдорлар, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ҳамда бошқаларнинг таъсиридан самарали ҳимоя қилишни таъминлайди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқароларнинг зарур ҳуқуқ ва эркинликларини, сўз ва ахборот воситалари эркинлигини, шунингдек, жамиятда амалга оширилаётган янгиланишларнинг ошкоралиги ҳамда очиқлигини таъминлайдиган демократик таъминларни амалий ҳаётга аниқ татбиқ этиш имконини беради.

*«Труд» 2003 йил 5 июль.*

# ДАВОМИ БОР ...

## МОСКВАДАГИ «ВАГРИУС» НАШРИЁТИ

### *«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИДА» КИТОБИНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ*

Муаллиф — ўзининг Ўзбекистон ҳақидаги илмий ишлари билан муштарийларга яхши таниш бўлиб қолган германиялик олим Леонид Левитин янги китобга «Президент Ислон Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари», деган остсарлавҳа қўйган.

Жанр хусусиятига кўра, қисман мемуар характериға эға бу китобни илмий публицистика, дейиш мумкин. Боз устиға, Марказий Осиё мустақил давлатлари ва Ўзбекистондаги вазиятни бугунги реалликларни инобатға олган ҳолда, тарихий ракурсда таҳлил этишға ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиққан муаллиф саховатли дўст, содиқ фарзанднинг ўз она юрти ҳақидаги мулоҳазакор ва мушоҳадали ҳикоячиси сифатида тасаввур қолдиради.

Л.Левитин Тошкентдаги Ўрта Осиё университетининг юридик факультетини тамомлаган, Қирғизистонда ишлаган, ҳозир ГФРда истиқомат қилади. Китоб мазмунида муаллифнинг ўзбек халқига, ўз Президенти раҳбарлигида миллий тикланиш йўлидан дадил бораётган инсонпарвар мамлакатға самимий, пок муҳаббати яққол сезилиб туради. Айтиш мумкинки, бу юз минглаб қочоқларға, турли халқларнинг етим қолган фарзандларига, жумладан, иккинчи жаҳон уруши йилларида яхудий болаларға бошпана берган халққа расман ҳурмат бажо келти-

риш ва ўз миннатдорчилигини изҳор этиш, бағрикенг бу халқнинг тарихда содир этган буюк инсонпарварлигига мадҳия, демакдир.

Муаллиф мусибатли 1941 йилда мардларча «Мен — яхудий» шеърини ёзган, яхудий миллатига қарши қирғинни, жиноятни қаҳр билан қоралаган буюк инсонпарвар шоир Фафур Фуломни эсга олади.

«Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» китоби — бу Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазаларидир. Китоб ўзининг тизимий концептуаллиги, мазмунининг яхлитлиги, ёритилган муаммоларнинг композициявий мутаносиблиги ва меъёрийлиги билан Л.Левитиннинг «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» номли биринчи китобидан фарқ қилса-да, айти пайтда, унинг янада тўлдирилган, мундарижавий мукамаллаштирилган ўзига хос мантиқий давомидир.

Иккинчи китобда таҳлил қилинган муаммоларнинг қамрови анча кенг ва хилма-хил, далилли материаллар ҳам тарихий—ретроспектив, ҳам перспектив ёндашувлар ўлароқ, мазмунан бойдир. Шу маънода иккала тадқиқотнинг мавзу жиҳатдан шунчаки муштараклигини эмас, айти пайтда уларнинг ижодий фаол ривожлантирилганлигини таъкидлаш ўринли.

Иккала китоб муштараклигини, энг аввало, уларнинг объекти ва субъекти белгилаб берган. Яъни китобларнинг бош қаҳрамони мустақил Ўзбекистон, унинг Асосчиси ва биринчи Президенти. Улар бир-бирини ўзаро тўлдиради, бир-бирига уйғунлашган ҳолда, китобнинг яхлит ягона сюжет йўналишини ташкил қилади. Муаллифнинг бир таъкидини

алоҳида қайд этиш лозим: бугун одамлар онгида мустақил давлат Асосчисининг номи Ўзбекистон ва унинг халқи билан бирга қўшилиб, бирлашиб кетган. Оқил ва фойдали бу китобларнинг бош ғоявий-тематик ўзаги ҳам шунда.

Китобнинг асосий мазмуни суверен Ўзбекистон раҳбарининг аниқ сиёсий фаолияти, унинг назарий қарашлари, ғоя ва фикрлари таҳлилига бағишланган. Бу қарашлар, ғоя ҳамда фикрлар муштаракликда ягона сиёсий ва ғоявий таълимот бўлиб, Президент сиёсий фалсафасининг яхлит мажмуий уйғунлигидан иборат. Муаллифнинг асосий позицияси китобнинг остсарлавҳасида аксини топган. Президентга ўз меҳр-оқибатини ошкора баён қилиш баробарида, муаллиф маддоҳликдан қочади, ақл-идрок билан таҳлилий танқидчи мақомини сақлаб қолади, Туркистоннинг тарихи ва яқин ўтмишига оид, яъни шу заминда яшаётган туб халқларнинг шаклланиши ва ривожланиши, мустақилликка эришиш ҳамда уни мустақамлашнинг оғриқли, кўпинча зиддиятли, машаққатли йўллари, Марказий Осиё давлатлари ва аввало, Ўзбекистондаги реал воқеликка фаол таъсир кўрсатадиган сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, руҳий, диний ва менталитетга хос омилларнинг бутун бир яхлит мажмуига боғлиқ масалаларнинг ўта мураккаблиги силсиласида Йўлбошчи шахсининг ролини идрок этишга ҳаракат қилади.

Муаллиф қонунчилик, парламентаризм тизими, иқтисодий сиёсатдаги, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги борасидаги муайян камчиликлар ҳақида танқидий мулоҳазалари ва қарашларини баён этиб, ўз амалий таклифларини беради. Буни муал-

лиф реал объектив сабабларни, миллий иқтисодиёт ривожининг ўзига хос жиҳатлари ва қийинчиликларини чуқур тушунган ҳолда қилади. Бу мулоҳазалар, шубҳасиз, муайян қимматга эга ва Ўзбекистонни ривожлантиришга ҳали хизмат қилади.

Муаллиф Президентнинг сиёсий фалсафасини ҳозирги замон жаҳон сиёсий тафаккури, халқаро ривожнинг сиёсий либерализми контекстида қарайди, уларни Ўзбекистон жамиятида демократик янгиланишлар реаллиги ҳамда ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мураккаб жараёнлари билан қиёслайди.

Суверен давлатнинг мустақил илк қадамлари синчковлик билан таҳлил қилинади. Айни пайтда, олдинги асрларидаги каби кескин жуғрофий-сиёсий манфаатлар ҳамон тўқнашиб турадиган минтақадаги асосий мамлакат ҳисобланмиш Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлида шаклланиб, ривожланиб бориши фонида «Фронтолди давлати» боби алоҳида илмий-амалий қиммат касб этишига гувоҳ бўламиз. Бобда гап ислом экстремизми ҳақида боради (қайд этиш лозимки, муаллиф экстремизм ҳақиқий исломдан, унинг инсонпарварлик ғояларидан мутлақ йироқлигини бир неча бор бот-бот таъкидлайди). Унинг анъанавий ва замонавий шакллари, тарқалишининг ўзига хос жиҳатлари ва усуллари очиб берилади. Дунёвий давлат ривожиди ислом омилининг муаммоларига, исломнинг тикланиш қонуниятлари ва унинг ҳуқуқий чекланишларига, шунингдек, яшил байроқ остидаги террорчиликка алоҳида эътибор берилади.

Ислохотларнинг машаққатли йўли ва унинг тўққиз йиллик яқунлари китобнинг охири бобида умум-

лаштирилган. Бобнинг мавзулари хилма-хил. Муаллиф ҳозирги Ўзбекистон ҳаётининг таълим ислоҳотларидан тортиб, элатлараро бирдамлик муаммоларигача барча соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистоннинг порлоқ келажак сари йўли — машаққатли, лекин тўғри йўл. Л.Левитин уни «Зулматдан зиё сари», деб атайди.

Агар мамлакатнинг ҳозирги нуфузи ва обрўйи тарихий ўзгармас ҳақиқатни белгиласа, Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссасини ифодаласа, бу нуфузнинг ошиши, муаллиф тўғри таъкидлаганидек, халқимизнинг тинимсиз меҳнати самарасидир. Муаллифнинг Ўзбекистон порлоқ истиқболга эга эканлигига, қатъий ишончи, назаримизда, тўла асослидир.

Китобнинг яқунловчи «Давоми бор» бобидаги номга ижодий нисбат ёндашган ҳолда, шунга аминмизки, Ўзбекистон, бир томондан, ислоҳотлар йўлида дадил қадамлар ташлайверади, бошқа томондан, булар барчаси Леонид Левитин каби мутахассисларнинг, холисона баҳосини олаверади. Демак, ҳаммаси давом этаверишига ҳеч қандай шубҳа йўқ!

*«Труд» 2001 йил 20 март.*

## МУНДАРИЖА

<i>Муаллифлардан</i> .....	6
<b>Янгитдан тикланган мамлакат (Сўзбоши ўрнида)</b> .....	7
Давр аҳамиятига молик шахс .....	10
Ҳождлар маждмуи .....	16
Демократия — қонун ҳукмронлигидир .....	20
Конституционализм .....	29
Иждтимоий давлат .....	38
Мутлақ талаб .....	32
Давлатнинг иммунитет тизими .....	50
<b>Даврни белгилаб берган инсон</b>	
Даврни белгилаб берган инсон .....	56
Буюк умидлар таждассуми .....	62
Барчага тушунарли позиция .....	71
<b>Асрларга тенг йиллар</b>	
Асрларга тенг йиллар .....	80
<b>Бозор иқтисодиёти сари йўл</b>	
Янгиланишнинг янги босқичи .....	93
Ютуқлар самараси .....	97
Янгиланиш дастури .....	104
Барқарор иқтисодиёт сари йўл .....	109
Мулқдор бўлса, муваффақият ҳам бўлади .....	116
Бизнес қонун ҳимоysi .....	123
<b>Ҳуқуқий давлат</b>	
Конституционализм орқали конституциявий давлат- чилик сари .....	132
Катта йўл босқичлари .....	139
Куч — адолатда .....	147
Қонун устуворлиги .....	154
Қонун кучи — инсонпарварликда .....	166
Парламентга иккинчи палата нима учун керак .....	172

<b>Ижтимоий давлат</b>	
Давлат – ишончли кафил .....	178
Инсон ҳаққи-ҳурмати учун .....	183
Ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари .....	194
<b>Фуқаролик жамияти</b>	
Замон амри .....	206
Манфаатлар устуворлиги .....	214
Жамиятда яқдиллик .....	220
<b>Террорчиликка қарши кураш</b>	
Таҳдидлар ва қарши чоралар .....	228
Тинчлик учун курашмоқ керак .....	235
Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик .....	246
Умумий хавфсизликни мустаҳкамлаш манфа- атларини кўзлаб .....	248
Тинчлик ва ҳамкорлик сари муҳим босқич .....	255
<b>Мафкуравий доктрина</b>	
Миллий ғоя: Ўзбекистонда бу қандай кашф қилинди .....	264
Инсон қорин ғами билангина яшамайди .....	272
Мафкура – миллатни, жамиятни, давлатни бирлаш- тирувчи байроқ .....	281
Матбуот ислохотларнинг очиклигини таъминламоқда .....	288
<b>Давоми бор</b>	
Москвадаги «Вагриус» нашриёти .....	296

**МУРОД ШАРИФХЎЖАЕВ  
ФАХРИ РАҲИМОВ**

**ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ  
БЕРГАН ИНСОН**

*Мустақил Ўзбекистоннинг  
илмий-публицистик қиёфаси*

Таржимонлар — *М. Қаршибоев, А. Бобоев*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2004

Муҳаррир *А. Аҳмедов*  
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*  
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*  
Мусахҳиҳлар *Н. Охунжонова,*  
*Ю. Бизаатова, Ж. Тоирова*

Босишга рухсат этилди 9.08.2004. Бичими 84x108<sup>1/32</sup> Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 15,96. Нашриёт-ҳисоб табоғи 15,0. Адади 5.000 нусха. Буюртма № 598. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа**  
**акциядорлик компанияси босмаҳонаси,**  
**700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**

